

С.Ю.ЮСУПОВ, С.Б.САТТОРОВ,
С.Р.БАЗАРОВ.

ҚҰЙЧИЛИК ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР



САМАРҚАНД - 20

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
С.Ю.ЮСУПОВ, С.Б.САТТОРОВ, С.Р.БАЗАРОВ.

ҚЎЙЧИЛИК ФАНИДАН АМАЛИЙ
МАШҒУЛОТЛАР
Ўқувқўлланма

САМАРҚАНД-2020

636.3
НО 91

Муаллифлар: С.Ю.Юсупов, С.Б.Сатторов, С.Р.Базаров.

Қўйчилик фанидан амалий машғулотлар: Қишлоқ хўжалик институтлари ва чорва йўналишидаги коллеж талабалари, чорва мутахассислар ва фермерлар учун қўлланма. бет.

Қўлланма биринчи марта ўзбек тилида, маҳаллий шароит инобатга олинган ҳолда тайёрланган.

Унда Ўрта Осиёда урчитилаётган ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан Ўзбекистонга келтирилган турли йўналишдаги қўйлар, улардан олинадиган майин, ярим майин, ярим дағал ва дағал жунлар учун белгиланган тайёрлаш андозалари, пўстинбоп ва мўйнабоп териларнинг сифатига баҳо бериш, қўйларнинг семизлик даражасини ва ёшини аниқлашга, бонитировка қилиш асосларига талабаларнинг мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилган.


Қўйчиликнинг асосий ишлаб чиқариш жараёнлари бўлган қўйларни қочириш, кўзилатиш, қўй жунини қирқишни режалаштириш, ташкил этиш ва уни ўтказиш, ҳамда кўчқорларни баҳолаш - апробациядан ўтказиш, наслнинг сифатига кўра баҳолаш ва уларни совлиқ отарларига беркитиш жараёнлари баён этилган.

Қўлланма қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари талабалари, олий ўқув юртларининг “Зоотехния” ва “Қорақўлчилик” таълим йўналишлари бакалавр, магистрлар, турли тонфа қўйчилик ва қорақўлчилик билан шуғулланадиган хўжаликларининг мутахассислари ва фермерлар учун мўлжалланган бўлиб, мазкур қўлланма бўйича таклиф ва эътирозлар қуйидаги манзилгоҳга юборилишни сўраймиз:

140154. Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 77 уй. Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти.

Тақризчилар; Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Зоотехния генетика ва урчитиш кафедраси профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Д.Холмирзаев.

Ўзбекистон Қорақўлчилик ва чўл экологияси институти директор муовини қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим. А.Газиев. 3



МУНДАРИЖА

Сўз боши

5

- 1 - машгулот. Кўй зотларининг ташки кўринишини баҳолаш ва уларнинг асосий тана қисмларини ўлчаш
- 2 - машгулот. Кўй ва кўзиларнинг конституционал типлари
- 3 - машгулот. Кўйларнинг ёшини аниқлаш
- 4 - машгулот. Кўйларнинг семизлик даражасини аниқлаш
- 5 - машгулот. Тўқимачилик толалари. Кўй жунинг асосий гуруҳлари, уларни олиш манбалари. Табиий жуннинг ўсимлик, синтетик ва сўнъий толалардан фарқи
- 6 - машгулот. Жун толаларининг гистологик тузилиши
- 7 - машгулот. Жуннинг ингичкалигини аниқлаш
- 8 - машгулот. Жуннинг узунлигини аниқлаш
- 9 - машгулот. Жуннинг нуқсон ва камчиликлари
- 10 - машгулот. Яноғи жун ва унинг элементлари
- 11 - машгулот. Дағал ва ярим дағал жундаги ҳар хил типдаги толалар миқдорини аниқлаш
- 12 - машгулот. Дағал ва ярим дағал жундан олинадиган тоза жун миқдорини аниқлаш
- 13 - машгулот. Кўй жуни ва тивити, эчки жуни ва тивити ҳамда туя жуни учун белгиланган тайёрлаш андозалари. Ювилмаган синфланган жунларини давлат андозаси талаблари асосида тойлаш, маркировкалаш, саклаш ва жўнатиш
- 14 - машгулот. Пўстинбоп ва мўйнабоп териларнинг ҳар хил турини тайёрлаш ва уларнинг сифатига баҳо бериш.
- 15 - машгулот. Режалаштирилган дағал, ярим дағал, ярим майин ва майин жунли кўй зотларини ўрганиш

- 16 - машгулот. Қўйларни бонитировка қилиш
- а). Дағал жузли қўйларни бонитировка қилиш
 - б). Ярим дағал жузли қўйларни бонитировка қилиш
 - в). Ярим майин жузли қўйларни бонитировка қилиш
 - г). Майин жузли қўйларни бонитировка қилиш
- 17 - машгулот. Қоракўл териларнинг сифатини баҳолаш
- 18 - машгулот. Қоракўл кўзиларни бонитировка қилиш мезонлари, танлашда амал қилинадиган белгилар, бонитировка калити. Бонитировка журналинини тўлдириш тартиби..
- 19 - машгулот. Ҳар хил гул (махсулдор) типдаги қоракўл кўзиларнинг тавсифи. Қоракўл кўзиларга эн солиш тартиби
- 20 - машгулот. Қора рангдаги соф зотли қоракўл кўзилар синификацияси. Қалами гул типдаги кўзилар синфларининг таърифи
- 21 - машгулот. Ясси гул типдаги қора рангли кўзилар синфларининг таърифи
- 22 - машгулот. Қовургасимон гул типдаги кўзилар синфларини қоракўл терилар мисолида кўрсатиб тасвирлаш
- 23 - машгулот. Кук қоракўл кўзиларининг ранг-туслари, шакллари ва бонитировка қилиш хусусиятлари
- 24 - машгулот. Асл зотли кук кўзилар синификацияси. Кўзиларга эн солиш
- 25 - машгулот. Кук кўзилар синфларининг тавсифи
- 26 - машгулот. Бухоро, Сурхондарё ва Қорақалпоқ сур қоракўл кўзиларини бонитировка қилиш хусусиятлари, уларни синификациялаш ҳамда эн солиш тартиби.
- 27 - машгулот. Қалами, ясси, қовурга гул типларга мансуб сур кўзилар синфларини тасвирлаш

- 28 - машгулот. Оқ қорақўл қўзиларни бонитировка қилиш. Оқ қорақўл қўзиларни синификациялаш ва синфларининг тавсифи
- 29 - машгулот. Қўйларга эн солиш
- 30 - машгулот. Қўйчиликда юритиладиган хўжалик ва наслчилик ҳисоб-китоб шакллари
- 31 - машгулот. Қўчқорларни апробациядан ўтказиш, саралаш ва уларни совлиқ отарларига беркитиш
- 32 - машгулот. Қўчқорларнинг наслининг сифати бўйича текшириш ва баҳолаш
- 33 - машгулот. Қўйларни қочиришни ташкил этиш ва уни режалаштириш
- 34 - машгулот. Қўйлар қўзилатишини ташкил этиш ва уни режалаштириш
- 35 - машгулот. Қўйлар жун қирқимини ташкил этиш ва уни режалаштириш

С Ў З Б О Ш И

Кўйчилик фанидан ўтказиладиган амалий машгулотлар учун мўлжалланган ушбу ўқув қўлланма биринчи маротаба ўзбек тилида чоп қилинмоқда. Қўлланма Кўйчилик ва эчкичилик фанининг ўқув дастурига мувофиқ қўшимча қўлланма сифатида ёзилган бўлиб, унда талабаларни амалий билимлар ва ишлаб чиқаришда зарур бўладиган малакани бериш кўзда тутилган.

Талабаларга осон бўлиши учун ҳар бир машгулотни баён қилишда унинг мавзуси, мақсади, ишлашда керак бўладиган моддий ашёлар, машгулотнинг мазмуни ва ўтказиш услуби дастур асосида кўрсатилган. Булардан ташқари, мустақил машгулот учун топширик ва ўз-ўзини текшириш учун саволлар берилган. Масалан, Марказий Осиёда думбали ярим дағал ва дағал жун берувчи кўй зотлари – Ҳисор, жайдари, эдилбой, тожики, сирож, олой, ярим майин жун берувчи дегересс, барра жун берувчи – қоракўл, гўшт-жун берувчи ярим майин жунли Охангарон (ўзбек кўйлари), Паркент кўйлари, Тянь-Шон кўй зоти, майин жун берувчи козоқ архарамериноси, козоқ майин жунли кўй зоти, Жанубий ва Шимолий козоқ меринослари. Майин жунли кўй зотларининг гуруҳлари ва зоти яхшиланмаган кўйларга вақтни етарлича ажратиб кўпроқ ярим дағал ва дағал жунларнинг нуқсон ва иллатларига, жуннинг тоза чиқимини аниқлашга ва хоказоларга аҳамият берилиши лозим.

Қўлланмада қуйларнинг тана тузилиши, конституция типи, ёши, семизлик даражасини, жуннинг кўрсаткичларини аниқлаш, пўстинпоб ва мўйнабоп кўй териларининг, Ўрта Осиёда урчитилиши режалаштирилган майин, ярим майин, ярим дағал ва дағал жунли кўй зотларини ўрганиш, қоракўл терисининг барча хусусиятларини ўрганиш ва бонитировка қилиш, кўзиларни онасидан ажратиш ва отарлар тузиш, қўчқорларни апробация қилиш ва насл сифатини баҳолаш, кўйларни суғий уруғлантиришни ташкил этиш ва ўтказиш, кўйларни кўзилатишни ташкил этиш ва ўтказиш, жун қирқими мавсумларини ташкил этиш уни ўтказиш мавзуларидаги амалий ва лаборатория машгулотларини ташкил этиш батафсил кўрсатилган.

Лаборатория-амалий машгулотларнинг айрим соатларини ўқув адабиётлардан фойдаланиб мустақил таълим шаклида ўтказиш керак. Асосий ишлаб чиқариш жараёнларининг режаларини тузиш, кўчкорларни апробациядан ўтказиш, саралаш ва наслнинг сифати бўйича текширишга бағишланган машгулотлар ишлаб чиқариш амалиётидан олиб келинган маълумотлардан фойдаланиб туриб, қисман уйда ишланади.

Талабалар лаборатория-амалий машгулотлар учун алоҳида дафтар тутишлари ва ҳамма маълумотларни унга ёзиб боришлари шарт.

Малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида кафедра тегишли лаборатория асбоб-ускуналари, муляжлар, кўзи ва кўй тулумлари, хар хил рангли ва ассортиментдаги коракўл терилар, хар хил йўналишдаги кўй зотларининг терилари, жунлари, кўйчилик махсулотларидан тайёрланган буюмлар, диаграммалар, плакатлар, фотосуратлар, слайдалар, ўқув фильмлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Мазкур фанни ўрганаётганда талабалар барча тоифадаги хўжаликларда коракўл тери ва жунга бирламчи ишлов берадиган кичик корхоналарда, фабрикаларда, пўстинбоп кўй териси ва кўй тери ишлаб чиқарадиган корхоналарда, гўшт комбинатларида (кушхоналарда), коракўл тери ва кўй гўштини саноат асосида етиштирадиган ихтисослаштирилган хўжаликлар, участка-кўра системасида кўй боқиладиган ва механизациялаштирилган бўрдокичилик майдончалари бўлган наслчилик ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларда, ўқув экскурсияларни уюштириш ва амалиётни ўтиш тавсия этилади. Жунларни синфларга бўлиб ўрганишни ўқув жараёни давомида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиб, кейинчалик бу жараёни бирор бир хўжаликда жун қирқими мавсумида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ давомида мустақил равишда ўрганиш тавсия этилади.

1 - МАШГУЛОТ

Мавзу: Қўй зотларининг ташки кўриниши баҳолаш ва уларнинг асосий ўлчамларини ўлчаш.

Машгулотдан мақсад - талабаларни хайвонларнинг ўлчамларига қараб конституция типи, зоти, ёши, махсулдорлигининг таснифи ва физиологик ҳолатини аниқлаш ўрганилади.

Ўқув ва кўргазмал қўлланмалар - Қўй танасининг асосий қисмларини ўрганиш бўйича хўжалигида ўтказилади. Қўй тулумларида ҳар хил қўй зотлари тавсирланган альбом ва дипозитлардан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Машгулотни ўтказиш тартиби - ўқитувчи экстерьерни аниқлашнинг турли усулларини кўз билан чамалаб кўриш, пайпаслаб, ушлаб қуриш, айрим тана ўлчамлари ўлчаб кўриш фото суратини олиб баҳолаш, турли зотга мансуб қўйлар экстерьернинг хусусиятларини талабаларга батафсил баён қилиб беради ва кўрсатади. Шундан кейин ўлчамларни ўлчаб ҳисоблаш кўрсатилади ва экстерьерни баҳолаш ҳамда тана тузилиши инденслари ҳисобланади.

Машгулотнинг мазмуни - аввало қўйларнинг экстерьерни дейилганда, уларнинг ташки тузилиши шаклларининг махсулдорлиги билан ўзвий алоқадорлиги тушунилади. Қўйлар танаси ўлчамларини ўлчаш учун амалда 3 та ўлчов асбобидан- ўлчов таёки, циркули ва лентасидан фойдаланилади.

Экстерьерини ўрганиш бўйича қўйилган мақсадларга қараб ҳар турли ўлчовлар олинади. Кўпинча қўйчиликда 9 та ўлчов олинади. Булардан ташқари яна сагрисининг кенлиги, кетининг қўймич думбокларигача ёнланма узунлиги ва бошқа ўлчовлар ҳам олинishi мумкин.

Хайвоннинг экстерьерни ҳақида тушунча одатда уни кўздан кечирганда унинг ишлаб чиқариш йўналишига, зотига, жинсига, конституциясига, ёшига ва бошқа белгиларга қараб қўйларни ўрганиб чиқиб, унинг алоҳида тана қисмларини баҳолаш мумкин бўлади. Қўй танасининг айрим қисмларини ўрганишда қўйидаги белгилари ҳисобга олинади.

Ўлчов	Асбоб қўйиладиган нақталар	Ишлатиладиган асбоб
1. Ягринигача баландлиги	Ягрининг энг юқори нуктасидан ер юзасигача	Ўлчов таёғи
2. Думгазасигача баландлиги	Думгазасининг энг юқори нуктасидан ер юзасигача	
3. Гавданинг қия узунлиги	Лка-кукрак бугинидан қўймич думбогигача	
4. Кўкрагининг чиқурлиги	Гринидан кўкракнинг орқа бурчагига уринма қилиб, туш суягининг пастки юзасигача	
5. Кўкракнинг кенглиги	Кўкракнинг орқа бурчагига уринма қилиб, кўкраклар орқасигача	
6. Кўкрак айланаси	Кўкракнинг орқа бурчагида уринма қилиб, олинган тик чизик бўйлаб	Ўлчов лентаси
7. Поча айланаси	Поча уетки учидан бир қиёмининг пастидан	
8. Бошнинг узунлиги	Қулоқ еуралари асосида бирлаштирадиган чизикдан тумшугининг учигача	Ўлчов циркули
9. Бошнинг кенглиги (пешонасининг кенглиги)		

Қўйларнинг экстерьерини баҳолашдан олдин уларнинг айрим тана қисимлари билан танишиб чиқиш лозим:

Бош. Ҳар хил маҳсулот йўналишига эга бўлган қўйларда бош узунлигининг энига нисбатани нормал қўпол /оғир/ ёки нозик бўлиши мумкин. Меринос қўйларнинг боши 3/8 нисбатан бўлса нормал ҳисобланади 3 рақами

энини, 8 эса бошининг узунлигини билдиради. Гушт - жун йўналишидаги тез етилувчи қўйларда эса 4/8. Агар меринос қўйларида бошининг нисбати 4/8 бўлса кўпол, гар 2/8 бўлса нозик бўлади.

Бўйин меринос қўйларда ўртача ҳисобланади, агар уларнинг бўйин териларида 2-3 бурма бўлса, узун ва арриқ бўйин хайвоннинг нозиклигидан далолат беради. Тез етилувчан гўшт берувчи қўй зотларининг бўйини қисқа, юмалоқ ва огир бўлади. Гўшт-жун йўналишили қўйлар ягрининг баландлигидаги қирра ўсимталари деярлик сезилмайди, агар сезилганда ҳам жуда оз. Жун йўналишидаги ва дагал жунли қўйлар ягрини энсиз баланд бўлиб, уларнинг орқа чизигидан бироз кўтарилган бўлади. Жуда ҳам энгиз ва баланд ягрили қўйлар улар организмнинг ута нозиклиги ва конституциясининг бушашганлигидан далолат беради.

Кўкрак. Кўкрак чуқур ва чуқур эмас, кенг /юмалоқ/ ва тор /ёлпоқ кобиргасимон/ бўлиши мумкин. Кўкрак кенглиги ўлчовларидан ташқари, хайвонни олди ва ён томонидан қараш орқали аниқланади. Кенг кўкрак ҳамма йўналишдаги қўйларга хос хусусият бўлиб, айниқса гушт-жун берувчи қўйлар учун кагта ахамиятга эга, чунки хажми кагтта кўкрак кафаси кўпроқ гўшт тўрежасишига имкон туғдиради.

Орқаси узун, қисқа, тўғри ва замбербел бўлиши мумкин. Нормал орқали қўйларнинг ягринидан думгазасига бўлгандаги масофа, тўғри чизикли ташкил этади. Замбарбел, айниқса ёш қўйларда нуқсон ҳисобланади. Бундай орқали хайвон тана тузилишининг ожизлигидан далолат беради.

Бел узун ва қисқа, тор ва кенг бўлиши мумкин. Бел қисми гўштининг биринчи навлигини ҳисобга олган ҳолда, белининг кенглигига катта ахамият берилади. Бел орқа узунлигининг тахминан 1/3 қисмини ташкил қилади.

Сагриси кенг, тор, узун, қисқа ва нишаб бўлиши мумкин.

Нормал думгаза одатда узун, тўғри ва кенг бўлади. Бунда йкўринишдаги думгаза ҳамма йўналишдаги махсулотга эга бўлган қўйлар учун айниқса гушт ва гушт-жун берувчи қўйлар учун мақсадга мувофиқдир.

Оёғи тўғри ва кенг қўйилган бўлиши керак. Оёқнинг кенг қўйилиши хайвон гўшт шаклининг ривожланганлигидан далолат беради. Асосан қиймаглиси юқори қисми - кўкрак ва кейинги оёқнинг гўштдор қисми

хисобланади. Гўшт-жун берувчи қуйларнинг кейинги оёғининг гиуштдор қисми сакраш бугинигача тушган бўлиб, кейинги оёқларининг кенг қуйилиши ривожланганлигини ўтиргич думбоқчаси ва сакраш бўғинларининг ўртача жойлашган гўштдорлик учбурчагининг ривожланганлигини билдиради.

Амалда гўштдорлик шакли учбурчагининг яхши ривожланганлигини "оёғи тўла" деб юритилади. Жун йўналишидаги, озроқ микдорда жун - гўшт йўналишидаги қўйлар оёғининг тиза ва сакраш бўғини қисмида бироз яқинлашганликка йўл қўйилади. Думбали ва қоракўл қўйларнинг узун, пишик ва бақувват оёқли бўлиши, озик излаб узок масофаларни босиб ўтишига имконият тўғдиради. Тез етилувчан гўшт берувчи қўйларнинг оёғи қиска ва суяги ўртача салмоқда бўлиб, юқорида келтирилган хайвон танасининг муччаларини баҳолаганда, уларнинг жинси, ёши, зоти ва махсулотининг йўналиши албатта ҳисобга олинishi шарт.

Елти совлиқлардак хажмли ва иккита меъёрида ривожланган сургичи бўлиши керак.

Тери майин жузли қўйларда қалин ва зич, гўшт берувчиларида эса бўш ва юпка бўлади. Терининг сифати ва унинг ривожланиши кўп ҳолларда қўйлардан олинадиган жуннинг сифати ва микдорига боғлиқ бўлади. Жун йўналишидаги қўйлар энг кўп тери тўрламига эга бўлиб, гўшт йўналишидагиларнинг териси бурмасиз бўлади, гўшт-жун йўналишидаги қўйларда эса тери бурмалари деярлик бўлмайди.

Танаси ҳар хил мансуб қўйларда турли шаклда бўлади. Гўшт берувчи қўйларда у энли, чуқур, шакли жиҳатидан мутоносиб кенглиги параллеленипедга яқинлашади: танасининг олдинги, ўрта ва кейинги қисмлари бир-биридан деярлик фарқ қилмайди. Сут йўналишидаги қўй зотларининг танаси ноксимон шаклга эга бўлади. Турли йўналишга мансуб қўйлар тана энли, чуқур ва узун бўлиши билан бир-биридан фарқланади.

Олинган ўлчовлар натижасида уларнинг индекслари ҳисобланиб чиқилади.

Индекс - бу ўлчовнинг бошқа бир ўлчовга бўлган нисбатининг фоизларда ифодаланиши демакдир.

Турли маҳсулдорлик йўналишига мансуб қуй зотларининг ўлчамлари асосида талабалар хайвонлар индексларини аниқлайдилар ва бу индекслар қўй гавдаси қисмларининг нисбий ривожланишини аниқлашга имкон беради. Талабалар кўпинча узунёқлилик, кўкрак, тана чўзиқлиги, сикиқлиги, миқтилик, ўсиклик, серсуяқлик /суяқдорлик/, кенг пешоналик, катта бошлик /бош катталиги/, салмоқдорлик ва баъзи бир бошқа индексларни ҳисоблаб чиқадилар.

Жадвал I

Қуйларнинг гавда тузилиши индекслари.

Индекслар	Ўлчамлар нисбати	%
Узунёқлик	<u>Ягринигача баландлиги</u>	
	кўкрак чуқурлиги	* 100
Чўзиқлик	<u>Гавдасининг қия узунлиги</u>	
	Ягринигача баландлиги	* 100
Кўкрак	<u>Кўкрак кенглиги</u>	
	Кўкрак чуқурлиги	* 100
Сикиқлик	<u>Кўкрак айнаси</u>	
	Гавдасининг қия узунлиги	
Миқтилик	<u>Думғазасигача баландлиги</u>	
	Ягринигача баландлиги	* 100
Пишиқлик	<u>Почасининг айланаси</u>	
	Ягринигача баландлиги	* 100
Суяқдорлик		
Кенг пешоналик	<u>Пешонасининг кенг жойи</u>	
	Бошининг узунлиги	* 100
Бош катталиги	<u>Бошининг узунлиги</u>	
(катта бошлик)	Ягринигача баландлиги	* 100
Салмоқдорлик	<u>Кўкрак айланаси</u>	
	Ягринигача баландлиги	* 100

Қўйларни баҳолашни график усули экстерьер профилларини тузиш ва уларни талкин қилиб чиқишдан иборат бўлиб, бир зотга мансуб бир гуруҳ қўйларнинг кўрсаткичларини шу зотга мансуб бутун отар бўйича ёки бошқа бир зотга мансуб қўйларни характерловчи катталиклар билан, шунингдек жумхуриятимиз, вилоятимиз ва ниҳоямизда кенг тарқалган қўйларнинг мақсадга мувофиқ типларини характерловчи катталиклар билан таққослаб кўриш имконини беради. Ушбу маълумотлар 100 % деб олинади, изланаётган микдор эса фоиз билан белгиланилади. Сўнгра тегишли маълумотлар график усулда тасвирланади; натижада қўйлар экстерьерининг қиёсий таърифи келиб чиқади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар?

Қўйларнинг қанақа асосий ўлчамларини биласиз?

Қўйларнинг қанақа тана қисмларини биласиз?

Мъёрдаги бошли хайвон деб қанақа қўйлар айтилади?

Қандай қўйларлар бошининг узунлиги ва энини ҳисобга олган ҳолда қўпол ёки нозик қўйлар тоифасига киритилади?

Қандай қўқракли хайвонлар мақбул типли ҳисобланади?

Қўйларнинг қанақа тана белгиларини биласиз?

Қанақа оёқли қўйларни биласиз?

Терининг калин-юпқалиги уларнинг йўналишига боғлиқми ёки йўқми?

Гўшт йўналишидаги қўйларнинг танаси қандай шаклларда бўлиши мумкин?

Сут йўналишидаги қўйларнинг танаси қандай шаклда бўлиши мумкин?

Ўлчамлар қандай ва нима ёрдамида олинади?

Индекс нима?

Узун оёқлик индекси қандай аниқланади?

Чузиклик ва сикиклик индекслари деб қанақа индексларга айтилади?

Қўқрак ва суякдорлик индекслари қандай аниқланади?

Миктилик пишиклик индекси нима?

Нима учун суякдорлик индексини аниқлаймиз?

Кенг пешоналик ва бошининг катталиги индекслари нимани ифодалайди?

2 – МАШГУЛОТ

Мавзу: Кўй ва кўзиларнинг конституция типлари.

Машгулотдан мақсад - куй ва кўзиларнинг конституциясини аниқлашни ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмалар кулланмалар Машгулотни ўқув тажриба фермасида ўтказиш ўринлидир. Ўқув - тажриба фермасида ўтказиш ўринлидир. Ўқув - тажриба фермасининг турли йўналиш ва махсуддорликлардаги куйлар, куй ва кўзиларнинг тулумлари, қорақул терилар тасвирланган альбом, диапозитивлар.

Машгулотт ўтказиш тартиби. Ўқитувчи турли йўналиш ва махсулдорликдаги қўйлар, шу жумладан қорақул қуй ва қузилар конституция типларини талабаларга тушинтириб ва ва кўрсатиб беради.

Машгулотнинг мазмуни. Аввало қўйларнинг конституцияси дейилганда, удди бошқа чорва молларидаги каби, организмнинг ташқи кўринишини, саломатлиги, махсулдорлиги ва умуман ҳаёт фаолиятини (барча функцияларини) белгилаб берадиган ташқи тузилиши шакллар ҳамда ички хосса ва белгиларнинг биологик бирлиги тушунилади. Конституция хусусиятларини наслдан наслга ўтиб боради ва ирсиятга боғлиқ.

Махсулдорлиги жихатидан ҳар хил йўнанашига мансуб қўйлар суяклари, мускул тўқимаси, териси, тери ости бириктирувчи тўқимаси, ички органлари (овқат ҳазм қилиш органлари, ўпкаси, юраги ва хоказо)нинг яхши ривожланганлиги, яъни конституцияси жихатидан бир-биридан фарқ қилади.

Конституциясининг шаклланишига ирсият билан бир қаторда ташқи муҳит, айниқса қўйларни боқиш шароити ҳам бир мунча таъсир этади. Тегишли боқиш усулларини қўллаш йўли билан модда алмашинув жараёнларининг боришини бошқариш ва уларни керакли томонга йўналтириш мумкин.

Генотип ва муҳит - қўйлар конституциясининг шаклланишини белгиловчи омиллардир.

Турли йўналиш ва махсулдорликлардаги қўйлар ўзларининг фенотиплари жихатидан бир хил эмас, улар конституцияси хусусиятларига кўра қўйдаги типларга бўлинади.

1. **Қўпол конституцияли** қўйларнинг териси жуда ривожланган, суяклари қўпол, йирик, мускули анча йирик, аммо бириктирувчи ва ёғ тўқималари қўп эмас. Ёғ қатлами юпка Бундай конституцияли хайвонлар сифатли махсулот етиштиришга яхши мослашган бўлади, секин семиради, сергўштлиги кам, лекин чидамлиги билан фарқланади.

2. **Нозик конституцияли** дағал конституциясининг аксидир. Мазкур конституция типдаги қўйлар юпка, осон текисланадиган, бурмали териси ва унинг сиртки нозик, сийрак жун билан қорезаганлиги: суяклари ингичка, боши кичкина ва енгил, оёқлари ва думи кичкина бўлиши билан характерланади. Унинг жуни майин жунли қўйларга хос.

Мустахкам конституцияли қўйлар тери остида ва ички органларида бириктирувчи тўқима ва ёғ қатламлари етарли ривожланганлигида, мускул пишик ва курук; бугинлари кўзга ташланиб турадиган ва гавдаси миктидан келган ҳамда тўла эканлигида ифодаланади. Пишиқ конституция мускулининг кучи ва сут безининг фаолияти намоён бўлиши учун қулайдир. Бундай типда тузилган қўйлар ташқи мухитнинг ҳар хил шароитига яхши мослашади. Сержун қоракўл ва сут учун бокиладиган қўй зотлари шу конституцияга киради. Пишиқ конституция кўпроқ жун сут ва барра-тери йўналишидаги қўйларга хосдир.

Бўш конституция пишик конституциянинг аксидир. У тери ости ва ёғ тўқималарининг кучли ривожланганлигида, мускуллари орасида ва ички органларида анчаагина ёғ тўрежасишида, гавдасининг вазмин ва кенг бўлишида ифодаланади. Бундай қўйлар юкори даражада семирувчанлиги билан варк килади. Бўш конституция ихтисослаштирилган гўштдор қўйларга кўпроқ хосдир.

П.Н.Кулешов тадқиқотлари асосида яратилган тўрт хил конституция синифиткациясини М.Ф. Иванов мустахкам конституция типини билан тўлдирди. Бу тип таърифи жихатидан П.Н. Кулешовнинг пишик типига яқин туради. Бундай конституция типидagi моллар нозиклик ва бўшлиқ белгилари йўқ. Айни вақтда аниқ кўриниб турадиган дағаллик белгилари ҳам йўқ. Уларнинг суяги мустахкам, бақувват (аммо дағал эмас), териси ўртача калинликда, тери ости ва ёғ тўқималари ўртача ривожланган бўлади, улар соғлом, ҳамда касалликларга яхши чидай олиш қобилияти билан фарк килади.

Одатда ҳар бир индивиднинг соғлигини яхшиловчи ва чидамлигини таъминловчи мустахкам конституция барча наслдор моллар учун гоёг маъқул конституциядир.

Асосий маҳсулоти барра тери бўлган қоракўл қўй зоти ўзининг конституция хусусиятига кўра қуйидаги типларга бўлинади.

Мустахкам тип - "Гўзамоӣ", бу типга кирадиган қўйлар кимматли бўлиб, урчитиш шароитларига яхши мослашган, меъёрида ривожланган, суяклари бақувват бўлади. Жун қолами калин, тигис, ўртача катталикидаги толимчалардан ташкил топган, толимчалари жунининг $\frac{1}{3}$ қисми ёйилиб

туради, қўйлардан кўпинча 1-2 синф жун қирки олинади. Боши, корни, оёқлари жун билан яхши қорежаган. Бундай хайвонларнинг энг кўп фозини ўртача гул ўлчамдиган жингалакли қўйлар ташкилд этади.

Қупол (оқ гул) типдаги қуйлар анча кучли ривожланган, жуда суяқдор, боши қўпол, жуни анча оқарган, дағал бўлади. Жунида дағал, узун қилчиклар кўп, толимлари йирик, кам буралган ёки тўғри, охиригача ёйилиб туради, жунининг узунлиги 6-14 см, сифати 1-2 синф, бу типдаги қуйлар гўзамойдан кўра кўпроқ жун беради. Бу хайвонлар бир мунча йирик вази 48-54 кг. Улар тез семиради, аммо сер ўтловларни талаб қилади. Ва озиқ етишмай қолганда тез озиб кетади. Бу гурхга кўпроқ йирик гул ўлчамдаги жингалакли қуйлар қиради. Қўпол типдаги кўчкорлардан наслчиликда фойдаланилмайди.


Нозик тип - (нозик) қорақўл қўйлар нозиклашгани билан гўзамойдан фарқ қилади, суяқлари бир мунча нозик жуни анча ингичка, бир мунча қалин текис, сифати жихатидан кўпинча 1 синфга қиради, тивит ва оралик толалари кўп бўлади. Мазкур типга мансуб хайвонлар қишда яхши чиқади, жунининг узунлиги 4-11 см, бир қисми ярим дағал тоифага қиради.

Ўта нозиклашган тип - (қирриқ) бу қўйларнинг жуссаси кичик, суяқлари нозик, жуни анча ингичка, қалин, қалта (3-4 см), асосан 1 синфга қиради, жунида тивит ва оралик толалари кўп.

Вояга етган қўйларнинг жун-конституция типни хайвонларнинг нечоғлик ривожлангани, соғлиги, боқиб-урчитиш шароитларига мослашгани ва жун маҳсулдорлигини таърифлаб берадиган кўрсаткичдир. Жун конституция кўрсаткичларининг бўлмаслиги хайвонни яроқсиз пучакка чиқаришга асос бўлади.

Қорақўл кўзиларининг конституция типлари.

Қорақўл кўзилар туғилганида қай даражада ривожланганлигига, конституциясига қараб баҳоланади ва уч гуруҳга бўлинади: мустаҳкам, қўпол ва нозик. Кўзиларни шу тариқа гуруҳларга бўлиш учун кўзи жуссасининг катта-кичиклиги, суяқлари ва оёқларининг нечоғлик ривожланганлиги, бошининг катта-кичиклиги, шакли, терисининг қалинлиги, гул ўлчамлигига ва бошқаларга асосланади.



Конституциясининг кай даражада ифодаланганлиги қўзининг она қорнидаги ривожланиш шароитларига, бугоз совликнинг орик-семизлигига, ёшига, қорнида нечта боласи борлигига кўп чихатдан боғлиқ. Бирок конституция, асосан, хайвоннинг табиатига, унинг ирсиятига боғлиқ бўлади. Ривожланишнинг вақтинча сусайиб қолганини кейинчалик боқув шароитларини яхшилаш йўли билан бартараф этиш мумкин.

Мустваккам (бакуват) тип - бундай қузилар меъёрида ривожланган, тирик вази 4,0-4,5 кг келадиган суяклари бакуват, тана тузилиши мутаносиб, териси юпка ёки бироз калинлашган, пишиқ, жун қоплами ипаксимон, ялтироқ, гул ўлчами йириклашган, лекин ўртача ўлчамда бўлиши ҳам мумкин, тана иккинчи даражали қисмларининг жун билан қорежасиши етарсиз.

Нозик тип - бундай қузилар майда, вази 3,0-3,8 гача боради, суяклари ихчам, боши юз қисми ҳисобига узун тортилган, тор, тушшуги тўғри ёки сал ботик, оёқлари ингичка, нисбатан узун, гавдаси ихчам, териси юпка, гул ўлчами асосан майда, гоҳо ўртача, тана иккинчи даражали қисмларининг жун билан қорежасиши яхши, баъзан бироз сийрақроқ бўлади, терисининг захираси кам.

Чорвачилик амалиётида конституция асосан экстерьерга қараб аниқланади. Экстерьер - хайвоннинг махсулдорлиги билан ўзаро боғланган ташқи шакллари тўғрисидаги тушунчадир.

Экстерьер хайвон танаси айрим қисмларининг ривожланганлик даражасига қараб баҳоланади.

1-топширик

Қўйларнинг қўйидаги асосий ўлчамларини (см. ҳисобида)

№ 1 шакл асосида олиш (бир хайвон 2 та талабага)

Қўйнинг қулоқ рақами	Ўлчовлар (см. ҳисобида)								
	Яғриниғача баландлиги	Думгазас иғача баландли ги	Гавданинг қия узунлиги	Қўкракни иғ чуқурлиги	Қўкракни иғ кенглиги	Қўкрак айланаси	Поча айланаси	Бошнинг узунлиги	Бошнинг кенглиги

2-топширик

Қўйлар тана тузилишининг қўйидаги индексларини ҳисоблаб чиқинг (% ҳисобида)

натijasини № шаклга ёзинг

Қўйнинг қулоқ	Индекслар (% ҳисобида)

раками	Узундөслиги	Чүзүксизлиги	Күзгүрак	Миктилик, пишиксизлик	Суякдорлик	Кенгпошна лик	Бошининг катталыгы	Салмоклор лик

3 – МАҒУЛОТ

Мавзу: Кўйларнинг ёшини аниқлаш

Машғулотдан мақсад - талабаларни турли кўй зотларига мансуб ҳар қайси ёшдаги кўйларнинг тишларига қараб ёшини аниқлашни ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмали кўлланмалар - турли зотга мансуб кўйларнинг типли заглари, жағлар тасвири туширилган диапозитивлар, альбомлар, ўқув кўлланмалар. Ҳар хил ёшдаги турли йўналишдаги (думбали) барра тери берувчи ва ҳоказо, йўналишдаги кўйлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби - тушунтириш, ёзиб олиш ва мустикал ишлаш. Бу машғулотни турли кўй зотларини урчитувчи бир неча хўжаликда ва институтнинг ўқув фермасида ўтказган маъқул.

Машғулотнинг мазмуни - кўйларнинг ёши турли йўллар билан аниқланади, жумладан тугилган вақти қайд этилган ёзувларга, кулоқларидаги белгиларига, ташки кўриниш ва тишларига қараб.

Кўйларнинг ёшини аниқлашнинг энг ишончли усули биринчи икки услубдир, аммо уларни амалда хамиша ҳам куллаб бўлавермайди, сабабини тушунтириб бериш керак. Кўйларнинг ташки кўринишига қараб ёшини аниқлашда қора ва тўқ рангли кўйларнинг тмшуги билан танасидаги жунида оқариб қолган жуллари пайдо бўлгани, шунингдек экстерьерда ўзгариш борлиги (Жуссасининг қатга кичиклиги, оёгининг узун-қисқалиги, кўкрагининг чуқур эмаслиги, тананинг узун-қисқалиги, замбар беллиги ва бошқалар) ҳисобга олинади. Бироқ бу услуб унчалик аниқ эмас. Шу сабабдан вояга етган кўйларнинг ёши тезкор усул ёрдамида, яъни тишларининг қанча алмашгани, емирилганликгига ва тушганига қараб аниқланади.

Тишларнинг алмашиниши ва емирилиши кўйларнинг зотига, жинсига, нечоғлик тез етилувчанлигига, конституциясига, индивидуал хусусиятларига, яйловда боқилиш шароитига, озиқа рационнинг таркиби (рациондаги сершира, юмшоқ ва қаттиқ озиқлар нисбатига) ва ҳоказоларга боғлиқ.

Зоти, жинси ва бошка хуеусиятларидан катъий назар барча вояга етган қўй зотларида 32 ти тиш бўлади, шулардан 8 таси факат пастки жагда бўладиган кесувчи (кўкрак) тишлари ва 24 таси пастки ва устки жагнинг хар қайси томонидан 6 тадан бўладиган жаг тишларидир.

Вояга етган қўйнинг тиш формуласи $6+0+6+ = 32$

$$6+8+3$$

Пастки жагнинг олдинги кисмида жойлашган тишлар кесувчи тишлар деб аталади, улар 8 та бўлади. Кесувчи тишларнинг энг ўртадаги икки жуфтига омбур тишлар тишлар дейилади: улардан кейин ўнг ва чап томонида биттадан тиш келади, булар ички ўрта кесувчи тишлар деб аталади, кейин кейин кесувчи тишларни учинчи жуфти - ташқи ўрта кесуви тишлар билан тўртинчи, чап ва ўнг томонда, хаммасидан четда турадиган четки кесувчи тишлар келади.

Қўйларнинг кесувчи тишлари ва сохта жаг тишлари икки турдаги тишларга, яъни сут тишлар билан доимий тишларга бўлинади. Доимий кесувчи тишлар сут тишлардан сербаррок, окрок ва йирикрок бўлади. Қўйларнинг йўналиши ва зотидан катъий назар, уларнинг тишлари умри буйича алманишиб боради, нисбатан кичикрок ва саргичрок сут тишлар ўрнига доимий тишлар чиқади. Қўйлар 4 яшар бўлгунча сут кесувчи тишларнинг доимий кесувчи тишлар билан алманишига қараб аникланади.

Кеч етилувчи қўй зотларининг (коракўл) қўзилари тишсиз, тез етилувчан қўй зотларининг (хиссор, дилбой, жойдори, ўзбек гушт-жун берувчи қўйлари ва хоказолар) қўзилари тишсиз ёки иккита кесувчи тиши - омбур тишлари чиқиб туғилади.

Бир ой бўлганида қолган ҳамма кесувчи тишлари чиқади, бунда 1,2 ва 3 сохта жаг тишлари ҳам чиқади (тишларнинг умумий сони 20 та бўлади) ва уларнинг тиш формуласи қўйидагича бўлади: $3+0+3 = 20$

$$3+8+3$$

Тўккиз ойлик бўлганида биринчи ва иккинчи асл жаг тиш чиқади (тишларнинг умумий сони 28 та бўлади) ва уларнинг тиш формуласи

$\frac{5+0+5}{5+8+5} = 28$ бўлади.

12 ойлик 18 ойлик бўлгунча биринчи жуфт сут омбур тишлар доимий тишлар билан алмашинади. Худди мана шу даврда 3 асл жағ тиш ҳам чиқади (тишларнинг сони 32 та бўлади). Уларнинг тиш формуласи юқорида келтирилган вояга етган қўйларнинг тиш формуласида бўлади.

Икки ёш бўлганда ўрта кесувчи тишлар алмашинади. Бунда 1-2 ва 3 та жағ тишлар ҳам доимий тишлар билан алмашинади.

2,5 ёшдан 3 ёш бўлгунча ташки ўрта сут кесувчи тишлар доимий тишлар билан алмашинади.

3,5 ёшдан 4 ёшгача четки кесувчи тишлар тушиб, ўрнига доимий тишлар чиқади.

Тўрт ёшли қўйнинг тиш қатори текис, тишлари яхши туташган, хали емирилмаган бўлади. Тўрт ёшдан катта қўйларнинг ёши кесувчи тишларининг нечоғлик емирилган ва улар ўртасидаги тиркишларнинг катта-кичиклигига қараб аниқланади.

Беш ёшга бориб, барча кесувчи тишларнинг устки четлари емирилиб овал шаклини эгаллайди.

Олти ёшда эса емирилган тиш юмалок шиклини эгаллаб, уларнинг орасида тиркиш пайдо бўлади.

Етти ёшдаги кесувчи тишлар кўпроқ даражада емирилган бўлиб сийрақлашади, кимирлай бошлайди ва тушади.

Саккиз ёшда кесувчи тишларнинг фақатгина остки тўнка қисми қолади, тишларнинг кўпроқ қисми кимирлай бошлайди ва осонгина тушадиган бўлиб қолади, қуйлар озикни яхши чайнаб ея олмайди, бундай хайвонлар яроксиз (бракга) чиқарилади тиши туфайли яроксизга чиқариш деб шунга айтилади.

Мустақил иш учун топшириқлар

Талабалар хайвонларнинг ёшини тирик қўйлар устида ёки кафедрада коллекция қилиб қўйилган ҳар хил ёшдаги қўйларнинг жағлари мисолида мустақил аниқлашлари керак.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар?

Бир ойлик, 9 ойлик қўзиларда ва вояга етган етук қўйларда нечтадан тиш бўлади?

2. Уларнинг тишформуласини ёзиб курсатинг.

3. Кесувчи тишларнинг номларини айтиб беринг.

Кесувчи сут тишлари билан кесувчи доимий тишлар ўртасида қанақа фарқ бор?

Сохта жағ тишлар билан асл жағ тишлар ўртасидаги фарқни айтиб беринг?

Қайси ёшда қўйларнинг оғзига барча тишлари тўлиқ бўлади?

Қўйларнинг ёши қанақа тишларига қараб аниқланади?

Тўрт ёшдан катта қўйларнинг ёши қандай белгиларга қўра аниқланади?

Қай маҳалда ва нима учун қўйлар яроксизга чиқарилади?

Нима учун айрим қўй зотларининг тишлари тез сирилади, айримларники эса секин?

Қўй зотлари ёшини аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?

Нима мақсадларда қўйлар ёшини аниқлашнинг тезкор усули кўпроқ қўлланилади?

4 – М А Ш Ғ У Л О Т

Мавзу: Қўйларнинг семизлик даражасини аниқлаш.

Машғулотдан мақсад - талабаларга ҳар турли семизликдаги қўй зотларида, уларнинг семизлик даражасини аниқлашни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали кўлланмалар - қўйларнинг семизлик даражасини аниқлашда ишлатиладиган давлат андозаси, уларнинг семизлик даражасини аниқлашда асос қилиб олинадиган белгилар билан таништириш, ўқув кўлланмалар ва турли семизликдаги қўйларга топширилаётган қўйлар, кўрсатма ва жадваллар.

Машғулотни ўтказиш тартиби- тушунтириш, ёздириш, мутақил ишлаш.

Машғулотнинг мазмуни - ҳар хил зот ва йўналишига мансуб қўй зотларининг семизлик даражаси ўқув юртининг ўқув тажриба фермасида, ёки ишлаб чиқариш амалиёти даврида турли топфадаги хўжаликларда, қўйларда (гўшгкомбинатларида), гўшгга топшириш вақтида ва қочириш мувеумиди олдин, қўйларнинг ҳолатини аниқлаш ва озиклантириш тартибини бошқариб бориш учун йил давомида вақт-вақти билан аниқлаб туриш мақсадида ўтказилади. Бунда талабалар ҳар бир гуруҳга уч кишидан бўлиб, ҳар қайси гуруҳдаги талабалар 15 та қўйнинг семизлик даражаси яъни 5 та ўртачадан юқори, 5 та ўртача ва 5 та семизлик даражаси ўртачадан паст қўйларда аниқланади.

Қўй тириклигидаги семизлик даражаси гушт сифатини аниқлашнинг муҳим белгиси бўлиб, у қўйни кўриб чиқиш ва ёғ тўпламидаги жойларини қўл билан пайпаслаб кўриш йўли билан аниқланади. Кўпгина қўй зотларининг орқа ва бел умуртка поғоналарида, қўймич дунглари, қабиргалар орасининг мускул ва ёғ тўқималари билан тулганлигига, човида қанчалик ёғ тўрежаганлигига, ҳамда терисининг ҳаракатчанлигига қараб аниқланади. Бунда қўйзотининг йўналиши, ёши ва гавдасининг шакли ҳам ҳисобга олиниши шарт. Ўзтибор бел ва қабиргалар терисининг остида ёғ тўрежаси микдори, думбали қўйларда

думбасига, ёгли думли қўйларнинг думига қаратилади. Қўйнинг семизлиги ошган сари, уларнинг сўйилганидаги гўштидаги суяклар миқдори нисбат оз бўлиб, бириктирувчи тўқималарнинг миқдори кескин кўпаяди ва мускул тўқимасининг миқдори ҳам анча ошади.

Қўйларнинг семизлик даражаси тўрт тоифага (категорияга) бўлиб ўрганилади: ўртача юкори, ўртача, ўртача паст ва орик.

Юкори даражадаги семизлик. Орка белининг мускулларини ушлаб кўрганда яхши ривожланган; орка ва бел умуртка суякларининг ўткир ўсимталари бўртиб чикмаган ягрининика эса чиккан; белидаги тери ости ёғи яхши аниқланган; орка ва қобиргалари да ёғ ўртача даражада тўрежаган. Кўп миқдорда ёғ думбали қўйларнинг думбаси, ёгли думбасида, ёгли думли қўйларнинг думида тўрежаган бўлиб; думбасининг тўлалиги яхши. Териси харакатчан, ён томонга яхши тортилган.

Ўртача даражадаги семизлик. Орка ва белининг мускулларини ушлаб кўрганда қоникарли: суяги қуймиш ва белининг умуртка погоналарининг ўткир ўсимталари озгина чиккани; орка умуртка погоналир сесезиларли даражада бўртиб чиккан; белида тери ости ёғларининг тўплами ўртача, орка ва қобиргаларида ёғ тўплами кўп эмас. Думбали қўйларнинг думбаси, ёгли думли қўйларнинг думида ёғ ўртача тўрежаган; думбаси етарли ривожланган. Териси серхаракатчан, ён томонга етарли даражада енгил тортган.

Ўртачадан паст даражадаги семизлик. Орка белининг мускуллари ушлаб кўрганда қоникансиз; орка ва бел умуртка погоналарининг ўсимталари ўткир, қобиргалари чиккан, ягрини ва қуймиш буртиб чиккан, тери остидаги ёғ қатлами сезилмайди. Думбали қўйларнинг думбасида ёгли думли қўйларнинг думида кўп бўлмаган ёғ тўплалар бўлади. Оркасидаги териси айтарлича харакатчан бўлмайди, қийинчилик билан ёмон тортилади.

Ўртачадан паст семизлик даражаси талабига жавоб беролмайдиган қўйларга орик қўйлар дейилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

Қўйларнинг қайдан семизлик даражаларини биласиз?

Кўндай семизликдаги кўйларга ўртачадан юкори даржадаги семизликдаги куйлар деб караймиз?

Ўртача семизликдаги кўйлар, ўртачадан паст жаражадаги куйлардан кандай фаркланади?

Кўйларнинг семизлик даражаси канака усуллар ёрдамида аникланади?

Кўйларнинг семизлик даражаси качон ва нима мақсадларда аникланади?

Кўйларнинг семизлик даражаси, уларнинг ёшига боғлиқми ёки йўқми?

Кўйларнинг семизлик даражаси, биринчи галда, ирсиятга боғлиқлиги, ёки уларнинг озикланишига?.

5 – М А Ш Ғ У Л О Т

Мавзу: **Тўқимачилик толалари. Кўй жунининг асосий гурухлари, уларни олиш манбалари. Табиий жунининг ўсимлик, синтетик ва сунъий толалардан фарқи.**

Машғулотдан мақсад - талабаларни жун хом ашёсининг ҳар хил турлари, уларни олиш манбалари билан таништиришдан иборат.

Ўқув кўргазмали кўлланмалар - майин , ярим майин, ярим дағал ва дағал кўй жуну намуналари; эчки, туя, сигир, от ва қуён жуну тола намуналари; синтетик, сунъий ва ўсимлик толалари намуналари, пробиркалар, ишқорлар, кислоталар, штативлар, пинцет, гугурт, стаканчалар.

Машғулот ўтказиш тартиби - тушунтириш, ёздирриш, мустикал ишлаш.

Машғулотнинг мазмуни - машғулот кичик гурухлар бўйича аудиторияда ўтказилади. Талабаларнинг ҳар бир кичик гурухига ҳар хил турдаги кўй жуну, бошқа кишлоқ хўжалик хайвонлари жун намуналари, синтетик, сунъий ва ўсимлик толалари намуналари, шунингдек, штатив, тоза пробиркалар, пинцет, ҳамда ишқор ва кислота солинган пробиркалар тарқатилади.

Талабалар хом ашёни ўрганиб чиқадилар, табиий жун, синтетик, сунъий ва ўсимлик толаларини таърифлаб берадилар.

Жунни хар хил турларга ажратишда уларнинг кўйидаги хоссаларига амал килинади: майин, ярим майин, ярим дагал ва дадагал жун, уни ташкил этувчи толалар таркибага караб бир хил (бир текис) ва хар хил (аралаш)толали хилларига ажратилади:

Бир хил (бир текис) жун ташки кўриниш бир хил бўлган толалардан иборат;

Хар хил турларга мансуб бўлган ва ингичкалиги ва бошка белгиларига кўра бир-бирдан фарк киладиган толалар аралашмасидан иборат жун хар хил (аралаш) толали жун деб аталади;

Майин ва ярим майин жун бир хил толали жун, ярим дагал ва дагал жун хар хил (аралаш) толали жун тоифасига киритилади.

Майин жун - деб барча жун толалари оддий кўзга бир хил бўлиб кўринадиган, тивит тоифасига киритиладиган жунга айтилади. Бу толалар сержингалак ва ингичка бўлади. Муомаладаги андозага мувофик 25 микрометр, 60 сифатдан дагал бўлмаган жунлар майин жунларга киритилади.

Майин жун ставротоль, грозненск, озарбайжон тог мериноси, совет мериноси, кавказ, олтой, шимолй ва жанубий козоқ мериноси кўй зотлари ва бошкалардан олинади.

Ярим майин жун - факат дагал тивитдан, ёки оралиқ толалардан ёки уларнинг аралашмасидан иборат бўлган оқ, майин жунга нисбатан (25 микрометрдан) йўгонрок, жингалаклар сони ва ёглитер микдори камрок бўлган жунга айтилади. Бундай жунларга 58, 56, 54, 52, 50, 46 ва 44 цигай кўйининг жунли сифатлардаги жунлар киритилади.

Ярим майин жун линколь, ромни-марш, куйбишев, бородер лейстер, тяншон, горький, гемшир, шроншир, паркент, ахангарон кўйларидан ва бошка талайгина ярим майин жунли кўй зотлари, зот гурухлари ва дурагай кўйлардан олинади.

Ярим дагал жун - асосан узун тивит, оралиқ толалар, ҳамда ингичка килич толалардан иборат бўлиб, таркибидакилгичи кам бўлади, шунинг учун ундай толаларнинг ингичкалиги ва узунлиги жихатидан дагал жунли куйлар

жунига нисбатан бир оз тексирок ва майинрок бўлади. Бундай жун кокилчали тузилишига эга.

Ярим дагал жун сирожии, тожики, олой, балбас, арман зот кўйлардан, шунингдек майин жуни дагал жуни ва, майин жуни ярим дагал жуни кўйларнинг 1 ва 2 авлод дурагайларида олинади. Ярим дагал жун киркиш фаслига ва кўйларнинг ёшига қараб бахорги, кузги ва кўзи (барра) жун хилларга ажратилади.

Дагал жун - таркибада тивит, оралик толалардан амалда кўп миқдордаги килчидан иборат бўлиб, кўпинча таркибида курук ва ўлик толалар ҳам бўлади. Бу хилдаги жун толаларнинг ингичкалиги ва узунлиги, нотекислиги, калинлиги ва ёглик миқдори жихатидан ярим дагал жунидан кўра камроқ эканлиги билан фарқ қилади. Дагал жун кокилча жун тузилга, унинг таркибий қисмларини оддий куз билан ҳам аниқлаш осон. Дагал жуни ташкил этувчи ҳар хил турдаги толалар миқдори кўйларнинг зотиға, ёшиға жинсига, индивидуал хусусиятларига, ҳамда улардаги жун копламининг мавсумий ўзгаришларига боғлиқ бўлади.

Республикада учратиладиган дагал жуни кўй зотлари кўпчилигининг жун копламидаги тивит толалар миқдори 47-50% ни ташкил этади.

Дагал жун қоракўл, сокол, решител, эдилбой, хиссор, жойдари, тушин, малич, бозах, мазех, қорачай, осетин, қорабоғ, бурят-монгол ва бошқа кўй зотларидан олинади. Жун қайси фаслда қирқилганлиги ва кўйларнинг зотиға қараб бахорги, кузги ва кўзи жун хилларига ажратилади.

Эчки жуни - бир хил (биринчи ва иккинчи гуруҳ) ҳамда ҳар хил - (ярим дагал) тоифаларға бўлинади. "Махур" деб аталадиган бир хил толали жун асосан оралик толалардан иборат бўлиб, жуда пишқилли, инаксимон ялтироклиги (қандилсимон) ва камроқ қизиланиши билан фарқ қилади. Ангор, совет сержун эчки зотларидан ҳамда уларнинг дурагайларида бир хил толали эчки жуни олинади. Бундай жун кокилчалардан тузилган.

Ҳар хил толали эчки жуни тивит, қилқич ва оралик толалар аралашмасидан иборат. Бу хил жун кокилчалардан тузилган, қучсиз, ялтирок

(нимкадилсимон) бўлади. У совет сержун эчкилари, амда сертивит эчкиларни бошқа зотлар билан чапиштириб яратилган дурагайлардан олинади.

Эчки тивити - дон ўйи, Оренбург тоғли олтой зот эчкиларибан баҳорда олинади. Эчки тивити меринос жундай майин (ингичка) бўлиб пишиклиги, эластиклиги, ипаксимонлиги ва кайишқоқлиги билан фарқ қилади. Эчки тивит олениш усулига қараб тармокланма (тароқ билан тарб олинади) ва жебаж хилларига бўлинади.

Туя жун - хар хилтолали бўлиб, тивит оралик тола ва қилтиқдан иборат. Бу жун жуда пишиклиги, кайишқоқлиги ва унча кигизланмаслиги билан фаорк қилади. Туя жун кокилчаллиги бўлиб, одеял, боблик ва хилма-хил трикотаж буюмлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Сигир ва от мўйна - қилтиқ толалардан иборат. Бундай мўй баҳорда хайвонлар туллаган вақтда ёки қўй зводларида терини қайта ишлаш чоғида олинади, асосан кигиз ишлаб чиқаришда, намаг пойафзаллар, ўтов кигизи, астар ҳамда от эгари тагига қўйиладиган терилик - (тўким) тайёрлаш учун фойдаланилади.

Ёввойи ва ўй қуёнлари - жуни асосан тивит толалардан, ҳамда оз микдордаги қилтиқ толалардан иборат бўлиб, эгилувчанлиги, юмшқоқлиги, кигизланувчанлиги ва жуда ялтироқлиги билан фарқ қилади.

Сертивит қуёнларнинг жун қоплами 92-98 %гача тивит толаларидан иборат бўлади. Қуён тивити меринос қўйлар жуни ва эчки тивитидан ингичка бўлади. Қуён жуни юлиш, тарашлаш ва тароқлаш йўли билан олинади. Бу жундан фетр ва трикотаж буюмлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Ўсимлик толалари ўсимликлардан олениб, уларга пахта, зиғир, каноп лоси, жут, рами кендир ва бошқалар қиради.

Сунъий толалар табиий юқори молекулали, таркибда клетчатка ёки оксил бирикмаси бўлган- ёғоч, пахта, сутнинг казеини, дукакдилар ва бошқаларга кимёвий - технологик ишлов берилш натижасида олинади.

Синтетик толалар қўмир, нефть, газларидан дастлабки юқори молекулали бирикмалар олениб, кейинчалик уларга кимёвий-технологик ишлов

бериш натижасида олинади. Синтетик толаларга капрон, хлорин, нейлон, нитрон, анид ва бошқалар киради. Хозирга вақтда синтетик толаларнинг 20 дан ортиқ тури ҳалқ хўжалигида фойдаланилмоқда.

Ўсимлик толалари. сунъий ва синтетик толалар табиий жундан шу билан фарқ қиладики, уларни қуйдирганда хиди ва ёғлитери бўлмайди, жингалакланмаган, бир-бири билан тутшиб, штапел ва кокилчалар ҳосил қилмайди. Табиий жун секин ёнади, нафаси бугувчи қўйган пат ёки қуйган мугуз модданинг хиди келади. Жун ёнганда золдирча ва шаклида котиб қолга кремнийсимон масса ҳосил бўлади ва у кейинги ёнишга тўсқинлик қилади, сунъий ва ўсимлик толалари эса ҳидсиз, жуда тез ёниб кетади.

3-5,5% уювчи ишқор таъсирида жун толалари эриб кетади, ўсимлик сунъий ва синтетик толалар эса ҳеч қандай ўзгаришга учрамайди. Кислоталар эритмаси (бом бўйича 4-7%ли) жун толасининг бутунлигига таъсир этмайди, ўсимлик толалари эса бундай ишлов натижасида емирилиб кўмирга айланади.

Амалий машгулотлар даврида талабалар ҳар хил толалар хусусиятини билиб олишнинг органолептик ва кимёвий усулларини мустақил равишда ўрганадилар.

ТОПШИРИҚ

Берилган намуналарга қараб хомашёси ва толалар турини аниқланг. Толаларни қисқача таърифланг.

Баҳолаш (текшириш) наижаларини иш дафтарига қўйидаги шаклда ёзиб олинг (1-шакл).

Тур №	Жун хом ашёси ёки толаларнинг тури	Намуналарнинг таърифи (тузилиши, ранги, жингалакланган лиги)	Толаларнинг ёниш тип	Толаларга кислоталарнинг таъсири	Толаларга ишқорнинг таъсири

топширик Ҳар хил турдаги кўйлар жунини таърифланг текшириш натижаларини кўйидаги шаклда ёзиб олинг (2-шакл)

Намуна Тур	Жунни	ТАЪРИФИ										
		Бир хил толали	Ҳар хил толали	Толаларнинг	Япоғининг	Илғичкалиги	Қаонлиги	Толаларнинг жингалаклагангадл	Узуллиги	Ранги	Ялтироклиги	юмшоқлиги

3-топширик Берилган намунадаги жун толалари турини хар хил текшириш усуллари асосида аниқланг (3-шакл).

Толаларинг тури	ёниши	Кимёвий моддалрни таъсир эттириш			
		Концентранган H_2SO_3	Концентранган H_2SO_4	Концентранган HCl	$NaOH$, KOH эритмалари
Табиий жун	Золдирча хосил килиб, куй-ган мугуз хиди	Секин эрийди	Секин эрийди	Секин эрийди	Қиздирилганда купчийди тезэрийди.

	таркалиб секин ёнади				
Табий ипак	Ёнгин кул колдириб ёнадта	эрийди	Эрийди	эрийди	Тез кўпчийди, цилиндр шаклига киради
Зигир	-	-	-	-	Тез кўпчийди, эрмайди.
Лос	Ёнади, енгил кул колдиради	-	-	-	Секин кўпчийди эрмайди
Вискоза	Ёнади, енгил кул колдиради	Тез эрийди, суюклик кизгиш жагрранг тусга	Эрийди	эрийди	Кўпчийди эрмайди
Капрон хлорин лавсан нитрон цейлон	Ёниб золдирча хосил килади	эрийди	-	-	эрийди

Ўз - ўзини текшириш учун саволлар?

Тўқимачилик толалари нима?

Синтетик тола нима?

Сунъий толадан қандай хусусияти билан фарк килади?

Жун қайси ҳайвонларда олинади?

Майин жун деб қандай жунга айтилади?

Ярим майин жун нима?

Ярим дағал жуннинг ярим майин жундан фарқи ва ўхшашликларини тушунтириб беринг?

Дағал жун қандай жун?

Турли гурухларга мансуб жунлар қайси кўй зотларидан олинади?

Қандай эчки жунларини биласиз?

Эчки тивит қайси эчки зотларидан олинади?

Туя жуни кўй жунидан қайси белги ва хусусиятлари билан фарқ қилади?

Сигир ва от мўйин хайвонлардан қачон ва қандай қилиб олинади?

Сигир ва от мўйи нима мақсадларда ишлатилади?

Қуёнлардан қандай махсулотлар олинади?

6 – М А Ш Ғ У Л О Т

М А В З У ; Ж У Н Т О Л А Л А Р И Н И Н Г Г И С Т О Л О Г И К Т У З И Л И Ш И .

Машғулотдан мақсад- ҳар хил талабларни тивит, қилчик, оралик ва ўлик толаларнинг хусусиятлари билан таништиришдан иборат.

Ўқув ва кўргазмалӣ қўлланмалар – ҳар хил толалар намунаси (тавит, оралик тола қилчик ва ўлик тола), ўсимлик толалари, сунъий ва синтетик толалар, микроскоп ёки ланометрлар, пинцет, препаратвал игналар, қайчи, буюм ойналари ва қоғлагич ойналар, глицерин, шишали таёқча, ишқор эритмаси ва концентранган сульфат кислота.

Машғулотни ўтказиш тартиби – сўраш, тушунтириб бериш ва мустақил иш.

Машғулотнинг мазмуни - олдинги машғулотда ажратилган ҳар хил турдаги толалар намунаси талабаларга тарқатиб чиқилади. Шишали таёқча ёки пинетка ёрдамида буюм оёнаси устига бир-биридан 1-1,5 см ораликда уч томчи глицерин томизилади. Ҳар бир томчи глицеринга қайчи билан 0,3-0,5 мм узунликда қирқилган 10-15 донадан ҳар хил турдаги жун толаси ташланади. Глицериндаги толалар яққолроқ кўриниши учун улар препарат игнаси билан

бир томонга тўғрилаб қўйилади, сўнгра устига қоплагич ойна ёпилади. Преперат микроскоп ёки ланометрнинг буюм қўйгичига қўйилади. У аввал кичик катталаштиргич билан, сўнгра йирик катталаштиргич окуляр билан кўрилади.

Препаратни кўраётганда талабалар иш дафтарига ҳар хил шаклдаги жун толаси қобиғидаги тангачалар расмини чизиб олишлари керак.

Препаратлардан ҳалқасимон ва ноҳалқасимон тангачаларни топиш зарур. Ҳалқасимон тангачалар асосан тивит толалари учун хосдир, айрим ҳолларда оралик толаларда ҳам учраб туради. Ҳалқасимон тангачалар майда ҳалқача шаклида бўлади. Ушбу тангачаларнинг пастки қисми ўзидан пастдаги тангачаларнинг юқори қисми ичига кириб туради, бамисоли черипица билан ёпилган томдаги плиталарнинг жойлашишига ўхшайди. Ноҳалқасимон тангачалар ҳар хил катталиқда ва турли шаклда бўлиб, оралик қилчик ва ўлик толаларнинг атрофи бўйлаб жойлашган бўлади.

Пўстлоқ қават – тангачали қават тагида жойлашган. Пўстлоқ қаватни кўриш учун буюм ойнасига бир томчи концентранган сульфат кислота (ёки ишқор) томизиб, унга 0,3-0,5 мм узунликда қилиб қирқилган жун толалари қўйилади. Препарат устига қоплагич ойна ёпиладида, 15-20 минут сақланади. Препарат микроскоп ёки ланометрда қаралганда пўстлоқ қаватнинг дўқсимон ҳужайраларини кўриш мумкин.

Ўзак қават – тола юзасидан пастга қараб жойлашган учинчи қаватдир. Ўзак қават қилчик ва ўлик толаларнинг марказий қисмини эгаллайди. Оралик толада кўпинча ўзак қават бўлмайди ёки узик-узик ҳолатда бўлади. Ўзак қават ниҳоятда сертешиқ, говак тўқимадан иборат бўлиб, тешиқлари ҳаво билан тўлиб туради. Қилчик ёки ўлик толали препарат микроскопда қаралганда ўзак қават қорамтир тўрға ўхшаб кўринади. Ўлик толалар кўндаланг қесимининг кўпгина қисмини ўзак қават эгаллайди.

Талабалар жун толаларининг гистологик тузилишини яхшироқ ўзлаштириб олишлари ва жунни бошқа толали материаллардан фарқ қила билишлари учун ўсимлик толалари, суъний ва синтетик толалардан

тайёрланган (худди жун толаларидан тайёрлангани каби) препаратларни ҳам микроскопда ёки ланометрда кўришлари керак бўлади.

I-топширик.

Ҳар хил типдаги жун толаларини – тивит, оралик тола, қилчик, ўлик толаларни микроскопда ёки ланометрда кўринг. Ҳалқасимон ва ноҳалқасимон тангачаларни топинг. Ўлик толалари, сунъий ва синтетик толаларни преператларни кўриб чиқинг.

Натижасини иш дафтарингизга 7-шаклга биноан ёзиб олинг:

7-шакл.

Толалар тури	Расми
Тивит	
Оралик толалар	
Қилчик	
Ўлик толалар	
Сунъий толалар	
Синтетик толалар	

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар?

Жун толаларининг гистологик тузилиши қандай сақланади?

Жун қанақа қаватлардан иборат?

Жуннинг пўстлоқ қавати қандай текширилади?

Нима учун ўзак қаватни текшираемиз?

Жунда ўзак қаватнинг мавжудлиги қанақа омилларга боғлиқ?

Жуннинг пўстлоқ қаватини таърифлаб беринг.

Жуннинг ўзак қавати қанақа тола типларида кучли ривожланган?

Майин жунли кўй зотларининг толалари қанақа қаватлардан ташкил топган?

Сирожги ва тожики кўй зотларининг жуни канақа каватлардан ташкил топган?

Хиссор кўйининг жунида канақа кават кучли ривожланган?

7 – М А Ш Ғ У Л О Т

М A В З У ; Ж У Н Н И Н Г И Н Г И Ч К А Л И Г И Н И А Н И Қ Л А Ш .

Машгулотдан мақсад – жун толасининг ингичкалигини лаборатория ва эксперт (органолиттик) усулларда аниқлашни талабаларга қргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қуроллар – тоза ювилган майин, ярим майин, ярим дагал ва жун намуналари, ҳар хил толалар намунаси (эталон), окуляр-микромметрлар, объектив-микромметрлар, патометр, микроскоплар, глицерин, кайчи, соат ойналари, буюм ва қоплагич ойналар, препарат игналари, жуннинг ингичкалигини синификациялаш жадвали.

Машгулотни ўтказиш тартиби - сўраш, тушунтириш мустақил ишлаш.

Машгулотнинг мазмуни – жуннинг ингичкалигини ўлчашнинг лаборатория усули куйидаги жараёнларни: панометрни (микроскопни) жуннинг ингичкалигини ўлчашга, даражалар қийматини аниқлашга тайёрлаш; препарат тайёрлаш ва жуннинг ингичкалигини ўлчаш, ҳосил қилинган рақамли материални биометрик асосда ишлаб чиқаришни, ўз ичига олади.

Окуляр-микромметр даражалари қийматини аниқлаш – Окуляр микромметр даражалари (катталиги) қиймати рақами билан ифодаланадиган доимий қийматга эга эмас. Даражалар қиймати микроскопнинг канча катталаштириб кўрсатиши ва системасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун толалар ингичкалигини ўлчашга киришдан олдин окуляр-микромметрдаги ҳар бир даражанинг қиймати (К) ни аниқлаб олиш лозим. Бунинг учун объектив-микромметрдан фойдаланилади. Объектив-микромметрдаги ҳар бир даража абсолют рақам қийматига эга бўлиб, у 0,01 мм га, яъни 10 микромметрга тенг.

Микроскопдаги даражалар қийматини аниқлаш учун окуляр-микрометрли микроскоп окулярга жойлаб, объектив-микрометр буюм столи устига қўйилади. Микроскопнинг кўриш майдонида иккита шкала кўриниб туради: объектив-микрометр даражалари йирик, окуляр-микрометр даражалари эса майда бўлади. Шундан кейин окуляр-микрометр даражалари билан устама-уст қўйиб солиштирилади. Окуляр ва объектив шакллари даражаларининг бири-бирига тўғри келган миқдори санаб чиқилади. Масалан: объектив-микрометрнинг 5 та даражасига окуляр-микрометрнинг 15 та даражаси тўғри келади. Демак, даражалар қиймати $15=5 \cdot 10$ га тенг бўлади ёки $K=50$; $15=3 \cdot 3$ мкм ни ташкил этади. Худди мана шу 3,3 мкм катталиги айлантирувчи коэффициентини, яъни мазкур микроскоп даражалари қийматини ташкил этади.

Жун толасини ингичкалигини ўлчашда окуляр-микрометр даражалари миқдори ана шу коэффициентга кўнайтирилади. Масалан: агар жун толасининг ингичкалиги окуляр-микрометрнинг 9-даражасига тенг бўлса, демак, $9 \cdot 3,3=29,7$ мкм бўлади.

Толанинг ингичкалигини проекцион микроскопда ўлчаш оддий микроскопдагига нисбатан анча тез ва осон бажарилади.

MP-3 маркали микроскоп-ланометрнинг даражалари қиймати ҳам бошқа микроскоплардаги каби аниқланади, фарқи фақат шундаки, бунда окуляр-микрометр сифатида экран шкаласидаги даражалардан фойдаланилади. «Карл Цейсс» маркали ланометр даражаларининг қиймати 500 марта катталаштирилганда 2 мкм га тенг.

Препарат тайёрлаш – жун намунаси иккита бачоқда совун-сода эритмасида (ёки синтетик ювувчи моддалар эритмасида) $45-50^{\circ}$ С температурада ё бўлмаса, уларнинг тузилишига қараб, авиация бензинида ювилади. Учинчи бачоқда жун чайилади. Ювилган жун лабораторияда ёки қуритиш шкафида $60-70^{\circ}$ дан ошмайдиган температурада қоқ қуруқ ҳолатгача қуритилади.

Семинар машғулотларида талабалар лабораторияда олдинроқ ювиб тайёрлаб қўйилган жун намуналардан фойдаланадилар. Жунни текшириш учун

намунанинг турли жойидан майда тутамчалар холида (6-8 дона) жун намунаси ажратиб олинади. Ундан узунлиги 1 мм дан ошмайдиган тола қийқимлари қирқиб олинади (қокилча тубидан 1-2 см юқорироқдан). Сўнгра улар соат ойнасидаги иммерсион суюқликка (сувсиз глицерин) солиб, аралаштирилади. Шу суюқликдан 2-3 томчисини буюм ойнасига томизиб, устига қоплагич ойна ёпилади ва ланометрда (микроскопда) қаралади.

Ўлчаш. Тайёрланган препаратни кўриш учун у асбобнинг буюм столчасига жойлаштирилади. Препарат кўрилатганда бир хил толаларни икки марта ўлчамаслик, шунингдек, тасодифий хатоларга йўл қўймаслик керак. Бунинг учун ўлчаш бир-биридан кўрув майдонига тенг масофада жойлашган алоҳида параллел чизиклардан бошланади.

Кўриш доирасига бўлган толаларнинг ҳаммасини ўлчаш керак. Ўлчаш вақтида толанинг ингичкалиги аниқ кўриниб туриши лозим. Агар бунга эришишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда толанинг бир учи аниқ кўриниб туриши, иккинчи учи эса оқиш чизик шаклида бўлиши лозим ва ўлчаш унинг аниқ учидан бошлаб, аниқ учининг ички томонига қараб давом эттирилади. Толаларни ўлчаётган вақтда шкала тола ўқиға перпендикуляр ҳолатда, шкала даражалари эса толанинг четига параллел ҳолатда ўрнатилади ва тасвирдаги толанинг эниға қараб қоплаб турган даражалар санаб чиқилади.

Толалар ингичкалигини улар кесишган жойда ўлчашға, шунингдек, узунлигининг 2-3 дан камроқ қисми кўриниб турган толаларни ўлчашға йўл қўйилмайди.

Ярим дағал ва дағал жуннинг ўртача диаметрини аниқлаш учун ҳар бир тур бўйича 600 тадан толанинг ингичкалиги ўлчанади. Ўқув мақсадлари учун эса ўлчанадиган толалар миқдорини икки марта қисқартириш ҳар бир тур уйича 300 тадан тола олиш мумкин.

Ўлчаш натижалари жун толасининг ингичкалигини текшириш қарточкасиға ёзиб қўйилади. Барча ўлчаш маълумотлари синфларға ажратиб чиқилади; ҳар бир синф у ёқи бу ўлчаш маълумоти қайси синфға киритилишини ифодаловчи катталикка эға.

Олинган натижаларни ишлаб чиқиш. Микроскопда ўлчаш натижалари вариацион статистика усули асосида ишлаб чиқилади ва бунда толаларнинг микрометр ҳисобидаги ўртача ингичкалиги (M ўр) ўртача арифметик катталиги бўйича йўл кўйилган ўртача хато ($\pm m$), ўртача квадратик ўзгариш ($\pm \sigma$), нотекислик коэффициенти ($C\%$) аниқланади.

Жуinning ингичкалиги барча ўлчаш натижаларининг ўртача арифметик катталиги сифатида аниқланади.

Толаларнинг ўртача ингичкалиги биометрик йиғиндилар усулида ҳисоблаб чиқарилади. Бунинг учун толаси ингичкалигини текшириш карточкасида 4 графадан иборат жадвал тузилади:

1-графага окуляр-микрометр шкаласида даражалар билан белгиланган ингичкалик синфининг ходисалар сонига кўпайтмаси (ҳосиласи) ёзилади;

2-графага рақам билан ифодаланган ходисалар сони ёзилади;

3-графага окуляр микрометр шкаласининг бир даражаси ўртасидаги интервал ёзилади – ҳар хил толали жуи учун бу интервал 2 га тенг.

4-графага ҳар бир синфдаги ходисалар сони кўйида келтирилган шартли белгилар ёрдамида нуқталар билан кайд қилинади:

Толалар сони 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11

Шартли белгилар : : : : :

Ёрдамчи йиғиндилар ҳисоблаб чиқилгандан кейин қуйидаги формулага мувофиқ толаларнинг ўртача ингичкалиги (M ўр) аниқланади:

M ўр ($A+K \frac{S}{h}$) X даражанинг қиймати.

h

Бу ерда: A -энг ингичка толалар синфи минус окуляр-микрометр даражаларининг синфга тегишли интервали;

K – асбоб шкаласи даражаларидаги синфга тегишли интервал; n – ўлчашлар (ходисалар) сони.

Шундан кейин қуйидаги формулага мувофиқ ўртача квадратик ўзгариш ($\pm G$) аниқланади:

$$G = \pm K \frac{25}{n} \frac{S}{n} (S + 1) \times \text{даражалар киймати.}$$

толаларнинг ўртача арифметик ингичкалигини ўлчашда йўл қўйилган хато ($\pm m$) қуйидаги формулага мувофиқ аниқланади:

$$m = \pm \frac{G}{n-1}$$

толаларнинг ингичкалик бўйича фоиз ҳисобидаги нотекислик коэффициенти қуйидаги формулага мувофиқ аниқланади:

$$C\% = \frac{G}{M \text{ ўр}} \cdot 100$$

Бу ерда 0,01 % гача аниқликда ҳисоблаб, 0,1 % гача йириклаштирилади.

G – ҳар бир вариант ўртача арифметик катталиқда ўрта ҳисобда қанча фарқ қилинишини кўрсатади; G нинг киймати қанча кичик бўлса, толалар ингичкалиги ўзгариб турадиган чегаралар доираси ҳам шунча кичик бўлади;

$C\%$ – фоиз ҳисобидаги нотекислик коэффициенти бўлиб, у жуннинг тола ингичкалиги бўйича нотекислик қанча катта эканлигини ифодалайди;

$\pm m$ – ўртача арифметик катталиқни ҳисоблашдаги ўртача хато, у ҳақиқий ўртача арифметик миқдордан қанча фарқ қилинишини кўрсатади.

Илова: ёрдамчи йиғма миқдорлар (S_1 ва S_2) қуйидаги тарзда ҳосил қилинади: пастдаги биринчи рақам – тегишли ингичкалиқдаги толалар сони; иккинчи рақам – «1» графадаги пастки биринчи рақам билан «1В» графадаги пастки иккинчи рақамнинг йиғиндиси ва ҳоказо. S_2 графадаги ёрдамчи йиғма миқдорлар ҳам шу йўл билан ҳосил қилинади.

Рақамли материалларни математик усулда ишлаш.

Жуннинг ингичкалиқ бўйича бир текислиги тўғрисида вариация коэффициентига қараб хулоса чиқарилади. Жуннинг тола ингичкалиги бўйича бир текислиги қанча катта бўлса, вариация коэффициенти шунча кичик бўлади

ва аксинча, бу кўрсаткич канча паст бўлса, нотекислик коэффициенти шунча катта бўлади. Ярим дагал жун, адатда, ингичкалик жиҳатидан дагал жунга насбатан яхшироқ (кўпроқ) бир текис бўлади.

Жуннинг тола ингичкалиги бўйича бир текислиги тўғрисида яхшироқ тасаввурга эга бўлиш учун ингичкалигининг иккита эгри чизигини чизиш лозим (бири ярим дагал жун ва иккинчиси дагал жун бўйича) ўтказилади. Вертикал чизикда (ордината ўқида) ўлчанган толаларнинг умумий толалар микдорига нисбатан фоиз билан ифодаланган сони жойлаштирилади, горизонтал чизикда (абсцисса ўқида) эса толаларнинг микрометр билан ифодаланган ингичкалик синфи жойлаштирилади.

Графикларни миллиметрларга бўлинган козокда аке эттириш керак. Вертикал ва горизонтал маълумотлар кесишадиган нуқталар чизик билан туташтирилади. Ушбу чизиклар жуннинг ингичкалик бўйича нотекислиги тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Жуннинг ингичкалигини аниқлашнинг эксперт усули. Жуннинг ингичкалигини аниқлашнинг лаборатория усулини қўллаш имконияти бўлмаган ҳолларда эксперт (кўз билан чамалаш) усули қўлланилади. Бу усул кўйларни бонитировка қилиш вақтида, жун топиришида жунни тайёрлаш пунктларида ва омборларида қабул қилиб олиш вақтида, шунингдек, уни бирламчи ишлаш фабрикасида навларга бўлиш (навировка қилиш) вақтида қўлланилади.

Жуннинг ингичкалигини эксперт усулда аниқлашда у 5 хил навдан қайси бирига мансублиги аниқлаб олинади. Бунинг учун текшириладиган жуннинг ингичкалиги қандай сифатдаги жуннинг ингичкалигига ўхшаш эканлиги кўз билан аниқланади. Кўпгина текширувлар бунда мўлжал учун жуннинг жингалаклигидан фойдаланади, аммо бевосита жуннинг ингичкалигига қараб узил-кесил хулоса чиқарилади. Бунинг учун жун тутамидан толаларни ажратиб олиб, улардан узунасига тўр (сетка) ҳосил қилинади ва уларни бир өз тўғрилаб туриб, толаларнинг ингичкалиги кўз билан чамалаб аниқланади. Ишни энди бошлаётган (тажрибасиз) ходимлар ҳар бир сифатдаги ингичкалик чегаралари

учун хос бўлган ва тегишли сифатнинг пастки чегарасига тўғри келадиган эталонлардан фойдаланади.

Ҳар хил толали (ярим дағал ва дағал) жуннинг ингичкалигини эксперт усулда аниқлаш – жунни тегишли тайёрлаш синфига ёки саноат андозаси навиға киритиш учун қилчик, оралик ва тивит толаларингичкалигини ҳамда микдорини ҳисобға олишдан иборат.

Дағал япоғи жуннинг нави (синфи) унинг ўртача ингичкалигига ва ҳар хил толалар типининг (тивит, оралик тола, қилчик) нисбатига қараб аниқланади.

1 – топширик: Саноат эталонларидан фойдаланиб, жуннинг ингичкалигини ва сифатларини эксперт усулда аниқланг. Аниқлаш натижаларини иш дафтарингизға 8-шаклға мувофиқ ёзиб қўйинг.

2 – топширик: Таксимлаш қийматини аниқланг ва маълумотларни 8-шаклға мувофиқ ёзиб олинг. Дағал ва ярим дағал жунларнинг ингичкалигини микроскопик усули ёрдамида аниқланг, текшириш ва математик ишлаб чиқиш натижаларини 8-шаклға мувофиқ ёзинг.

Штапелларнинг тузилиш таърифи

8-шакл

Япоғининг типини	Жун гуруҳини	Япоғининг	Япоғи тола ингичкалиги ва узунлигига кўра нав (нав) таркиби				Жун жингалак-лигининг таърифи			Ифлосланган-лик даражаси		
			Ёнбошла	Оркаси	Бел	Сонла-ри	Ёнбошла	Оркаси	Қорни	Ёнбошла	Оркаси	Сонла-ри

1-жадвал

Ҳар хил толали дағал жун (нав) навларининг таърифи.

Нав (нав)	Толаларнинг ингичкалиги (мкм)	Жун нав (нав) ларининг таърифи
I	34,0 гача	Толим тузилишли ҳар хил толали жун. Толимлари ривожланган бўлиб, кўп миқдордаги тивит ҳамда унинг устида ажралиб турадиган оралик ва килчик толалардан иборат. Узунлиги 25 см дан ошмайдиган дағаллашган толалар. шунингдек, тасодифий равишда ўлик толалар бўлиши ҳам мумкин.
II	34,1 – 38,0	Толим тузилишли ҳар хил толали жун. Толимлари I навга нисбатан кўпроқ ривожланган бўлиб, тивит ва оралик толалардан иборат, таркибида анчагина килчики ҳам бор. Узунлиги 25 см дан ошмайдиган дағаллашган толалар, шунингдек, I навдагига нисбатан кўпроқ миқдорда ўлик толалар бўлиши ҳам мумкин.
III		Толим тузилишли ҳар хил толали жун. Толимлари тивит, оралик толалар ва килчикдан иборат бўлиб узунлиги ва ингичкалиги жиҳатдан II навга нисбатан кўпроқ ривожланган; килчик толалар II навдагига нисбатан янада дағалроқ. Чекланмаган узунликдаги дағаллашган толалар, шунингдек, кўп миқдорда ўлик толалар бўлиши мумкин.
IV	45,0 дан ортиқ	Толим тузилишли ҳар хил толали жун. Толимлари III навдагига нисбатан янада

		дагалрок ва тивити камрок. Чекланмаган узунликдаги дагаллашган толалар, шунингдек қурик толалар ҳамда III навдагига нисбатан кўпроқ миқдорда ўлик толалар бўлиши мумкин.
--	--	--

9-шакл.

Бир хил толала жуннинг сифатини аниқлаш

Жун намунасининг рақами	Жуннинг тури	Жуннинг сифати	Жуннинг ингичкалиги (мкм ҳисобида)	Жуннинг I см узунлигидаги жингалаклар сони	Жуннинг узунлиги

10-шакл.

Микроскоп	Объектив №	Окуляр №	Мас келган чегарачидаги даражалар миқдори	Даража киймати ёки айлантириш коэффициенти

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар?

Жуннинг ингичкалиги қанақа усуллар ёрдамида аниқланади?

Окуляр – микрометр нима мақсадларда ишлатилади? Объектив-микрометрчи?

Айлантирувчи коэффициент нима ва у қандай қилиб аниқланади?

Жуннинг ингичкалигини ўрганиш учун қандай қилиб препаратлар тайёрланади?

Жуннинг ингичкалиги қандай қилиб ўлчанади?

Жун ингичкалигини ўлчаш натижасида олинган сон рақамлар қанақа усул ёрдамида қайта ишланиб чиқилади?

Нима учун объектив микрометр билан окуляр микрометрнинг шкала чизиклари бир-бирининг устига туширилади?

Жун толаси ингичкалигининг ўртача арифметик қиймати қандай аниқланади?

Нима мақсадда толаларнинг ўртача арифметик ингичкалигини ўлчашда йўл қўйиладиган хато аниқланади?

Толаларнинг нотекислик коэффициенти қандай аниқланади?

8 – М А Ш Ғ У Л О Т

МАВЗУ; ЖУННИНГ УЗУНЛИГИНИ АНИҚЛАШ.

Машгулотдан мақсад – талабаларга қўйлар устидаги, япогидаги ва намуналардаги жуннинг узунлигини ўлчашни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмалар қўлланмалар – ўқув фермасидаги қўйлар, хар хил типдаги япоги жун, хар хил узунликдаги жун намуналари, линейка, авиация бензини.

Машгулотни ўтказиш тартиби – сўраш, тушунтириб, бериш ва мустақил ишлаш.

Машгулотнинг мазмуни – Жуннинг табиий ва ҳақиқий узунлиги фарқ қилинади. Табиий ҳолатдаги, ўзига хос жингалаклари тўғрилланмаган ёки толалари таранг тортилмаган толимларнинг баландлиги табиий узунлиги, тўғрилланган, лекин таранг тортилмаган жун толаларининг узунлигига ҳақиқий узунлик деб аталади. Зоомухандисларни жуннинг табиий узунлигини

кизиктиради, чунки у муҳим селекцион ва технологик белги бўлиб, қўйларни бонитировка қилиш вақтида (1 мм гача аниқлик билан) ўлчанади.

Бонитировка қилиш вақтида қўйларнинг ёнбош қисмидаги жунининг узунлиги ўлчанади, бунинг учун курагининг ортки бурчагидан жуни кафт кенглигида орқага тортилади. Шу жойдаги япоғининг ёнбоши бўйлаб ораси очилади ва ҳосил бўлган чок орасига ўлчагич линейка киритилади. Бу пайтда линейкани териға ботирмаслик керак. Жунининг узунлиги тери юзасидан толимнинг ташқи учигача ўлчанади. Узунликни синфларға ажратиш учун япоғининг турли қисмларидан олинган айрим толаларни миллиметрли линейка устиға қўйиб туриб, узунлиги аниқланади. Ҳар хил толали жуни баҳолашда қилчиқ ва тивит толаларининг узунлиги алоҳида-алоҳида аниқланади. Алоҳида толаларни (8-9 дона толани) кўз билан санаш қийин бўлган жойда қилчиқ толалар узунлиги тери юзасидан тивит қаватининг учигача ўлчанади. Оралиқ толалар узунлиги ўлчанмайди. Ҳар хил толали жунининг узунлиги қаср билан ифодаланади. Унда қасрнинг сурати қилчиқнинг узунлигини, махражи тивитнинг узунлигини ифодалайди.

Мустақил иш учун топширик.

Жунининг табиий узунлигини аниқланг, олган маълумотларни 11 ва 12 – шакл асосида ёзинг.

11-шакл

Япоғи жунининг раками	Жун тури	Табиий узунлиги			Илова
		Марказида	Ёнбошида	Чет қисим- ларида	

12-шакл

Қўйнинг раками	Зоти	Жунининг узунлиги		
		Ёнбошида	Оркасида	Сонида

Лаборатория шароитида жуннинг хакикий узунлигини шуъба хузуридаги талабалар илмий тўгарагида аниқлаш тавсия этилади.

Аниқлаш тартиби куйидагича: 5 г огирликдаги ёки битга кичикрок (штапелдан) толимдан иборат жундан намуна олинади. У ювилади, қуритилади ва шундан кейин 5 x 10 см катталикдаги ойна тагига жойлаштирилади. Ойна тагига миллиметрларга бўлинган қоғоз ҳам кўйилади. Толимнинг ёки штапелнинг туби миллиметрли қоғознинг нол даражасига тўғри келтирилади. Сўнгра чап кўл билан ойнани жилдириб туриб, айрим толалар пинцет билан тортилади ва миллиметрли қоғоз бўйлаб аста жилдирилади. Жун толасининг учи умумий массадан ажралиши билан пинцетли кўлнинг харакати тўхтатилади ва толанинг узунлиги қайд килинади. Худди шундай харакат жун толасининг узунлиги ГМ – 0,4 апаратида аниқлаш вақтида ҳам амалга оширилади. Сўнгра тола бутунлай сугириб олинади. Агар толанинг узунлиги 2 см дан калта бўлса, у ҳисобга олинмайди ва ёзилмайди ҳам. Жами 200 дона тола ўлчанади. Маълумотлар ракамли материални жун ингичкалигининг биометрик усулида ишлаб чиқиш имконини берадиган шаклга мувофиқ ёзиб борилади.

Ўлчаш натижаларини ишлаб чиқиш.

Толимларнинг табиий узунлигини аниқлаш:

Шуъба:

Ўқув юртининг номи

Хўжалик

Кўй зотлари

Жун тури

$$A_1 = \frac{17,1+18,0}{2} = \pm 17,55$$

$$V_1 = \frac{P_a}{n} + \frac{24}{200} = 0,12$$

$$V_2 = \frac{Pa^2}{n} = \frac{2420}{200} = 10,12$$

$$M = A_1 + K(V_1) = 17,55 + 1 \times (0,12) = 17,67;$$

$$m = \frac{G}{n} = \frac{3,78}{200} = \frac{3,78}{14,14} = 0,22$$

Толанинг ингичкалигини аниқлаш ҳам худди шу схема асосида амалга оширилади, фарқи фақат шундаки, ингичкалик синфлари мкм билан ифодаланади.

$$\bar{y} \pm K V_2 - V_1^2 = \pm 1 \cdot 10,12 - 0,0144 = \pm 10,1056 = \pm 1 \cdot 3,178 = \pm 3,178$$

$$C\% = \frac{\bar{y} \times 100\%}{M} = \frac{3,178 \times 100\%}{17,67} = \frac{317,8}{17,67} = 17,9$$

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар?

Жуннинг узунлиги қандай аниқланади?

Жуннинг қанақа узунликларини биласиз?

Ишлаб чиқариш амалиётида жуннинг қанақа узунлиги асосий ҳисобланади?

Қўйларни бонитировка қилиш пайтида, хайвоннинг қанақа қисмидаги жун узунлиги ўлчанади?

Лабораторияда жуннинг қанақа узунлиги ўлчанади?

Майин ва ярим майин жунли қўй зотларида қанақа жун толаларининг узунлиги ўлчанади?

Сирож қўй зоти жунининг қайси турлардаги толаларининг узунлиги ўлчанади?

Жайдари қўй зоти жунининг узунлиги бонитировка журналига қандай қилиб қайд қилинади?

Хиссор қўй зоти жунининг қанақа тола типини узунлиги ўлчанади?

9 – М А Ш Ғ У Л О Т

М А В З У : Ж У Н Н И Н Г Н У Қ С О Н В А К А М Ч И Л И К Л А Р И .

Машғулотдан мақсад – турли типга мансуб қўй жуларининг нуқсон ва камчиликларини тушунтириш, қўйлар жунини қирқиш, ўраб-тойлаш ва сақлаш жараёнида ортирилган камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида юқорида айтиб ўтилган жараёнларни талабаларга батафсил таништириш.

Ўқув ва қўргазмалар қўлланмалар – ҳар зотга ва йўналишига мансуб қўйларнинг нуқсонли, камчиликли ва нуқсон-камчиликлари бўлмаган жулар, плакатлар, альбомлар, ўқув қўлланмалар.

Машғулотнинг ўтказиш тартиби – тушунтириш, ёздириниш, мустиқил ишлаш.

Машғулотнинг мазмуни. Хом ашёга баҳо беришда, жун етиштириш ва қўйлар селекциясида жуннинг ижобий хоссаларидан ташқари, жун хом ашёсининг технологик қимматини пасайтирувчи хусусиятларига ҳам албатта эътибор бериш лозим. Бундай хоссалар наслдан-насла ўтадиган (туғма) ва кейин ортирилган бўлиши мумкин. Гарчи жун хом ашёсидаги салбий хусусиятларни баҳолашнинг ягона синификацияси мавжуд бўлмасда, аксари ирсий табиғатга эга бўлган камчиликлар жуннинг нуқсонини деб аталади.

Ортирилган камчиликлар қўйларни ногўтри боқиш, асраш ва соғлигининг бузилиши, жунини қирқиш ва синфларга ажратиш, жунни ўраб-жойлаш, сақлаш ва ташиш жараёнида келиб чиқади.

Жунда қуруқ ва ўлик тодалар бўлиши дағал жуннинг жиддий туғма (ирсий) нуқсонини ҳисобланади. Бундай нуқсон асосан хиссор зотли қўйларда кузатилади, аммо бошқа зотларга мансуб қўйларда ҳам учрайди.

Ярим майин жули кўйларда кеп толасининг учраши ҳам туғма нўксон ҳисобланиб, у мазкур зот ёки гуруҳнинг такомиллашганлигидан далолат беради.

Ўлик тола гарчи бошқа толаларга ўхшаб ўсада, бўялмаслиги, етарлича пишиқ эмаслиги ва чўзилмаслиги сабабли ўлик тола деб аталади. Улар барча тоифадаги толалар ичида энг дағали бўлиб, кўндаланг кесмасининг диаметри 200 мкм га етади, айрим кўй зотларида ундан ҳам ошади. Уларнинг ўзақ қаглами кучли ривожланган ва пўстлоқ кавати деярли бўлмағиди, шу сабабли узилиш кўрсаткичлари паст бўлади. Бундай толалар эгилганда синиб кетади.

Қуруқ тола жунининг узунлиги бир текис бўлмаган – кўй жуни қопламида учрайди. Толим ва штапеллардан баланд кўтарилиб турадиган энг узун толалар қуёш нури, шамол, ёмғир, қор таъсирига учрайди, улар ёғсизланади, пишиқлиги, ялтироклиги ва рангини йўқотади. Жуни қайта ишлаш жараёнида бундай толалар учининг қуриб қолган қисми узилиб тушади ва чикитга чиқади.

Оқ жули кўйларда рангдор толалар бўлиши туғма (ирей) нўксон ҳисобланади.

Жунининг орттирилган камчиликлари. Кўйларга илашиб қоладиган ўсимликлар ўсадиган яйловларда ўтлатилиши ёки ем-хашак нотўғри тақсимланиши натижасида жуни қоплами ўсимликлар қолдиги билан ифлосланади. Ўсимликлар қолдиги осон ва кийин ажраладиган турларга бўлинади. Осон ажраладиган ўсимликлар қолдигига йирик пичан, сомон қолдиги, бегона ўтлар шохчасининг бўлақлари, шунингдек, рус репейлари қиради. Бундай аралашмалар жуни титиш ва бирламчи қайта ишлаш вақтида ажралиб чиқади.

Ажрალიши кийин бўлган ўсимликлар қолдигига беданинг майда уруги (кўй тикан қирим қарикизи, тиканли қарикиз), шунингдек, ем-хашакнинг майда қолдиги қиради. Уларни йўқотиш учун карбонизация усули қўлланилади, яъни жуни кучсиз сульфат кислотаси билан қўшимча равишда ишланади.

Бунинг натижасида жунни қайта ишлаш қимматлашади ва толаларнинг пишиқлиги камаяди.

Жун ўсимлик қолдиғи билан ифлосланмаслиғи учун қўйларни боқиш ва асраш қондаларига риоя қилиш, қўйлар қўрага қамаб қўйилган вақтда ем-хашақ таркатмаслик, яйловлар, қўйларга дам бериш ва уларни ҳайдаш жойларига қараб туриш, қўралар атрофида ўсган ифлослантирувчи ўсимликларни йўқотиш ва хоказо.

Нуқсонли жун. Штапел ёки толимнинг бир ёки иккита жойида пишиқлигини йўқотган жун ёки япоғи тагининг 50 % дан ортиқ қисми йирик муғуз моддага айланган касоқ пардалари билан қорежаган жун нуқсонли деб ҳисобланади. Бундай жун қаттиқ тортилганда узилиб толалари қалгалашиб қолади, таралганда эса кўп тола тўкилади.

Қўйларнинг турли касалликлари, уларни йил давомида тўла қимматли ва мунтазам озиклантириб бормаслик штапел ёки толим бўйлаб жун толаси энининг – ингичкалигининг нотекис бўлишига, толалар секин ўсишига ва ҳатто бутунлай ўсишдан тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Қўйлар вақтинча оч қолиши ёки касалланиши натижасида штапел ёки толимнинг баландлигида (учларида) толалар ингичкалашиб қолади.

Шунингдек хайвонлар тўла қимматли озиклантириб, соғайиб кетса, жуннинг мезъидаги ингичкалиғи ва пишиқлиғи тикланади. Айниқса, қўзили ёки сўт берадиган совлиқлар узоқ вақт тўйиб озикланмаслиғи, қўйларнинг сурункали, инвазион касалликлар билан касалланиши натижасида тола узулигининг анчагина қисми ингичкалашиб қолиши – «оч ингичкалик» кузатилади. Штапел ёки толим ёруққа солиб қаралганда ишилтириқ ва «оч ингичкалик» айниқса яққол кўринади.

Ишилтириқ ва «оч ингичкалик» ни штапел ёки толимларнинг бир қанча ҳудудсида кузатиш мумкин. Бир ёки икки жойи бўшашиб қолган штапел ёки толимнинг тайёрлаш қиммати кам бўлади, натижада қўйчиликнинг иқтисодий самарадорлиғи пасаяди.

Ипилтирик ва «оч ингичкалик» жун пайдо бўлишини олдини олиш учун кўйларни йил бўйи тўла ем-хашак билан боқиш, табиий яйловлардан оқилона фойдаланишга кўпроқ эътибор бериш лозим.

Кўйларда касоқ пайдо бўлишининг сабаблари ҳар хил бўлади. Бунга кўйларнинг касалланиши, жунли қирқиннинг кечикиши сабаб бўлиши мумкин, чунки бунда юқори температура таъсирида кўйлар қаттиқ терлайди, бу эса эпидермиснинг қатламланишига олиб келади.

Кўтир жун. Кўтир билан касалланган кўйларнинг жунни қурук, чигал ва тери (экссудати) йиринг моддаси таъсирида айрим тутамчалар ҳолида ёпишиб қолган минерал аралашмалар (қум, чанг), ўсимлик аралашмалари, яра пўсти ва қазоқ билан ифлосланган бўлади. Айрим қазоқ қатламлари ва яра пўстлари жун толаларига қаттиқ ёпишиб қолган бўлиб, уларни ювиб ва тараш орқали кетказиб бўлмайди, бу эса хом-ашёни қайта ишлашни қийинлаштиради. Бундан ташқари, кўйларнинг бадани қучли қичиши сабабли улар қаттиқ буюмларга ишқаланади, жун қоқламини тишлаб қайнайди, туёғи билан ўзини қашилайди, натижада тери юзасида жароҳат пайдо бўлади, толалар тўқила бошлайди. Кўтир жуннинг асосий қисмидан қизил ишлаб чиқаришда ва арзон баҳоли мато тайёрлашда фойдаланилади. Кўтир қанаси тарқалишига йўл қўймаслик учун: кўтир кўйларни алоҳида ажратиб қўйиш; кўйлар турган бинолар ичини дезинфекциялаш; кўтир кўйлар ўтлатилган яйловлардан фойдаланишни уч ойгача таъқиқлаб қўйиш; кўйларни кенг, қурук, ёруғ, шамоллатиб туриладиган биноларда асраш ва тўшамасини минтазам равишда янгилаб туриш, кўйларни кўтирга қарши бетоциднинг 1 % ли эритмаси ёки креолиннинг 1,5 % ли эритмасида чўмилтириб туриш лозим. Бунда шунини ҳисобга олиш керакки, креолин эритмасининг концентрацияси ортиб кетса (3-4 %) жун тўқ қул ранг тусга кириб қолади. Бундай жун сарғайган жун тоифасига ўтказилади.

Баз жун. Бундай жун кўйларининг қоридан, сонининг пастки қисмидан, баъзан эса баз ва кўраларда потўғри асралган кўйлар япоғисининг асосий қисмларидан (ёнбоши, орқаси, кўкрақларидан) ҳам олинади. Кўйлар жуда гуж бўлиб тўрежасиб турган, баз ва кўтрлар ифлос бўлган тақдирда,

шунингдек, ёмгирда ивиб кетган кўйлар кўй хоналарга хайдаб киритилганда уларнинг жуни сийдик ва кийи билан ифлосланади. Кўйлар кўйхоналардан янги ўтлокка олиб чиқилганда ва турли касалликларда ошқозон-ичаклар фаолиятининг бузилиши кузатилади. Бу ҳам ифлосланган баз жун хосил бўлишга сабаб бўлади. Базлардаги ифлосланиш жунга салбий таъсир этиб, унинг ранги, пишиқлиги ва эластиклигини ўзгартириб юборади. Орасида 20% баз жун бўлган жун гуруҳи беш ой сақланганда бутун хом-ашёнинг 40 % саргайиб кетганлиги аниқланган. Бунинг сабаби шундаки, жун намни кўплаб ўзига тортиш ва сақлаш хусусиятларига эга, у нам кўйхоналарда илашган ифлосликлар билан ўзаро таъсирлашиб, оқ жуннинг рангини ўзгартириб юборадиган бирикмалар хосил қилади. Баз жун технологик хоссаларини йўқотади, шу сабабли паст навларга ўтказилади ва нархи япоги жун нархидан 2-4 баравар паст бўлади.

Кий ёпишган жун. Бундай жун толасига кўплаб кий массаси ёпишиб қолиши натижасида хосил бўлади. Жун толалари бамисоли курук кий парчалари орасида кўмилиб қолганга ўхшайди. Бундай жунни махсус машиналарда ишлов бериш керак. Баз жундан, кий ёпишган жундан асосан кигиз саноатида фойдаланилади. Агар куйидаги талбирлар амалга оширилса, баз жун ва кий ёпишган жун микдорини камайтириш мумкин бўлади: кўйларнинг тўда бўлиб туришига, кўралар ичи нам ва ифлос бўлишига йўл қўймаслик, у ерга жуни ёмгирдан ивиб кетган кўйларни киритмаслик, кўралар банд, жанубга томон қараб турган жойларга қурилиши ва атрофидан шалтоқ ҳамда ёмгир сувлари оқиб кетадиган юза арик (зовур) казиб қўйилиши керак кўйлар яйловга аста-секин олиб чиқилиши лозим, чунки уларни бирданига яйловга хайдаш ёппасига ошқозон-ичак касаллигига олиб келиши ва бунинг натижасида уларнинг жни суюқ кий билан ифлосланиши мумкин.

Кўйларни яйловда боқиш даврида ифлосланишга йўл қўймаслик учун уларни ҳар бир дам бериш жойида 4-5 кундан ортиқ тутмаслик, оғилда боқиш даврида кўралардаги тўшамани тез-тез алмаштириб туриш керак. Совлик қўзилашидан олдинроқ думи атрофидаги жунини қирқиб олиш керак. Бу ишни

феврал-март ойларида қилган маъқул, чунки шундай қилинганда япоғининг бошка қисмларидаги жун яхши сақланади.

Баъзан қўйларнинг тўда бўлиб туриши, қўйхоналарда намлик ва харорат юқори бўлиши, уларга шамол яхши тегмаслиги натижасида жунининг йўлиниши, яъни толимларнинг айрим толалари ёки кокилчаларнинг тўкила бошлаши кузатилади. Бу ҳодиса ёмғир ёки қорда қолгандан кейин қўйхонага хайдаб киритилган қўйларда айниқса кўп учрайди.

Хўл жун хар хил бўёкли бирикмаларни шимиб олади, натижада ранги ўзгаради ва пишиқлигини қисман йўқотади.

Чигаллашган (кигизлашган) жун мамлакатимизнинг жанубий туманларида урчитиладиган ҳамма зотларга мансуб қўйларда тер ажралиш жараёнида кучаяди. Қўйлар қуёшнинг тик тушадиган нурларидан сақланиш учун тўда бўлиб олиб, соя ҳосил қилишга интилади, бир-бирининг тагига бошини тикиб олади. Натижада жуннинг чигалланиши (наматланиши) учун барча шароит: юқори харорат, тери қопламанинг юзасида ва толимларида етарли микорда нам (тер) жуннинг шаклланиши вужудга келади. Бунинг натижасида дастлабки туллаш вақтида теридан ажралган ва толимда ушланиб турган айрим тивит толалар қўйлар ҳаракатланаётганда бир учи билан ҳаракатланиб, япоғи тагида кигизсимон қаваг ҳосил қилади. Ёмон шароитда боқилган ва асралган, яхши парвариш қилинмаган касал қўйларда ҳам наматлашган жун ҳосил бўлиши мумкин.

Жуннинг қум ва чағ билан ифлосланиши. Қум ва чағли жун оғир бўлади, қўйларни ҳам оғирлаштириб, толиқтиради, тер ва ёғ безларининг суюқлик чиқариш йўли беркилиб қолади, натижада қўйларнинг соғлиғи ёмонлашувига сабаб бўлади.

Қўйлар ўтлаётганда уларнинг жун қоплами орасига кириб қолган қум толанинг таңгачали қтламини емиради, натижада ташқи муҳит шароити пўстлоқ қағламанинг хужайраларига салбий таъсир эта бошлайди. Бундай жун электрли қайчилар билан қирқилганда қирқилган машинасининг пичоқларини тез ишдан чиқаради, жун қирқувчиларнинг иш унуми кескин пасайиб кетади.

Жуннинг кум, чанг ва тупроқ аралашмалари билан ифлосланишининг олдини олиш учун: кўйлар сурувини йўл ва шудгорлаб кўйилган далалар оркали хайдаб ўтмаслик кум бўронлари яқинлашиб келаётган вақтда кўйларни усти ёпик бинолар ичига хайдаб киритиш, дам бериш жойлари учун паст ва калин ўтли чимзор майдонларни танлаш лозим.

Тамғали жун. Энг нўксонли ҳисобланади. У бўёқ, қорамой (катрон) билан тамға уриш (нишон солиш) натижасида пайдо бўлади. Тажрибасиз чўпонлар орасида кўйларнинг орқаси ёки ёнбошига ювилмайдиган бўёқлар билан тамға уриш ҳоллари учраб туради. Бундай тамға жунни фабрикада ишлаганда ҳам кетмайди. Шунинг учун тайёрланган жун ювилгандан кейин тамғали қисми қўлда ажратиб олинади. Бу эса жуннинг тоза чиқимиға салбий таъсир этади.

Қийким кўйларнинг жун малакасиз жун киркувчилар томонидан нотўғри киркилиши натижасида ҳосил бўлади. Агар жун киркувчи биринчи марта чала олинган жойларни текислаш мақсадида машинкани кўй терисининг бир жойи устидан бир неча марта юргизса, қийким ҳосил бўлади. Бунда толалар 25 мм дан ҳам майда бўлакчаларға бўлиниб кетади. Жун ювилаётганда бундай қалта толалар юмалоқланиб қолади, чигаллашиб, тугунча ҳосил қилади ва жунни қайта ишлашни қийинлаштиради. Уларнинг кўп бўлиши – йигирилган жуннинг пишиқлигини ва микдорини камайтириб юборади, газлама кўримсиз, тугун-тугун бўлиб чиқади.

Йигирилган қалава ва газламаға аралашиб қолган қалта толалар ундан фойдаланиш жараёнида тўкилиб туша бошлайди, натижада буюмларнинг хизмат муддати кескин қисқаради.

Тери парчаси кўйлар жунини киркиш вақтида тасодифан жун билан бирга киркиб олинади. Бундай вақтда кўйлар кўп қон йўқотади, касалланади, маҳсулдорлиги пасаяди. Бундан ташқари, жароҳатланган жоёға касал тўғдирувчи микроорганизмлар тушиши, пашша тухум кўйиши мумкин, уларнинг қурти мускул тўқимасини суяккача еб битиради, бу эса кўпинча хайвонларнинг нобуд бўлишиға олиб келади.

Хом-ашёни дастлабки ишлашда қуриб қолган тери парчаларини алоҳида ажратиб устидан жунини қирқиб олишга тўғри келади. Аммо қурук, қаттиқ, таранг тери парчасини жун массасидан батамом ажратиб олишнинг имкони йўқ.

Жуннинг ўсимлик тоаларидан иборат чилвирлар билан ифлосланиши. Жун тайёрлаш ва уни дастлабки ишлашни кўпгина босқичларида йиғириш вақтида у қаноп, ўров иплари, чилвирлар, ип газлама парчалари билан ифлосланиши мумкин. Бу нуқсон шунинг учун жилдий ҳисобланадики, бундай жунни тароқлаётганда унинг орасидаги қаноп, чилвир парчалари ё гарнитурани бузади, ёки бутун жун партиясини ўз тоалари билан ифлослантиради. Ип тоаларининг жун тоаларидан фарқи шундаки, улар бошқача бўёқлар билан бўялади, шу туфайли улар йиғирилган қалавада, айниқса тайёр маҳсулотда ажралиб туради ва бундай маҳсулотларни пучак қилишга тўғри келади.

Қуйган ёки жийган жун. Хаддан ташқари нам бўлган жунни пресслаш натижасида у жийиб қолади, бу ҳақ жун оксилани эмирадиган чиритувчи бактерияларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, тойлар тагликларез, устига брезент ёпилмай нотўғри сақланиши сабабли улар нам тортиши натижасида ҳам жун жийиб қолади. Намиқиб қолган жун ювилганда тоза тола анча қолмади, чунки жуннинг микроблар емирган қисми ҳам сувда эриб, ифлос аралашма билан бирга чиқиб кетади. Қуйган ёки жийган жун пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун ўта нам жунни ўраб тойламаслик, жунни маҳсул тагликлар устида сақлаш лозим. Очиқ ҳаводаги жун гарамлари устига брезент ёпиб қўйиш керак башарга, жун намиқиб қолган бўлса, уни дарҳол қурук ҳолатга келгунча қуритиш лозим.

Жун ёмон шароитда сақланса уни қуя ёйди, чунки унинг орасида қуя қуртлари бемалол ривожлана олади. Қуя ёган жун, одатда, йиғирув фабрикаларида қайта ишлаш учун мутлақо ярамайди. Бундай жун харид қилинмайди.

Жунга бевосита хўжалиқларда қуя тушушининг олдини олиш учун уни мумкин қадар тезроқ тайёрлов идораси омборларига ёки бевосита жун ювиш

жойига жўнатиш керак. Жунни қуя егани аниқланса, омборни дезинфекция қилиш зарур. Бундай жунга тик тушувчи қуёш нурлари яхши таъсир кўрсатади, шунинг учун хўжаликлар ва тайёрлаш идораларида қуя тушган жунни офтобга ёйиб яхшилаб қуришиб олиш керак.

1-топширик. Мавжуд жун намуналаридан фойдаланган ҳолда, уларнинг нуқсон ва камчиликларини ҳамда пайдо бўлиш сабабларини аниқланг. Натижани ишчи дафтарингизга қуйидаги шакл асосида ёзинг.

Шакл.

Жуннинг нуқсон ва камчиликлари	Унинг пайдо бўлиш сабаблари	Унинг олдини олиш тадбирлари

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар?

Тўғма ёки ирсий нуқсон деганда қанақа нуқсон тушунилади?

Жуннинг қанақа камчиликларини биласиз?

Жуннинг орттирилган камчиликларини таърифлаб беринг.

Нуқсонли жун нима?

Қўғир жун қандай пайдо бўлади?

Баз жун қай ҳолларда ва қўйнинг қайси қисмларидан олинади?

Жуннинг қандай нуқсонларини биласиз?

Жуннинг ирсий (туғма) нуқсонларига қандай камчиликлар киради?

Жуннинг орттирилган камчиликлари қандай бўлади?

Ўлик жун толалари қандай бўлади?

Қўғир жун қандай жунга айтилади?

баз жун қандай жун?

Чигалашган, (кигизлашган) жунни камайтириш мумкинми?

Қандай қилиб жуннинг қум ва чанг билан ифлосланишининг олдини олиш мумкин?

Тангали жун нима?

Қийқим жун деганда қандай жун тушунилади?

Жунлар қандай ўимликлар билан ифлосланади?

Қуйган жун қандай жун?

10 – М А Ш Ғ У Л О Т

М A В З У : Я П О Ғ И Ж У Н В А У Н И Н Ғ Э Л Е М Е Н Т Л А Р И .

Машғулотдан мақсад – талабаларни япоғи жуннинг тузилиши билан таништириш, япоғида тўғри баҳо бера билиш, япоғи жунни синфларга бўлиш тартибини ўзлаштириш, жуннинг иллат ва нуқсонларини аниқлай билиш ва уларни баргараф этиш чораларини ишлаб чиқиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар – (машғулотни тайёрлов идораларида ўтказиш ўринлидир). Турли қўй зотларининг, ҳар хил ҳолат ва синфга мансуб япоғи жунлари, давлат тайёрлов андозалари, камчиликли жун намуналари, чизгичлар, турли ингичкаликдаги (сифатли) жунларнинг эталонлари, жадваллар, лугатлар ва ўқув қўлланмалар.

Машғулотни ўтказиш тартиби – ўқитувчи талабаларни турли зот ва йўналишга мансуб қўйларнинг япоғи жунни, уларнинг иллат ва нуқсонлари билан таништиради, шундан кейин япоғининг тузилиши, унинг хусусиятлари ва шакллари билан таништиради.

Машғулотнинг мазмуни. Турли қўй зотлари япоғи жунларининг тузилиши ҳар хил бўлади. Майин жунли қўй зотларининг япоғи жунни туташган, ёпиқ бўлиб, штапелни ташкил этувчи жун толаларининг гуруҳларидан ташкил топган.

Ярим майин жунли қўй зотларининг жунни чала очик бўлиб, штапеллардан, штапел-толимларидан ёки толимлардан ташкил топган бўлади.

Ярим дагал ва дагал жунли кўй зотларининг япогиси очик бўлиб, толимлардан иборат бўлади.

Штапел (толим) лар - бу табиий япоги жун гуруҳчалари. Улар кўйларнинг биологик хусусиятларининг таъсири остида терида жойлашади.

Кўпгина кишлоқ хўжалик хайвонларида жун қоплами терининг бутун юзасини текис қоплайди, кўйларнинг терисида эса жун гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўсади ва уларнинг орасида тери чоки бўлади, кайсиким, жунтолалари билан қорежамайди. Жун толаларининг бундай гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашиши майин жунли кўйларда япоги жунини штапел тузилиши, ярим майин жунли кўйларда япоги штапел, штапел-толимсимон ва толимсимон тузилиши, ярим дагал ва дагал жунли кўй зотларининг япоги жунини толимсимон тузилишда бўлишига сабаб бўлади.

Япоги жунининг штапел тузилишда бўлиши, жуннинг ич қисмига чанг, ўсимлик қолдиқларининг кирмаслигидан ташки механик таъсирлардан жароҳатланишдан сақлайди. Жун сифатини ва кўйларнинг жун маҳсулдорлигини баҳолашда штапел ва толимларнинг шакллари алоҳида аҳамият касб этади. Штапелда ташки ва ички кўриниш фарк килинади. Штапел ташки кўринишига кўра – (япоги жун тери чокларининг расми) кичик квадратсимон, катта (йирик) квадратсимон ва тахтачасимон бўлади.

Кичик квадратсимон тузилишли япоги жун штапелида жун зич (тигис), жуда майин (ингичка) ва нисбатан қисқа жойлашган бўлади (сукно типиди).

Йирик квадратсимон тузилишли япоги жун штапелида жун зич (тигис), лекин узун ва ўртача йўғонликда жойлашган бўлади.

Тахтачасимон штапел узун ва сийрак жунли кўйлар япоги жунининг штапелида бўлади.

Штапел ички шаклиги кўра цилиндрсимон, гердобсимон ва конуссимон бўлади.

Цилиндрсимон штапел-штапел шакллариининг ичида энг макбулидир. У жуннинг барча техник сифатлари, жиҳатдан яъни зичлиги яхши, ингичкалиги, текислиги, ҳамда ёғли тери миқдорининг меъёридалигидан далолат беради.

Конуссимон ва гирдобсимон штапел нисбатан сийрак жуни, жуннинг узунлиги ва ингичкалиги етарли даражада бир текис эмас, ёғлитери кўп (конуссимон) ёки етарли эмас (воронкасимон) бўлади. Кўпроқ цилиндрсимон ва ўртача квадратсимон штапел ички штапелнинг макбул шакллари ҳисобланади.

Толимларнинг тузилиши ҳам худди шундай ҳар хил бўлади. Агар толимлар зич, ушлаб кўрғанда юмшоқ ва юкори қисми тик бўлса, бундай япоги жунда тивит микдорининг кўплиги ва толимнинг макбул шаклда эканлигидан далолат беради. Тескариси, агар толимлар дағал, сийрак, тахминан теригача (табiiий ҳолда) ётиқ бўлса, ундай япоги жунда қилсик толалари ва жун хомашёсининг сифати пастлигидан далолат беради.

Муҳими япоги жундаги юкори жун ва паст навларни тўғри аниқлай билиш. Асосий, юкори сифатли қисмлари япогининг ягрин, орка, бел, курак ва ёнбош қисмлардаги майдонни ўз ичига олади.

Паст навларга қорин, бош, бўйин, оёқ ва дум қисмлардаги жунлар қиради.

Модомики, юкори нав – бу энг яхши сифатли жун экан, селекцияни тана тузилиши йирик, узун, чуқур ва кенг, нисбатан қиска бўйинли хайвон яратишга қаратилиши лозим.

1-топширик.

Машғулот жуншунослик лабораториясида ўтказилади. Ҳар 3-4 талабага турли йўналишдаги қўй зотининг 1-2 япоги жуни тарқатиб берилади. Кейинчалик талабалар бир-бирлари билан япогиларини алмашадилар.

Шу қуйидаги шакл асосида бажарилади. 6-шакл.

Япогининг рақами	Япогининг тури	Жунининг гуруҳи	Япогининг хусусиятлари, унинг таърифи

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар?

Япоги жун нима?

Терининг юзасида жун толалари қай тарзда жойлашган?

Япоги жун қанақа тузилишларда бўлади?

Штапелнинг ташқи кўриниши деганда нимани тушунасиз?

Ташқи штапел қанақа кўринишларда учрайди?

Ички штапел нима?

Кичик квадратсимон, катта квадратсимон ва тахтачасимон кўринишлардаги штапелларни таърифлаб беринг.

Цилиндрсимон штапел қандай штапел.

Конуссимон штапел воронкасимон штапелдан фарқини тушунтириб беринг.

Нима учун бир хил толали ва ҳар хил толали япоги жунлар элементлари жихатидан бир-бирдан фарқланади?

11 – МАШГУЛОТ

МАВЗУ: ДАҒАЛ ВА ЯРИМ ДАҒАЛ ЖУНДАГИ ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ ТОЛАЛАР МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ.

Машгулотдан мақсад – талабаларни айрим тола типлари билан таништиришдан, ташки кўринишига қараб бир-биридан ажрата билишига, уларнинг ярим дағал ва дағал жундаги миқдорини аниқлашдан иборат.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар – ярим дағал ва дағал жун намуналари, аналитик тарозилар, қуритиш шкафи, эксикатор, ювувчи эритмалар, авиация бензини, копкағи силлик стакан, қюветналар, шиша таёкчалар, фильтр қоғоз, қора қоғоз, пинцетлар.

Машгулотни ўтказиш тартиби – тушунтириш, ёздиритиш, мустикал иш.

Машгулотнинг мазмуни. Машгулот ўтиш вақтида талабалар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳдаги талабаларга (2 киши) ҳар бир столга ярим дағал жун намуналари, иккинчи гуруҳга дағал жун намуналари тарқатиб чиқилади. Ишни бажаришнинг кейинги тартиби иккала гуруҳда ҳам бир хил бўлади.

2-3 жун намуналари бензинда ёки совун-сода эритмасида (қюветларда) ювилади. Эритманинг миқдори (нисбати): 1л сувга 1г кальциацияланган сода ва 3г кир совун олинади, ҳарорати 45-50⁰ С. жун ювиш учун синтетик моддалардан (кир ювиш қуқинидан) фойдаланиш ҳам мумкин. Нисбати 1л сувга 2г кир ювиш қуқини солинади.

Жун иккита стаканчадаги эфирда ювилади, бунда уни шиша таёкча билан аралаштириб турилади ёки тўртта идишда ювилади: уларнинг учтасига совун-сода эритмаси, тўртинчисига чайиш учун тоза илиқ сув тўлдирилади. Жун толалари чигаллашиб кетишига йўл қўймаслик учун уни эҳтиётлик билан ювиш лозим. Жун ювиб бўлингандан кейин қуритиш учун фильтр қоғоз варақлари орасига жойлаштирилади ва жундан кейин термостатда қуритилади. Ювид қуритилган жундан учта ўртача (асосий параллел ва назорат) намуна ажратиб

олинади. Учала жун намунаси стаканларга солиниб (уларнинг вазни олдиндан маълум) термостатда 100-105°C да доимий курук оғирлигига келгунча куритилади.

Жун намунаси 15 дакика кейин такроран ўлчаб кўрилганда оғирлигини 0,05 г дан ортик камайдиган вази, доимий курук вази деб аталади. Жуннинг доимий курук вазини ҳисоблаш учун ичига жун жойланган стаканнинг доимий курук вазидан стаканнинг доимий курук вазни айриб ташланади.

Факат асосий ва параллел намуна таҳлил қилинади, назорат намуна захира (запас) хизматини ўтайди. Ок жунни ҳар хил тоифадаги толаларга ажратиш иши кора коғоз устида, кора жунни эса ок коғознинг устида пинцет билан бажарилади. Таҳлил қилишни қилчиқ толаларни тивит толалардан ажратишдан бошлаган маъқул, сўнгра қолган вазидан оралик толани ажратишда қуйидаги белгиларга амал қилинади:

Тивит энг ингичка ва энг жингалак (буралган) толалардир. Уларнинг ингичкалиги 30 мкм гача бўлади. Дағал жузли кўйларнинг жун қопламада тивит толалари энг пастки қаватда жойлашган бўлади.

Қилчиқ энг узун, кам жингалакли, нисбатан йўғон тола. Унинг ингичкалиги 40 мкмдан 120 мкм гача бўлади. Дағал жузли кўйларнинг жун қопламада қилчиқ толалар устки қаватни ташкил этади.

Оралик тола қилчиқ билан тивит ўртасидаги оралик толадир. Бу толалар узунлиги ва ингичкалиги жиҳатидан қилчиқ толалардан қалтарок ва тивит толаларидан узунроқ бўлади. Айрим ҳолларда оралик толаларни барча кўрсаткичлари бўйича ингичкароқ ва қалтарок бўлганда қилчиқ толалардан ажратиш қийин бўлса, бошқа ҳолларда уларни узунроқ ва йўғонроқ тивит толаларидан ажратиш ҳам қийин бўлади. Оралик толаларнинг ингичкалиги 30 мкм дан 40-55 мкм гача бўлади.

Ўлик тола қалта, тўғри, дағал ва синувчан қилчиқ толадир. Бу тола, одатда қилчиқдан, баъзан эса тивит толаларидан ҳам қалта бўлади. Унинг ингичкалиги 120-140 мкм бўлади ва ундан ҳам ортади. Ўлик толалар эгилганда синиб, тортганда узилиб кетади ҳамда, ялтироқлиги хира бўлади.

Курук тола килчикнинг бир тури бўлиб, тола узунлигининг иккинчи ярмида ёглигер бўлмайди, шу сабабли бу толанинг учи жуда дағал ва мўрт бўлади.

Жунни таркибий қисмларга ажратиб бўлгандан кейин ҳар хил турдаги толаларни санаб чиқиш лозим. Бу толалар миқдорини аниқлаш, бинобарин, турли хайвонлардаги, шунингдек, ҳар хил турларга мансуб жундаги ҳар хил тола типларининг миқдорий нисбатини таққослаб кўриш имконини беради.

Таҳлил (анализ) натижасида хилларга ажратилиши кийин бўлган оз миқдордаги «қолдик» (синик жун бўлаклари, чигаллашиб кетган тола тугунлари) ортиб қолади. Агар таҳлилнинг барча қоидаларига риоя қилинса, ушбу қолдик дастлабки олинган жун намунаси вазнининг 2,5% дан ошмайди. Бундан ташқари, жунни тола типларига қараб хилларга ажратиш жараёнида маълум миқдорда ҳас-чўп ва чўкинди ҳам қолади. Ушбу аралашмаларнинг вазини ҳисобга олиш керак. Жун намунаси барча таркибий қисмларга (тола типлари, қолдик, чиқинди ахлатга) ажратиб бўлингандан кейин, таҳлил натижалари аниқ бўлиши учун ҳар хил типдаги толаларни яна қайтадан доимий курук вази ҳолига келтириш ва 0,01 г гача аниқликда қайта тортиб кўриш керак.

Аммо талабалар ўрганиш мақсадида (вақт кам бўлганлиги сабабли) лаборатория шароитида аниқланган жуннинг вазидан фойдаланишлари мумкин, яъни улар жуннинг вазини турли фракцияларга ажратишдан олдин ва ундан кейин доимий курук ҳолатга келтириб ўтирмайдиган. Ҳар бир фракциянинг вазни барча типдаги толаларнинг умумий вазнига нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланади. Агар асосий намуна билан параллел намуна ўртасидаги тафовут 3% дан ортиқ бўлмаса, таҳлил натижаси тўғри деб ҳисобланади. Масалан, асосий намунадаги килчик миқдори 47% бўлса, параллел намунада 50% дан ошмаслиги керак. Агарда, мазкур фарқ 3% дан ортиқ бўлса, зоҳира (запас) – даги назорат жун намунаси текширилади. Иккита ўхшаш намунани таҳлил қилиш маълумотлари асосида ўртача арифметик миқдор ҳисоблаб чиқарилади.

Хар бир фракцияга мансуб толаларнинг фоизли нисбати жун намунасининг вазнига қараб эмас, (бу намуна таркибида хар хил типдаги толалардан ташқари, ифлос чиқиндилар ва жун қолдиғи ҳам бўлади), ундаги хар хил типли жуннинг умумий вазнига қараб аниқланади. Тажриба таҳлил тугагандан кейин хар хил фракциядаги толаларни алоҳида қозғаб ўраб, типни, талабанинг насаби, исми ва шарифи ёзиб қўйилади. Кейинчалик хар хил типдаги жунга оид мазкур намуналардан толаларнинг гистологик тузилишини ўрганишда фойдаланилади.

Таҳлил натижалари иш дафтарида куйидаги шаклда ёзиб қўйилади. (4-шакл).

4-шакл.

Толалар тури	Толалар миқдори		Жуннинг қисқача таърифи
	дона	Ҳаммасига нисбатан %	
Тивит			
Қилчик			
Оралик тола			
Ўлик тола			
Қурук тола			
Жами		100,0	

Хар хил турдаги толаларнинг фоиз ҳисобидаги нисбати қуйидаги шаклда ёзиб қўйилади (5-шакл).

5-шакл.

Қўрсаткичлар	Асосий намуна	Намунадаги жун толалари вазни, г	Толаларнинг ўртача вазни (асосий, параллел)	Фоиз

Ювилган жун намунасининг дастлабки вазни				
Тивит намунасидаги				
Оралик тола намунасидаги				
Қилчик намунасидаги				
Қурук толалар намунасидаги				
Ҳамма типдаги толаларнинг вазни				
Нобудгарчилик				

Турли типларга мансуб жун гуруҳлари кейинги лаборатория машғулотлари пайтида таҳлил қилиш учун сақлаб қолинади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар?

1. Жун толаларининг қандай типларини биласиз?
2. Дағал жундаги тола типларининг миқдори қандай аниқланади?
3. Нима учун ярим дағал жуннинг таркибидаги турли толаларнинг миқдори аниқланади?
4. Дағал ва ярим дағал жунлардаги тола типлари миқдорларини аниқлашдаги ўхшашлик ва фарқларни айтиб беринг.
5. Нима мақсадда ярим дағал жун таркибидаги турли хил тола типларининг миқдори ўрганилади?
6. Нима учун ярим майин жунлар таркибидаги тола типларининг миқдори аниқланмайди?
7. Жуннинг доимий қурук оғирлиги қандай қилиб аниқланади?
8. Нима мақсадда жундан учта, яъни асосий, параллел ва назорат намуналар олинади-ю, аммо кўпчилик ҳолларда биринчи иккитаси текширилади, учинчиси эса шундайлигича қолаверади?

12-МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ДАҒАЛ ВА ЯРИМ ДАҒАЛ ҚҶЙЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ТОЗА ЖУН МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ.

Машғулотдан мақсад – олинган тоза жун миқдорини, унинг ҳисобга кирадиган вазнини, ювилган жун миқдорини аниқлашни ташкил этишни ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмал қўлланмалар – намуна олиш учун япоги ёки дағал ва ярим дағал жун намуналари (200 г дан) ГПОШ-2М аппаратлари, электр билан иситиладиган бешта бак, жун ивителидиган тоғоралар, тўрсеимон металл саватлар, сув термометрлари, жун намуналарини ажратиб олиш учун трафарет сетка, силлиқ ёғоч таёқчалар, кум соат, кир совун, кальциацияланган сода, сув, челак, сочик, техник тарози, ювилган жун миқдорининг базис нормаларини ифодалайдиган жадвал.

Машғулотни ўтказиш тартиби – сўраш, турли гуруҳларга мансуб жунлардан намуналар олиш, уларни ювиш ва жун тоза чиқимини аниқлаш техникасини ўргатиш, ёздирини ва мустақил иш.

Машғулотнинг мазмуни. Ювилган жуннинг фойзлардаги миқдорини аниқлашнинг амалда бир нечта: экспорт усули; лаборатория усули; мазкур жун гуруҳини контрол ювиб аниқлаш усули; бутун жун гуруҳини жун ювиш хонасига ёки жун ишлаш фабрикасида ювилгандан кейин олинган ҳақиқий жун миқдorigа қараб аниқлаш усуллари бор.

Ювилган жун миқдори фойзини аниқлашнинг эксперт усули баъзан органолептик усул ҳам деб аталади ва у асбобларсиз, сезги органлари кўриш, сезиш (ушлаб кўриш) ёрдамида амалга оширилади. Эксперт йўли билан аниқланган тоза (ювилган) жуннинг фойзларда ифодаланган миқдори одатда таксат деб аталади. Таксат – бу тоза (соф) тола массасининг ўзи ажратиб олинган кондицион намликдаги табиий (ювилмаган) жун вазнига бўлган фойзли нисбатидан иборат.

Маълумки, табиий жуннинг вазни жун толалари, ёглитер, ўсимлик ва минерал аралашмалардан иборат бўлади. Шу билан бирга тоза (соф) толанing табиий толага нисбати жун таркибидаги ҳар хил аралашмалардан ташқари, муҳитнинг хусусиятларига, боқиш ва асраш шароитига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, дағал жуни қўйлардан олинадиган тоза жун миқдори ярим дағал жуни қўйлардан олинадиганидан анча кўндир.

Жуннинг харид нархлари 100 % тоза толанing 1 кг учун белгаланганлиги сабабли жун тайёрлашда ўзаро ҳисоб-китоб жараёнлари учун ифлос жундан неча фоиз тоза (ювилган) жун олинашини аниқлаш зарур бўлади.

Олинадиган жуннинг органолептик фоззли миқдорини жун тайёрловчи-жуншунос аниқлайди. Бу иш тайёрловчидан катта ишлаб чиқариш тажрибаси ва малака талаб қиладиган кийин ва маъсулиятли жараёндир. Аввало баҳоланаётган жунни синчиклаб кўриб чиқиш керак. Унинг вазини ҳисобга олиш, намлик, ёглитер даражасини, жун толалари узунлигини ва ингичкалигини, канча ўсимлик ва минерал аралашмалар борлигини аниқлаб олиш ва мавжуд тажрибага асосланиб, тақсатни аниқлаш лозим.

Тайёрлаш идоралари, жун ишлаш фабрикалари ва комбинатларига жун қўйлардан қандай қирқиб олинган бўлса, шундайлигича, ёки у ёки бу усулда ювилган ҳолда келиб тушини мумкин.

Қўйлар дарёдан ёки суъий ишоотдан, оқар сув ҳавзасидан ҳайдаб ўтказилгандан кейин қирқиб олинган жун ҳайдов жун ёки ҳайдалма усулда ювилган жун деб аталади. Қўйлар сувдан ҳайдаб ўтиладиганда жун яхшироқ ювилиши учун қўл билан ишқаланади. Лекин ифлос аралашмаларни бу усулда бутунлай тозалаб бўлмайди. Шунинг учун бу усул камроқ, асосан Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Қозоғистон ҳамда Кавказ орти мамлакатларида қўлланилади.

Ним ҳайдов ёки ҳайдалма усулда чала ювилган жун. Сувнинг каттиклик даражасига ва жун таркибида ёглитер нақадар кўплигига қараб, ҳайдалма усулда ювилган жун баъзан жуда кам тозаланади. Агар ҳайдалма усулда

ювилган жунда япоғининг айрим қисмлари мутлақо ювилмай қолган бўлса, бундай жун чала ювилган жун деб аталади.

Базис миқдорига айлантириб ҳисоблаш:

Режалаштириш ва жун етиштиришни ҳисобга олиш ишлари олинадиган соф тола миқдорининг муайян миқдорига қараб юритилади. Шу сабабли старда ёки бутун хўжалиқда етиштирилган маҳсулот миқдорини ҳисобга олиш учун уни мутаносиблик принципи асосида баланс миқдорига айлантириш лозим.

Хўжалиқдан ёки аҳолидан харид қилинган жун табиий вазни асосида ҳисобланади, бундан ташқари, олинадиган ювилган жуннинг фоизи, ҳисобга қирадиган вазни ҳамда соф толага айлантирилган вазни ҳисобга олинади.

Ҳисобга қирадиган жуннинг вазини аниқлаш учун унинг табиий (тарозида тортилган) вазини ҳақиқий олинадиган тоза жун фоизига (қабул қилиш вақтида аниқланадиган) қўпайтирилади ва ҳосил қилинган миқдор натурал жундан олинадиган тоза жун миқдорининг белгиланган базис нормасига тақсимланади.

Масала. «Нурота» хўжалиғи 10 000 кг (табиий вазда) баҳорда қирқилган сур қоракўл қўйлар жунини сотган. Олинадиган жун миқдорининг тоза чикими 63 % қилиб белгиланган. Ушбу жуннинг ҳисобга қирадиган вазни қуйидаги миқдорга тенг бўлади:

$$\frac{10000 \times 63}{100} = 12115,3 \text{ кг.}$$

52

Масала. «Жом» хўжалиғи (табиий вазда) 12000 кг баҳорда қирқилган жайлари қўйлар жунини сотган, тола чикими 78 %. Ушбу жуннинг ҳисобга қирадиган вазни қуйидагича бўлади:

$$\frac{12000 \times 78}{100} = 18000 \text{ кг.}$$

52

Агар олинадиган ювилган жун миқдорининг ҳақиқий фоизи тоза чикими юқори бўлса, ҳисобга кирадиган жуннинг вазни табиий вазидан ортик бўлади.

Масала. «Устиорт» хўжалиги кузда думбали қўйлардан қирқилган 900 кг ярим дағал жун топширган. Олинадиган соф тола миқдори 93 %. Ушбу жуннинг ҳисобга кирадиган вазни қуйидагича бўлади:

$$\frac{900 \times 93}{100} = 1468 \text{ кг.}$$

57

Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги мамлакатларининг тоза жун бўйича қўйидаги базис нормалари мавжуд.

2-жадвал.

Мамлакатларнинг номи	Баҳорги ярим дағал жун		Дағал жун	Дағал ва ярим дағал кузги ва барра жун
	1 кл.	2 кл.		
Ўзбекистон	49	51	52	57
Қозғистон	52	54	52	57
Қирғизистон	54	56	56	58
Тожикистон	49	51	52	52
Туркманистон	46	48	48	53

Аҳолидан қабул қилиниб, тайёрланадиган ювилган ҳолдаги жун (хайдалма, чала хайдалма, оддий усулда ювилган) қуйидаги коэффициентлар асосида натурал (ювилмаган) жунга айлантириб ҳисобланади.

3-жадвал.

Ювилмаган жунга айлантириб ҳисоблаш коэффициенти (хар 100 г хайдалма ва чала хайдалма жун ювилмаган жунга айлантириб ҳисобга олинади) (г).

Жуннинг тури	Ҳайдалма	Чала ҳайдалма
Қоракўл, думбали қўйлар жуни, туркман қўйлар жуни	150	120
Хисори қўй жуни	130	110
Ҳамма турдаги рус қўйлари жуни	135	115
Тушино, донма, балбас, лезгин, бозах, мазех қўйлари жуни	130	120

Дехконча усулда ювилган жун 100 г табиий вази, 120 г ҳисобга кирадиган вази асосида натурал жунга айлантириб ҳисобланади.

Аҳолидан қабул қилиб олинган жун олинадиган тоза жун фозизига қараб ҳайдалма ёки чала ҳайдалма жун каторига киритилади. Жунни ҳайдалма ёки чала ҳайдалма тоифага киритиш учун қуйидаги нормативлардан фойдаланилади.

Олинган тоза жун фозизи юқорида кўрсатилган нормадан 2 % дан ортиқ паст бўлиб чиқса, у ҳолда бундай жун чала ҳайдалма ёки ифлос (ювилмаган) жун тоифасига киритилади. Аҳолидан натурал (ювилмаган) ҳолда қабул қилиб олинган бошқа жуннинг ҳаммаси табиий вази асосида ҳисобга олинади ва олинадиган тоза жун фозизига қараб соф толага айлантириб ҳисобланади.

4-жадвал.

Ювилгандан кейин олинадиган соф тола фоизи нормативлари.

Жуннинг тури	Ҳайдалма		Чала ҳайдалма	
	Баҳорги жун	Кузги ва барра жун	Баҳорги жун	Кузги ва барра жун
Корақўл, думбали, кўйлар жун, хисори кўй жун	73	85	63	74
Туркман кўйлари жун, ҳамма турдаги рус кўйлари жун	78	85	65	75
Тушино, донма, балбас, лезгин, бозах, мазех кўйлари жун	77	90	62	78

Олинадиган тоза жун фозининг аниқлашнинг органолентик усули қўлланилганда кўпинча келишмовчиликлар пайдо бўлади. Шунинг учун кейинги вақтда тоза жун миқдорини аниқлашнинг лаборатория усули тобора кенг тарқалмоқда.

Ювилган жун миқдорини аниқлашнинг лаборатория усулида ва машгулот ўтказиш вақтида жараёнларни бажаришнинг кўйидаги тартибига риоя қилинади.

Мавжуд япогилардан жун намуналарини ажратиб олиш. Намуна ажратиб олиш учун япоги толимларини юкорига қаратиб стол устига ёйиб қўйилади. Сўнгра устига трафарет-сетка ётқизилади (унинг бўйи 1,6 м, эни 1,9 м, квадрат ячейкалари 20 x 20 см). Сетка япоги устини батамом қоплаб туриши керак. Японини чўзишга ёки кесишга йўл қўйилмайди.

Ҳар бир трафарет ячейкасининг ўрта қисмидан эҳтиётлик билан (ўнг қўлнинг уч бармоғи билан ушлаб) жун тутамчаси сугуриб олинади. Бунда

бармоқ япоги асосига етиб бориб, столга тегиши керак. Тутамни сугуриб олаётганда ўсимлик ва минерал аралашмалар тўкилиб-сочилмаслиги учун бутун япоги чап қўл билан ушлаб турилади. Ҳар бир ячейкадан олинган жун тутами (ячейкалар 48 та) тахминан бир хил ҳажм ва оғирликда (2-2, 50 г) ва умумий вазни 100 г га тенг бўлиши керак. Намуна, 1 г аникликкача тортиб кўрилгач, қозга ўраб қўйилади. Мазкур жун намунасига ҳисоб карточкаси ҳам қўшиб қўйилади, унда япоги раками, жуннинг тури, синфи, намунанинг вазни ва олинган куни ёзилган бўлади. Бир хил синфга мансуб япоғилардан ажратиб олинган иккита намунани қўшиб 200 граммни намуна ҳосил қилинади, бу намуна ГПОШ-2М аппаратида жуннинг умумий микдорини аниқлаш учун керак бўлади.

Жунни ювиш. Жунни ювиш жараёнини тезлаштириш учун намуналар олдинроқ алоҳида тоғорадаги 0,1 % ли совун ва 1 % ли сода эритмасида (25-30⁰) ивितिб қўйилади. Ивितिш муддати 1-3 соат давом этади. Ивितिш вақтида барча кесакчалар қўл билан майдаланади ёки эзиб юборилади ва ўсимликлар қолдиғи жун толаларига тегизмасдан олиб ташланади. Жун намуналари сикилгандан кейин бешта бақдан иборат ювиш қурилмасида ювилади (30 л сифимли учта бақда иссиқ совун эритмаси бўлади).

Иш осон бўлиши учун, одатда, ювиш режимида талаб қилинадиганидан кўра юқорирак концентрацияли совун-сода эритмаси тайёрланади. Эритма концентрацияси 30 баравар оширилади ва бунинг учун 10 л қайноқ сувда 900 г совун ҳамда 600 г сода эритилади.

Ювиш бақларида эритма керакли концентрацияда бўлиши учун: биринчи бақка 29 г қайноқ сув ва 1 л юқори концентрацияли эритма қўйилади, иккинчи ва учинчи бақларга 14,5 г дан камроқ сув ҳамда 0,5 л дан юқори концентрацияли эритма, тўртинчи ва бешинчи бақларга эса 30 л микдорида илик тоза сув қўйилади.

Қоракўл қўйлар билан жайдари қўйлар жунини, айникса, ҳайдалма ва чала ҳайдалма жунни ювишда совун-сода эритмасининг концентрациясини 1 л сувга 2 г совун тўғри келадиган даражагача пасайтириш мумкин.

Асосий ва параллел намуналар тешикларининг диаметри 3-4 мм бўлган тўрсимон саватларда кетма-кет ювилади. Жун намунаси бакдан-бакка савати билан бирга кўчирилади. Сават эритмадан олинган вақтда намуна яхшилаб сикилади, сўнгра савати билан бирга навбатдаги бакка ботирилади. Биринчи ва иккинчи баклардаги намуналар ювиб бўлинганан кейин эритма тўкиб ташланади, учинчи бакдаги эритма эса биринчи бакка қуйилади. Иккинчи ва учинчи бакларга янги совун-сода эритмаси қуйилади. Тўртинчи ва бешинчи баклардаги сув ифлосланишига қараб алмаштириб турилади. Ўсимликлар қолдиги ва бошқа ифлосликлар намунадан қўл билан иложи борича олиб ташланади, бунинг учун у тўртинчи ва бешинчи бакларда чайилади.

Намунадан жун толалари юлиниб чиқмаслиги учун аралашмаларни ундан жуда эҳтиётлик билан ажратиб олиш керак.

Ўргача намуналарни ювишда доимий ва муваққат каттиклик даражаси 8⁰ гача бўлган юмшоқ сувдан фойдаланилади. Сувнинг каттиклигини кузда, яъни жун тайёрлаш мавсуми бошланмасдан олдин текшириб кўриш, каттиклиги юкори бўлса, у юмшатилгандан кейингина жун ювишда фойдаланиш керак. Сув бак ва айрим чанларга қўймасдан олдин юмшатилади, бунинг учун 1 л сувга доимий ва муваққат каттиклик даражасининг хар бир градуси ҳисобига 30-35 мг миқдорида тринатрий фосфат қўшилади.

Жун намуналари ювиб ва чайилиб бўлингандан кейин сиқувчи аппаратлар ёрдамида уларнинг доимий қуруқ вазни аниқланади.

ГПОШ-2М, ЦС-53 типдаги аппарат ёрдамида жами ювилган жун миқдорини аниқлаш. Бу аппарат ювилмаган намунадаги жуннинг доимий қуруқ вазнини тез аниқлаш имконини беради. Ушбу аппарат билан ишлаганда ювилган намуна бутун жун жойлаштириб қўйилган гильзага жойланади, сўнгра гильзадаги намуна аппарат монометри стрелкаси 200 кг см² босимга етгунча сикилади. Ана шу босим 1 минутгача сақлаб турилади. Сўнгра босимни тушириб, намуна гильзадан чиқариб олинади ва шу захоти техник тарозида 0,1г гача аниқликда тортиб кўрилади. Ана шу огирлик аниқлангач текшириладётган намунанинг доимий қуруқ вазни қатта босим остида сиқилган ювилган

жуinning вазни билан унинг доимий курук вазни ўртасидаги боғланиш асосида осонгина ҳисоблаб чиқариш мумкин. Ушбу боғланиш шундан иборатки, сиқилган ҳар хил толали жуи таркибида, одатда 30 % нам сакланиб қолади, демак, доимий; курук вазининг умумий 70 % ни ташкил этади.

Айтайлик, баҳорда қирқилган 200 г ифлос жайдари қўй жуни намунаси ювилгандан кейин унинг ювилиб, ГПОШ-2М ашпаратида сиқилган ҳолатдаги вазни 161,4 г ни ташкил этган. Ушбу намунанинг доимий курук вазни (В) қуйидаги пропорцияга мувофиқ аниқланади:

$$B : 70 \times 161,4 : 100, \text{ яъни}$$

$$100 B = 161,4 \times 70 \text{ ёки}$$

$$B = \frac{161,4 \times 70}{100} = 112,98 \text{ г}$$

Ювилган жуи миқдорини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$П = \frac{У(100-К)}{А}$$

Бу ерда:

П – ювилган жуи миқдорининг фоизи (%); У – жуи намунасининг доимий курук вазни (г); А – оригинал (ифлос) жуининг дастлабки вазни (г); К – ҳар хил толали жуининг кондицион намлиги (16 %).

Ушбу мисолда олинган қийматлар формулада ўрнига қўйиб чиқилса қуйидаги миқдор ҳосил бўлади:

$$П = \frac{112,98 \times 16}{200} = 90,38 \%$$

Доимий курук вазнини харгал хисоблаб ўтирмаслик учун ГПОШ-2М аппаратида махсус жадвал бўлади. Унда сиқилган жуннинг аниқланган вазни канча доимий курук вазнига тўғри келиши кўрсатишган.

ЦС-53 А типдаги ярим автомат гидравлик аппарат ҳам шу принцип асосида ишлайди. Унинг асосий иш органлари гильзали иккита гидравлик цилиндрдан иборат. Босим керакли даражага етгач «Босим» сигнали лампаси ёнади, сўнгра ушбу лампа ўчиб, бошқа лампа ёнади ва намуна техник тарозида тортиб кўрилади. Олинadиган соф тола миқдори одатдаги жадвалдан фойдаланиб, сиқилган жун намунасининг вазни асосида аниқланади.

Башарти, жадвал бўлмаса, у ҳолда ювилган жун фоизи сиқилган намуна массаси кўрсаткичини махсус коэффициентга кўнайитириш йўли билан аниқлаш мумкин.

Бутун сурув бўйича ювилган жуннинг тортиб кўрилган ўртача миқдорини хисоблашда хар бир жун синфининг миқдори ва жуннинг ҳолати ҳамда синфларга ажратилган жун миқдори хисобга олинади.

Масалан: сурув бўйича қирқиб олинган япоги жун миқдори 2100 кг, шу жумладан,

1 норм – 1100 кг

Хас-чўпли 1 гуруҳ – 700 кг

Хас-чўпли 2 гуруҳ – 300 кг

Хар бир синфга мансуб жун ҳолатига тегишли намуналар бўйича олинган ювилган жун фоизи куйидагича эканлиги лаборатория усулида аниқланган: 1 норм – 64,1%, хас-чўпли 1 гуруҳ – 62,2%; хас-чўпли 2 гуруҳ – 60,5%.

Хар бир синфга мансуб жун массаси муайян фоизга тўғри келади ва олинган миқдорлар йиғиндиси умумий япоги жун вазнига тақсимланади:

$$1100 \times 64,1 = 70510$$

$$700 \times 62,2 = 43540$$

$$\underline{300 \times 60,5 = 18150}$$

$$132200 : 2100 = 62,9\%$$

Шу тарика олинадиган япоги жуннинг ўртача ювилган фоизи ҳосил қилинади.

Синфларга ажратилган намуналар бўйича олинадиган жун миқдорини лаборатория усулида аниқлаш ҳам мумкин. Лекин уни олинадиган япоги жун фоизига қараб ҳисоблашга ҳам йўл қўйилади. Бунда қайта ҳисоблаш коэффициентидан фойдаланилади, бу коэффициент бурда (бўлак) жун учун 80% га ва шартмоқ жун учун 40% га тенг.

Масалан: япоги жун бўйича олинадиган ювилган тола миқдори 62,9% ни ташкил этади десак, бинобарин, бунда жун бўйича ювилган жун миқдори қуйидагича бўлади:

$$\frac{62,9 \times 80}{100} = 50,3\%$$

100

Бутун сурувдаги қўйлардан ҳали қирқиб олинмаган жами жун миқдорининг ўртача фоизи ҳам япоги жун миқдорини ҳисоблашдаги каби, яъни япоги жун билан синфларга ажратилган жун миқдорига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Масалан: Япоги жун миқдори 2100 кг, бурда жун миқдори – 180 кг га тенг. Бутун сурув бўйича олиниши мумкин бўлган ювилган жун фоизи қуйидагича аниқланади:

$$\text{Япоги жун : } 2100 \times 62,9 = 132090$$

$$\text{Бурда жун : } 180 \times 50,3 = 9054$$

$$141144:2280=61,9\%$$

Ҳозирги вақтда табиий (ювилмаган) жундан олинадиган ювилган жун миқдорининг белгиланган базис (асосий) нормалари амалдадир; 5-жадвалда ана шу нормалар келтирилган.

Хўжалик учун тайёрлаш режасини (олинадиган ювилган тола миқдорини ҳисобга олган ҳолда) бажарган-бажармаганлигини аниқлаш учун ҳисобга олинадиган жуннинг вазнини билиш керак. Бу кўрсаткич эса сотиладиган хақиқий жун вазни билан ювилган толаларнинг хақиқий миқдорини базис миқдор (базис норма) га кўпайтириш йўли билан қуйидаги формулага мувофиқ аниқланади:

$$3B = \frac{П \times К}{Б}$$

Бунда 3B – ҳисобга олинадиган вазни; 2-хақиқий жуннинг вазни (кг); К – ювилган толаларнинг хақиқий миқдори (%); В – ювилган толалар миқдорининг базис нормаси (%).

5 – жадвал.

Турли мамлакатлар бўйича олинадиган ювилган жун миқдорининг базис нормалари.

Мамлакатлар	Ярим дағал		Дағал	Ярим дағал ва дағал, кузги, бахорги ва барра жун
	1	2		
Ўзбекистон	49	51	62	57
Қозоғистон	51	54	62	57
Қирғизистон	54	56	63	58
Тожикистон	49	51	51	56
Туркменистон	46	48	48	53

Мустикал иш учун тоншириклар

1-тонширик. ППОШ-2М аппарати ёрдамида ювилган жун миқдорини аниқланг. Текшириш маълумотларини иш дафтарингизга 14-шаклга биноан ёзиб қўйинг.

Жуннинг тури	Оригинал намуналарнинг вазни (г)	Ювиб сикилган намунанинг вазни (г)	Намунанинг доимий вазни (г)	Олинадиган ювилган жун миқдори (%)

2-топширик. Ювилган жуннинг миқдорини, ҳисобга кирадиган ва кондицион вазини аниқлаш бўйича 2-3 та масала ечинг. Ўқитувчи мана бундай мисолдан фойдаланиб, масалалар тузиб беради. Ювилган жун миқдорини аниқлаш учун сотижда ҳисоб-китобларни тўғри амалга ошириш имконини беради. Жуннинг нархи 100 % ювилган тола олинадиган 1 кг жун учун белгиланган. Масалан, 1 синфга мансуб бўлган 100 % ювилган тола олинадиган ярим дағал жуннинг 1 кг учун 11 сўм 20 тийин атрофида ҳақ тўладани. Яъни, 1 % ювилган тола 11,2 тийин туради. Айтайлик, ювилган жун миқдори 700 кг бўлса, у ҳолда мазкур жун учун 7840 сўм тўланади.

1-масала. Ширкат хўжалиги ювилган тола миқдори 78 % бўлган 6800 кг баҳорда киркилган қорақўл жуни сотган. Ҳисобга кирадиган жуннинг вазини топинг.

2-масала. Ширкат хўжалиги ювилган тола миқдори 82 % бўлган 100 тонна кузда киркилган ва ювилган дағал жайдари жуни сотган. Олинадиган тоза жун миқдорини ва топширилган жун партиясининг ҳисобга кирадиган вазини топинг.

3-масала. Ширкат хўжалиги тоза ювилган тола миқдори 76 % бўлган 7500 кг баҳорда киркилган ярим дағал сирожки жуни сотган.

Ҳисобга кирадиган жуннинг вазини топинг.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

1. Таксат нима?
2. Ҳайдов жун деб қанақа жунга айтилади?
3. Ним ҳайдов жун қанақа жун?
4. Оддий усулда ювилган жун деганда қанақа жун тушунилади?
5. Жуннинг намлигини аниқлаш учун намуналар қандай ажратиб олинади?
6. Жунни ювиш нима ёрдамида амалга оширилади ва у қанақа жараёнлардан иборат?
7. Қаттиқ сув нима мақсадда ва қандай юмшатилади?
8. Ювилган жун миқдорини қандай аниқланади?
9. ГПОШ-2М апаратининг ишлаш принципини айтиб беринг.
Ювилган жун миқдорини аниқлаш учун қайси формуладан фойдаланилади?
ЦС-53 апарати нима мақсадларда ишлатилади?
Тоза жун чиқими миқдори лаборатория усулида қандай аниқланади?
Жуннинг ҳисобга олинган вазни қандай аниқланади?
Тоза жун чиқим миқдори қанақа усуллар ёрдамида аниқланади ва уларнинг бир-бирига нисбатан ютуқ-камчиликлари нималардан иборат?

13 – М А Ш Ғ У Л О Т

МАВЗУ: ҚЎЙ ЖУНИ ВА ТИВИТИ, ЭЧКИ ТИВИТИ ВА ЖУНИ ХАМДА ТУЯ ЖУНИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ТАЙЁРЛАШ АНДОЗАЛАРИ

Машгулотдан мақсад – талабаларга қўй, эчки ва туя жунлари, ҳамда тивитлари учун белгиланган тайёрлаш андозаларидан фойдаланишни ва уларга андозаларга мувофиқ тўғри баҳо беришни ўргатиш.

Ўқув ва қўргазмалар қўлланмалар – ҳар бир жун турлари учун берилган андозалар ва уларнинг плакатлари, слайдалар. Жун киркиш муддатларига, жуннинг синфига, ранги ва ҳолатига боғлиқ бўлган ҳар хил япоги ва бўлак жун турлари.

Машгулотни ўтказиш тартиби – талабалар ҳар хил тур ва гуруҳларга мансуб жунларнинг тайёрлаш андозаларини ўрганадилар. Тайёрлаш андозалари, мустақил ишлаш йўли билан ўзлаштириб олинади. Машгулотта келган талаба ҳар бир жун тури ва гуруҳи бўйича синфлар таърифини билиш керак.

Машгулот қўйидаги тартибда олиб борилади - Талабаларнинг ҳар бир гуруҳларига (3 киши) ҳар хил тур ва гуруҳга мансуб бўлган ва ҳар хил ҳолат ҳамда синфдаги 10-15 та баҳорги япоги ва кузги бўлак жун берилади. Улар рақамланган махсус хатталарда бўлади. Ўқитувчи 2-3 та япоги устида синфларга ажратиш тартибини намойиш қилади, сўнгра талабалар қўйидаги асосий қоидаларга амал қилиб, япогиларни мустақил баҳолашга киришадилар:

1. Аввало жун гуруҳи ёки тури аниқланади.
2. Жун яхлит япоги, яримта япоги, япогининг йирик бўлаклари ҳолида бўлиши мумкин. Яхлит япоги, япогига ўралган ва у билан бирга текшириладиган ифлосланмаган йирик жун бўлаклари яхлит япоги тоифасига қиради. Жунни синфларга ажратиш синификация дуб аталади. Бу пайтда паст

навлар япоғидан олинади ва ўтказилган жараёнга япоғини йиғиштириш деб аталади.

Машғулотнинг мазмуни – талаба ҳар хил сифатли жун берадиган хайвонлар зотининг хилма-хиллиги, шунингдек, бир япоғи ичидаги жуннинг ҳар хиллиги хом-ашёнинг асосий хоссалари бўйича бир хил бўлишини талаб қилувчи ишлаб чиқариш шароити маҳсулот сифатини (синфини, навини) аниқлашда ҳар хил жун ва тивитларни хилларга ажратиш системасини вужудга келтириш зарурлигини ўзлаштириб олган бўлиши лозим.

Ювилмаган майин жуннинг давлат андозаси. Майин жулар меринос ва меринос бўлмаган қўйлардан қирқиб олинади. Меринос қўйлардан қирқиб олинган япоғи жулар бир хил толали, штапел тузилишли, юмшук, эгилувчан, жингалак, қўйнинг бўйини қисмидаги япоғи жуни 60-нчи сифат (23,1-25,0 мкм) дан йўғон бўлмаслиги, кейинги оёқ қисмидаги жуннинг ингичкалигини эса 58-нчи (25,1-27,0 мкм) сифатга мансуб бўлиши мумкин.

Меринос қўй жуни штапелининг учи ювилган, ранги эса оқ бўлиб, ўлик, курук ва ўсик рангдор толалар бўлмайди.

Жуни биринчи марта қирқилаётган бир яшар қўйларнинг меринос штапел жунининг учи ўткир ва курук, толалари ингичкалиги ва узунлигига кўра кам текис, жингалаклиги эса кам ифодаланган бўлади. Қўзилар жунининг таркибида пессига («оғ қили») учраш мумкин.

Майин меринос бўлмаган япоғи жун штапелмонлиги, ёғлитерининг озлиги, штапелидаги толаларнинг ингичкалиги ва узунлигига кўра текислигининг етарли эмаслиги ва толалари жингалакчилигининг суст ифодаланганлиги билан таърифланади.

Япоғи жуннинг асосий қисмидаги толаларнинг йўғонлиги 60-нчи сифатдан дағал бўлмай, толалари бир хил бўлади.

Майин япоғи жун гуруҳларининг айрим турларида ўсик курук ва ўлик толалар учраши мумкин.

Меринос бўлмаган бир яшар кўзилардан биринчи йили қирқиб олинган жун ўткир учли, ташки штапелининг учи қуруқ, штапелидаги толалар ингичкалиги ва узунлиги жиҳатидан кам текис бўлади.

Айрим кўзиларнинг япоғи жунида **пессюга** учраб туради.

Майин меринос бўлмаган жунлар рангига кўра оч-кўкка ва рангдорга бўлинади.

Майин меринос ва меринос бўлмаган жунлар япоғи, бўлак ва паст нав жунларга бўлинади.

Япоғи жун қўйдан яхлит қирқиб олинган жун бўлиб, бўлак жун эса салмоғи 150 граммдан оз бўлмаган, ифлосланмаган ва япоғидан алоҳида топшириладиган жундир.

Япоғи меринос жуни қўй танаси асосий майдоғидаги штапеллари узунлиги ва ингичкалигига кўра олий синфга, 1-синф ва 1-синфчага, 1 синф 2 синфчага, 2 синф 1 синфчага, 2 синф 2 синфчага ва 3 синфга бўлинади.

Олий синф ёки сараланган жун – бу асосий қисми 70 ммдан қисқа бўлмаган, 60-нчи (20,6-23,0 мкм) дағал бўлмай, тигис штапеллардан иборат, узилишга чидамли, пишвик, оч ингичкалиги бўлмаган, эгилувчан, ёғлитери етарли, ўсимлик аралашмалари билан ифлосланмаган жунлар.

1 синф 1 синфча жунларга – жуннинг асосий қисми 65 мм дан қисқа бўлмаган, ингичкалиги 64-нчи ва ундан юқори сифатли, қолган қисмларидаги жунлари 60-нчи сифатдан дағал бўлмай, бўйин ва кейинги оёқ қисмларидаги япоғи жунлар 58-нчи сифатга мансуб бўлган жунлар қиради.

1 синф 2-синфча – жуннинг асосий қисми 65 мм дан қисқа бўлмаган, ингичкалиги 60 ва 60/64-нчи сифатли япоғининг бўйин жуни ва кейинги оёқларидаги жунлар 58-нчи сифатда бўлади.

2 синф 1-синфча – жуннинг асосий қисми 55 мм дан қисқа бўлмаган, ингичкалиги 60 ва 60/64 сифатли, япоғининг бўйин қисмидаги жуни ва кейинги оёқларидаги жунлар 58-нчи сифатга мос келади.

3 сиф – жуннинг асосий қисми 40 мм дан қисқа бўлмаган, ингичкалиги 60-нчи ва ундан юқори сифатли, япоғининг бўйин қисмидаги жуни ва кейинги оёқларидаги жулар 68-нчи сифатга мос келади.

Майин жулар ҳолатига кўра меъёрли, хас-чўпли, нуқсонли ва хас-чўпли иллатларга бўлинади.

Меъёрли жун – узилишга чидамли, пишиқ етарли даражада ёғлигерли, осон ажраладиган ўсимлик хас-чўплари аралашган жун, шунингдек, ажратилиши қийин бўлган хас-чўплар аралашган жун (тикан-пилка, тирса) япоғининг иккинчи даражали (бўйин, кўкрак, сон) қисмларида ҳар бири алоҳида ёки ҳаммаси бирга қўшилиб япоғи юзаси ёки оғирлигининг 10 фоизидан ошмайди.

Хас-чўпли биринчи гуруҳ – япоғи юзаси ёки оғирлигининг 10 фоизгача миқдорда осон ажраладиган хас-чўп аралашган жун ёки чпоғининг 15 фоизидан кам миқдорда қийин ажраладиган хас-чўплар илашган жун.

Хас-чўпли иккинчи гуруҳ – таркибида осон ва қийин ажраладиган аралашмалар миқдори биринчи гуруҳга мансуб ифлосланган жун учун белгиланган даражадан ортиқ бўлган жун.

Иллатли биринчи гуруҳ – оч ингичкалик штапелнинг асосида ёки учида бўлган жун.

Иллатли иккинчи гуруҳ – оч ингичкалик штапелнинг ўртасида ёки бошқа қисмлари билан биргаликда аралашиб келган жун.

Хас-чўпли – иллатли таркибида хас-чўпли биринчи ёки иккинчи гуруҳ жуллари билан бир каторда биринчи ёки иккинчи гуруҳларга мансуб бўлган жулар.

Бир хил толали жун бўлакчалари ёки рангдор толалар билан ифлосланган меринос жуннинг ҳамма синфлари ва синфчалари, рангдор толали жуларга киради.

Дағал жун бўлакчалари ёки дағал толалар билан ифлосланган меринос жуннинг ҳамма синфлари ва синфчалари дағал меринос жуларга киради.

Ўсик курук ва ўлик толалардан ташқари меринос бўлмаган майин жунларнинг синфлари, синфчалари, ҳолати, ранги ва бошқа ташқи дағал толалар ёки дағал жун бўлакчалари билан ифлосланган жунлар майин меринос бўлмаган дағал толали жунлар каторига киритилади.

Меринос бўлмаган майин оқ жунларнинг ҳамма синфлари, синфчалари, ҳолати, рангдор толалар ёки рангдор жун бўлакчалари билан ифлосланган барча жунлар оч-қўқ жунларга киритилади.

Ювилмаган ярим дағал синфланган қўй жунининг 19779-74 давлат андозаси. Ҳар хил толали ярим дағал жун етук қўйлардан бир йилда 2 марта (бахорда ва кузда), қўзилардан эса бир марта (кузда) киркиб олинади.

Ҳар хил толали ярим дағал жун қўйларнинг жунини киркиш муддатига ва ёшига қараб баҳорги, кузги ва қўзи жунларга бўлинади.

Баҳорги кирким жун.

Ҳар хил толали баҳорги ярим дағал яноғи жун толим тузилишли, толалари йўғонлиги ва узунлигига қўра бир хил бўлмай, у асосан узун тивит, оралиқ тола ва майин қилчикдан иборатдир.

Ҳар хил толали баҳорги ярим дағал жун сирожки, тожики, олой, балбас ариан ва майин дағал жузли қўйларнинг дурағайларидан киркиб олинади.

Тулли зот номлардаги жунлар қуйидаги талаб асосида яноғи, бўлак ва паст нав жунларга бўлинади:

Жунларнинг бўлиниши	Жунларнинг таърифи
Яноғи	Бир қўйдан киркиб олинган, у ёки бу даражада бир-бири билан тутаниб тўлик яноғини ташкил этган толимлар, тўлик бўлмаган яноғи, ҳамда яноғидан ажралган ва унга ўралган ифлос бўлмаган жун бўлакчалари.
Бўлак жун.	Яноғидан алоҳида топшириладиган,

	огирлиги 100 г дан кам бўлган ифлосланмаган бўлак жунлар.
Синфировка чиқиндилари: Пага жун	Япогидан қирқим пайтида ажратиб олинган экспериментлар билан ифлосланган майда жун бўлакчалари, ҳамда синфлаш вақтида япоги жуннинг четларидан ажратиб олинган саргайган ва қийқим (икки марта қирқиш натижасида олинган) жунлар.
Шартмоқ жун	Ёпишқоқ экспериментлар билан кўп даражаси ифлосланган кичик жун бўлакчалари.

Япоги жун толаларининг йўғонлиги ва узунлигига кўра 1 ва 2 синф жунларга; ҳолатига кўра меъёрли, ҳас-чўпли, иллатли ва ҳас-чўпли иллатли жунларга; рангига кўра ок, оч-кўк ва рангдор жунларга бўлинади.

Бўлак (парча) жунлар номига кўра сирожли, тожики, олой, балбасс ариан ва майин дағал ҳамда ярим майин дағал жунли кўйларнинг дурагайлардан қирқиб олинган жунларга; рангига кўра ок, оч-кўкка биргалликда ва рангдор жунларга бўлинади.

Синфировка чиқиндилари, номи, синфи, ҳолати ва рангига кўра бўлинмайди.

Япоги жуннинг синфи толаларнинг йўғонлигига, ҳар хил типдаги (тивит, оралик, қилчик) толаларнинг нисбати ва узунлигига, япоги жуннинг асосий қисмида, яъни 55 фойздан кам бўлмаган огирлик қисмида ёки майдониди ўлик ва қуруқ толаларнинг мавжудлигига қараб қуйидаги талаб асосида аниқланади:

Жунларнинг номлари	Жуннинг таърифи	синф	Жун синфларининг таърифи
Сирожли,	Толимлари юмшук,	1	Толимлари позик, асосан ти-

Япоги жуннинг ҳолати қуйидаги талаб асосида аниқланади:

Жуннинг ҳолати	Жун ҳолатининг таърифи
Меъёрли	(Органолептик баҳо берилганда) жун узилишга чидамли. Енгил ажраладиган ўсимлик аралашмалари япоғининг каерида бўлишлигидан катъий назар, кийин ажраладиган аралашмалар (бўйин, корин, оёқ) қисмида ҳар қайсиси алохида-алохида ёки ҳаммаси биргаликда япоғи жун хажмининг ёки оғирлигининг 10 фоиздан кам бўлмаган қисмида бўлишлигига йўл қўйилади.
Ҳас-чўпли биринчи гуруҳ	Япоғи жуннинг каерида учрашадан катъий назар 10 фоиздан ортиқ 30 фоизгача майдони ёки оғирлигига енгил ажраладиган ўсимлик аралашмалари ёки жуннинг 15 фоиздан ортиқ майдони ёки оғирлигида кийин ажраладиган ўсимлик аралашмалари бўлган япоғилар. Қолганларида таъриф худди меъёрли жунларники каби.
Иккинчи гуруҳ	Енгил ва кийин аралашадиган ўсимлик аралашмалари бўлган жунда ҳас-чўпли аралашмалар биринчи гуруҳда белгиланганидан кўпроқ.
Нуксонли, иллатли биринчи гуруҳ	Жун толимининг асоси ёки учи «оч ингичкали». Қолганларида таъриф худди меъёрли жунларники каби.
Иккинчи гуруҳ	Жун толимининг ўртаси ёки асосида ва бирданига учи ҳамда асосидаги «оч ингичкали»ли жун, табиий рангини йўқотган ва қўйларни нотўғри чўмилтириш ёки асраш натижасида пишқилгини йўқотган жун, ҳамда япоғи жуннинг кўп қисм (50 фоиздан ортиқ) майдонидаги йирик мугузланган қобикли қайзғоқ билан қорежаган япоғи жун. Қолган қисмларидаги таъриф худди меъёрли жунники

	каби.
Хас-чўпли-иллатли	Хас-чўпли биринчи ёки иккинчи гуруҳ ва бир вақтнинг ўзида нуқсонли биринчи ҳамда иккинчи гуруҳ жунлар.

Япоги ва бўлак жунлар рангига кўра оқ, оч-кўк ва рангдорга бўлинади.

Оқ жун – оқ. Ювилмаган оқ жун таркибидаги ёғлигер ва минерал аралашмаларнинг рангига қараб ҳар хил тусда бўлиши мумкин.

Оч – кўк жун оқ жун толаларининг ўсик рангдор толалари билан аралашиб келиши натижасида пайдо бўлади.

Рангдор жун – табиий ранглардаги кўк, тўқ-кўк, ҳар хил туслардаги жигарранг ва қора жунлар.

Кузги қирқим ва кўзи жун. Ҳар хил толалари ярим дағал кузги қирқим жундаги алоҳида тола кокилчалари ва толимларининг ўзаро мустаҳкам туташмаганлиги, жун толаларининг кагталиги ва кам ёғлигерлиги сабабли баҳорги қирқим жунининг тегишли номларидаги жунларга нисбатан тўлик япогини ташкил этмайди.

Жунининг ранги ҳар хил – оқдан тортиб то рангдоргача.

Ҳар хил толали ярим дағал кўзи жунининг толимлари эгилувчан, юмшоқ, пармасимон жингалакли бўлиб, улар ўзаро мустаҳкам туташмаган. Толалари калта ва кам ёғлигерли бўлганлиги сабабли баҳорги қирқим жунининг тегишли номларидаги жунларга нисбатан тўлик япогини ташкил этмайди.

Жунининг ранги турлича – оқдан тортиб то рангдоргача.

Ҳар хил толали ярим дағал дурагай ва кўзи жунларида бир хил тола жунларнинг бўлишшига йўл қўйилади.

Кузги қирқим ва кўзи жунлар номига кўра сирож, тожики, олой, барбас арман ва майин дағал ҳамда ярим майин дағал жунли қўйларнинг жунига; ҳолатига кўра мезёрли ва хас-чўпли жунларга; рангига кўра оқ, оч-кўкка ва рангдорга бўлинади.

Кузги қирқим ва кўзи жунларнинг ҳолати қуйидаги талаб асосида аниқланади:

Ҳолати	Ҳолатнинг таърифи
Меъёри	Топшириладиган жун таркибида оғирлигидан 10% дан кўп бўлмаган жун бўлакчалари, турли ўсимлик аралашмалари билан ифлосланган жун.
Ҳас-чўпли: биринчи гуруҳ	Топшириладиган жун таркибида оғирлигидан 10% дан ортик 30% гача бўлган жун бўлакчалари, турли ўсимлик аралашмалари билан ифлосланган жун.
Иккинчи гуруҳ	Ҳас-чўпли биринчи гуруҳ жун учун белгиланган микдордан ортик даражада жун бўлакчалари, турли ўсимлик аралашмалари билан ифлосланган жун.

Ювганда кетмайдиган бўёк билан белги солинган жунларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

Жунни ташқаридан кўйилган (ип кесиклари, аркон, латта) аралашмалар билан ифлосланишига йўл қўйилмайди.

Синфларга ажратилган жун номи, синфи ва рангига кўра белгиланган тартибда тасдиқланган намунага мос келиши лозим.

ЭСЛАТМА:

1. Япоғи жунда кийким жунларнинг миқдори жун оғирлигининг 1%идан кўп бўлмаслигига йўл қўйилади.
2. Бўлак жун синфи ва ҳолатига кўра бўлинмайди.
3. Тивит толаларининг узунлиги текисланган, лекин чўзилмаган ҳолда аникланади.
4. Оқ жунга ташқаридан тасодифан қўшилган рангдор толалар бўлишлигига йўл қўйилади.
5. Рангдор толалар ёки рангдор жун парчалари билан ифлосланган оқ жун оч-кўк жунлар каторига ўтказилади.
6. Кузги қирким ва кўзи жунни синфларга бўлинмайди.

7. Кучли даражада кўй тезаги ва сийдиги билан ифлосланган кузги ва кўзи жулларининг бўлакчалари номи, ҳолати ва рангига кўра бўлинмасдан кузги ва кўзи жуи клонкерига шартмоқланган жунга ўтказилади.

Ювилмаган синфланган дагал кўй жунининг 7939-79 давлат андозаси. Дагал кўй жуни етук кўйлардан бир йилда 2 марта – баҳор ва кузда, кўзилардан эса биринчи қиркимда – бир йилда бир марта: кузда ёки ёзда қирқиб олинади.

Дагал кўй жуни қирким муддати ва кўйнинг ёшига кўра баҳорги, кузги ва кўзи жунига бўлинади.

А. Баҳорги қирким жун. Дагал ҳар хил толали баҳорги япоги жун толим тузилишли, тола йўғонлиги ва узунлигига кўра нотекис, тивит, оралик ва қилчикдан, шу жумладан, ҳар хил нисбатдаги курук ва ўлик толалардан иборат.

Дагал баҳорги жун қайси зотга мансуб кўйлардан қирқиб олинишига қараб кўйидаги номларга бўлинади:

Рус кўйи жуни.

Рус шимол кўйи жуни.

Тог кўйи жуни.

Лезгин кўйи жуни.

Тушин кўйи жуни.

Қоракўл кўйи жуни.

Қорабоҳ кўйи жуни.

Думбали кўйларнинг жуни.

Хиссор кўйи жуни.

Ҳар хил дагал жуни кўй зотларини чапиштириш натижасида олинган дурагай кўйларнинг жуни, жунининг таснифига қараб икки зотдан бирининг жунига ўтказилади.

Дагал жунининг ранги кўйидаги талабга жавоб бериши лозим:

Жунининг ранги	Жунининг рангига кўра таърифи.
Оқ.	Япоги жунни ҳам ичкари, ҳам ташқари томондан

	караганда, соф оқ рангли бўлса.
Оч-кўк.	Рангдор толалар билан аралашган оқ жун.
Рангдор.	Табий ранглардаги жунлар: кўк, тўк-кўк, хар хил туслардаги жигарранг ва қора жунлар.

Дағал жун қуйидагиларга бўлинади:

а) Япоғи жун – бу бир кўйдан қиркиб олинган, у ёки бу даражада бири бири билан туташиб тўлик япоғини ташкил этган толимлар.

Яхлит жундан ажралган ва унга ўралган ифлос бўлмаган жун бўлакчалари ҳам япоғи жун ҳисобланади.

Парча жун – япоғидан алоҳида топириладиган, оғирлиги 100 г дан кам бўлмаган, аммо ифлосланмаган бўлак жунлар. Парча жунлар япоғидан алоҳида топирилиб, номи ва рангига кўра бўлинади аммо, синфи ва ҳолатига кўра бўлинмайди.

а) Паст нав жунлар.

Дағал япоғи жун сифатига кўра қуйидаги талаблар асосида синфларга бўлинади:

Жуннинг номи ва таърифи	Синф	Синфларнинг таърифи
1	2	3
1. Қоракўл қўйи жуни, қоракўл қўйларидан қиркиб олинади. Ўртача узунликдаги бироз тўлқинсимон, қокилчалари старли даражада текис, кўп миқдордаги тивит, оралик ва ўртача йўғонликдаги қилчик толалардан иборат. Қуруқ ва ўлик толалар учраб туради.	1	Жун юмшок, унинг асосий қиеми тивит, оралик тола ва оз миқдордаги қилчик толалардан иборат. Толимлар ҳажмига кўра йирик бўлмай, тўлқинсимондир. Ўлик толалар кам миқдорда айрим сифатида учраб туради. Жун 1 синфдагига нисбатан дағал ва йирик толимли, тивити оз, қилчиги эса кўп.

<p>Жуни коидадагидек юмшоқ ва кайишқок.</p> <p>Япоги жуннинг остида кайзгоғи бўлади.</p> <p>Жуннинг рангиги оч-кўк ва рангдор.</p> <p>2. Туркман жун – туркман сирожии думбали кўйларнинг киркиб олинадиган жун толим тузилиши; толимлари ўртача узунликда; килчиги дағал, тивити эса майин; тивити кўп; курук ва ўлик толалар ҳамда кайзгоқ учраб туради;</p> <p>Жуннинг ранги – окдан тортиб рангдоргача.</p>	<p>2</p> <p>3</p>	<p>Ўлик толалар кам миқдорда учраб туради.</p> <p>Жун асосан майин тивитдан, ўртача ингичкаликдаги килчикдан иборат; толимлари унчалик катта бўлмаган ҳажмда; курук ва ўлик толалар кам миқдорда учраб туради.</p> <p>Жун I синфдагига нисбатан йирик ва дағал толимли; курук ва ўлик толалар кўп бўлмаган миқдорда учраб туради.</p> <p>Жун дағал толимлари яққол ифодаланган ва узун бўлиб, кичик толалари тивитдан кўп, ўлик толалари ҳам бор.</p>
<p>3. Эдилбой ва жайдари жуналар; бу зот думбали кўйларидан киркиб олинади; уларнинг таркибига толимлари унчалик узун эмас, килчиги ўртача йўғонликда бўлиб, тивит толалари майин ва жуда кўп, ўлик ва курук толалари бор.</p> <p>Жуннинг ранги-окдан тортиб то рангдоргача.</p>	<p>1</p> <p>2</p>	<p>Жун юмшоқ, толимлари калта, килчиги майин бўлиб, тивит толаларига нисбатан бироз узун, ўлик ва курук толалар кўп бўлмаган миқдорда учраб туради.</p> <p>Кокилчалари синфдагига нисбатан дағал; япоги жуннинг толим тузилишлиги яққол ифодаланиб туради; жун ўртача йўғонликдаги килчикдан ва ингичка тивитдан иборат бўлиб, ўлик ва курук</p>

	томоналарида кўп микдорда курук ва ўлик толалар бор.
--	--

Турли ном ва синфга мансуб дағал жузли кўй зотлари жузларининг сифатий белгилари мазкур андоза асосида япоги жузнинг асосий қисмига, яъни чўзилмаган япоги жузнинг 50% дан кам бўлмаган майдонига тааллуқли.

1 ва 3 синфларга киритилмайдиган, таркибида мазкур синфга тааллуқли 50% дан кам жуни бўлган япогилар 2 синфга киритилади.

Турли номлардаги, ҳар хил рангли ва синфлардаги дағал япоги жузлар ҳолатига кўра меъёрли, ҳе-чўпли ва нуксонли жузларга бўлинади.

Меъёрли япоги жуз – орасида осон ажраладиган ўсимликлар аралашмаси бўлган меъёрдаги яхлит жуз, бу аралашмалар яхлит жузнинг қайси қисмида эканлигидан қатъий назар, шунингдек, иккинчи даражали қисмларида (бўйин, қорин, сонида) ажрალიши қийин аралашмалар (ҳас-чўп, тикан-пилка) бўлиб, ҳар бирининг вазни ёки умумий микдори япоги массаси ёки юзасининг 10% дан ошмайдиган жуз.

Ҳас-чўпли япоги жуз:

Биринчи гуруҳ – япоги массаси ёки юзасининг 10% дан 30% гача етадиган микдорда осон ажраладиган ўсимлик аралашмалари бўлган жуз ёки япогининг қайси қисмида эканлигидан қатъий назар, унинг массаси ёки юзасининг 15% дан ортиқ микдорда қийин ажраладиган ҳас-чўплар илишган жуз. Агар япогида айни вақтда осон ажраладиган ва қийин ажраладиган аралашмалар бўлса, уларнинг умумий микдори япоги юзаси ёки вазнининг 30% дан ошмаслиги керак, шу билан бирга қийин ажраладиган аралашмалари бор жузнинг микдори япоги юзаси ёки вазнининг 15% дан ошмаслиги керак.

Иккинчи гуруҳ – биринчи гуруҳга кирувчи ҳас-чўпли аралаш жуз учун йўл қўйиладиганидан кўра кўпроқ микдорда осон ажраладиган ва қийин ажраладиган аралашмалари бўлган жуз.

Нуксонли жуз – япогининг тағ томонидаги юзасининг 50% дан кўпроқ қисми мугуз моддага айланган йирик қазоқ қатлами билан қорежаган жуз.

Паст нав жунларга пага («Клю») ва шартмоқ жунлар киради.

а) «клок» - япогидан кирким пайтида ажратиб олинган эскрементлар (тезак, сийдик қотишмаси) билан ифлосланган майда жун бўлакчалари, ҳамда синфлаш вақтида япоги жуннинг четларидан ажратиб олинган, саргайган ва кийким жунлар.

б) «Шармоқланган» жун- япогининг орқа оёқ қисмларидан ажратиб олинган, кўй сийдиги ва кийи билан кучли даражада ифлосланган кичик жун бўлакчалари.

Паст нав жунлар ранги, синфи ва ҳолатига кўра бўлинмай, фақат номига кўра пага жунга бўлинади. Масалан, қоракўл кўйининг пага жуни, жайдари кўйининг пага жуни ва бошқалар.

Б. Кузда қирқилган жун. Кузда қирқилган ҳар хил толали дағал жун толаларининг айрим тутамлари муштаҳкам чирмашмаганлиги билан таснифланади, шу туфайли бундай жун толимлари баҳорда қирқилган жундаги каби яхлит япоги ҳосил қилмайди.

Дағал кузда қирқилган жун номига кўра рус кўй жуни, рус шимол кўйи жуни, лезгин кўйи жуни, қарабоҳ кўйи жуни, думбали кўйлар жуни ва ҳиссор кўйи жунига бўлинади.

Дағал кузда қирқилган жун рангига кўра оқ, оч-кўк ва рангдор хилларга бўлинади.

Дағал кузда қирқилган жун сифатига кўра синфларга ажратилмайди.

Ҳар хил ном ва ранглардаги дағал кузда қирқилган жун ҳолатига кўра меъёрли ва ҳас-чўп аралашган илларга бўлинади.

Меъёрли жун да ҳар хил ўсимлик аралашмалари билан ифлосланган жун парчаларининг миқдори тошпириладиган жун вазнининг 10% идан ортик бўлмаслиги керак.

Ҳас-чўпли жун.

Биринчи гуруҳ – тошпириладиган жун массасининг таркибида унинг 10% дан 30% гача миқдорда ҳар хил ўсимлик аралашмалари билан ифлосланган жун парчалари бўлишига йўл қўйилади.

Иккинчи гуруҳ – биринчи гуруҳга кирувчи хас-чўп аралаш жун учун йўл кўйиладиганидан кўра кўпроқ микдорда осон ажраладиган ва кийин ажраладиган аралашмалари бўлган жун.

ЭСЛАТМА: Кузда киркилган кўй сийдиги ва кийи билан ифлосланган кичик жун бўлакчалари кузги «шартмоқ» жунлар қаторига киритилади.

В. Кўзи жун. Дағал барра жун дағал жуни кўйларнинг кўзиларидан биринчи марта киркиб олинадиган жунлар. Дағал барра жун толимларининг эластиклиги ва пармасимон жингалакциги билан характерланади. Толимдаги толалар ва айрим толимлари яхши чирмашмаган, шу туфайли толимлари яхлит япоғини ҳосил қилмайди.

Барра жун толаларининг узунлиги ҳам, ёглитер микдори ҳам, ифлосланганлиги ҳам баҳорда киркилган жунниқидан камроқ бўлади.

Дағал барра жун номига кўра рус кўйи жуни, рус шимол кўйи жуни, тоғ кўйи жуни, лезгин кўйи жуни, тушин кўйи жуни, қоракўл кўйи жуни, қорабоҳ кўйи жуни, думбали кўйларнинг жуни, хиёсор кўйи жуни хилларга ҳолатига кўра нормал ва хас-чўпли (1 ва 2 гуруҳлар) га рангига кўра оқ, оч-кўк ва рангдор хилларга бўлинади.

Ҳар хил номдаги ва ранглардаги дағал кўзи жунилари ҳолатига кўра меъёрли ва хас-чўпли хилларга бўлинади.

Меъёрли жун – орасида ҳар хил ўсимлик аралашмалари билан ифлосланган жун парчалари бўлишига йўл кўйилади ва ушбу жун парчаларининг микдори топширилаётган жун массасининг 10% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Хас-чўпли жун.

Биринчи гуруҳ – топширилаётган жун оғирлигининг таркибида унинг 10% дан 30% гача микдорда ҳар хил ўсимлик аралашмалари билан ифлосланган жун парчалари бўлишига йўл кўйилади.

Иккинчи гуруҳ – топширилаётган жун оғирлигининг таркибида 30% дан кўпроқ микдорда ҳар хил ўсимлик аралашмалари билан ифлосланган жун парчалари бўлишига йўл кўйилади.

ЭСЛАТМА:

Кучли даражада сийдик ва қўй кийи билан ифлосланган кичик барра жун парчалари, «шартмоқ» кўзи жунлар каторига ўтказилади.

Эчки жунининг 2259-76 давлат андозаси. Эчки жунни номига кўра – бир хил толали 1-гурух ва 2-гурухга, хар хил толали ярим дағал дурагай совет сержун эчки жунига, ярим дағал тивитли эчкилардан ва уларнинг дурагайларида киркиб олинадиган жунга, хар хил толали, тивитли ва киликли ярим дағал жунларга бўлинади.

Эчки жунни ҳолатига кўра, меъёрли ва ҳас-чўпли хилларга ажратилади.

Ювилмаган жун вазнининг таркибида 3% дан ошмайдиган микдорда ўсимлик қолдиғи (пичан, сомон, хар хил тикан ва хоказолар) бўлган жун меъёрли жун тоифасига киритилади.

Эчки жунни рангига кўра ок, оч-кўк ва рангдор хилларга бўлинади:

Ок жун – ок. Ёлтирнинг ва минерал аралашмаларнинг рангига қараб ювилмаган жун хар хил тусларда бўлади.

Оч-кўк (оч-қулранг) – ок жунининг ўсик рангдор толалар билан аралашмаси.

Рангдор – табиий ранглардаги кўк, тўк-кўк, хар хил туслардаги жигарранг, малла ва қора жунлар.

Совет жунли эчки зоти ва унинг дурагайлариининг бир хил толали жунни 2 гурухга ажратилади:

1-гурух жун – ялтирок (қандилсимон), тўлқинсимон, қокилча тузилишли бўлиб, асосан оралик толалардан иборат.

Қокилчаларнинг тағ қисмида қалта қилчиқ толалар учрайди. Қурук ва ўлик толалари қам.

Жунининг узунлиғи 100 мм дан узун, ранги эса ок.

2-гурух жун – қучсиз (ярим қандил) ва қандилсимон ялтироқли, сует тўлқинсимон, толим тузилишли бўлиб, асосан оралик толалардан иборат. Қокилчаларнинг тағ қисмида қалта қилчиқ ҳамда оз микдорда тивит толалар учрайди.

Қурук ва ўлик толалар ҳам учрайди.

Жуннинг ранги ҳар хил – оқдан тортиб то рангдоргача.

Ҳар хил толали ярим дағал эчки жуни қуйидаги номларга бўлинади:

1. Совет жуни эчки дурагайлариининг ярим дағал жуни – кучсиз ялтирокли (ярим дағал), кучсиз тўлқинсимон, толим тузилишли. Толимлари узун тивит, оралик тола ва қилчикдан ташкил топган. Оз миқдорда ўлик толалар ҳам учрайди. Аксарият қисмининг ранги оқ.

2. Тивитли эчкилар ва улар дурагайлариининг ярим дағал жуни – тўлқинсимон жингалакли, кокилча тузилишли. Кокилчали узун оралик ва узун тивит толалардан иборат бўлиб, кўпинча улар ўсиб қилчик толаларига айланади. Тивит жун вазнининг 40% дан кам бўлмаган вазинни ташкил этади.

Оз миқдорда ўлик толалар учраб туради.

Жуннинг аксарият қисми қулранг тусда.

Ҳар хил толали дағал жун таркибидаги тивит, оралик тола ва қилчикка ҳамда ўлик толаларнинг мавжудлигига қараб қуйидаги номлардаги жуналарга бўлинади:

1. Ярм дағал тивитли жун – ҳар хил толали, толим тузилишли бўлиб, таркибида дағал қилчик толалари ва жун оғирлигининг 25 дан 40% гача вазинни ташкил этган тивит толалари бўлади.

2. Қилчикли жун – ҳар хил толали, толим тузилишли бўлиб, таркибида дағал қилчик толалари ва жун оғирлигининг 25% игача вазинни ташкил этган тивит толалари бўлади.

Эчки эскрементлари билан кучли даражада ифлосланган бир хил ва ҳар хил жун толалари эчкиларнинг қлонкер жунига киритилади, қайсиқим номи, ҳолати ва рангига қўра бўлинмайди.

ЭСЛАТМА:

1. Бир хил толали 1-гурухга мансуб узунлиги 100 мм дан қисқа бўлган жуналар 2-гурухга ўтказилади.

2. Бир хил толали 1-гурухга мансуб қулранг (оч-қўқ) ва рангдор жуналар ҳам 2-гурухга ўтказилади.

3. Бир хил толали эчки жуни талабига жавоб бермайдиган жунар хар хил толали жуи сифатида кабул килинади.

4. Қўл билан ажратиб, яъни узиб бўлмайдиган жунар, кигизлашган жунар тоифасига киритилади.

5. 1 кг оқ ювилмаган жунга четдан қўшилган рангдор толалар дондан кўп бўлмаса, унда бу тасодифий хол сифатида бўлишлигига йўл қўйилади.

6. Рангдор толалар ёки рангдор жуи бўлакчалар билан ифлосланган оқ жунар кулранг (оч кўк) жунар тоифасига киритилади.

7. Дағал эчки жуни рангига кўра бўлинмайди.

8. Экскрементлар билан кўп даражада ифлосланган бир хил ва хар хил толали кичик жуи бўлакчалари клонкер жунар каторига киритилиб, улар номи, ҳолати ва рангига кўра бўлинмайди.

9. Ювганда кетмайдиган бўёк билан тамга солишга рухсат этилмайди.

10. Эчки жуни номи ва рангига кўра белгиланган тартибда тасдиқланган намуна (эталон) га мос келиши керак.

Ювилмаган синфланган эчки тивитининг 2260-76 давлат андозаси. Эчки тивити номига кўра оренбург, тивитли ва ангор-дағал жулига; синфига кўра 1, 2 ва 3-инчи синфларга; ҳолатига кўра меъёрли ва хас-чўплига; рангига кўра оқ, тўқ кулрангга, тўқ-жигаррангга, оч-кулрангга ва аралашга бўлинади.

Оренбург эчкиларининг тивити оренбург эчкиларидан олинади. Улар ингичка, майин, эластик, ипаксимон ва бир хил тусда бўлади.

Тивитли эчкиларнинг тивити придон, тоғлиолтой ва бошқа тивит берувчи эчки зотлари; зот гуруҳлари ва уларнинг дурагайларидан олинади. Бу тивитлар оренбург эчкиларининг тивитларига караганда дағалроқ.

Ангор-дағал жули эчкилар тивитининг толими узун, дағал, оралик толалари майин бўлиб, ялтироклиги, ипаксимонлиги ва толимларининг учларида пармасимон шаклнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. (Агар у тараш вақтида бузилмаган бўлса).

Эчкиларнинг тивити олинмиш усули ва килчик толаларининг тивит таркибидаги миқдорига кўра қуйидаги синфларга бўлинади:

Тивитнинг номи	Тивит синфининг таърифи
Таралган I тарат	Эчкини тараш натижасида олинган тивитда оғирлигининг 10% идан бўлмаган миқдорда килчик толалари бўлиб, тароқ билан тараш натижасида ёки усиз пайдо бўлган тивит тўлкинсимои бўлакча кўринишида бўлади. Ўлик толалар учраб туради.
2 тарам	Эчкиларни тараш натижасида олинган тивитда оғирлигининг 10% идан кўп, аммо 20% идан кам миқдорида килчик толалари бўлади. Тивит ҳар хил катталиклардаги бўлакчалар кўринишида. Кўп бўлмаган миқдорда енгил кигизлашган тивит бўлакчалари учраб туради. Ўлик толалар тасодифан учраб туради.
Жебаж тивит (киркиб олинадиган эчки тивити)	Эчкиларнинг жунини киркиш натижасида олинадиган тивитда, оғирлигининг 60% кўп бўлмаган, ҳамда эчкиларни тараш натижасида олинадиган тивит таркибида 20% дан ортиқ, лекин 40% дан кам килчик толалар бўлади. Кўп бўлмаган миқдорда кигизлашган тивит бўлакчалари бўлишлигига йўл қўйилади. Ўлик толаларнинг бўлишига ҳам йўл қўйилади.

Эчки тивити ҳолатига кўра қуйидаги хилларга бўлинади:

Тивит таркибида ўсимлик аралашмалари ва қайзгоғилиги, ювилмаган тивит массасининг 1,5% идан кам бўлса, ундай эчки тивитлари меъёрли тивитлар каторига киритилади.

Тивит таркибида ўсимлик аралашмалари ва қайзғоқлик ювилмаган тивит оғирлигининг 1,5 %идан ортик бўлса, ундай эчки тивитлари хас-чўпли тивитлар каторига киритилади.

Эчки тивитининг ранги куйидаги талабларга мос келиши керак:

Тивитнинг ранги	Тивит рангининг таърифи
Ок.	Ок.
Тўқ-кўк.	Табиий тўқ (қулранг), тўқ-кўк рангли.
Оч-кўк.	Оч қулранг ва ок, кора қилчиқ толалари билан биргаликда.
Аралаш.	Ҳамма бошка рангли ва тусли, ҳамда рангига кўра аралаш тивитлар.

Эчки тивитининг ташқи аралашмалар (ип, аркон, латта бўлакчалари) билан ифлосланишига йўл қўйилмайди.

Эчки тивити синфи ва рангига кўра кўрсатилган тартибда тасдиқланган намуна (эталон) ва тўғри келиши лозим.

ЭСЛАТМА:

1. Таркибида вазинининг 40% идан ортик даражада қилчиқ бўлган тивит ярим дағал тивитли эчки жунига киритилади.

2. Кучли кигизлашган қўл билан бўлганда бўлинмайдиган тивитлар қабул қилинмайди.

Туя жунининг 5108-77 давлат андозаси. Туя жунни толим тузилиши, толимлари асосан тивитдан ташкил тошган бўлиб, таркибида оралик тола, қилчиқ, қурук ва ўлик толалар ҳам бўлади. Тивити майин, юмшоқ, эгилувчан, ипаксимон, қилчиқ толалари эса ҳар хил йўғонликда бўлади.

Туя жунининг толимлари бир-бири билан каттик тутаниб кетмаганлиги сабабли яхлит жунни ҳосил қилмайди.

Туя жунни сифатига кўра 1, 2, 3 синфлар (ёл жун) га ва чигаллашган жунга, ҳолатига кўра меъёрли ва хас-чўпли жунларга бўлинади.

Туя жуни рангига кўра бўлинмайди. Жуннинг синфи толаларнинг йўгонлигига, узунлигига, хар хил типдаги толалар (тивит, оралик тола, қилчик тола, қилчик, қурук ва ўлик толанинг) кўп-озлигига қараб белгиланади.

1 синф жун – юмшок, толимлари киска ва ингичка, асосан тивитдан, кўп бўлмаган миқдорда тивитдан ажралиб турадиган узун оралик толалардан, оз миқдордаги қилчикдан, шу жумладан, ўсинкираган қурук ва ўлик толалардан иборат бўлади.

2 синф жун – биринчи синф жунга нисбатан дағалроқ, толимлари кучли даражада ривожланган қилчикдан, таркибида қурук толаси бўлган оз миқдордаги тивитдан иборат бўлади.

3 синф (ёл) жун – узун толимлардан, дағал ва ингичка қилчикдан, ҳамда кўп бўлмаган миқдордаги тивитдан иборат бўлиб, таркибида қурук ва ўлик толалар ҳам учраб туради.

4 синф (чигаллашган) жун кўл билан узилмайдиган қаттиқ кигизлашиб кетган, кигиз бўлакча кўринишидаги 1 ва 2 синфларга мансуб жунлар.

Ўсимлик аралашмалари ифлос жуннинг 3% дан кўп бўлмаган оғирлигини ташкил этган жунларга меъёрли жун дейилади.

Ўсимлик аралашмалари ифлос жуннинг 3% дан ортиқ оғирлигини ташкил этган жунларга хас-чўнли жунлар дейилади.

Қабул қилиш қондаси. Туя жуни саноат ташкилотлари томонидан партия-партия қилиб қабул қилинади. Партия деб шундай миқдордаги туя жунига айтиладиким, агар у бирор манзилгоҳда, унинг миқдори ва сифатини тасдиқловчи бир ҳужжат ёрдамида юборилса.

Тойланган, маркировка қилинган жунлар ҳамма партиялардаги тойларда текшириб кўрилади.

Туя жунининг сифати қабул қилинган хар қайси партиясидаги навиментдан 10% тойни ёки хар қайси партиядаги навиментдан энг камида биттадан тойни текшириб кўриш йўли билан аниқланади.

Навимент деб шундай туя жунига айтиладиким, агар у бир синфга, бир ҳолатга мансуб бўлиб, бир тоза чикимда бўлса.

Ювилмаган синфланмаган жунларни 6070-78 давлат андозаси талаблари асосида тойлаш маркировкалаш, жўнатиш ва саклаш. Мазкур андоза синфланган ювилмаган кўй, туя жунини, корамол, йилкиларнинг туллаши натижасида олинган жунни, ҳамда эчки тивитини тойлаш, маркировкалаш, транспортировкалаш ва саклаш жараёнида қўлланилади.

Тойлаш. Жун ва тивитлар навиментига караб хаво куруклигида алоҳида прессланади ва тойланади (6-жадвал).

Нам ва сувга ботирилган ҳолатда тойланмайди.

Жун ва тивит тойлари прессланган бўлиши керак. Клонкер эса прессланмайди.

Прессланган ҳолда тойлашга рухсат этилади: агар у туман матлубот савдо тайёрлов идораларида, фермер ширкат хўжаликлари йилига 20 тоннадан кам жун тайёрлайдиган бўлса; туллаш натижасида олинган жунлар бўлса.

Ҳар қайси тойдаги жун ва тивит 0,1 кг аниқликкача ўлчанади. Кўшимча прессланган жун иккита бўртик ва тўртта яси кобирга шаклида бўлиши керак.

Жун ва тивитни тойлаш учун 5530-71 давлат андозасида кўрсатилган тойлаш учун ишлатиладиган мато ёки шу матога сифат жиҳатидан тенг, тойдаги жун ёки тивитнинг микдори ва сифативи саклашни таъминлайдиган бошқа мато ишлатилади. Касал кўй, эчки, туя, корамол ва йилкиларнинг инфекциян касалликлар билан зарарланган, касалликда гумон қилинган хайвонлар жунни ва тивити икки қаватли мато билан тойланади.

Майин ва ярим майин кўй жунни, бир хил толали эчки жунни, эчки тивити ва бошқа турдаги ок жунлар янги матога тойланади.

Қолган кўй, эчки, туя жунлари, туллаш натижасида олинган жун ва паст нав жунлар қайтариб юборилган ўраш учун ярқли, мустаҳкам, тешиксиз, тоза, дезинфекция қилинган матоларда тойланади.

Клонкор (шатмоқланган жун), қайтариб юборилган икки қаватли матолар ёрдамида тойланади. Тойнинг оғирлиги 125 кг дан ошмаслиги лозим.

Ўраш учун ишлатиладиган матоларнинг кесик четлари икки қават қилиб ағдариб тикилади.

Тойни ўраш учун ишлатиладиган матонинг тикиладиган, туташадиган ерлари қўл билан аркон ёрдамида 17308-71 давлат андозаси асосида тикилади. Тикишда, бир игна ўтган ер билан иккинчи бир игна ўтган масофа 50 ± 100 мм дан ортик бўлмаслиги керак.

Тойнинг мато билан ўралмаган қисми бўлмаслиги лозим. Прессланган ва ўралган жун ёки тивит тойи темирсим белбоғлар билан ўралган бўлиши керак. Тойлардаги белбоғлар сони ПВКМ типли механик пресс ёрдамида прессланса 4 та, агар ЦС ёки ШШ типли гидравлик пресс ёрдамида прессланган 5 та бўлади.

Тойларнинг белбоғлари симметрик бойланган бўлиши керак. Тойнинг четидан энг кейинги белбоғлар ўртасидаги масофа 150 мм дан ошмаслиги лозим.

Белбоғлар учун термик усул ёрдамида 3282-74 давлат андозаси асосида симнинг диаметри 1,8-3,0 мм бўлиши лозим.

Симларнинг тугунлари тойларнинг ясси томонидан чиқиб турмаслиги керак. Симларнинг учлари белбоғнинг остига қаратилган бўлиб тойнинг ичига киргизиб юборилган бўлиши лозим.

Маркировка. Махсулот трафарет ёрдамида маркировка қилиниб қуйидагилар кўрсатилади:

вилоят номи;

юбуровчининг номи (туман тайёрлов идораси – РЗК, ширкат ва фермер хўжалиги);

тойнинг тартиб рақами;

жуннинг сифати ҳақидаги маълумотлар;

тойнинг брутто ва нетто оғирлиги, кг;

ювилган жуннинг ювилмагандаги тоза чиқими, %;

жун сифланган андозанинг ёки бошқа техникавий нормативнинг белгиси;

Касал ёки инфекцион касалликларнинг уйғотувчилари билан зарарланганлигига гумон қилинган қўй, эчки, туя, қорамол, йилқиларнинг жуни ва тивит жойланган тойларга жун бруцеллсиз касалидан (ёки бошқа инфекцион

касалликдан) холи эмас деган ёзув ёпиштирилган ёрлик (тахтача) бўлиши керак.

Жўнатиш маркировкаси 14192-77 давлат андозаси талабига жавоб бериши лозим.

Транспортировка. Жун ва тивитлар тойланган ҳолда темир йўл, сув ва автомобил транспорт воситалари орқали, ёпик ҳолатда юк ташиш қондасига амал қилинган ҳолда ташилади.

Очик автомашиналарда жун ва тивит ташилишига рухсат этилади, агар тойлар брезент билан ёпилган бўлиб, четлари транспортнинг бортига беркитилган бўлса.

Клюнкердан ташқари темир йўл транспорти орқали ташиладиган юкларнинг ҳаммаси прессланган бўлиши керак.

Эчки тивити почта орқали жўнатилиши мумкин.

Ҳар бир почта посылкаси орқали юбориладиган жун ёки тивитнинг белгиланган шаклдаги ветеринария-гувоҳномаси тумандан четга жўнатиладиган ёки туман ичига маъмурий юбориладиганларга давлат ветеринария хизматининг ветеринария хизматининг маълумотномаси бўлиши керак. Ундан ташқари ҳар бир жун ёки тивит партияси тойлаб спецификацияси ва сифати ҳақидаги ҳужжат билан кузатилади.

Саклаш. Жун ва тивитлар ёпик омбор биноларда остига тўшанчи тўшалган ҳолда сакланади.

Назорат синфлаш учун ажратилган жун тойларидан ташқари қолган жунларни айвоннинг остида ёки тўшанчи устидаги айвоннинг остида ёки тўшанчи устидаги брезент билан ёпилган ҳолда хаводан тушадиган ёмғир-қор ва ер намлигидан сакланган ҳолда саклашга рухсат этилади.

Прессланган тойнинг ҳажми ва оғирлиги қуйидаги жадвалда кўрсатилган талаб даражасида бўлиши лозим:

Прессинг номи	Прессинг кучи (тонна куч)	Тойнинг ҳажми, мм (ошмаган холда)			Тойнинг брутто оғирлиги, кг (ошмаган холда)		
		узунлиги	эни	баландлиги	Майин ва ярим майин жун	Кроссбрел, кроссбрел типидagi дингай, ярим дагал ва дагал баҳорги кўзи, эчки, туя жунлари	Ярим дагал ва дагал кузги перетон, ярим перетон жунлар, эчки тивити, туллаш натижасида олинган жунлар
П В К М типли механик	8	820	570	780	80	75	70
П Г Ш типли гидравлик	12	820	570	740	90	80	75
Ц С типли гидравлик	16	840	570	660	95	85	80

ЭСЛАТМА: 1. Тойнинг оғирлиги 125 кг дан ошмаслиги лозим.

2. Партиядаги факатгина битта 60 кг дан енгил, тойни навли жун ёки тивит билан кўшимча пресслаб тўлдирин мумкин.

1-топширик. Турли хилдаги жулларни тегишли хилларга ажратинг.

Ўрганиладиган жул агар хар хил толали бўлса кокилчалари, бир хил кокилли бўлса штапеллари ёки гутапел-кокилчалари юқорига қилиб 1,5-2 м.лик столнинг устига ёзиб қўйилади.

Даствлаб жулнинг топографик (ёнбош, орқа, сон, бўйин ва корин), қисмлари, кейинчалик тури ва сифати аниқланади. Талаба жулнинг сифати япоғи жул асосий қисмдаги ингичкалиги бўйича эксперт усулида, узунлиги ва бошқа рақамли белгилари бўйича лаборатория усулларидадан фойдаланган ҳолда аниқлайди. Олинган маълумотлар асосида япоғи жул у ёки бу сифга қиритилади. Шунингдек жулнинг ранги, ҳолати ва бошқа кўрсаткичлари ҳам аниқланади ва уларга баҳо берилади.

Лаборатория шароитида жулларни сифларга ажратиш, ҳолатини, рангини ва бошқа сифил саноат учун муҳим белги ва хусусиятлари бўлган жулларда ўрганилса ҳам бўлади.

Талабалар мустақил ишнинг натижаси қуйидаги шаклга ёзилади.

-шакл.

Япоғи ёки бўлак жулнинг рақами	Жулнинг тури	Жулнинг ранги	Япоғи жул асосий қисмидаги штапел, кокилча ёки штапел кокилчаларининг узунлиги	Япоғи жул асосий қисмдаги сифати	Жулнинг ҳолати	Жулнинг сиф ва сифчалари

14-МАШГУЛОТ

Мавзу: Пўстинбоп ва мўйнабоп териларнинг хар хил турини тайёрлов нуқтан назаридан аниқлаш ва уларнинг сифатига баҳо бериш.

Машгулотдан мақсад – талабаларни пўстинбоп ва мўйнабоп териларнинг сифатини тайёрлов андозаси асосида хар хил териларда ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар – турли зот ва йўналишлардаги пўстинбоп ва мўйнабоп терилар, линейкалар, ошланган пўстинбоп ва мўйнабоп териларнинг 6192-57 тайёрлов давлат андозаси ҳамда ошланган пўстинбоп ва мўйнабоп териларнинг 3439-57 давлат андозаси.

Машгулотни ўтказиш тартиби – сўраш, тушунтириш, ёздириш ва мустикал ишлаш. Тушунтириш терилар музейида олиб борилади.

Машгулотнинг мазмуни – талабаларга хар хил сифатли пўстинбоп ва мўйнабоп терилар, шу жумладан, жайдари, хиссор, коракўл, романов, сирожки, линкольн, совет мериноси, ставрапол қўй зотларининг терилари кўрсатилади. Кейинчалик ўқитувчи талабалар билан биргаликда турли йўналишга мансуб қўй зотларининг териларини тайёрлов андозаси асосида баҳолашади.

Қўйларнинг териси пўстинбоп, мўйнабоп ва кўн турларига бўлинади. Пўстинбоп териларга барча дағал ва ярим хар хил толали, жунининг узунлиги 2 см дан 6 см гача узунликда бўлган терилар киритилади.

Нимпўстин (ярим пўстин терилар) жунинг узунлиги 2,5 дан 6 см гача бўлади. Пўстинбоп териларнинг магз парда томони ташқарига каратилиб тикилиши керак, шу сабабли, унинг сифатига катта аҳамият берилади. Пўстинбоп териларнинг магз пардаси пишшиқ, қайишқоқ ва эгилиувчан бўлиши лозим.

Энг яхши пўстинбоп терилар Романов қўй зотларидан олинади, 5-8 ойлик қўзиларнинг териси жуда ҳам юкори баҳоланади, сабаби улар чиройли, енгил

ва пишиқ бўлади. Сифатли Романов қўйининг терисида битта килчиқ толасига 4 тадан 10 тагача тивит толаси тўғри келиб, килчиқ толасининг узунлиги 3-4 см бўлган тивит толасининг узунлиги 5-6 см га етади. Романов қўй зотининг терисидаги килчиқ толалар кора рангда, тивит толалар эса оқ рангда бўлади. Шунинг учун ҳам Романов қўй зотининг териси хаворанг қўқ бўлиб кўринади.

Мўйнабоп териларга асосан бир хил толали майин, ярим майин ҳамда киесман ҳар хил толали ярим дағал жузли қўйларнинг териси киритилади. Мўйнабоп терилардан юкори сифатли табиий ҳамда бўялган ҳоллардаги манто, ёка, телпак ва бошка кийим-кечаклар тайёрланади.

Мўйнабоп териларни киммат хайвонларнинг рангига ўхшаш ҳар хил рангларга бўяб, улардан турли-туман кийим-кечаклар тикилади.

Мўйнабоп териларда асосий ахамият, уларнинг жуи коплам томонига қаратилган бўлиб, мага парда қаватининг сифати иккинчи даражали ҳисобланади.

Мўйнабоп терилардан тайёрланганин барча буюм ва кийим-кечакларнинг жуи коплами ташқарига қаратилиб тикилади. Уларнинг жуи копламида тивит толаларининг миқдори кўп бўлиши, ҳамда жуининг узунлиги 2 дан 5 см гача бўлиши лозим.

Қўй териларда асосий ахамият мағз парданин сифатига қаратилган бўлади. Бу териларда жуи копламида катта камчилиги бўлган, жуининг узунлиги 2,5 см дан калта ёки тери жуи копламига куя тушган пўстинбоп ва мўйнабоп терилардир.

Мўйнабоп ва пўстинбоп терилар 8439-57 давлат тайёрлов андозаси асосида қабул қилинади. Романов қўй зотининг терилари учун маҳсус 6192-57 тайёрлов андозаси амал қилади.

8439-57 давлат тайёрлов андозасига кўра мўйнабоп терилар майин, ярим майин ва ярим дағал жузли қўйларнинг териларига, пўстинбоп терилар эса рус ва чўл қўйларининг териларига бўлинади.

Жуи копламининг узунлигига кўра барча мўйнабоп ва пўстинбоп терилар 3 гуруҳга (жузли, ярим жузли ва калта жузли) бўлиниб синфланади.

Мўйнабоп терилар жун қопламининг узунлиги 5 см дан, пўстинбоп териларники эса 6 см дан узун бўлади.

Ярим майин жузли мўйнабоп терилар жун қопламининг узунлиги 2 см дан 5 см гача (5 см ҳам киради), пўстинбоп терилар жун қопламининг узунлиги 2,5 см дан 6 см гача (6 см ҳам киради) бўлади.

Қиска жузли мўйнабоп терилар жун қопламининг узунлиги 1 см дан 2 см гача (2 см ҳам киради), пўстинбоп терилар жун қопламининг узунлиги эса 2,5 см дан калта бўлади.

Юқоридагилардан ташқари ҳар турли териларнинг батафсил таърифи ва уларнинг нуқсонлари тайёрлов андозаларида келтирилган.

1-топширик. Ҳар хил тери турларини белгиларига қараб ушбу шакл асосида товар сифатларини аниқланг.

-шакл.

Териларнинг сифатини аниқлаш.

Тери лари нинг рака млар и	Териларнинг ҳар қўй зотларидан олинишига қараб келиб чиқиши	Терилар жун қопламлар ининг таснифи	Тери жузларини нг узунлиги	Терининг тури	Жун узунлиги бўйича тайёрлов андозага мувофик тери гуруҳлари
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					

7.					
8.					
9.					
10.					

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Қайси зот қўй терилари пўстинбоп териларга киради?
2. Романов зот қўйларининг териси қайси давлат тайёрлов анзода асосида қабул қилинади?
3. Нима учун мўйнабоп тери дейилади?
4. Пўстинбоп, мўйнабоп ва қўн териларнинг бир-биридан қандай кўрсаткичлари бўйича фарқ қилинишини тушунтириб беринг.
5. Қандай терилар майин мўйнабоп терилар гуруҳига киради?
6. Мўйнабоп ва пўстинбоп терилар қандай давлат тайёрлов андозаси асосида қабул қилинади?
7. Ярим майин мўйнабоп тери деганда қандай терини тушунасиз?
8. Қисқа жузли мўйнабоп терилар ярим майин жузли мўйнабоп терилардан қайси белгилари билан фарқ қилади?
9. Рус қўйларининг терисини таърифлаб беринг.
10. Чўл қўйларининг териси қанақа зотга мансуб қўйлардан олинади?

15 – М А Ш Ғ У Л О Т

МАВЗУ: РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ДАҒАЛ, ЯРИМ ДАҒАЛ, ЯРИМ МАЙИН ВА МАЙИН ЖУЗЛИ ҚЎЙ ЗОТЛАРИНИ ЎРГАНИШ.

Машгулотдан мақсад – Марказий Осиёда урчилладиган қўй зотлари ва бу қўй зотларини яхшилаш учун келтирилган насли бошқа қўй зотларининг маҳсулдорлик сифатига қараб уларнинг хўжалик учун фойдали хусусиятлари ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар. Ҳар хил йўналишдаги қўй зотлари, уларнинг суратлари, тулумлар, «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг альбому», дастлабки зоотехника маълумотлари, қўй жунининг узунлиги ўлчанадиган линейка, қўйларнинг вазни ўлчанадиган тарози, муайян зотлар бўйича республика, вилоят, туман ва илгор хўжаликларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари, ҳар хил қўй зотларининг давлат наслчилик китоблари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари.

Машгулотни ўтказиш тартиби. Талабалар ўқитувчи раҳбарлигида республика, вилоят ва туманларнинг илгор хўжаликларида урчитиладиган турли йўналишга мансуб қўйларнинг зоти билан уларнинг суратларини, альбомларини, тулумларини кўриниб давлат наслчилик китобларини дарсликларни ва ўқув қўлланмаларни ўрганиб чиқадилар. (машгулотни ўқув-тажриба фермасида ўтказиш ўринлидир). Мавзу бўйича ўтказиладиган машгулот кийин ва мураккаблиги туфайли талабалар Марказий Осиёда урчитиладиган жами қўй зотларини вақт етишмаслиги сабабли синфда ўрганиб чиқолмайдилар, ҳар бир талаба томонидан мустакил равишда дардан ташқари уйда ўрганилади.

Қўйларнинг зоти, каерда ва кимлар томонидан келтирилиб чиқарилганлиги, синификацияси, жунининг гуруҳи, ўртача ва максимал даражадаги узунлиги, жинсига кўра ўртача ва максимал даражадаги жун қирқим миқдори ва тирик вазни, жунининг сифати, тоза чикими, совликларнинг серпуштлилиги, қўй зотини урчитишни туманлаштиришга кўра урчитиладиган республика вилоят, туман, илгор хўжаликлар, давлат наслчилик станциялари ва мазкур қўй зотини такомиллаштириш соҳасида ўтказиладиган тадбирлар, талабаларнинг ҳар хил йўналишга мансуб қўй зотларини ўрганиш учун алоҳида тутилган дафтарида ўз аксини топиши керак. Биринчи галга талаба дағал жули, кейин ярим дағал, ярим майин жули қўй зотларини ўрганиш билан бошлаб, майин жули қўй зотларини ўрганиш билан якунланиши лозим. Сабаби, Ўзбекистонда асосан дағал, ярим дағал ва камроқ миқдорда ярим майин ҳамда майин жули қўйлар урчитилади. Талаба дағал жун йўналишидаги

қўй зотларини ўрганиб чиққанидан кейин уни ўқитувчига кўрсатиб, бошқа йўналишдаги қўй зотларини ўрганишга киришади. Худудда урчитиладиган барча қўй зотларини ўрганиб чиққандан кейин, машгулотнинг охирида талаба қўй зотлари бўйича оралиқ назорат топширади. Мисол учун ҳар бир йўналишга мансуб қўй зотларидан биттадан келтирамиз.

Кўй зоти	Зот каерда ва ким томонидан яратилган	Сифификация		Жуннин г гурухи	Жуннинг ўртача узунлиги (см)	Жун кичким миқлори				
		Зоологи к	Ишлаб чиқариш (хўжалик)			Ўртача		Максимал даражада		
						3	4	7	8	9
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
ДАҒАЛ ЖУНЛИ КЎЙЛАР										
Ҳиссор	Бу зот қадим замонларда халқ сеlexцияси йўли билан яратилган бўлиб, асосан Тожикистон ва Ўзбекистонда урчитилади	Думбал	Гўшт-ёғ типид	Дағал жунли	8-12	1.3	1	1.6	1.4	
ЯРИМ ДАҒАЛ ЖУНЛИ КЎЙЛАР										

Тоҷики	Бу зот «Лахана Ки- ик» давлат насли- лик заводида акаде- мик Г.А.Алиев, ил- мий ходим Задо- роҷний, хўжалик- нинг мутахассис ва чўпонлари томони- дан мураккаб завод чатиштириш усули билан 1947-1963 йилларда яратилган.	Думбал и	Гўшт-ёғ жун типида	Ярим дағал жунли	16-20	4,85	2,9-3,1	5,5	4,95
ЯРИМ МАЎЛИН ЖУНЛИ ҚЎЙЛАР									

Лин- кольт	Англиянинг кольт графингида махаллий кўйларни лейстер кўчқорлари билан чашиштириш натijasида бундан 200 йил муқаллам яратилган.	Узун ёғсиз думли	Ярим майин жунли гўшт-жун йўнали- шида	Ярим майин	20-30	8-10	6-6,5	12	9
МАЙИН ЖУНЛИ КЎЙЛАР									

Асқания мерисонни	М.Ф.Иванов томонидан 1923-1935 йилларда маҳаллий меринос совликлари америка рамбулье кўчқорлари билан кўп жўнглик ва йирик гавда тузилишлилиги йўналишида селекция-наслиқлик ишлари олиб бориш натижасида Украина республикасининг «Асқания-Нова» хўжалигида яратилган.	Узун ёғсиз думли	Майин гўшт йўналишининг А гуруҳи	майин	7,5-8 см	10-14	5,5-6,0	3,6
-------------------	---	------------------	----------------------------------	-------	----------	-------	---------	-----

Тирик вази (кг)		Жуни- нинг ии- гичкали- ги (сифати)	Тоза жун чикими (%)	Серушгли- ги хар 100 кўзлаган совликдан олинган кўзи	Зотнинг биологик хам хўжалик хусусиятлари	Зотни нохиялаш- тириш режасига кўра ўрчатиш хулудси						
							Ўртача	Максимал даражада				
Кўчкорл арда	Совлик- ларда	Кўчкор- ларда	Совлик- ларда	11	12	13	14	15	16	17	18	19

130-140	70-80	180-190	100-120	Жула дагал	60-70	110-120	Хиссор кўйлари ма- халлий шароитга аъло даражада мос- лашган холда, кишда бокиладиган адир- лардан 400-500 км келадиган масофа- даги баланд тогли ёзлик яйловларга осонгина етиб бора- ди.	Тожикистоннинг «Хиссор» насл- чиллик заводи «Рохи-Ленни» давлат наслчиллик хўжалиги ва Ўз- бекистоннинг «Бойсун» давлат наслчиллик хўжа- лигида.
							Ўсимлик турларига бой аъло яйловла- рида етук хиссор кўйлари тез ва яхши семириб дўмбаларига 15-20 кг, айрим хол-ларда 35-45 кг гача ёғ тўплайди.	

ЯРИМ ДАГАЛ ЖУНЛИ ҚҮЙЛАР

120-130	70-80	162	103	Ярим дагал	68-72	105	Тожики қўй зотида онаси хиссорнинг юкори гўшп-ёғ ва отаси сирожининг яхши ярим дагал жун бериш хусусия-ти мужассамлашган.	Тожики қўй зоти Тожикистоннинг «Дахана-Киник» давлат наслчилик заводида урчигтилади.
---------	-------	-----	-----	------------	-------	-----	---	--

ЯРИМ МАЙИН ЖУНЛИ ҚҮЙЛАР

145-160	75-90	-	-	36-40 сифат	60-65% ва ундан юкори	95-100	Ланколылар озикага талабчан, уларни ис- сик иклимли минта- каларда урчитиш ки- йинрок. Бу ерда улар кўп касаллана-ди, чикими кўп, ёш кўзилари ўсиндан қолади, етук кўйлар амалда берадиган жун-гўшт махсулдор-лигини намоён қила олмайди ва уни бер-майди.	Краснодар ўлка- сининг илгор хў- жаликларига.
МАЙИН ЖУНЛИ ҚҲЙЛАР								

110-115	60-65	183	105	64-60 сифат	42-43%	Энг отарларда 130-140%	яхши	Майин жушли кўйлар- жун берувчи кўйлар- нинг энг яхши кис- ларда ми. Мазкур зотнинг 8 линияси бор. Ас- канья мериниси бошка майин жушли кўй зотларининг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида уларнинг совликлари билан чатиштири- лади.	Украинанинг жа- нубидаги туман- ларда	
Илгор хўжалиklarнинг Номаги		Давлат наслчилик станциясининг номи		Зотни такомиллаштириш соҳасида ўтказилган тадбирлар						
ДАҒАЛ ЖУШЛИ КЎЙЛАР										
«Хиссор» наслчилик заводи, «Роҳи-Ленин» давлат хўжали- ги «Ххпартия съезди» ширкат		Хиссор кўйларини бўйича корхонаси.		Давлат наслчилик		кўлайгириш		Хиссор кўйлари билан наслчилик ишларини олиб боришдан кўзланган асосий мақсад, стук кўйларининг тирик вазинини, гўшт-ёғ чикимини ва		

хўжалиги ва Ўзбекистоннинг «Бойсун» наслчилик ширкат хўжалиги.	насл сифатларини оширишдир.
ЯРИМ ДАҒАЛ ЖУНЛИ ҚҲЙЛАР	
Тожики кўй зотини Тожикистоннинг «Дахана-Кики» ДНЗ ва «Калинин» давлат хўжалигида урчитилган.	Дастлабки киска мулдат ичмда Тожикистоннинг давлат наслчилик корхонаси тожики кўй зотидан фойдаланиш ишларини бошлаб берди.
ЯРИМ МАЙИН ЖУНЛИ ҚҲЙЛАР	
Краснодар ўлкасига қарашли Шимолий Кавказ чорвачилик-талкикот институтининг «Расвет» тажриба хўжалигида Мостов туманининг «Путь-Ленина» ширкат хўжалигида. Отралнен туманининг механизацияланган фермасида.	Линкольнлар асосан гўнг-жун йўналишидаги тез етилувчан кроссбрел жун берувчи линкольн типлиги қўйлар подаларини яратиб устида Шимолий Кавказда, Кавказ ортида, Қозоғистонда, Ўрта Осиёда, Ғарбий Сибирда жадал ишлар олиб борилмоқда.
МАЙИН ЖУНЛИ ҚҲЙЛАР	

<p>Украина республикасинин Херсон вилоятга қарашли «Аскания-Нова» ва «Красний чабан» хўжаликларида</p>	<p>Херсон вилояти Аскания давлат наследлик станцияси.</p>	<p>Жунини узайтириш ва қирқим миклорини қўпайтириш.</p>
--	---	---

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Ўзбекистонда қайси майин жули қўй зотлари урчилади?
2. Марказий Осиёда урчиладиган майин жули қўй зотларини айтиб беринг?
3. Қўй зотларини туманлаштириш режасига кўра Ўзбекистонда қайси ярим майин жули қўйлар урчилади?
4. Марказий Осиёда урчиладельган ярим майин жули қўй зотлари ва зот гуруҳларини айтиб беринг?
5. Марказий Осиёда қандай ярим дағал жули қўй зотлари урчилади?
6. Ўзбекистонда қайси ярим дағал жули қўй зотлари урчилади?
7. Туманлаштириш режасига кўра Ўзбекистонда қайси қўй зотлари урчилади?
8. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида қайси дағал жули қўй зотлари урчилади?
9. Ҳиссор қўй зоти қандай яратилган?
10. Сирож қўйи ким томонидан яратилган?
11. Тожики қўй зоти қандай яратилган?
12. Олой қўй зоти қаерда ва ким томонидан яратилган?
13. Жайдари қўйининг муаллифи ким?
14. Эдилбой қўй зоти қандай яратилган?
15. Паркент қўйларининг муаллифи ким?
16. Охангарон қўйининг яратилишида қайси қўй зотлари қатнашган?
17. Тяньшон қўй зотининг муаллифи ким?
18. Қирғиз майин жули қўй зоти қачон яратилган?
19. Дегересс қўйидан қанақа маҳсулот олинади?
20. Қорақўл қўй зоти қачон ва ким томонидан яратилган?
21. Қозок архаромеринос қўй зотини яратиш иши илк бор қайси республикада бошланган?
22. Жанубий қозок меринос ким томонидан яратилган?

23. Шимолий козок мериносини яратишда қайси қўй зотлари қатнашган?
24. Қозок майин жули қўй зотининг муаллифи ким?
25. Ҳиссор қўй зоти биологик хусусияти жиҳатидан Аскания мериносидан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?
26. Линкольн қўй зоти урчиладиغان худудни таърифлаб беринг?
27. Энг йирик ҳиссор қўй зотининг массаси неча килограммгача бўлади?
28. Аскания мериносининг юқори жун қирким миқдори қанча?
29. Қайси йўналишдаги қўйдан энг кўп кўзи олинади?
30. Макбул типли жайдари қўйининг тирик массаси ва жун қирким миқдори неча килограммгача бўлиши мумкин?

16 – М А Ш Ғ У Л О Т.

МАВЗУ: ҚЎЙЛАРНИ БОНИТИРВКА ҚИЛИШ.

Машгулотдан мақсад – Дағал ярим дағал, ярим майин ва майин жули қўйларни бонитировка қилиш хусусиятларини тушунтириш, бонитировка журналларини тўғри тўлдиришни ўргатиш, бонитировка қилиш вақтида асос қилиб олинadиган белгиларига аҳамият берган ҳолда тушунтириш.

Ўқув ва кўргазмалар куруллар – дағал жули қўйларнинг тулумлари ҳар хил йўналишга мансуб дағал жули қўйларни бонитировка қилишга доир асбоб-ускуналар, қўлланмалар, «Қўйчилик» дарслиги, линейка, ҳар хил синфдаги жун намуналари, халат, қўйларни яккама-якка ҳамда гуруҳли (гуруҳли) бонитировка қилишда қўлланиладиган журнал ҳамда унга ёзиладиган ёзувлар қўйларни бонитировка қилиш тасвирланган кўрсатмалар, слайдалар.

Машгулотни ўтказиш тартиби – тушунтириш, ёздриш, мустақил иш.

Машгулотнинг мазмуни – қўйларни бонитировка қилиш уларнинг комплекс белгиларига, мансуб, шаклига қараб баҳолаш демакдир. Наслчилик заводларида, наслчилик ва ширкат хўжаликларида бонитировкани зоомухандис-селекционерлар, хўжаликларнинг наслчилик бўлимларида хўжаликдаги шу соҳанинг ходимлари ҳамда наслчилик бирлашмаларининг

мутахассислари иштирокида зоомухандислар. Айрим ҳолларда таклиф килинган мутахассислар ва мазкур зот қўйлар хусусиятини яхши биладиган илмий ходимлар ўтказиши мумкин.

Бонитировка ўтказиш хайъати таркибини хўжалик маъмурияти наслчилик бирлашмаси билан келишилган ҳолда белгилайди. (Агар шу ҳудудда давлат наслчилик бирлашмаси бўла туриб наслчилик ишига раҳбарлик қилаётган бўлса). Дағал жунли қўйларни бонитировка қилиш пайтида улардан олиннадиган асосий маҳсулоти ҳисобга олинади. Масалан, думбали қўйчиликда уларнинг гўшт-ёғ хусусиятига, барра-тери йўналишидаги қўйчиликда уларнинг барра терисига, пўстинбоб қўйчиликда улардан пўстиннинг сифатига катта аҳамият берилган ҳолда баҳо берилади.

Бонитировка икки хил бўлади: **яккама-якка** ва **гурухли** бонитировка.

Яккама-якка бонитировка – ҳар бир хайвонни баҳолаш натижасини маҳсуе журналга ёзиб, кейинчалик бу кўрсаткичларни шахсий наслчилик карточкасига кўчириб борилади. Яккама-якка бонитировка совликларни қўчқорларга якка-якка жуфтлаш учун керак бўлади. Яккама-якка жуфтлаш қўчқорларни ҳар бир совлиққа асосли равишда бириктириб қўйишни талаб этади. Бундай усул ёрдамида наслчилик хўжаликларида ўтказиладиган бонитировка наслига кўра текширилган хайвонлар билан шахсий подани тўлдирини, бошқа хўжалиқларга эса насли молларни сотиш учун имкон яратлади.

Гурухли бонитировка – бу қўйларни зоти, конституцияси ва маҳсулдорлик сифатларига кўра баҳолаш бўлиб, бунда хайвонлар баҳоларининг натижаси ҳеч қандай журналга ёзилмайди. Товар хўжалиқларнинг ҳамма қўйлари, насли хўжалик (бўлим)ларда яккама-якка бонитировка ўтказилмайдиган барча хайвонларда гурухли бонитировка ўтказилади. Товар хўжалиқларида гурухли (гурухли) бонитировка ўтказилади.

Гурухли бонитировка асосида ўтказилган танлашга гурухли ёки гурухли танлаш дейилади ва яккама-якка жуфтлаш учун имконият яратиб бермайди.

Гурухли (гурухли) жуфтлаш шундан иборатки, жами ургочи хайвонлар синфига караб алохида гурухларга ажратилади ва ҳар бир гурух учун иккита асосий ва кўшимча кўчкор танлаб қўйилади. Бу жуфтлашда зотдор кўчкорлар совликлардан камида бир синф юкори туриши лозим.

Бонитировкани ўтказиш муддати. – Асосий бонитировка хайвон ҳаётида шундай ёшида ўтказиладиким, кайсидаким унинг бош маҳсулоти аниқ намоён бўлган пайтда баҳо берилади. Шунинг учун ҳам кўйчиликда уларнинг йўналишига кўра бонитировка ўтказишнинг турли муддатлари белгиланган. Барра тери берувчи кўйчиликда (коракўлчиликда) бонитировка кўзиларнинг 1-3 кунлигида, яъни барра тери сифатининг энг тўлиқ ривожланган вақтида, пўстинбоп кўйчиликда кўйларнинг 8-9 ойлигида ўтказилади, кайсики бу муддат ёз фаслининг охири, куз фаслининг эса бошланишига, яъни тери сифати энг яхши ривожланган вақтига тўғри келади.

Дағал жузли думбали кўйларни ва маҳсулдорлиги бўйича ихтисослашмаган кўйларнинг ҳаммасини биринчи қочиришдан олдин, кузда 1,5 яшарлигида бонитировка қилинади. Соф зотли майин, ярим майин ва дағал х майин жузли дурагай кўйлар бир яшарлигида баҳорда, биринчи қирикимдан олдин бонитировка қилинади.

Юқорида қайд қилиб ўтилган асосий бонитировка ўтказиш муддатидан ташқари поданинг насли ядро қисмида эртароқ муддатда дастлабки бонитировка ўтказилади. Бу эса ўз навбатида насли кўчкорларнинг яхшироқ ривожланиш тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлган, холда, улардан келажакда насли кўчкор сифатида фойдаланиш ва баъзи бирларини гўнг учун бўрдоқига боқиш учун белгилаш имкониятини яратади. Майин ва ярим майин жузли кўйчиликда дастлабки бонитировка уларнинг туғилган вақтида, 15-20 кунлигида ва онасидан ажратиш вақтида ўтказилади. Туғилган кўзилардан зотга ҳос белгилари яхши намоён бўлган наслчилик, ҳаётчан, бақувват яхши ҳаракат қиладиганлари олиб қолинади. Бу ёшда кўчкорларни яхшилаб қўздан кечиришнинг катта аҳамияти шундаким уларни келажакда насли кўчкор сифатига ишлатиш тўғрисида дастлабки ҳулоса чиқариш, келажакда ўсиши

учун имконият тугдирилган ҳолда яхши парвариш қилиш, имкониятига эга бўлсак, қайбирларини пода тўлдириш гуруҳидан эртарок чиқариб ташлашга муваффақ бўламиз. Қўчқорчалар 15-20 кунлик бўлганида улар яккама-якка баҳоланади. Бунда асосан уларнинг ривожланишига, конституциясига ва зотига ўхшашлигига (хослигига) қаралади.

Қўчқорчаларнинг навбатдаги баҳоси уларни онасидан ажратиш вақтида ўтказилади. Бу ёшда майин ҳамда ярим майин жузли қўчқорчалар жузининг узунлигидан бошқа, ҳамма конституционал-маҳсулдорлик кўрсаткичлари шунчалик яхши ривожланган бўладиким, қайси ким қўчқорчаларни подани тўлдириш учун танлаш масаласини ҳал қилиб қўйиш мумкин бўлади.

Етук насли қўчқорлар ҳар йили бир марта бир яшар вақтида асосий бонитировка ўтказилганлигидаги конституционал-маҳсулдорлик кўрсаткичларининг сақланганлигига қараб ўтказилади, керак бўлса қўчқорлардан фойдаланиш режасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Бонитировка ўтказиш тартиби. – Бонитировкани ўтказишдан олдин талабалар бонитировка режасини тузиш билан чиқадилар, бонитировкани ўтказиш жойига ва керакли анжомларни (тахталар, қозиклар, бонитировка қалиплари, қўйлар қулогини тешик қилиб эс солиш учун омбурлар ва сиргаларни қотирадиган омбўрлар, белгилаш учун бўёқлар, бонитировка блонкалари ва яккама-якка бонитировкани ўтказиш журнали), қўшимча ишчи кучига бўлган талаб чўпон қўйларни қўтондан яккама-якка чиқариш учун икки томони тахта билан тўсилган узун йўлак ва йўлакнинг охирида бонитёрнинг тўғрисида қўйни ушлаб турувчи ҳисоблаб чиқилади.

Шундан кейин бонитировка қилишга киришадилар. Қўйларни қўтонга қамашади, қўтондан чиқиш жойида, уларни якка-якка чиқариш учун қўтондан чиқадиган жойга икки томони тахта билан тўсилган узун йўлак қилинади. Йўлакнинг эни бир қўй сигадиган яъни 50-60 см бўлади. Йўлакнинг охирида, унинг ҳар иккала томонида 60-70 смли чуқур қазилиб, бир томонидаги чуқурда бонитёр, иккинчи томонида эса чўпон қўйни ушлаб туради.

Бонитёрнинг олдига қўй йўлак оркали хайдаб келтирилади, у қўйни қўздан кечириб чиқади ва баҳолайди. Агар яккама-якка бонитировка бўлса, у вақтда қўйларнинг алоҳида сифатлари ва хусусиятлари батафсил баҳоланади ва журналга ёзиб борилади.

Дагал жунли қўйларни бонитировка қилиш. Турли йўналишдаги дагал жунли қўйларни конститутция ва маҳсулдорлигига қўра баҳолаш синфларга ажратиш, ҳар бир белги ва хусусиятларини аниқлаш.

Эдилбой, жайдари зотига мансуб қўйлар асосан 1,5 яшарлик вақтида куз фаслида бонитировка қилинади. Улар узун жунли бўлиб йилига икки мартаба (май, сентябр ойларида) қирқилганлиги сабабли бир яшарлик вақтидаги баҳорги жун маҳсулдорлигининг кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олинади. Бонитировка яккама-якка тўлик ёки қисқартирилган ҳамда гуруҳли (гуруҳли) бўлиши мумкин.

Тўлик яккама-якка бонитировка етук насли кўчқорларда насли хўжаликлардаги селекцион гуруҳдаги совликлардан келиб чиққан ҳамма ёш молларда ва наслига қўра текшириладиган кўчқорларда, подани янгилаш ва бошқа хўжаликларга сотиш учун мўлжалланган кўчқорларда ўтказилади.

Тўлик яккама-якка бонитировка ўтказилганда хайвоннинг синфи, уларнинг хўжалик учун фойдали хусусиятлари бўйича селекциялаштириладиган белгилари, номи ва уларнинг ифодаланиш даражаси, зотнинг номи шартли белгилари ва шифри ёзилади. Агар бонитировка гуруҳли бўлса, у ҳолда уларнинг сифат ва хусусиятлари сон жиҳатидан ҳисобга олинади.

Жайдари, эдилбой, тушин, карачай, лезгин, андий, Марказий Осиёнинг зоти яхшиланмаган (ихтисослашмаган) думбали қўйларини бонитировка қилиш вақтида дастлаб уларнинг зотдорлигига, хайвоннинг турига, кейинчалик эса жунининг рангига, тигислигига, қилчик ва тивит толаларининг узунлигига, қилчик толасининг майинлигига, япоги жунининг бир текислигига, хайвон танаси асосий қисмидаги япоги жунининг синфига, суяги (конституцияси) нинг бақувватлигига, думба ёки қатта-қичиклигига (ҳажмига) ва шаклига, баҳорги ҳам қузги жун қирқим микдорига (шатмоқлаган жун бундан истисно), 4-6 ва 18

ойлигида думбали кўйларнинг тирик вазнига, агар кўйнинг зоти зоологик синификациясига кўра ёгли думлиларга мансуб бўлса, унда улар 12 ойлик вақтида ўлчанади. Юкорида кайд қилинган кўрсаткичлари ва хусусиятлари асосида кўйларга умумий баҳо берилади. Хар бир яккама-якка бонитировка қилинган хайвонга (насл олиш учун қолдирилган ургочи ва эркак кўзи, она кўй, кўчқорга) якка тартибдаги сирга тақилиб унга наслдорлик харитаси очилади.

Хиссор зотли кўйларни яккама-якка бонитировка қилган вақтда юкорида номлари кайд қилинган дағал жунли кўй зотларини бонитировка қилиш вақтида ҳисобга олинган белги ва хусусиятларидан жуннинг ранги, тигислиги, қилчик ва тивит толаларининг узунлиги, қилчик толасининг майинлиги, япоги жундаги толларнинг бир текислиги, япоги жуннинг асосий қисмидаги синфлари, ювилмаган баҳорги ҳамда кузги жун қирқим миқдори, умуман олганча жун маҳсулдорлигига тааллуқли ҳамма кўрсаткичлари ҳисобга олинмаган ҳолда бонитировка қилинади. Сабаби хиссор кўйи фақатгина гўшт ва думба ёғи олиш учун урчитилади.

Қисқа яккама-якка бонитировка элита ҳамда биринчи гурухли совлиқлардан (юкорида кайд қилинган хайвонлардан ташқари) туғилган ва кўзиларда ўтказилади. Қисқа яккама-якка бонитировка ўтказилганда хайвоннинг синфи, унинг тирик вазни ва тана тузилишининг шакли, думбасининг шакли ва қатта-кичиклиги (ҳажми) жун қирқим миқдори; жуннинг синфи ва ранги каби умумий кўрсаткичлари бўйича кўйга умумий баҳо берилади. Юкорида кайд қилинган кўрсаткичлар, белгилар ва зотларнинг номи яккама-якка бонитировка қилиш журналига ёзилади.

Гурухли бонитировка мавжуд подани таъмирлаш (тўлдириш) учун қолдирилган наслдор бўлмаган хайвонлардан олинган ҳамма ургочи кўзиларда ўтказилади. Кўйларни гурухли (гурухли) бонитировка қилишда қиекартирилган яккама-якка бонитировка кўрсаткичларининг ҳаммаси ҳисобга олинади.

Биринчи гурухли хайвонларнинг гўшт ва жун маҳсулдорлигининг миқдори ва сифати ҳамда унинг даражаси, тана тузилишига, конституция типига бўлган талаб тегишли кўй зоти учун андоза ҳисобланади.

Ҳамма дагал жузли думбали ва ёгли думли кўй зотлари элита, биринчи, иккинчи синфларга ва яроксиз кўйларга бўлинади.

Дагал жузли кўй зотларини бонитировка қилган пайтида тирик оғирлиги, жун қирким миқдори ва жунининг класи бўйича тегишли синфларга ажратиш учун кўйидаги минимал кўрсаткичларга эга бўлиши керак:

Зотнинг номи	Бонитировка қилинадиган ёш (ой ҳисобида)	Ҳайвоннинг синфи	Тирик оғирлиги		Жун қир-қим миқдори, кг		Жуннинг синфи
			Кўчкорларники	Ургочиларники	Кўчкорларники	Ургочиларники	
1	2	3	4	5	6	7	8
Ҳиссор	18	Элита	80	65	-	-	-
		I	70	60	-	-	-
		II	-	55	-	-	-
Эдилбой	18	Элита	75	65	2,8	2	Биринчи синфининг энг яхши қисми
		I	70	55	2,3	1,5	I-II
		II	-	50	-	1,5	III
Жайлари	18	Элита	55	42	2,3	1,8	I
		I	50	38	2,0	1,4	I-II
		II	-	37	-	1,2	Ҳамма синфлар

Қозок думбали кўйлари	18	Элита	70	55	2,3	1,8	Биринчи нинг энг яхши кисми
		I	65	50	2,0	1,5	I-II
		II	-	45	-	1,3	III

Населли хўжаликларнинг элита ва биринчи синфга мансуб совликлари наслининг сифатига кўра топшириладиган кўчорлардан олинган кўзилар онасидан ажратиш (4-5 ойлик) вақтида баҳоланади. Кўзиларни онасидан ажратиш давридаги баҳолаш беш баллик система асосида ўтказилиб, бунда уларнинг ривожланиши, тирик оғирлиги, кўзи жунининг ранги ва қрким миқдори, думбасининг шакли ва ҳажми ҳисобга олиниб, кўйидаги кўрсаткичларга амал қилинган ҳолда олиб борилади:

Зотнинг номи	Тирик оғирлиги, кг				Жун қрким миқдори, кг			
	Эркаклариди		Ургочилариди		Эркаклариди		Ургочилариди	
	5 балл	4 балл	5 балл	4 балл	5 балл	4 балл	5 балл	4 балл
Ҳиссор	45	45	43	40	-	-	-	-
Эдилбой	40	38	38	35	1,0	0,3	0,8	0,6
Жайдар	35	32	32	30	1,2	1,0	1,1	0,8
Қозок думбали кўйлари	36	34	34	32	0,8	0,6	0,7	0,6

ЯРИМ ДАҒАЛ ЖУНЛИ КЎЙЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ.

Наслчилик ишнинг мақсадига кўра ўтказиладиган бонитировка яккама-якка (тўлик ёки қискартирилган) ҳамда гуруҳли бўлади. Ярим дағал жунли кўйларни бонитировка (яккама-якка, гуруҳли) қилиш худди дағал жунли

қўйларни бонитировка қилиш каби бўлиб, бунда қўшимча равишда бир хил толали жулли қўйлар жунининг майинлиги ҳисобга олинади.

Ярим дағал жулли қўй зотларини бонитировка қилиш вақтида улар тирик оғирлиги жун қирким миқдори ва жунининг класи бўйича тегишли синфларга киритиш учун қўйдаги минимал кўрсаткичларни эга бўлиши керак:

Зотнинг номи	Бонитировка қилинадиган ёш (ой ҳисобида)	Ҳайвоннинг синфи	Тирик оғирлиги, кг		Жун қирким миқдори, кг		Жунинг синфи (эркак ва урғочи қўйларда)
			Эркаклариди	Урғочилариди	Эркаклариди	Урғочилариди	
Сирожи	12	Элита	50	42	3,1	2,6	Биринчининг энг яхши қисми
		I	45	40	2,9	2,4	I
		II	-	37	-	2,0	II
Тожики	18	Элита	70	60	3,0	2,7	Биринчининг энг яхши қисми
		I	65	55	2,7	2,5	I
		II	-	50	-	2,2	II

Олой	12	Элита	55	45	3,3	2,5	Биринчин инг энг яхши қисми
		I	50	40	3,0	2,3	I
		II	-	40	-	2,1	II
Дегерес (ярим дагал жузли).	18	Элита	60	50	3,1	2,5	Биринчин инг энг яхши қисми
		I	55	45	2,8	2,3	I
		II	-	40	-	2,1	II
		III	-	35	-	2,0	Ҳамма синфга мансуб қўйлар
Қозок думба- ли ярим дагал жузли қўйлар	18	Элита	60	53	2,8	2,2	Биринчин инг энг яхши қисми
		I	55	48	2,5	2,2	I
		II	-	43	-	1,6	II
		III	-	40	-	1,6	Ҳамма синфга мансуб қўйлар

Биринчи синфга мансуб хайвонларнинг гўшт-жун маҳсулотларининг миқдори ва сифати ҳамда даражаси, тана тузилиши, конституция типига бўлган талаб тегишли кўй зоти учун андоза ҳисобланади.

Ярим дагал жули думбали ва ёгли думли кўйларнинг якунлови бонтировкаси 18 ойлигида куз фаслида, яйловдан семириб қайтгандан кейин тирик оғирлиги, жунининг сифати, баҳорги ва кузги жун киркимларининг жами миқдори ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади, ёгли думли ярим дагал жули кўй зотлари ҳамда думбали ва ёгли думли ярим майин жули кўйлар 12 ойлигида баҳорда жунининг сифати хайвоннинг чап қулоғига, синфи эса ўнг қулоғига эн солиниб белгиланади.

Ҳамма думбали ва ёгли думли кўй зотлари 3 синфга, дегересс ва козок ярим дагал жули кўйлари эса 4 синфга – элита, биринчи, иккинчи ва учинчи синфларга бўлинади.

ЯРИМ МАЙИН ЖУЛИ КЎЙЛАРНИ БОНТИРОВКА ҚИЛИШ.

Ярим майин жули кўйлар 3 синфга – элита, 1 ва 2 синфларга бўлинади. Элита синфига конституция – маҳсулдорлик сифати ва хоссаси бўйича биринчи синфга мансуб кўйлардан юқори турадиган, зот андозаси талабига тўлиқ жавоб берадиган аслзот хайвонлар киритилади. Шунингдек, бу синфга алоҳида гўшт ёки жунининг сифати бўйича юқори маҳсулотли хайвонлар киритилиши мумкин.

Хайвонлар конституция-маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва белгилари бўйича зотнинг андоза талабларига мос келади, ундай кўйлар биринчи синфга киритилади.

Иккинчи синфга жун кирким миқдори, тирик оғирлиги, жунининг узунлиги ёки ингичкакалигига кўра етарлича текис бўлмаган сийрак ва узун бир хил толали ярим жули хайвонлар киритилади.

Юқорида кўрсатилган синфлар талабига жавоб бермайдиган хайвонлар яроксиз қилинади.

Дурагай хайвонлар ҳам (элита, 1 ва 2 синф) тегишли зотга ва синфга мансуб аслзот кўйларнинг таърифидек талабга жавоб бериш керак.

Майин жули хайвоилар 3 синфга, бир хил толали бўлмаганлари 4 синфга бўлинади.

Говдаси кичик, ўта нозик конституцияли, экстеръерида нуқсонлари бўлмаган ва рангдор жули хайвоилар пучак килинади.

ЯРИМ МАЙИН ЖУЛИ ҚЎЙ ЗОТЛАРИНИНГ АНДОЗА ТАЛАБЛАРИ.

МДХда урчитиладиган ярим майин жули қўй зотлари, ўзларининг келиб чиқиши, жуи ва гўшт маҳсулотлари даражасининг ифодаланганлиги ва таснифига, урчитилаётган худуднинг экологик шаронтига ва бошка хусеиятларига кўра уч асосий гуруҳга бўлинади: гўшт-жули узун жули, гўшт-жули кеска жули ва жуи-гўштлига.

УЗУН ЖУЛИ ГЎШТ-ЖУИ БЕРУВЧИ ЛИНКОЛЪН ТИПИДАГИ ҚЎЙ ЗОТЛАРИНИНГ АНДОЗАСИ.

Хайвоилар мустанакам конституцияли, ярим ривожланган, лекин кўпол бўлмаган суякли, йирик жуссали, шохсиз, аррик ёғсиз думлидир. Уларнинг пешонасида узун кокилчали бўлиб, боши кенг тумшуги ва кулоклари оқ коповчи толалар билан корежаган. Бўйини йўгон, танази узун бўлиб, гўштдорлик шакли яхши ифодаланган. Кўкраги кенг ва чукур. Қобиргалари юмалок, айлана шаклида бўлиб, тўши яхши ривожланган. Ягрини, оркаси, бели ва думгазаси кенг.

Орка ва бел чизиклари тўгри. Кейинги оёқларининг тўлалиги яхши. Оёқлари кенг кўйилган, ўсинкираган япоги жуни сакраш ва тиза бўгинларигача, хатто туёгигача коповчи толалар билан корежаган. Жуи коповчининг ва коповчи толаларининг ранги оқ бўлиб, тумшугида, кулогида ва оёқларида корамтир доғларнинг бўлишига йўл кўйилади.

Жуни узун, килчик толасидан истисно бўлган холда бир хил толали; япоги жуни кокилчасимон бўлиб, бутун танази бўйлаб осилиб туради; жуи толаларининг жингалаги йирик бўлиб, кейинчалик у тўлқинсимон жингалакликка айланади; ялтироқлиги кандилсимон; ёғлитерининг ранги оқ ва

оч – кремнийсимон. Жунининг тоза чикими – 60% дан кам эмас. Совликларнинг серпуштлигини – 110-130 %.

УЗУН ЖУНЛИ ГҶШТ-ЖУН БЕРУВЧИ РОМНИ-МАРШ ТИПИДАГИ ҚҶЙ ЗОТЛАРИНИНГ АНДОЗАСИ.

Ҷайвонлар мустаҳкам конституцияли, бақувват суякли, шохсиз, гҶшт махсулдорлиги яхши ифодаланган, ёгсиз думли. Боши кенг, қулоклари ўртача катталиқда. КҶкраги кенг, чуқур, олдиға караб бҶртиб чиққан. Қобирғалари юмалок, тҶши яхши ривожланган танаси узун, бақувват оёқлари кенг қҶйилган ўртача узунлиқда. Яғрини, бели, сағриси кенг. Орқа ва бел чизиги тҶғри. Кейинги оёқларининг тҶлалиға яхши. Ўсинкираган жуни бошидан то кҶзларининг ўртасидаги чизикча, оёқлари эса сакраш бҶғиниғача жун билан қорезаган. Жунининг ва қопловчи толаларининг ранги оқ. қулоклари ва оёқларида қорамтир жунларининг бҶлишиға йҶд қҶйилади.

Япоғи жуни оқ тахтачасимон а штапель-қоқилчасимон тузилишли, жинғалақлиги яхши ифодаланган бҶлиб, ёғлитериси оқ. Жунининг ялтироқлиги ярим қандилсимон. Жунининг тоза чикими – 57 % дан кам эмас. Совликларининг ўртача серпуштлиги – 110-125%.

УЗУН ЖУНЛИ ГҶШТ-ЖУН БЕРУВЧИ КОРРИДЕЛЬ ТИПИДАГИ ҚҶЙ ЗОТЛАРИНИНГ АНДОЗАСИ.

Ҷайвонлар мустаҳкам конституцияли, суяқлари яхши ривожланган ва ёгсиз думлидир. Боши кенг; қҶчқорлари ва совликлари шохсиз бҶлиб, шохчаларининг ўсимтаси бҶлмаслиги йирик нуқсонға киритилмайди. БҶйини ўртача узунлиқда бҶлиб, гҶшлик. Яғрини, орқаси, бели ва думғазаси кенг. КҶкраги етарли даражада кенг, ва чуқур бҶлиб олдинға бҶртиб чиққан. Қобирғалари айланасимон. Танаси чҶзик. Кейинги оёқлари тҶлик, етарли даражада гҶштор. Ўсик жун бошидан то кҶзларининг ўртасидаги чизикча, оёқларидан тиззаси ва сакраш бҶғинларигача қорезаган. Қопловчи толалари оқ рангда. Бурин, қулоқ ва оёқларидаги катта бҶлмаган қорамтир жун доғлари нуқсон ҳисобланмайди.

Япоғи жуни штапель ва штапель-кокилча тзилишига эга. Ёғли-терининг ранги ок ва оч-кремнийсимон. Жуни ок, жингалаклари яхши ифодаланган, бир хил толали, ярим кандилсимон ялтироқли. Жунларининг зичлиги яхши ёки ўртача, япоғи жуни ва штапели текис. Жунининг тоза чиқими 57 % дан паст эмас. Совликларнинг серпуштлилиги – 110-130 %.

Узун жуни линкольн, ромни-марш, корридель типларидаги кўй зотлари, махсуддорлигининг минимал кўрсаткичи . . . жадвалда келтирилган.

-жадвал.

Узун, ярим майин жуни (1 синф) кўй зотларининг тирик оғирлиги жун кирким микдори ва жун узунлигининг минимал кўрсаткичлари.

Зотнинг номи	Кўрсаткичлари	Кўчкорлар		Совликлар	
		етук	12 ойлик	етук	12 ойлик
1	2	3	4	5	6
Линкольн типидagi узун жуни кўйлар					
Линкольн (идти-фокда этиштирилган)	Тирик оғирлиги, кг.	90	54	60	42
	Тоза жун кир-ким микдори, кг.	4,5	2,7	3,0	2,1
	Жуннинг узунлиги, см.	17,0	20,0	16,0	18,0
Рус узун жуни (дискун ва калинин типлари).	Тирик оғирлиги, кг.	85	51	52	37
	Тоза жун кирким микдори, кг.	3,5	2,3	2,3	1,6
	Жуннинг узунлиги, см.	15,0	16,0	14,0	15,0
Ромни-марш типидagi узун жуни кўйлар.					

Инглиз ромни-марши (Россияда яратилган)	Тирик оғирлиги, кг.	85	51	55	41
	Тоза жун қирким миқдори, кг.	3,6	2,3	2,3	1,7
	Жуннинг узунлиги, см.	13,0	14,0	11,5	12,0
Аргентина ромни-марши (Россияда яратилган)	Тирик оғирлиги, кг.	75	42	50	35
	Тоза жун қирким миқдори, кг.	3,8	2,4	2,3	1,8
	Жуннинг узунлиги, см.	13,0	14,0	12,0	13,0
Қўйбишев	Тирик оғирлиги, кг.	80	50	57	41
	Тоза жун қирким миқдори, кг.	3,4	2,3	2,2	1,7
	Жуннинг узунлиги, см.	13,0	14,0	11,5	13,0
Корридель типдаги узун жузли қўйлар.					
Шимолий Кавказ	Тирик оғирлиги, кг.	87	47	53	37
	Тоза жун қирким миқдори, кг.	4,5	2,7	2,6	1,9
	Жуннинг узунлиги, см.	12,0	13,0	11,5	12,0

Тяньшон	Тирик огирлиги, кг.	90	48	55	39
	Тоza жуи кирким миқдори, кг.	4,3	2,6	2,4	1,7
	Жуининг узунлиги, см.	13,0	14,0	11,5	12,0
Совет гўштдор жуииси	Тирик огирлиги, кг.	80	45	48	35
	Тоza жуи кирким миқдори, кг.	4,3	2,6	2,3	1,8
	Жуининг узунлиги, см.	13,0	14,0	12,0	13,0

ҚИСҚА ЖУИИ ГЎШТ-ЖУИ БЕРУВЧИ ҚЎЙ ЗОТЛАРИНИНГ АНДОЗАСИ.

Бу гуруҳдаги қўйлар мустаҳкам конституцияли, гўшт маҳсулдорлиги нисбатан яхши ифодаланган ва тез етилувчан бўлади. Боши кичик, кенг, шохсиз. Бўйини ўртача узунликда бўлиб, мушакли. Оёқлари узун бўлмаган кенг танаси юмалок.

Кўкраги чуқур ва кенг, кобиргалари юмалок, тўши яхши ривожланган. Яғрини, орқаси, бели ва думғазаси кенг ва тўғри. Кейинги оёқларининг тўлаллиги яхши. Боши – то кўзларининг ўртасидаги чизиккача, оёқлари – то тиззаси ва сакраш бўгинларигача ўсиқ жуи билан қорежаган. Танасидаги жуи ок бўлиб, боши, кулоқлари ва оёқлари қорамтир қопловчи толалар билан қорежаган (эстон окбош зотидан ташқари).

Япоги жуи ёпик, штапель ва штапель-кокилча тузилишли бўлиб, ёғлитерининг ранги оч-қремнийсимои ёки ок. Жуининг жингалакчилиги яхши ифодаланган бўлиб, 1 см узунлигида – 3-4 та буралмаси бор. Тоza жуи чиким миқдори 55 % дан кам эмас. Совликларининг ўртача серпуштчилиги – 120-130%.

ЦИГАЙ ҚҶЙ ЗОТИНИНГ АНДОЗА ТАЛАБИ.

Бу зотга мансуб қўйлар мустахкам конституцияли, бақувват суякли ва узун орриқ думли. Уларнинг боши курук, ўртача катталиқда бўлиб, қўчкорлари шохли, совлиқларининг аксарият қисми шохсиз. Кўкраги чуқур, орқаси кенг, яғрини ва думгазаси кенг. Оёқлари бақувват, туёқлари пишик.

Ўсик жуи толалари бошини кўзларининг ўртасидаги чизиккача, оёқларини эса то тизза ва сакраш бўғинларигача қорезаган. Қопловчи тола оқ рангли. Айрим хайвонларнинг оёқларида, бошида ва кулоқларида катта бўлмаган доғларнинг бўлишига йўл қўйилади.

Япоги жуи штапельсимон ва штапель-толимсимон тузилишти; ёғлитерининг ранги оқ, оч-кремнийсимон ва кремнийсимон. Жуни оқ кайишқоклиги яхши бўлиб бир хил толали, жингалаклиги йирик ва етарли даражада ифодаланган (1 см узунлигида 2-3 та жингалаклиги бор). Жуининг тоза чикими – 55 % дан юкори, совлиқларининг ўртача серпуштлилиги эса – 115 % дан кам эмас.

Қўйлар хар хил табиий шароитларга мослашган, чидамли ва серсует.

Зотнинг ичида иккита зот типни – приазов (гўшт-жуи йўналишли), козок (жуи-гўшт йўналишли) ҳамда битта – жуи-гўшт йўналишидаги завод типни мавжуд.

Конституция – махсулдорлик сифати ва кўрсаткичлари бўйича приазов типни ажралиб туради. Бу типга мансуб хайвонлар нисбатан тезроқ етилувчан, яхши семириш ва гўштдорлик сифатига ҳамда юкори жуи махсулотига эга бўлиб, жуни узун.

I синфга мансуб хайвонларнинг минимал махсулдорлик кўрсаткичи жадвалда келтирилган.

Қиска жуи гўшт-жуи ва жуи-гўшт йўналишларидаги ярим майин жуи (I синф) қўй зотларининг тирик оғирлиги, жуи қирқим миқдори ва узунлигининг минимал кўрсаткичлари.

Зотнинг номи	Қўрсаткичлари	Қўчкорлар		Совлиқлар	
		етук	12 ойлик	етук	12 ойлик
1	2	3	4	5	6
Цигай	Тирик оғирлиги, кг.	84	42	48	34
	Тоза жун қирким миқдори, кг.	4,0	2,2	2,0	1,7
	Жуннинг узунлиги, см.	10,0	11,0	8,0	9,0
Дегерресс жунлиси	Тирик оғирлиги, кг.	80	45	55	35
	Тоза жун қирким миқдори, кг.	4,5	3,5	2,8	2,5
	Жуннинг узунлиги, см.	12,0	11,0	10,0	9,0
Фин ландраси	Тирик оғирлиги, кг.	80	41	55	35
	Тоза жун қирким миқдори, кг.	2,3	1,3	1,6	1,2
	Жуннинг узунлиги, см.	12,0	12,0	10,0	11,0

Ярим майин жунли қўй зотларини яккама-якка бонитировка қилиш вақтида уларнинг қуйидаги селекция белгилари инобатга олинади:

Зотдорлиги.

Линколън – Л

- Рус узун жунлиси – РД
- Шимолый Кавказ гўштдор-соржун кўй зоти – СК
- Тяньшон – ТШ
- Совет гўштдор-сержун (кавказ типдаги) кўй зоти – СМШ
- Горьков – ГР
- Латвиянинг корамтирбоши – ЛТ
- Латвиянинг кора боши – ЛЧ
- Эстониянинг корамтирбоши – ЭТ
- Эстониянинг окбоши – ЭБ
- Немис қорабоши – НЧ
- Цигай – Ц
- Фин ландраси – ФЛ
- Грузиянинг ёгли думли кўйи – ГЖ.

2. Гўштдорлик шаклининг ифодадан- гандлиги.

Бу асосий ва муҳим белги кўй тана тузилишининг умумий баҳоси ва хайвоннинг катта-кичиклигига қараб аниқланади. Бунда асосий аҳамият кўкрагининг чуқурлиги ва кенглигига, сонларининг тўлиқлигига орқа ва белининг гўштдорлигига берилади.

3. Жунининг тигислиги (зичлиги)

сийрак, зот идоза талабига жавоб бермайди	-М-
кониқарли	М
зич	М+
жуذا ҳам зич	ММ

4. Жунининг узунлиги. Жун узунлиги кўйнинг ёнбош қисмида, чизгич ёрдамида ўлчаш асосида 0,5 см аниқликкача ўлчанади. Шунингдек кўйилган мақсадга қараб жунининг узунлиги хайвоннинг сон қисмида, олдинги қурракда ва белида аниқланиши мумкин.

5. Жуннинг жингалаклиги ҳайвоннинг ёнбошида кўз билан чамалаб аниқланади.

Ювилган жингалак, жингалаксиз,
жингалаги сует кўринадиган И-
Яхши кўринадиган, мақбул шаклдаги
аниқ ифодаланган жингалак И
Мақбул шаклдаги, жингалак, штапелнинг бутун
узунлиги бўйлаб аниқ ифодаланган И+

6. Жун толаларининг ингичкалиги.

(Кўйнинг ёнбошида сифатларда кўз билан чамалаб ёки микроскопда 1 мкм гача аниқликда ўлчанади)

Юкоридагидан ташқари асосий ва подани тўлдириш учун қолдирилган кўчқорларнинг сон қисмида ҳам аниқланади.

Жун ингичкалиги сифатининг чегараси, (микромметрларда)		Жун ингичкалиги сифати ва жадвали (мкм ларда)	
сифати	микромметрлар	сифати	микромметрлар
60	23,1-25,0	60	24
58	25,1-27,0	60-58	25
56	27,1-29,0	58	26
50	29,1-31,0	58-56	27
48	31,1-34,0	56	28
46	34,1-37,0	56-50	29
44	37,1-40,0	50	30
40	40,1-43,0	50-48	31
36	43,1-55,0	48	32
		46	35

		44	38
		40	42
		36	46

7. Япоғи жунининг бир текислиги (хайвоннинг ёнбоши ва сондаги жун толаларининг ингичкаликлари ўртасидаги фарқи асосида аниқланади).

Жуни бир текис эмас, ёнбош ва сондаги

жун толаларининг ингичкалиги бўйича фарқи

2 сифатдан кўп ёки 4 мкм -У

Жуни бир текис-ёнбош ва сондаги жун толаларининг

ингичкалиги бўйича фарқи 1 сифат ёки 2 дан 4 мкм гача -У

Жунининг бир текислиги яхши, ёнбош ва сондаги

жун толаларининг ингичкалиги бўйича фарқи 2 мкм дан оз -У+

8. Ёглитернинг микдори.

Оз Ж-

Кўп Ж+

Меъёрида (сифати ва микдори) Ж

9. Ёглитернинг ранги

Сарик Ж

Кремнийсимон К

Оч-кремнийсимон С

Оқ Б

10. Жунининг ранги ялтироклиги (кандилсимонлиги)

Йўқ БО

Суст Б-

Яхши, меъёрли даражада

Элита	Эл
1 синф	1
2 синф	2
3 синф (дурагайлар)	3
4 синф (дурагайлар)	4
яроксиз	Бр

Умуман олганда майин жули қўйларни бонитировка қилган вақтдаги селекция белгилар ярим майин жули қўйларники каби бўлади, фақат ярим майин жули қўйлар селекция белгиларига хайвон терисининг бурмадорлиги қўшилади, лекин қўйларнинг тез етилувчанлиги (гўшт маҳсулдорлиги), жунининг ялтироклиги ва серпуштлиги ҳисобга олинмайди. Селекция белгиларининг ҳар бири учун тегишли кискартирилган белги ва маҳсул шифрлар қабул қилинган бўлиб, уларни қўллаш наслчилик маълумотларини электрон-ҳисоблаш машинкасида ишлаб чиқишга имкон тўғдирлади.

МАЙИН ЖУЛИ ҚЎЙЛАРНИ БОНИТИРОВКА ҚИЛИШ.

Майин жули қўйлар 3 синфга – элита, 1 ва 2 синфларга бўлинади. Элита синфига конституция – маҳсулдорлик сифати ва хусусияти бўйича биринчи синфга мансуб қўйлардан сезиларли даражада юкори турадиган зотнинг тегишли андозасига тўлиқ жавоб берадиган хайвонлар киритилади.

Конституция – маҳсулдорлик сифати ва хусусияти бўйича биринчи синфга мансуб қўй зотларининг андоза талабига мос келувчи хайвонлар ана шу синфга киритилади.

Жун маҳсулдорлигида (жунининг узунлиги, тигислиги ва бошқалар) ва экстеръерида айрим камчиликлари бўлган, лекин товар маҳсулот – жун ва гўшт беришга тўлиқ яркли хайвонлар иккинчи синфга киритилади.

Конституцияси возиклашган, экстеръерида нуқсонлари бўлган, майда, коникарсиз жун маҳсулотли хайвонларнинг ҳаммаси ярроксиз қилинади.

ҲАР ХИЛ ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ МАЙИН ЖУНЛИ ҚЎЙ ЗОТЛАРИНИНГ АНДОЗА ТАЛАБЛАРИ.

Наслчилик ишларини тўғри ташкил этиш учун махсуддорлигининг йўналиши бўйича бир хил гуруҳга кирувчи хайвонлар учун андозалар жорий этилган.

Андоза талабига жавоб берадиган хайвонлар деб бир зотнинг ичидаги хайвонлар конституция-махсуддорлик белгилари ва хусусиятлари бўйича шу зотга мансуб биринчи гуруҳли хайвонлар талабига жавоб берувчи қўйларга айтилади.

Ҳамма йўналишларга мансуб майин жунли қўй зотларининг андоза кўрсаткичлари ва тирик оғирлиги, жунининг тоза чикими ва унинг узунлиги бўйича минимал кўрсаткичлари уларни баҳолаш ва синфларга бўлишда асосий омил ҳисобланди. Бир вақтнинг ўзида майин жунли қўйларнинг андозаси, келажакда улар билан олиб бориладиган селекция-наслчилик асосий йўналишини белгилайди.

ЖУН ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚЎЙ ЗОТЛАРИНИНГ АНДОЗАСИ.

Хайвонлар ўртача йирикликда бўлиб, конституцияси мустаҳкам. Боши енгил, тўғри бўлиб, қўчқорларида эса бироз дўнглешоналар учрайди. Қўчқорлари шохли, совлиқларининг аксарияти шохсиз бўлади.

Тана тузилиши компакт, (яхши) тўғри ривожланган. Қарчигаий думгазасидан бироз юкори бўлиб, кўкраги чуқур, оркаси ва бели тўғри бўлади. Кўкрак суяги ва оёқларининг тўлиқлиги коникарли. Оёқлари бакуват ва тўғри қўйилган. Териси юпка, зич ва эгилувчан. Терисидаги бурмалар мезърида, бўйида 1-2 та яхши ривожланган бурмалари ёки яхши ривожланган бурдаси мавжуд. Жун қирқилган хайвонларнинг танасида кўзга кўринарли кичик бурмачалари (ажинлар) бор. Бошидан тортиб то кўзининг тўғрисидаги чизиккача, оёқларининг тизза ва сакраш бўгинларигача япоғи жун билан қопланган.

Япоги жуни зич, у танасини яхши коплаган. Ташки штапельнинг аксарият кисми тахтачасимон ёки кичик квадратли. Жуни тигис, эгилувчан, ушлаб кўрганда юмшок, япоги жунининг штапельларидаги толаларининг майинлиги ва узунлиги бўйича бир текислиги яхши, ҳамда ипаксимон ялттирок. Жунининг жингалаклиги тўғри, ярим доирали шаклда бўлиб, бироз чўзиклари ҳам учрайди.

Жунининг ингичкалиги (майинлиги) совликларда – 21,0-25,0 мкм (60-64-нчи сифат), оз кисмдаги совликларда – 18,0-21,0 мкм (70 нчи сифат), кўчқорларида – 25,0-21,0 мкм (60-64 нчи сифат), жунлари бир текислиларида орка оёк (сониди) 25,0-27,0 мкм (58 нчи сифат) бўлишлигига йўл кўйилади. Ёнбош ва оёгининг ўрта кисмидаги жунининг ингичкалиги жихатидан бир сифатидан ортика фарк килмаслиги керак. Совликларда ёнбошидаги жунининг узунлиги 8,5 см дан, кўчқорларида эса 9,5 см дан киека бўлмаслиги керак. Ёнбошида ва оркасида жунининг узунлиги бўйича фарқи 1,0-1,5 см дан ошмаслиги керак. Қорининг усти жуи билан корежасиши яхши ва коникарли. Ёгли тери осонликча эрмайдиган бўлиб, унинг аксарият кисми ок ва оч кремнийсимон. Паст навли жунларини ҳисобга олмаганда кўчқорлар жунининг тоза чикими – 46% дан, совликлариники эса – 485 дан паст эмас.

А ГУРУҲИГА МАНСУБ ЖУН-ГҶШТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚЎЙ ЗОТЛАРИНИНГ АНДОЗАСИ.

Қўйлар йирик, мустаҳкам конституцияли, суяклари яхши ривожланган, танаси тўғри ривожланган. Қўчқорлари шоҳли, совликлари эса шоҳсиз. Боши ўртача катталиқда бўлиб, совликлари тумшуги тўғри, кўчқорлариники эса бир оз дўнглешона бўлишлигига йўл кўйилади. Қўчқорларининг шоҳлари кенг жойлашган. Боши кўзининг тўғрисидаги чизиккача, оёқларининг – сакраш бўғини ва тиззасигача ўсик япоги жуи билан корежаган.

Танаси микти ва бироз чўзик. Бўйини меъёрли узунликда, яғрини кенг, кўпинча орка суяги чизихдан бирозгина баланд, кўкраги чуқур ва кенг, кўкрак суяги ва оёқлари етарли даражада тўлик бўлади. Терисининг калинлиги ўртача,

бўйида 1-2 тўлик ёки чала ривожланган бурмалари (ажинлар) бўлади. Япоғи жуни етарли даражада зич бўлиб, ёник штапель тузилишига эга. Жунининг ингичкалиги совликларда – 25,0-20,6 мкм (60-64-нчи сифат), кўчкорларда – 27,0, 0-20,6 мкм (58-64-нчи сифат). Ёнбош ва кейинги оёғининг ўрта қисмидаги жуни ингичкалиги жиҳатидан 2-3 мкм дан яън бир сифатидан ортиқ фарк қилмаслиги керак.

Совликларнинг ёнбошидаги жуннинг узунлиги 8 см дан, кўчкорлариники эса 9 см дан кеска бўлмаслиги лозим. Ёнбош ва орқа қисмида жун толаларининг тигислиги деярли фарк қилмаган даражада улар ўртасидаги фарк 1,0-1,5 см дан ошмаслиги лозим. Жунининг жингалаклиги тўғри, яхши ифодаланган ва ярим доирали шаклда, пишик, эгилувчан ёғлитери етмайдиган, унинг аксарият қисми оч-кремнийсимон ва оқ тусли бўлади. Паст навли жуларини ҳисобга олмаганда кўчкорлар жунининг тоза чикими – 44% дан, совликлариники эса – 46% дан паст бўлмаслиги лозим.

Б ГУРУҲИГА МАНСУБ ЖУН-ГҶШТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚЎЙ ЗОТЛАРИНИНГ АНДОЗАСИ.

А гуруҳига мансуб қўй зотларининг андозаси конституция-маҳсулдорлик кўрсаткичлари, жун қирқим микдоридан, япоғи жунининг зичлигидан, тигислигидан ва жуннинг бошқа технологик хусусиятларидан ташқари ҳамма сифатлари Б гуруҳидаги қўй зотларига ҳам тааллуқлидир. Б гуруҳига мансуб аксарият совликлар жун толаларининг кўндаланг кесими 25,0-20,6 мкм (60-64-нчи сифат), кўчкорларида – асосан 27,0-23,0 мкм (58-60нчи сифат) бўлади. Агар уларнинг япоғи жуни, штапелидаги жун толаларининг ингичкалиги ва узунлигига кўра текислиги яхши бўлса, совликларда жун узунлиги 8,0 см, кўчкорларда – 9,0 см, штапелининг учки қисмининг бироз қуруқлигига, етук қўйлар орқа оёғи терисининг бурмаларидаги жуларнинг бирмунча дағалланишига, ҳамда ёғлитернинг етишмаслигига йўл қўйилади. Паст навли жуларини ҳисобга олмаганда кўчкорлар жунининг тоза чикими 46% дан, совликлариники эса 48% дан паст бўлмаслиги керак.

ГҶШТ-ЖУН ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚЎЙ ЗОТЛАРИНИНГ АНДОЗАСИ.

Хайвонлар йирик, мустахкам конституцияли ва бақувват суяклари яхши ривожланган. Қўчқорлари ва совликлари шохсиз бўлиб, шох куртагининг учи кўришиб туришига ёки кичкина шохли бўлишига, козок архар мериносининг эса қўчқорларининг шохли бўлишига йўл қўйилади. Совликларининг тумшуғи тўғри, қўчқорлари эса бироз дўнғишона бўлади.

Боши кўзининг тўғрисидаги чизиккача, оёклари сакраш бўғинигача ўсик япоғи билан қорезаган. Териси танасини эркин қоплаб туради. Бўйнида бурма ва фартуғи бўлиб, бир қисм хайвонларнинг жуни қирқилгандан кейин танасидаги кичик бурмачалари (ажинлар) кўринади. Кўкраги кенг ва чуқур, яғрини кенг, орқаси ва бели тўғри, думгазаси яхши ривожланган, кейинги оёклари ва курак суягининг тўдиқлиги яхши. Тез этилувчанлиги ва гўштдорлиги яхши ифодаланган.

Япоғи жуни ўртача тигисликда бўлиб, ёпик, штапель тузилишли. Жуни меринос қўйларникидек, аксарият қисм совликларида 23,0-25,0 мкм (60-нчи сифат), қўчқорларида эса – 23,0-27,0 мкм (60-58-нчи сифат). Лекин асосан қўчқорларининг жуни 27,0-29,0 мкм (56-нчи сифат), совликларники – 25,0-27,0 мкм (58-нчи сифат) тўғри келади, жуни узун, қуюқ, япоғи жунида ва штапелида толалар ингичкалиги текис бўлишига йўл қўйилади. Жунининг жингалаклиги тўғри ёки ясси, етарлича ифодаланган. Жуни пишик, эгилувчан ва эластик.

Совликларнинг ёнбошида жуннинг узунлиги 8 см, қўчқорларида эса 9 см бўлади. Ёнбошида ва орқасида жунининг узунлигидаги фарқ 1,0-1,5 см дан ошмаслиги керак. Қорнининг жун билан қорезасиши қониқарли ва яхши. Ёғлитери оч-қремнийсимон сифати эса қониқарли. Паст навли жунларини ҳисобга олмаганда қўчқорлар жунининг тоза чикими 48% дан, совликлариники эса – 50% дан юқори бўлиши керак. Жун, жун-гўшт ва гўшт-жун йўналиши мақбул типли қўйларнинг минимал маҳсулдорлик кўрсаткичлари қўйидаги жадвалда келтирилган.

Яккама-якка бонитировкани ўтказиш пайтида қўйларнинг барча кўрсаткичлари қўлланма биноан шартли белгилардан фойдаланилган ҳолда бонитировка калити кеска асосида сифатида ёзиб борилади.

Майин жузли (1 синф) қўй зотларининг минимал маҳсулдорлик кўрсаткичлари.

-жадвал.

Зотлар маҳсулдор лигининг йўналиш- лари	Тирик оғирлиги, кг				Тоза жун қирким миқдори, кг			
	қўчкорларда		совликларда		қўчкорларда		совликларда	
	Етук	Бир яшар	Етук	Бир яшар	Етук	Бир яшар	Етук	Бир яшар
Жун								
Жун-гўшт	70	42	45	36	5,5	2,8	2,6	2,2
А гуруҳ	80	48	50	40	5,5	2,8	2,6	2,2
Б гуруҳ	75	45	48	38	5,0	2,5	2,2	1,8
Гўшт-жун	80	50	50	40	5,0	2,4	2,1	1,7

Ёзувда ҳар бир хайвоннинг зоти, тури, терисининг бурмадорлиги, жунининг зичлиги, интичкалиги ва жингалаклиги, унинг япоғи жундаги ва штапельдаги текислиги, ёғлитернинг миқдори, конститутсияси, хайвоннинг йириклиги, экстерьерери, жунининг ўсиклиги ҳисобга олинади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

1. Турли йўналишларга мансуб қўй зотлари қандай усуллар ёрдамида бонитировка қилинади?

Бонитировка қайси муддатларда ўтказилади?

Бонитировка ўтказиш тартибини тушунтириб бериңг?

Ҳар хил йўналишлардаги дағал жузли қўй зотларини бонитировка қилишдаги ўхшашликларини ва фарқини айтиб бериңг?

Дагал жули кўйларга қачон баҳо берилади?

Дагал жули кўйларни бонитировка қилиш пайтида, уларнинг қанақа селекция белгилари инобатга олинади?

Ҳиссор кўй зотининг бонитировка қалитини ёзиб беринг?

Жайдари кўй зотининг бонитировка қалитини ёзинг ва тушунтириб беринг?

Ҳиссор ва жайдари кўй зотларининг бонитировка қалитларида қандай ўхшашлик ва фарқлар бор?

Ярим дагал жули кўй зотларини бонитировка қилиш жараёнида асосий аҳамият уларнинг қайси селекция белгиларига қаратилади?

Ярим майин жули кўйлар бонитировка қилинганда, улар жуининг узунлигига кўра неча гуруҳга бўлинади?

Уzun жули кўйлар деб қанақа кўйларга бўлинади?

Уzun жули кўйлар неча турга бўлинади?

Қандай ярим майин жуи берувчи кўй зотларига қисқа жули кўйлар дейилади?

Майин жули кўй зотлари қанақа селекция белгиларига қараб бонитировка қилинади?

Майин ва ярим майин жули кўй зотларини бонитировка қилишдаги умумийлик ва фарқларни айтиб беринг.

17-МАШҒУЛОТ

МАВЗУ: ҚОРАКЎЛ ТЕРИЛАРНИНГ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ.

Машғулотдан мақсад – талабаларни қоракўл кўзи териларига баҳо беришга, уларнинг хусусиятлари ва сифатининг белгиларини аниқлашга ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар – (машғулоти ўқув тажриба хўжалигида ва ўқув музейида ўтказиш ўринлидир). Ўқув-тажриба хўжалигининг турли ранг ва ранг-барангликларидagi қоракўл кўзилар, ўқув

музейидаги кора, кўк, сур, оқ, камбар, гулиғоз халилий, жиякланган, кировлаган ва бошқа ранглардаги бир хил тусли рангдор терилар, ола қоракўл терилар, кўзиларнинг тулумлари, қоракўл кўзиларнинг яккама-якка бонитировка қилиш пайтида тутиладиган журнал ҳамда унга ёзилдиган ёзувлар, кўзиларни баҳолашда керак бўладиган қўлланма, давлат андозалари, плакатлар, слайдлар, альбомлар, дарелик ва амалий машгулотлар.

Машгулотнинг мазмуни – Турли ранг ва ранг-барангликдаги қоракўл терилар сифатини аниқлай билиш, қоракўл кўйлар зотининг асосий белгиларини териларда ўрганиш.

Қоракўлчиликда ҳайвонлар танасидаги асосий белгилар ҳисобга олинган ҳолда ва наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Барча танлаш жараёнининг асосий услуби қоракўл кўзиларга, уларнинг териларнинг сифатига баҳо беришдан иборатдир.

Қоракўл кўзилар ва териларининг сифатига баҳо бериш келажакда ҳўжаликда қандай ранг, ранг-баранглик ва анавиментдаги барра тери етказиш ва уларнинг қийматини аниқлаш демакдир.

Бонитировка қоракўл кўзи тўғилганидан 1-3 кун ўтгач малакали ва тажрибали мутахассис томонидан ўтказилади.

Машгулотда талабаларга турли ранг ва ранг-барангликдаги қуритилиб тузланган ҳамда ошланган ва бўялган териларда ўргатилади. Ошланган ва бўялган қоракўл териларда тушунтиришнинг афзаллиги шундаки, гуллар аниқ ва равшан кўриниб туради. Машгулот ҳар бир рангга мансуб қоракўл териларда алоҳида-алоҳида ўтказилиб, бунда ҳар қайси талабага сифат ва нави турлича бўлган қоракўл терилар навбатчи томонидан улаштирилиб чиқилади. Кейинчалик талабалар ўзлари ўрганиб чиққан териларни, ўзаро алмашиб, уларнинг сифати кўрсаткичларини ўрганишга киришадилар.

Қоракўл териларининг рангини ўрганиш учун, жуи қоплам томони юқорига қилиб қўйган ҳолда ҳар бир толанинг рангига синчиклаб қараш йўли билан аниқланади. Рангига кўра қоракўл терилар қуйидагиларга бўлинади:

Қора ранг – бутун терида бир хилдаги қора толалар бўлиши билан ажралиб туради. Қора қоракўл териларда пигмент моддасининг оз ёки кўп даражада бўлишлиги жиҳатидан 5 тоифага бўлинади:

а) Тим қора – ҳамма қисми бутунлай қора рангда бўлиб, ялтирок.

Смоласимон қора ранг, ялтирок, пигментланган кучли қора гуруҳга кириб, тим қора рангдаги терилардан кейинги иккинчи ўринда туради.

в) Қора – меъёрли қора, ялтироқсиз, рангдорлиги жиҳатидан смоласимон (сақичсимон) қорадан кейинги ўринда туриб, қора пигментланган гуруҳга киради.

Қора – унча қора бўлмаган антрацит шуълали қора. Бу тусдаги терилар барча қора рангдаги териларга нисбатан сифат жиҳатидан тўртинчи ўринда туради.

д) Зайтуна – пигментланиш даражаси паст, ранги кизгиш эсади.

Кўк ранг терилар – табиатда бир хил кўк ранга эга бўлган терилар бўлмайди. Мавқуд кўк қоракўлнинг ранги оқ ва қора ранглардаги толаларнинг аралашуви натижасида ҳосил бўлади. Кўк ранг терилар оқ ва қора толалар нисбатига, узунлигига ва тери юзасида жойлашишига қараб тусларга, шунингдек буларга қўшимча равишда қора толаларнинг пигментланиш даражасига оқ толаларнинг ялтироқлигига қараб ранг-барангликларга бўлинади. У оқ ва қора жун толаларининг миқдорий нисбати ҳамда улар узунликларининг нисбати билан аниқланади. Кўк қоракўл терилар оқ, кўк, ўрта кўк ва тўқ кўк тусларига бўлинади.

Оқ кўк тусдаги кўк қоракўл териларга ўрта ҳисоб билан 80 % атрофида (70% - 95% гача), ўрта кўк тусдаги териларда ўрта ҳисоб билан 65% (45% - 70% гача) ва тўқ кўк тусдаги териларда ўрта ҳисоб билан 25% (8% - 45% гача) оқ жун толалари бўлади.

Кўк терининг ранги ва туси бутун тери юзасида бир текис бўлиши муҳим белги ҳисобланади.

Кўк тери рангининг текислик даража 3 хил тарзда намоён бўлади: яхши, ўртача, ёмон.

Кўк териларнинг туслари. Бир хил товланиб турувчи кўк коракўл терилар тусига караб фарк килади.

Ўрта кўк тусли терилар қуйидаги ранг-барангликларга бўлинади: ҳаво ранг, кумуш ранг, марварид ва кўргошин.

Тўқ кўк тусли терилар қуйидаги ранг-барангликларга бўлинади: ок тушган, садафсимон ва қора қора кўк рангларга.

Оқ кўк тусли терилар қуйидаги ранг-барангликларга бўлинади: пўлати ва сут симон рангларга.

Кўк териларнинг ичида энг чиройли, макбул ранг-баранглиги ҳаво ранг, кумуш ранг, марварид, ок тушган терилар ҳисобланади.

Ҳаво ранг ок толалар 55-65 % ни ташкил қилиб, қора толалар кучли даражада пигментланган бўлиб, узунлиги ок тола узунлигининг 85 %га тўғри келади. Бундай ранг-барангликдаги териларнинг жуи толалари яхши ялтироқ ва инаксимон бўлади.

Кумуш ранг ок жуи толалар миқдори 65% - 70%, кучли даражада ялтироқ ва жуда инаксимон, буида ок толалар қора толаларга нисбатан 20-25 % узунроқ бўлади.

Марварид ранг – ок жуи толалари 55-65 % бўлиб, қора толаларга нисбатан 40-50 фоизгача узунроқ бўлади. Бу ранг-барангликдаги териларда довиясимон гуллар кўпроқ бўлади.

Оқ тушган (кўкиш) – бу ранг-баранглик қора жуи толаларининг анча кўпайиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Буида ок жуи толалари 20-30 % ташкил этади. Ок толалар қора толалардан 10-15 % узунроқ бўлади. Ҳамма толалар ҳам инаксимон ва ялтироқ.

Кўргошин - ок ва қора толалар нисбати ва узунлиги жиҳатидан тенг, ранг-барангликдаги қора жуи толалари пигментациясининг бирмунча кучсизланиши (кўнғирланиши) ва ок толалар сарғиш тусга кириб, ялтироқлиги хирралангани билан таснифланади. Бундай кўк териларнинг ранги тиник, равшан бўлмаё аксинча ифлослангандек бўлиб кўринади.

Садафсимон – оқ толалар қора толаларга нисбатан 45-50 % узун бўлиши натижасида садаф ранг ҳосил бўлади. Бунда қора толаларнинг миқдори 70-80 %ни ташкил қилади. Узунроқ ва сийрақроқ бўлган оқ жун толалари терида устқи қаватни ҳосил қилиб, унинг ости қора бўлади. Оқ жун толалари узунроқ ва уларнинг ялтироқлиғи яхшироқ бўлса, айниқса, ясси ва ковурағасимон гулли териларда чиройли ранг-баранглик ҳосил бўлади.

Қора кўк – териларда оқ ва қора жун толалари ҳар хил узунликда, оқ толалар қора толалардан 50% узун, терининг кўп қисми қора толалар билан қорежаган, оқ толалар думгазасидан сағригача тасма тарзда жойлашган.

Пўлати - оқ ва қора жун толалари ҳар хил узунликда, ялтироқлиғи яхши ва оқ жун толаларининг кўпроқ 70-75 % бўлиши натижасида ҳосил бўлади.

Сутсимон - оқ жун толалар қора толалардан анча ўсиб кетган, ялтироқлиғи кучсиз ва миқдори 75% кўпроқ бўлиши натижасида ҳосил бўлади.

Гулигаз (пушти) ранг – оқ ва жигар ранг толаларнинг аралашуви натижасида ҳосил бўлади. Оқ ёки жигар ранг толаларнинг нисбати ва уларнинг узунлигига қараб гулигаз рангнинг оч гулигаз ўрта ва тўқ гулигаз туслари учрайди. Энг қимматлиси ва чиройлиси ўрта тусли гулигаз ҳисобланади. Оч гулигаз ранг иккинчи ўринда туради. Тўқ гулигаз ранг хира, қорамтир ва кўримсизлиғи билан бошқа ранг-барангликдаги гулигаз ранг териларидан ажралиб туради.

Гавҳар ранг – ҳам гулигаз ранг қоракўднинг бир тури ҳисобланади, уни ўзига ҳослик томони шундаки, ундаги жигар ранг тола ости тўқ учи оқ рангда бўлади.

Гулигаз ранг терилар гоёт хилма-хил, териларнинг айрим қисмлари ва толаларнинг пигментланиши бир хилда эмас. Бундан ташқари четлари оч ёки тўқ хошияли қорамтир ёки «халилий» типдаги оч қисмлари бўлган гулигаз ранг терилар ҳам учраб туради.

Сур ранг – ҳар бир жун толасида пигментланиш даражасининг ҳар хил бўлиши билан тавсифланади. Сур териларнинг қиммати толаларнинг ости ва учларидаги рангнинг ифодаланганлиғи, толанинг қорамтир, тўқ ости билан

окиш тусдаги учлари нисбатига ҳамда бутун тери сатҳида рангининг бир текисда эканлиги ва остки тўқ қисмидан учки оқ қисмига рангининг ўтиш кескинлигига (контраслиги) қараб аниқланади.

Толанинг қорамтир остидан бирданига унинг оқиш учига ўтилиши рангининг кескинлигини (контраслигини) келтириб чиқаради, уларни жуда қимматли қилади. Сур терилар толасининг қорамтир ости оқиш тусдаги учига ўтиш кескинлигига қараб, рангининг аниқлиги ғоят хилма-хил бўлади. Сур терилар рангининг бутун тери юзасида бир текис бўлиши ҳам асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, рангининг бир текис эмаслиги қорақўл қимматини пасайтиради.

Сур қўйлар келиб чиқишига қараб типни мавжуд. Булар Бухоро, Қорақалпоқ ва Сурхандарё сурлари. Бухоро сури қорақўл хоссалари ва товар сифатлари жиҳатидан қора қорақўлдан деярли фарқ қилмайди; қумуш ранг, тилла ранг, олмос ва бинафша ранг ранг-барангликлари мавжуддир.

Қумуш ранг сур – толаларнинг ости қорамтир, тўқ тутунсимон ёки қора учки қисми оч қулранг ёки қумқошимон бўлади.

Тилла ранг сур – толасининг остки қисми тўқ жигар ранг бўлиб, учки қисми тилла ранг, яъни пигментланиш даражасининг ҳар хил бўлишидан ости тўқ учлари оч рангда бўлишидан ҳосил бўлади.

Олмос сур - толаларнинг ости қорамтир ёки қора учки қисми олмос рангда.

Қорақалпоқ зот типидagi сур қўйлар – қуйидаги ранг-барангликларга бўлинади: пўлати сур, шамчирок гул, ўрик гул, қамар, шаблар ва чакир.

Пўлати сур – толаларнинг қора туби, учига қараб аста-секин пўлат рангига қира боради.

Шамчирок гул – толаларининг ости қора, учи эса оқ.

Ўрик гул – толаларининг ости қора ёки тўқ жигар ранг, ўртаси сарғиш жигарранг, учи оч сариқ рангда.

Қамар - ости тўқ жигарранг, учлари эса тилла ранг қизғиш оқ рангда.

Чақир – толаларнинг ости қорамтир-қул ранг, учлари эса сутсимон – оқ рангда.

Сурхондарё зот типидagi сур қўйлар – жезсимон (бронза) сур, платина сур (оқ олгин) қахрабо сур (янтар) антрацид сур (ялтирок қўмир ранг), сарик қум ранг ранг-барангликлар учрайди.

Бронза сур – жуи толаси ости хар хил тусдаги жигарранг учлари бронзасимон рангда.

Платина сур – остки қисми қорамтир қахва ёки қора рангда учлари оқиш ёки оқ рангда.

Қахрабо сур – ости жигарранг учлари сарғиш ёки оч тилласимон.

Антрацид сур – остки қисми қора, учлари оқиш.

Сарик қум ранг сур – остки қисми оч жигарранг, учлари оқчил сарғиш (қумсимон) рангда.

Қамбар ранг – тери турли тусдаги толаларнинг бир хил, оч жигар рангдан тўқ жигар ранггача бўлиши билан ифодаланади. Гулўлчаш анча йирик, жуи толалари анча сийрак ва дағал. Қамбар ранг терилар оч, ўртача ва тўқ тусларга бўлинади.

Оқ ранг – тери бир хилдаги оқ, анча узун, ингичка, сийрак толалар мавжудлиги билан таснифланади.

Қорақўл тери гулларнинг тури ва шаклига кўра гоёят хилма хилдир. У қалам гул, ловия (дона) гул, ёл гул, халқа гул, нўхат гул, парма гул, силлик гул шаклсиз (деформациялашган) гулларга бўлинади. Қалам гул шакллар эса ўз навбатида ярим доирасимон, қовургасимон ва ясси типларга бўлинади.

Қалами гул – қорақўл терилардаги жуи толалари ҳосил қилган гулларнинг энг қимматли шаклидир. Қалам гуллар тери қоплами сатҳида параллел жойлашган жуда кўп қаторчалар ҳосил қилиб, чизикли тартибда жойлашган. Қалам гуллар ўзига хос тузилишга ва (синфик) буралмаларга эга бўлиб, ярим доира ёки доиралар ҳосил қилади (15-шакл), уларнинг юзаси тери қоплами сатҳига ёндош ёки параллел хлатда ётади.

Қалам гул жуи толаларининг учи эса гўшт-пардага параллел ҳолатда ётувчи ялтирок толалар билан қорежаган бўлиб, бу толаларнинг ҳам учлари кўринмайди.

Қалам гул шаклидаги жингалак ёшиқ доирага яқинлашишга интилади. Уни ёшиб турувчи жуи толалари қоплогич қием деб аталади. Бир қизикда жойлашган қоплогич толалар халқасимон цилиндрик, жингалакли ташки текис қатламни ташкил қилади. Қоплогич толаларининг узунлиги ва майинлиги нечоғлик бир хил бўлса, жингалакнинг буралганлиги шунчалик чиройли ва яққол бўлади.

Жингалакнинг ичига кирувчи жуи толалари ўроксимон шаклда бўлиб, кирувчи толалар деб аталади. Бу хил толалар жингалакнинг тўғри тузилган бўлиши учун асос бўлади.

Ярим доирали қалам гул. Тузилиш шакли жиҳатдан қалам гул жингалаклар куйидаги турларга бўлинади: ярим юмалок бурама шаклда, сербар, баланд (тор қиррали), эгарсимон эгилган, хурнайган. Бир теридаги ярим доирасимон жингалаклар шаклининг бундай хилма-хиллиги бошқа хил жингалак шакллари (қовургасимон қалам гул ва ясси қалам гул билан кўшилиб), чиройли гул ҳосил қилади.

Қовургасимон қалам гул. Жингалакдаги толаларнинг қоплагич қисми қиррали тарзда эгилган, шу туфайли у чала эгилган ва чўзинчокрок бўлиб кўринади.

Жуи толалари аввал деярли тик ҳолатда кўтарилади, сўнгра эгилиб, биринчи бурчакни ҳосил қилади, шундан кейин тўғри бурчак остида терига параллел ҳолатда давом этади ва жуи толаларининг учлари, иккинчи бурчакни ҳосил қилади, шундан кейин улар тери сатҳи томон тушади, аммо жингалакнинг очиқ томони туташмайди. Ана шу икки букилиши қовургасимон қалами гул турини вужудга келтиради.

Қоплагич толаларнинг остига кириб турувчи толалар ҳам эгилган ва қисман тўғри ҳолатда бўлади. Бирозгина чокнинг мавжудлиги тери гулига чирой бахш этади.

Ясси қалам гул. кўпинча қоплагич жуи толаларидан вужудга келади, бундай толалар аввал бошданок тери қопламга параллел ҳолатда жойлашади. Салгина эгик бўлган қоплагич толаларнинг учлари кейинги жингалак юзасига тиралиб туради. Шунинг учун жингалаклар ўртасидаги чок унча сезилмайди, ясси қалам гуллар бир оз кабарик бўлади-ю, аммо жингалаклар бўш ва толалар жуда ипаксимон майин бўлгани сабабли кўл билан сийпалаганда деярли сезилмайди.

Ясси қалам гуллар энсиз ёки ясси ёл гуллар ва лослар билан бирга қўшилиб, ниҳоятда чиройли гул ҳосил қилади. Улар ўзининг юкори даражада ипаксимон майинлиги, ялтироклиги ва толасининг кучли пигментлангани туфайли ясси қалам гуллар макбул (иеталган) жингалак тиши деб ҳисобланади.

Буралма (илон изи) қалам гул – тузилиш шаклига кўра ярим доирали гул тоифасига киради, лекин фарқи, унинг эни бошидан охиригача бир хил эмас. Тери юзасида бундай жингалакнинг бир неча қайта торайиб кенгайиши бошқа жингалаклар билан қўшилиб келиши, унга чирой бахш этади. Буралма (илон изи) қаламгуллар жуи толаси юкори сифатли, яхши ипаксимон, ялтирок ва яхши пигментланган бўлганда ҳосил бўлади.

Тор қиррали қалам гул – ярим доирали қалам гул каби тузилишга эга, фарқи фақат шундаки, унинг баландлиги энидан катта ва юкори қисми бир оз торайган бўлади.

Тожсимон қалам гул – чала риволанган ярим доирали қалам гул ёки бир томонлама ёл гулга ўхшаб кетади ва текис кўринишга эга бўлади. Тожсимон жингалак ҳосил қилувчи қоплагич жуи толаси жингалак ўкига тик ҳолатда эгилган эмас, балки унга қия ҳолатда этади ва қалам гулнинг бўйига қараб жойлашади. Толаларнинг учлари қалам гулнинг қирраси орқали унинг иккинчи томонига ошиб туради. Жуи толалари бирмунча қиррали тарзда эгилган бўлиб, учи баланд бурама ҳосил қилиб тугалланади. Баъзан тола учлари кўтарилиб туради ва шу сабабли бир оз пахмайган кўриниш ҳосил қилади.

Тожсимон қалам гул ипаксимон майин, меъёрли ялтирок ва пигментли толалардан вужудга келади.

Эгарсимон калам гул – бир оз ясилашган типдаги ярим доирали калам гул жингалаклар каторига киради. Унинг энг уетки киемида эгарсимон ботик жойи бор. Эгарсимон калам гул ниҳоятда ипаксимон ва жуда ялтирок толалардан ташкил топади.

Илонсимон калам гул – яси калам гул жингалаклар жумласига киради. Жун толалари теридан чиқаверишда ёнма-ён жойлашган, ёнбошига ётиб, терига зич ёпишган ҳолда ярим доира ҳосил қилади. Жун толаларининг шундан кейинги катори биринчи катор толаларининг учлари жойлашган ердан терига ёпишиб ўсади, аммо карама-карши йўналишда ярим доира ҳосил қилади. Учинчи катор жун толалари биринчи катор толалари йўналишини, тўртинчи катор толалари эса, иккинчи катор толалари йўналишини такрорлайди. Жун толалари бамисоли синусоид ҳосил қилиб жойлашгандай бўлиб, худди ҳаракатланаётган илоннинг эгри-бугридлигини эслатувчи яхлит чизиклар ҳосил қилади. Бундай жингалак билан қорезаган жойлари қанча кўп силанса, у тобора тўғри шакл ҳосил этиб, толалар дум томонга қараб осила бошлайди. Бундай жингалак асосан кўк қоракўл кўзиларда учрайди ва қучли даражада ипаксимон, жуда ялтирок жун толаларидан вужудга келади. (Н.С.Тигинейшвили томонидан таърифлаб берилган).

Ёлсимон калам гул – бу ҳар икки томонга ёл гуллар билан тугалланадиган ярим доирали шаклда бурилган калам гулли жингалакдир. Унинг қоплогич жун толалари доирасининг учидан бир қисмини ҳосил қилади, кейин эса калам гул узунлиги бўйлаб икки томонга ажралиб, ёл гулни эслатиб туради. Бундай жингалаклар қам қимматли, сабаби улар жун толаларининг сифати паст, ипаксимонлиги бирмунча дағаллашган, пигментланганлиги эса суғ.

Ҳалқасимон калам гул – кўк қоракўлда учрайди. Бундай гуллар бирмунча йўғонлашган, нисбатан узун ва сийрак толалардан пайдо бўлиб, уларнинг жингалак ёйлари ҳалқасимон эгилган бўлади. Ҳалқасимон калам гул гўё бир-бирининг устига тахлаб қўйилган бир қанча ҳалқачалардан ташкил

топгандай бўлиб туюлади. У кам бўлиб, кора коракўл териларда деярли учрамайди.

Ловиясимон гул – камроқ кимматли, турли шакллардаги ловияни эслатувчи жингалак ҳисобланади. Морфологик тузилиши жиҳатидан ярим доирали калам гулдан деярли фарк қилмайди, бўйи энига деярли тенглашади. Ловиясимон жингалакдаги коплогич толалар кўпинча тўла эгилган ёй ҳосил қилмайди ва улар ҳамма йўналишларда эгилгандай бўлиб туюлади. Жингалакнинг иккинчи ёйи жуда яққол кўзга ташланиб турганлиги сабабли шундай бўлади.

Ёл гул – камроқ кимматли жингалаклар гуруҳига киради. Чизикли тартибда жойлашган барча тола тизимлари ёл гул деб аталади.

Одагда улар ўрта чизикдан икки томонга осилиб тушадиган ўткир киррали тож шаклига ёки жуи толалари озми-кўнми яққол кўзга ташланувчи арча шаклида таралган тўмтоқлашган ва кенгайган тож шаклига эга бўлади. Чизик ўргасида ёл гуллар анча кобарик. Уларда остига кириб турувчи жуи толалари бўлмайди. Ёл гулнинг шакли чизикли жингалак ҳосил бўлиши қайси босқичда тўхтаганлигига боғлиқ. Агар жингалак калам гулга яқин босқичда тўхтаб қолган бўлса, баянд ёл гул ҳосил бўлади, башарти, у эмбрионал ривожланишдагига яқин босқичда тўхтаган бўлса, арча шаклидаги таралма келади. Ёл гуллар кенглигига қараб тор, кенг ҳамда калта-узунлиги жиҳатидан узун, ўртача ва калта хилларга бўлинади.

Тор ёл гуллар – шу турдаги жингалакларнинг энг қиматли шакли ҳисобланади, чунки улар кўпинча калам гул жингалаклар билан биргаликда учрайди. Кенг ёл гул ва калта ёл гуллардан фақат тузилиши жиҳатидангина эмас, балки келиб чиқиши жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Тор ёл гулларнинг эни энсиз тор (3-4 мм) ва узунлиги анча узун эканлиги (30-60 мм) туфайли калам гул ва бошқа хил тор гуллар билан қулай равишда уйғунлашиб, кирцук, жакет I, қовургасимон юпка I, ясеи гулли юпка I навларида чиройли гул ҳосил қилади. Тор ёл гуллар кўпинча арча тарзида икки томонга тарқалган бўлади, бир томонга таралган хиллари кам учрайди ва улар чала ривожланган калам гул

кўринишига эга бўлади. Тор ёл гуллар яхши сифатли жун толаларидан ташкил топади ва терининг сагриси ҳамда оркасининг иккала томонида учрайди, шунингдек, ёллар елкасига ҳам ўтади.

Калта ёл гуллар – ўртача катталиқда бўлиб, узунлиги 10-20 мм дан ошмайди, одатда, уларнинг эни бир текисда бўлмайди: кенгайган қисми 8-9 мм, тор қисми 6-7 мм келади. Калта ёл гуллар асосан етарлича ипаксимон, ялтирок ва пигментлашган яхши сифатли жун толаларидан ташкил топади.

Кенг ёл гуллар – камроқ қимматли жингалак шаклидир. Уларнинг кенлиги бошидан охиригача бир текисда эмас: ости кенг (9-12 мм), учи торайган (5-7 мм) бўлиб, понасимон шаклга ўхшаб кетади. Деярли бир хил энлилари ҳам учраб туради. Ёл гули анча йирик бўлганлиги сабабли қимматли жингалаклар билан яхши уйғунлашолмайди.

Кенг ёл гул йўғонлашган, дағал ва бирмунча қуруқ шишасимон ва хира ялтирок жун толаларидан ташкил топади.

Ёл гуллар – кўзининг қорнига ва гавдасининг олдинги қисмига яқинроқ жойлашади, баъзан қориннинг ўрта қизик йўналишида тарқалган бўлади.

Халка гуллар – кам қимматли жингалаклар гуруҳига киради. Жун толалари кокилчаларга тўрежаган ҳолда жингалакланиб тўла туташмаган халкани эслатувчи шакл ҳосил қилади. Халкасимон жингалакнинг бурулганлиги иккита ёй ҳосил қилади, уларнинг паст қисми тери юзасига тик ҳолатда, устқиси эса унга ётиқ ҳолатда ётади. Халкасимон жингалак ҳосил қилувчи жун толалари анча узун бўлгани учун бўлгани учун улар кўпинча ўзаро чигаллашиб гулининг аниқ ифодаланганлиги йўқолади.

Ярим халка – тузилиши жиҳатидан жингалакка ўхшаб кетади ва битта буралма халкаси борлиги билан ундан фарқ қилади.

Нўхатсимон – нуқсонли жингалак шакллари жумласига киради. Бир хилда бўлмаган, асосан ингичкаланган толалардан ташкил топади. Бундай жун толалари кокилчаларга тўрежасиб ва учи буралиб, тери юзасига тик ҳолатда йўналган кўплаб бир хилдаги буралмаларни вужудга келтиради. Бундай буралма уетки қисм шакли нўхатчани эслатувчи тугун ҳосил қилади.

Парма гуллар – ҳам нуқсонли жингалаклар жумласига киради.

Шакли нўхатсимон жингалакка бир оз ўхшаб кетади, асосан бир муича йўғонлашган ўртгача майинликдаги жун толаларидан ташкил топади, бундай толалар кокилчаларга тўрежасиб патсимон учли пармани эслатувчи бурилма хосил килади. Ингичкалиги ва узунлиги бир хил бўлмаган, кокилчалар хосил килувчи жун толаларидан ташкил топади. Жингалакнинг туб қисми кенг ва учи торайиб келган бўлиб, бурама ёки чиганокни эслатади.

Лос гуллар – булар қоракўл терининг жингалаксиз, силлик ёки билинар-билинимас даражада жингалакланган бир хил йўналишдаги, тери юзасига муайян бурчак хосил қилиб жойлашган жун толалари билан қорежаган қисмларидир. Лосларнинг икки тури – балинд ва паст лослар учрайди.

Балинд лослар – ясси калам гул ҳамда яхши ипаксимон толали ва қучли даражада ялтироқ ёл гул билан бирга қўшилиб, терида, айниқса, қоракўлча гурухига кирувчи териларда жуда қимматли, ранг-баранг товланиб турадиган, гоят чиройли нақш хосил килади.

Паст лослар – анча йўғонроқ ва калталашган тўғри толалари қурук жун толаси билан аралашган бўлиб, сифатсиз қоплам хосил килади.

Шакли ўзгарган жингалаклар - шаклсиз – кўзга яққол ташланиб турадиган шаклга эга бўлмаган нуқсонли жингалаклар жумласига киради. Шаклсиз жингалаклар «бўшашган» ёки «хурпайган», «босилган» ёки «ялоқган», лоссимон ёки «кигиз» деб аталувчи турларга ажралади.

«Бўшашган» ёки «хурпайган» жингалак терининг бир қисмида ёки бир қанча майда қисмларида жун толалари доғчалар шаклига ёки бутун юзада яққил равишда бўш буралганлиги билан тавсифланади. Бундай шаклсиз жун толалари унчалик қайишқоқ бўлмаган ва кам жингалакланган териларда энг кўп учрайди.

Шаклсиз «Босилган» жингалак. Жун толалари халқа шаклида жингалакланган ва тери тўқимасига босилган ёки ўзаро чирмашиб кетган. Шу туфайли жингалаклар эзилган ёки ёпишгандек бўлиб туюлади. Бундай жингалаклар кўпинча терининг орқа қизиги бўйлаб кетган қисмини ёки унинг бутун юзасини қоплайди.

Шаклсиз «Лоссимон» жингалаклар – булар қорақўл терининг жингалаксиз ва тери тўқимасига параллел ҳолда деярли тик турувчи дагал, қурук ва инаксимон толалар билан қорежаган кичик-кичик юзалардан иборат. Бундай участкалар одатда терининг четларида, ўрта қисмида, қурақларида ёки ёнбошларида, қоринга яқинроқ қисмида доғ ва оролчалар шаклида жойлашган бўлади.

Кигизнашган - деформациянинг охириги шакли ҳисобланади. Нотекис жингалакланган, қурук, қалта толали териларга ҳосдир. Жингалак ҳосил қилувчи жуи толалари ўзаро чирмашиб, кигизсимон кўриниш ҳосил қилади.

Куйган жингалак – «ўлик» жуи толасидан иборат бўлиб, номуайян жингалакланган, узунлиги жиҳатидан нотекис ва бир-бири билан чирмашиб кетган бўлади. Ташқи таъсири натижасида осонгина синади, узилди ва тери қопламидан сугурилиб чиқади.

Республикамиз қорақўл терисини бутун дунёга машҳур қилган қаламиғул шаклидаги узун жингалаклар энг қимматли ҳисобланади. Қаламиғул жингалак қанча узун бўлса, қорақўл тери шунча чиройли, сержило ва жозибали бўлади. Қалта қалами гул, ловия ва қалта ёл гуллар қамрок қимматли жингалаклар жумласига қиради, чунки улар қорақўл терининг сифатини ва қимматини пасайтиради. Ҳалқа, парма, нўҳат, кенг ёл гуллар, йирик лоселар ва шакли ўзгарган жингалаклар номатбул шакл ҳисобланади.

Гулларнинг ҳаммаси жингалагининг йирик-майдалигига қараб гуруҳларга бўлинади.

Даставвал жингалакларининг йирик-майдалиги деганда, қорақўл тери жингалакларининг эни, бўйи ва узунлиги тушунилади, жингалаклар энига қараб уч хилга ажратилади: майда – 4 мм гача, ўрта – 8 мм гача, қалта – 8 мм дан ортик.

Бўйига кўра қуйидаги жингалак турлари фарк қилинади: пағ – 3 мм гача, ўртача – 3 мм дан 5 мм гача, баланд – 5 мм дан ортик.

Узулигига кўра; қалта – 20 мм гача, ўртача – 20 мм дан 40 мм гача, узун 40 мм дан узун. Юқоридагилардан ташқари, жингалаклар баланд қалами – бўйи

энидан ортик, ўртача калами – эни бўйига деярли тенг, йирик калами бўйи энидан кичик каби хилларга ҳам бўлинади.

Жун копламининг қуюқлиги – қоракўл териларнинг жун қоплами қанча майин бўлса, гулларининг маҳкамлиги ва жингалаклик даражаси ҳам шунча юқори бўлиб, улардан тикилган кийимлар жуда чидамли ва чиройли бўлади.

Жун қопламининг қуюқлиги терининг зичлигига ҳам боғлиқдир. Тери бўш бўлганда, ундан ўсиб чиққан толалар сийрак ва узун бўлади. Терининг турли қисмларида унинг қисмларида унинг зичлиги ҳар хил бўлганлиги сабабли, жун толаларининг қуюқлиги ҳам турличадир. Масалан, кўзиларнинг ёпбоши, айниқса, қорин усти қисмларида терининг зичлиги сағри, орқаларига нисбатан бўш, жун сийрак (гули бир оз бўшроқ) бўлади. Жун қопламининг қуюқлигига қараб қоракўл терилар уч гуруҳга бўлинади:

1. Жун қоплами жуда қуюқ.
2. Жун қоплами ўртача қуюқ.
3. Жун қоплами сийрак.

Жун қоплами жуда қалин бўлган териларнинг қалам гуллари маҳкам, гул ораликлари эса тор бўлади.

Жун қоплами ўртача қуюқликда бўлган териларнинг гуллари етарли даражада маҳкам, гул ораликлари ҳам ўртача кенгликда бўлиб, расми кўпинча аниқ кўринишга эгадир. Биринчи навларга киритилган териларнинг жун қоплами жуда қуюқ ёки ўртача қуюқликда бўлиб, бу қуюқлик терининг бутун майдонида бир хил бўлиши лозим. Жун қоплами етарли даражада қуюқ бўлмаган ёки сийрак жун қопламига эга бўлган териларнинг гуллари бўш, гул ораликлари анча кенг, баъзан жунлар орасидан терисиз кўриниб туради.

Сийрак жун қопламига эга бўлган кўзилар паст синфларга, терилари эса, асосан учинчи навларга киритилади. Қоракўл терилар жун қопламининг қалинлиги, қўл билан ушлаб кўриб ўрганишдан ташқари 1 мм² ёки 1 см² майдонидаги толаларнинг сонини санаш йўли билан ҳам аниқланади.

Қоракўл териларнинг сифати қанча юқори бўлса, 1 см² майдондаги толаларнинг сони шунча кўп бўлади.

Гулларнинг мустаҳкамлиги ва қайишқоқлиги. – Қоракўл гуллари ўзининг табиий шакли ва ҳолатини маҳкам тутиб туриш ва шаклига қайтиш хусусиятига, уларнинг мустаҳкамлиги ёки пишқоқлиги дейилади. Гулларнинг табиий шакли ва ҳолатини бузиш учун ишлатиладиган механик кучларга, қаршилик кўрсатиш хусусиятига уларнинг қайишқоқлиги дейилади. Гулларнинг қайишқоқлик даражаси ҳам кўл билан ушлаб кўриб аниқланади; буида кўл билан гулларни очик томонидан ёпик томонига қаратиб сурилганда, етарли даражада қайишқоқ бўлган гуллар ўз шаклини кам ўзгартиради ва ўзгарганда ҳам аввалги шаклини яна тезда тиклаб олади. Қайишқоқлиги кам бўлган гулларни кўл билан силаб кўрилганда, уларнинг шакли бузилиб, тўзғиб кетади. Гулларнинг қайишқоқлиги, уларнинг мустаҳкамлиги билан боғлангандир. Гуллар қанча маҳкам бўлса, уларнинг қайишқоқлиги ҳам шунча юқори бўлади. Гулларнинг мустаҳкамлиги даставвал уларнинг шаклига, турига ва гул ўлчамига боғлиқдир. Қалам ва ловиясимон гуллар ҳалқа, парма ва нўҳат гулларга нисбатан мустаҳкам бўлади. Катта гуллар ўрта ва майда гулларга нисбатан анча бўшроқдир. Гулларнинг мустаҳкамлиги жун толасининг узунлигига, кўзиларнинг барра тишларига қараб ўзгаради. Терилардаги жун толалар қанча узун бўлса, ундаги гуллар ҳам шунча бўш бўлади.

Кавказ барра типидagi кўзиларнинг гули бошқа тишларидagi кўзиларнинг гулига нисбатан бўшдир.

Жун қопламнинг ипаксимонлиги – Қоракўл терилар жун қопламнинг ипаксимонлик даражаси кўл билан ушлаб кўрииб аниқланади ва бу хусусияти бўйича бирча терилар қуйидагиларга бўлинади.

1. Кучли ипаксимон.
2. Ипаксимон.
3. Ипаксимонлиги етарли эмас.
4. Дағал.
5. Қурук.

1. Кучли ипаксимон. Жун қопламини ушлаб кўрганда кўлга яхши шойи атлас матони ушлагандек бўлиб туюлади. Жун қопламнинг кучли

ипаксимонлиги коракўл терилар учун энг яхши хусусият бири ҳисобланиб, унинг толалари сифатли ярим доира меъёрли калам гуллар ҳосил бўлиши учун зарур бўлган яхши эгилувчанликка ҳам эгадир. Кучли ипаксимонлик хусусияти толаларнинг ялтироклиги, меъёрдаги тезликда ўсиши, гулларнинг ингичкалиги ва жингалакланиши каби хусусиятлари билан боғлангандир. Кучли ипаксимонлик кўпинча яеси барра гуруҳидаги етакчи нав териларга ҳосдир.

Ипаксимон – Жун қопламини ушлаб кўрганда қўлга шойи атлас матони ушлагандек майин туюлади.

Одатда ўта ипаксимон толалар, нормал ипаксимон толаларга нисбатан ингичкароқ бўлиб, кучли ялтирокликка ҳам эгадир. Бирок толаларнинг нормал ҳолатдан майинлик томонига қараб оғиши толаларнинг жингалакланиши ва гулнинг маҳкамлиги учун зарур бўлган эгилувчанлик хусусиятининг пасайишига олиб келади.

Ипаксимонлиги етарли эмас – Жун қопламидаги толалар меъёрли ипаксимонлик даражасидан дағал, қурук ёки сўлгин даражага қараб оккан бўлади. Бундай толаларнинг ялтироклиги одатда бир оз еусайган ёки озгина шишасимондир. Ипаксимонлиги етарли бўлмаган толалардан сифати паст гуллар ҳосил бўлади. Жун қопламининг ипаксимонлиги етарли даражада бўлмаган терилар биринчи навларга киритилмайди. Бундай ипаксимонлик асосан иккинчи навларга ва дурагай қўзиларнинг териларига ҳосдир.

Ипаксимонлиги дағал. Жун қопламининг таркибидаги толалар ўзларининг йўғонлиги, дағаллиги ва кам эгилувчанлиги билан ажралиб туради. Қўл билан ушлаб кўрганда қўлга худди дағал жундан тўкилган мовитнинг чикиб турган патларига ўхшаб урилади. Дағал толаларнинг жингалакланиш даражаси ҳам етарли бўлмайди, лекин жунлари каттик бўлганлиги сабабли гуллари ўз шаклини унча ёмон сақламайди. Дағал толаларнинг ялтироклиги кўпинча шишасимон, баъзан етарли бўлмай, айримларида умуман ялтироксиз. Дағал толалардан сифати паст гуллар, кўпинча кенг ёл гуллар ва шаклеиз гуллар ҳосил бўлади.

Курук ипаксимон – Жун копламининг таркибида толалар ингичка ва ўртача йўгонликка эга бўлиб, анча дагал ва кам эгиловчан бўлади.

Қўл билан ушлаб кўрганда куруклиги сезилиб туради, ундан ўзига хос, жуда паст ва аниқ шитирлаган овоз чиқади. Курук толалар хира ёки шишасимон ялтирок бўлиши мумкин.

Курук толаларнинг жингалакланиш даражаси ҳам суст бўлиб, жингалакланганда ҳам тартибсиз равишда бўлади. Толаларнинг курук ва каттик бўлганлиги сабабли, нуқсон ҳисобланадиган гуллар ҳам ўз шаклини яхши саклаб тураолади. Жун коплами курук бўлган кўзилар ва терилар паст синф ва навларга киритилади. Курук толалардан кўпинча майда гул, қисман ўрта гул ҳосил бўлади.

Ўта курук толаларга қуюқ толалар дейилади. Қуюқ толалар хира кўринишли, деярли жингалаксиз, синувчан ва тез узилувчан бўлади.

Жун копламининг ялтироклиги. Қоракўл терилар жун копламининг ялтироклик даражаси беш хил бўлади. 1.Меъёрли ялтирок. 2.Кучли ялтирок. 3.Ялтироклиги етарли эмас. 4.Шишасимон ялтирок. 5.Хира ялтирокли ёки ялтироксиз.

Меъёрли ялтирок. Бу хилдаги бошқа ялтирокликлардан кўра кўпроқ қоракўлтериларга ҳосдир. Ялтираш етарли даражада кучли ва бир текис бўлиб, кўриниши сифатли шойи атласнинг ялтирашига ўхшаб кетади. Меъёрли ялтирокликдаги териларнинг толалари кўпинча меъёрли ипаксимон, кайишқок, яхши жингалакланган бўлиб, қимматли гуллар ҳосил қилади.

Кучли ялтирок. Кўринишидан атласнинг ялтирашига ўхшайди ёки жун копламига мой суртилгандек бўлиб кўрилади. Кучли ялтироклик терининг чиройига чирой кўшади. Аммо, лекин кучли ялтироклик кўпинча гулларнинг маҳкамлигини, кайишқоқлигини ва жингалакланиш даражасини сусайтирувчи ўта ипаксимонлик билан богликдир.

Кучли ялтирок териларнинг жун толалари ҳар доим ҳам ўта ипаксимон ва гулларининг маҳкамлиги суст бўлавермайди. Баъзан кучли ялтирок терилар ҳам

меъёрдаги тузилишига эга бўлган кимматли мустаҳкам гуллар билан корежаган бўлади. Бундай терилар жуда чиройли бўлиб, юкори баҳоланади.

Ялтироклиги етарли эмас. Меъёрдаги ялтирокликнинг бир оз сусайиши натижасида вужудга келади, бундай ялтироклик даражасининг пасайиши инаксимонлиги етарли бўлмаган жун коплами билан узвий боғлиқ. Баъзан жун коплами курукрок ёки дагалрок бўлиши ҳам мумкин. Жун коплами етарсиз даражада ялтирок бўлмаслиги дурагай қоракўл кўзиларда, шунингдек, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида урчитиладиган сокол, ришетилов, малич ва бошка кўй зотларининг кўзиларида учрайди.

Шишасимон ялтирок. Алоҳида турдаги кучли ялтироклик ҳисобланиб, унинг ялтираши майдаланган шиша бўлақларининг ялтирашига ўхшаб нотекис ва учқунсимон бўлади. Шишасимон ялтироклик жуда ҳам ўткир ва кўзга ёқимсиз. У терини дагал килиб кўрсатади ва дагал инаксимонлик билан алоқадордир. Шишасимон ялтироклик кўпинча кенг ёл гул, баланд ялоқ гул ва шаклсиз гулларнинг кигизланган турларида учрайди.

Бундай ялтироклик асосан учинчи навали териларга ва паст синфдаги кўзиларга, шунингдек, қўпол конституцияли йирик гулли кўзиларга ҳосдир. Жун коплами бир оз шишасимон ялтирокликка эга бўлган йирик гулли кўзиларни иккинчи синфга, уларнинг терилари эса, иккинчи назарга киритилади.

Шишасимон ялтироклик кўпинча дурагай кўзиларда ва думбали кўйларнинг кўзиларида учрайди. Бундай ялтироклик дурагай териларининг ўзига хос белгиларидан биридир.

Хира ялтироқли ёки ялтироксиз. Жун коплами ялтироклик даражасининг сусайишидаги энг сўнги босқич бўлиб, кўриниши хира ёки умуман ялтироксиз бўлади. Жун толаларининг ялтироксизлиги терининг чиройини пасайтиради, хуснини бузади. Теридаги расмининг ҳар қандай кўринишини нурсизлантириб кўрсатади. Қоракўл терилар жун копламининг хира ялтирокликка эга бўлишлиги кўпинча жун толаларининг куруклигига олиб келади.

Жун коплами хира, ялтироксиз кўрсаткичи майда гулли, нўхаг, парма шаклсиз гулли кўзиларда кўп учрайди. Териси бундай ялтирокликка эга бўлган кўзилар яроксиз фарқсиз килинади.

Қоракўл терининг топографияси. (юза қисмлари)

Қоракўл терининг турли қисмларида, унинг товарлик хусусиятлари хар хил бўлади. Шунинг учун ҳам қоракўл териларни таърифлаганда, уларни топография қисмларига бўлиб таърифлаш қабул қилинган.

Қоракўл терилар куйидаги 12 та топографик қисмларга бўлинади:

1. Сағри (думгаза усти). Терининг энг қимматли қисми ҳисобланади. Унинг бу жойида бошқа қисмларидагига нисбатан жуи толалари қиска: калам гуллари узун, мустаҳкам, гул оралари яхши ифодаланган бўлади.

2. Орқа қирра. Бунга бел, орқа ва елка қирра қисмлари кириб, бу жойларда ҳам терининг барча хусусиятлари яхши ифодаланган.

Аммо, бу гуллар терининг сағри қисмидаги гулларга нисбатан бир оз пастрок сифатга эга.

Айниқса, терининг елка устидаги гуллар сағрисидаги гуллардан сифат жиҳатидан кескин фарқ қилади.

3. Ёнбошлари. Сатҳининг кенглиги жиҳатидан терининг асосий қисмини ташкил қилади. Бу жойлардаги гуллар сифати бўйича сағри ва орқа қиррадаги гулларга яқинроқ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Одатда терининг ёнбошларидаги гуллар сағри, орқа қиррадаги гулларга нисбатан бўшироқ бўлади.

4. Бўйин қисми, жуилари узун бўлганлиги учун гуллари кўпинча бўш ва тарқокдир.

5. Бош. Ундаги жуилар камдан-кам ҳолларда тўлиқ жингалак ҳосил қилади. Кўпинча кўзининг бош қисми эндигина жингалакланиб келаётган толалардан вужудга келган мухайяр шакллар билан қорезаган бўлади. Баъзи кўзиларнинг, айниқса, дурагай кўзиларнинг боши жингалакланмаган, силлик жуи толалари билан қорезагандир.

6. Қорин ости. Терининг четлари ҳисобланади. Терининг бу қисмларидаги гулларнинг сифати, унинг ёнбошларидаги гулларга нисбатан паст, аммо қорин остидаги гуллар қанча кўп ва сифатли бўлса, терининг қиммати шунча ошади.

7. Думба усти. Терининг бу қисми, думгаза асосидан, дум устидаги ёғсиз қурук ўсимтасигача бўлган жойни ташкил этади. Одатда думба териси сифати пастрок гуллар билан қорежаган бўлади ва баъзан қурук ёни дағал толалар билан аралашиб келади.

8. Думнинг ёғсиз, ўсимта қисми. – Кўпинча дағалроқ ва қурук жун толалари билан қорежаган бўлиб, улар деярли гул ҳосил қилмайди. Терининг бу қисми бевосита мўйналик аҳамиятига эга эмас, лекин унинг мавжудлиги қоракўл терининг асл зотлигини билдирувчи белгидир.

9. Кейинги оёқлар. Жингалакланган ёки мухайяр расмлар ҳосил қилган жун толалари билан қорежаган бўлиши мумкин.

10. Олдинги оёқлари. Жингалакланган ёки мухайяр шакллар ҳосил қилган толалар билан қорежагандир. Баъзан оёқларнинг тиззадан пастки қисми, айрим териларда тиззадан юқори қисми ҳам силлик жун билан қорежаган бўлиши мумкин.

11. Қўлтиқ ва чот. Жуда сийрак ва силлик жун билан қорежаган бўлади. Баъзан бу қисмларида жун деярли бўлмайди. Терининг бу қисми ҳеч қандай мўйналик аҳамиятга эга эмас.

12. Туёқ олди. Терининг бу қисми олдинги ва кейинги оёқларининг учи ҳисобланади. Бу жойларнинг териси шилиб олиниш вақтида, туёққа такаб қесилиши лозим.

Қоракўл териларининг расми ва унинг аниқлиги. Қоракўл териларининг расми деб, тери юзасини қоплаган толалар ва гулларнинг бир-бирига нисбатан маълум тартиб билан жойлашиб, умумий кўринишга эга бўлган бир бутун нақш ҳосил қилишга айтилади. Қоракўл териларнинг расми, асосан, қалам гул ва ёл гулларнинг бир-бирига нисбатан маълум тартиб билан жойлашуvidан ҳосил бўлади. Қоракўлча териларда эса, қисқа жун толаларининг турли томонга қараб

жойлашувидан ҳосил бўлган дастлабки гул шакллариининг ўзаро бирикувидан мухайяр расм вужудга келади. Қорақўл териларнинг расми, терилардаги барча ижобий хусусиятларни аке эттирувчи кўрсаткич бўлиб, унинг ҳосил бўлишида гулларнинг тури, шакли, гулларнинг узунлиги ва уларнинг тери юзасида бири-бирига нисбатан жойлашиш тартиби, гуллар оралигининг кенглиги, гулларнинг мустаҳкамлиги ва жингалакланиш даражаси катта аҳамиятга эга. Айниқса калам ва ёл гулларининг узунлиги тери расмининг чиройига чирой кўшади.

Эни катта ва узунлиги катта гуллардан айтарлик чиройли расм ҳосил бўлмайди, шунингдек, шаклсиз, ялоқ, парма гуллар, бўш халка ва нўхат каби гуллардан ҳам расм ҳосил бўлмайди.

Гулларни ҳосил қилган расмининг ёки нақшнинг аниқлиги жуда катта аҳамиятга эга. Чунки терининг умумий расми етарли даражада аниқ бўлгандагина, ундаги гулларнинг қандай тартибда жойлашганлигини билиш мумкин. Аксинча, гуллар ҳосил қилган расм ноаниқ бўлганда, ундаги гулларнинг қандай тартибда жойлашганлиги ҳам ўз аҳамиятини йўқотади. Қорақўл терилар расмининг аниқлигига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. Расми аниқ; 2. Расмининг аниқлиги етарли эмас; 3. Расми ноаниқ.

Биринчи навли териларда расми аниқ, кейингиларда эса, ноаниқ бўлади.

Қорақўл терисининг қалинлиги. Қорақўл териларнинг қалинлиги – уларнинг наслчилик ва товар қимматини белгилайди. Юпка ва катта теридан енгил ва катта ҳажмли кийим-кечаклар тикилса, қалин ва кичик ҳажмли терилардан эса, оз миқдорда оғир ва кўпол буюмлар тикилади.

Қорақўл кўзилар терисининг қалинлиги бонитировка вақтида кўз билан чамалаб, ёки маҳсуе (қалинликни ўлчайдиган) асбоб ёрдамида, ёки қорақўл терининг жуи қоплами юзасини ичкарига букиб қатлаш орқали аниқланади. Кейинги усулда хатога йўл қўймаслик учун, терининг икки уч жойидан бош ва кўрсаткич бармоқлар билан қаттиқ қисий йўли билан тери қалинлиги аниқланади. Терининг қалин уч гуруҳга бўлиб ўрганилади: 1.Юпка; 2. Қалинлашган; 3. Қалин.

Кўзилар терисининг калинлиги ўлчов асбоблари ёрдамида аниқланадиган бўлса, кўзининг устидаги тери икки букилган ҳолда ўлчанади. Ўлчов натижаси миллиметрининг ўндан бир бўлагига аниқликда ёзилади. Бундан ташқари, қоракўл терининг калинлиги тирик кўздан биопсия йўли билан (маълум бир қисмидан) кесиб олинган, тери парчасини микроскоп ёрдамида ўлчаб кўриш йўли билан ҳам аниқланади. Бу усул вақт талаб этувчи аниқ ўлчов бўлиб, терининг калинлиги микрометрларда ифодаланади.

Қоракўл терилар сатҳининг кенглиги. 1995 йилдан бошлаб амалга оширилган 641 – 95 давлат андозасига мувофиқ, тузлаб қуритилган териларнинг сатҳи 1400 см² дан ортиқ бўлганлари катта, 900 см² дан ортиқ 1400³ см² гача бўлганлари ўрта ва 500 см² дан 900 см² гача бўлганлари майда терилар гуруҳига киритилиб, улар учун алоҳида харид нархи белгиланган. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ҳам терининг сатҳ кенглигига аҳамият берилган ҳолда, уларнинг харид нархи, шартнома асосида белгиланади.

Қоракўл терилар сатҳининг кенглиги икки хил ҳолатда ҳисобга олинади:

1. Терининг умумий (ҳақиқий) майдони.

2. Терининг андоза (стандарт) майдони.

Терининг умумий майдони деб теридаги барча қисмлар терисининг майдони тушунилади.

Терининг умумий майдони деб теридаги барча қисмлар терисининг майдони тушунилади.

Терининг андоза майдони деб амалдаги давлат андозасига мувофиқ унинг бўйин асосидан дум асосигача узунлигини терининг ўрта қисми эни ўлчанганда ўлчовларнинг кўпайтмасига айтилади.

Терининг андоза майдонига унинг бош, бўйин, оёқ ва дум қисмлари қирмайди. Шунинг учун терининг андоза майдони, унинг ҳақиқий майдонидан 30-35 % кам бўлади. Бу майдонларнинг деярли ҳамма қисми, қўлтиқларнинг терисидан ташқари кийим-кечак тикишда яхлитлигича фойдаланилади.

Коракўл терилар сатҳининг майдони янги шилиб олинган, тузлаб куритилган, тузламасдан куритилган, ошланган, ийланган ва бўялган ҳолатларда ўлчанadi.

Талабалар коракўл териларнинг турли кўрсаткич, белги ва хусусиятлари билан танингач, уларни мустакил равишда гуруҳларга бўлиб ўрганадилар.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар?

1. Қора рангли коракўл терилар тола таркибидаги пигмент моддасининг оз ёки кўп даражада бўлишига қараб неча гуруҳга бўлинади?
2. Кўк ранг қандай пайдо бўлади ва у қандай омилларга боғлиқ?
3. Қандай териға оч кўк, қандай териға ўрта кўк ва қандай териға тўқ кўк тусдаги терилар дейилади.
4. Кўк терилар қандай ранг-барангликларга бўлинади.
5. Сур ранги қандай ҳосил бўлади, қайси ранг-барангликларга бўлинади, сур кўйларнинг зот типларини айтинг.
6. Гулигаз ранги қандай ҳосил бўлади.

Т/р		Тери гулларининг жуи колламнинг, хажмининг ва мағз қатламининг таърифи																
Терининг рақами		Қалам ва ловия гуллар				Ел гуллар				Мағз қатламининг таърифи								
1	2	Узулиги		3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
		буйи	кўли															
		Қалам гуллар (қалта, ўра, уяун)	Ловия гуллар (қалта, ўра, уяун)	Ўрта кўра (майта, ўра, калта)	Баландлигига кўра (баланд, ярим лондани, ясси)	Узунлигига кўра (қалта, уяун)	Ўрта кўра (тор, кен)	Гулларнинг бошқа шакллари	Жуи тоғла қоплама куюқлиги	Гулларнинг қайишқоқлиги	Ялтироқсиз	Инаксимонлиги	Терининг майлони (см ²)	Мағз парданинг қалинлиги (юпка, қалниндашган қалин)	Тери киритилганга тўрух	Нави (1, 2, 3)		



Мавзу: Қоракўл кўзиларини бонитировка қилиш тартиби, танлашда амал қилинадиган белгилар, бонитировка калити.

Бонитировка журнални тўлдириш тартиби

Машгулотдан мақсад – Қоракўл кўзиларни бонитировка қилиш хусусиятларини тушунтириш, бонитировка журналларини тўғри тўлдиришни ўргатиш, қоракўл кўзиларини танлашда асос қилиб олинадиган белгиларни тушунтириш.

Ўқув ва кўргазмални қўлланмалар – қоракўл кўзиларининг тулумлари, қоракўл кўзиларини бонитировка қилишга доир асбоб-ускуналар, қўлланмалар, кўзиларни яккама-якка бонитировка қилишда тўтиладиган журнал ҳамда унга ёзиладиган ёзувлар, кўзиларни бонитировка қилиш тасвирланган кўрсатмалар, слайдлар.

Машгулотни ўтказиш тартиби – тушунтириш, ёздирини, мустиқил ишлаш.

Машгулотнинг мазмуни – Қоракўлчиликда наслчилик ишининг вазифаси қоракўл кўйларининг асосий махсулоти – қоракўл терилар етиштириш ҳамда уларнинг сифатини мумкин қадар тезроқ яхшилаш мақсадида шу кўйлар зотини янада такомиллаштиришдир.

Қоракўлчиликда наслчилик иши хайвонларни танлаш ва жуфтлаш усулларини тўғри қўшиб олиб боришдан иборат бўлиши керак. Барча танлаш жараёнининг асосий усули ва мақсади қоракўл кўзиларни бонитировка қилишдир. Қоракўл кўзиларини бонитировка қилиш кўзининг наслдорлик ва махсулдорлик сифатларига, терисининг сифатига, қелиб қикиши ва конституциясига қараб баҳо бериш ҳамда кўзилардан қай тарика фойдаланиш кераклигини аниқлаш демасдир.

Бонитировка яккама-якка ва гуруҳли бўлади.

Яккама-якка бонитировка тўла ва қискартирилган бонитировка бўлиниди ҳамда наслчилик заводлари ва наслчилик хўжаликлариди

қўлланилади. Ўстиришга қолдириладиган зотдор эркек қўзилар тўлиқ яккама-якка бонитировка қилинади, авлод сифати бўйича текширилаётган қўчқорлар ва зотдор совликлардан тугилган қўзилар қисқартирилган яккама-якка бонитировка қилинади. Қўзилар бонитировкаси натижалари сунъий уруғлантириш, совликларни қочиритиш ва қоракўл қўзиларини бонитировка қилиш журналида тасвирлаб борилади (шакл 3-да). Тўла бонитировка 1-39 устунлар, қисқартирилган бонитировка 1-30 устунлар тўлдирилади. (Журнал шакллари тарқатиб, барча усулларининг мазмунини тушунтириб бериш зарур).

Бошқа ҳамма қўзилар гуруҳли бонитировкадан ўтказилади. Қўзилар яккама-якка бонитировкада қандай қоидаларга мувофиқ баҳоланган бўлса, бунда ҳам худди шундай қоидаларга мувофиқ баҳоланади, аммо улар махсус журналларда алоҳида-алоҳида қайд қилиниб, тасвирлаб чиқилмасдан, балки ранги, синфи ва барра типига қараб бонитировкадан ўтказилган қўзиларнинг сони ҳар куни ҳисобга олиб борилади.

Қоракўл қўзилари 1-3 кунлик вақтида бонитировка қилинади, бунда қўзилар, албатта қуруқ ва тоза бўлиши керак.

Бонитировкани бонитёр (шу соҳани ўқиб чиққан, амалий малакаларини эгаллаган шахс) ўтказиши лозим.

Бош чорвашунос қўзиларни ўз вақтида ва сифатли бонитировка қилишда жавобгар шахс ҳисобланади. Қўзилар даврида совлик сурувларини жойлаштириш режасини тузиш ҳам бош чорвашунос зиммасига тушади. Ҳар йили қўзиларни бонитировка ўтказиш олдидан бонитёрлар ва ҳисобчиларнинг малакасини ошириш ва тайёрлаш керак.

Қўзилар шу мақсад учун алоҳида ажратилган жойдаги бонитировка столида бонитировкадан ўтказилади. Бунинг учун махсус кичик-кичик қўралар бўлиши, бу жойлар ёруғ ва тоза сақланиши керак.

Қўзилар даврида (қўчқорлар индивидуал ҳисобга олиниб, наслдорлик сифати текширилаётган отарларда) қўзиларга улар тугилган заҳоти ҳисобчи ёки бонитёр ёрдамчиси тахтачадан ясалган ёрлик осиб қўяди, бу ёрликда қўзи онасининг рақами, қўзининг тугилган вақти ва отарнинг рақами ёзилган бўлиши керак.

Мутахассис зоомухандис наслчилик отарларидаги кўзиларни, кўчкорлар наслининг сифатига караб текшириладиган ва эркак кўзиларни танлаб, наслчиликда фойдаланиш учун ўстиришга қолдириладиган отарлардаги кўзиларни наслчилик иши бўйича бонитировкадан ўтказади. Бонитировкани тўғри ўтказилиши устидан назорат олиб бориш хўжаликлар бош зоомухандиси зиммасига юкланади. 10-15 кунлик зотдор эркак кўзиларни ҳам шуларнинг ўзлари текширувдан ўтказади.

Бигта бонитёрга тўғри келадиган юклама унинг малакасига, хўжаликдаги шароитларга ва кўзилатиш мудатларига караб белгиланади. Ҳайвонларни мумкин қадар кўпроқ малакали бонитировкадан ўтказиш мақсадида мана шуни олиб бораётган бонитёрга, кўзилатиш даврининг бошидан охиригача албатта, автомашина бириктириб қўйиш зарур.

Сўйишга мўлжалланган эркак кўзиларнинг ҳаммачига, албатта, отарнинг рақами кўрсатиб қўйилган ёрлик илинади, ҳар бир бош кўчкор ёки совликлар туғилган кўзиларнинг сифати ҳисобига олиб бориладиган отарларда эса бу ёрликда қўшимча қилиб, кўчкор ёки совликнинг шахсий ёки шартли рақами ҳам кўрсатиб қўйилади.

Қўйлар кўзилаб бўлганидан кейин яқунловчи ҳисобдан (инвентаризациядан) ўтказилади, яқунловчи ҳисоб қилиш вақтида бонитировка қилинган кўзиларнинг сони билан синфи ҳисобга олинади ва ҳар бир отар бўйича қанчадан кўзи олингани ҳамда ўтказилган бонитировка натижалари тўғрисида белгиланган шаклда ҳисобот тузилади.

Қўйларни кўзилатиш ва кўзиларни бонитировка қилиш амалдаги қўлланмаларда мувофиқ ветеринария-профилактика қондаларига катъий амал қилган ҳолда ўтказилиши кераклигини айтиб ўтиш лозим, бунда ходимлар шахсий гигиена қондаларига амал қилишлари шарт. Бонитировкада банд бўлган ходимлар ўз вақтида албатта, тегишли медицина кўригидан ўтишлари керак. Бонитировкани бошладдан аввал қуйидаги зарур ашёлар тайёрлаб қўйилади:

Бонитировка журналлари.

Қулоққа тақиладиган сиргалар (метал ва пластмасса ёрликлар).

Керакли омбўрлар (кўзи қулогини тешувчи ва кесувчи).

Бонитировкадан ўтказиладиган кўзилар учун махсус ёрликлар;

Сўйиладиган кўзиларга тақиладиган ёрликлар.

Халатлар, хўжалик ашёлари ва бошқалар. (Мана шу ашёларнинг ҳаммасини талабаларга кўрсатиш керак).

Қоракўл кўзиларини бонитировкадан ўтказиш кондаси эпидиаскоп ёки диапроектор ёрдамида кўрсатилади. Бонитировка вақтида қуйидаги белгилар ҳисобга олинади (айни вақтда шу белгиларнинг қай тариха аниқланишини тушунтириб бериш керак):

Туғилган вақти;

Кўзининг жинси;

Нечта туғилгани;

Синфи;

Гулларнинг ўлчами майда – 4 мм гача; ўртача – 4 мм дан 8 мм гача; катта – 8 мм дан ортик, (рангдор кўзиларда майда 5 мм гача, ўрта 10 мм гача ва катта 10 мм дан ортик).

Гулларнинг шакли ва каламигул, яси каламигул, қовурғасимон каламигул, ловия, ёл гул, нўхат гул, халқа гул, парма, лосслар, шаклини йўқотган (деформацияланган гуллар);

Қаламигулнинг узунлиги (катта –20 мм гача, ўртача –20 мм дан 40 мм гача ва узун –40 мм дан ортик);

Терисининг барра тили (жакет, яси, қовурғасимон ва кавказ типларига мансублиги);

Ранги ва ранг-баранглиги, рангдор кўзиларда ранг-баранглигининг текислиги, сур кўзиларда эса сурлик даражаси; ифодаланиши, контрастлиги;

Жунининг майинлиги (шаксимонлиги);

Рангининг оч-тўқлиги, ифодаланиши, сур кўзиларда эса сурлилик даражаси; ифодаланиши, контрастлиги;

Жунининг ялтироклиги;

Олалиги;

Ёғ-терлиги;

Конституцияси;

Терисининг пишқилиги;

Терисининг қалинлиги;

Терининг силлиқлиги;

Жуи копламининг қалинлиги;

Жингалакларининг пишиқлиги;

Расмининг аниқлиги;

Тананинг иккинчи даражали қисмларининг гул билан қорежасиши;

Жуннинг узунлиги.

Яккама-якка бонитировка ҳисобга олинмаган танлаш белгиларининг сони, пода ҳусусиятлари ва наслчилик ишининг мақсадларига қараб яна тўлдирлиши мумкинлигини назарда тутиш керак.

Бонитировка маълумотларини журналга ёзишда махсус шартли белгилар – бонитировка қалитидан фойдаланилади. Бонитировка қалитини талабалар кўйидаги тартибда мустақил ёзиб олишлари керак:

Кўзи жинси – ургочи (у), эркак (э).

Нечта бўлиб тутилган – якка (1), иккита (2), учта (3).

Ранги – қора (к), қуқ – (ш), сур - (сур), гулиғаз – (гул), оқ – (оқ), қамбар (қм), зармалла – (зари), қулранг – (қул).

Туси – очик – (оч), ўртача – (ўр), тўқ – (тўқ).

Ранг-баранглиқлар – ҳаво ранг (хр), қумуш – (қум), марварид (мар), қўрғошин (қўр), оқ тушган – (оқ.туш.), садаф – (сад), қора қўқ (ққ), пўлати (п), сўт ранг (сўт), тилла (тил), олмос - (ол), бинафша – (бин), жезсимон – (жез), оқолтин – (оқол), қахрабо – (қах), антрацит – (ант), қумранг – (қум), пўлати – (пўл), ўрик гул – (ў г), шамчиқоқ гул – (ш г), қамар – (қам).

ранг текислиги – аъло (а), текис – (тек), нотекис – (н т).

Ранг-баранглиқларнинг намоён бўлиши – пёло (а), яхши – (я), ёмон – (ё).

Ранг-баранглиқнинг контрастлиги (кескинлиги) – қучли – (қуч), ўрта – (ўрт), қучсиз – (қуч-з).

Жуи қоплами пигментациясининг интенсивлиги – қучли – (инт), ўрта – (ўр), қучсиз – (қучсиз).

Барра тиши – жакет – жакет – (ж), кавказ – (к), ясси – (я), ковургасимон – (к).

Синф-элига – (э), биринчи – (1), иккинчи – (2), яроқсиз – (я).

Гул ўлчами эни бўйича майда – (м), ўрта – (ў), катта – (й).

Гул шакли – қалам гул – (к.г), ясси гул – (я.г), ковургасимон гул – (к.г), дона гул – (д.г), ёл гул – (ё.г), халка гул – (х.г), нўхат гул – (н.г), парма гул – (п.г), ёлок гул – (ё.г), шаклсиз – (шак).

Гул узунлиги – узун – (у), ўрта – (ўр), калта – (кал).

Гулнинг мустаҳкамлиги – жула мустаҳкам – (ж.м), мустаҳкам – (м), ўрта – (ўр.м), бўш – (бўш).

Гулларнинг расми – параллел-концентрик – (п.к), параллел тўғри – (п.т), аралаш – (ар), ноаник – (на).

Расмнинг аниклиги – аник – (а), ноаник – (н.а).

Гул билан корежасиш даражали – яхши – (я), ўртача – (ўр), етарли эмас – (е.э).

Қора қўзиларда тола узунлиги – 8 мм гача – (кал), 9 мм дан 12 мм – (ўр), 12 мм дан зиёд – (уз).

Жун қоплами тигизлиги – жула тигиз – (ж.т), тигиз – (т), тигислиги етарли эмас – (е.э), сийрак – (с).

Ипаксимонлик – кучли ипаксимон – (к.и), ипаксимон – (и), ипаксимонлиги етарли эмас – (е.э), дағал – (д), курук – (к).

Ялтироқлик – кучли – (куч), ўртача – (ўрт), етарли эмас – (е.э), хира – (х), шишасимон – (с.ш).

Тери қалинлиги – юшқа – (ю), ўртача – (ўрт), қалин – (кал).

Олалиги дум қисмида – (д), оёғида – (о), танлида – (тан), бошида – (бош).

Ёглилик – кучли – (куч), ўрта – (ўрт), кам – (кам).

Конституция – нозик – (н), мустаҳкам – (м), қўпол – (к).

Тирик вазни ёки қўзи ўлчами – майда – (м), йирик – (й), ўрта – (ўр).

Жун-тола қоплами аник кўринадиган ва тоза қўзиларгина бонитировка қилинади. Тери учун сўйишга тўнатиладиган қўзилар бонитёр томонидан ажратилади.

Ажратилган кўзилар сўйиш пунктига махсус жиҳозланган автомашиналарда ташиб келинади. Кўзилатиш мавсуми тугаши билан ўсишига колдирилган кўзиларнинг яқунловчи ҳисоботи ўтказилади ва тегишли ҳужжат билан ҳисобот тузилади. Бонитировка пайтида ўстиришига колдирилган кўзиларнинг кулоқларига ракамли ўтказилади. Насл учун ўстиришига колдирилган кўчқорчалар расмга тушунтирилади.

Шакл 11-к

Қорақўл кўзиларни яккама-якка баҳолаш журнали (блокноти).

- Ўнг кулоқ раками чап кулоқ раками
- Барра тиши ранги, туси
1. Онасининг раками ўнг кулоқ чап кулоқ
 2. Онасининг раками ... ўнг кулоқ чап кулоқ
 3. Онасининг барра тиши Ж.Қ.Я.Қ. гул ўлчами М.Ў.К.
Синфи ранги
 4. Кўзининг тугилган куни ойи ва йили
 5. Тугилган пайтдаги тирик вазни
 6. Ранги: қора, кук, сур, гулигаз, оқ, камбар
 7. Тери қалинлиги
 8. Тери зичлиги
 9. Тери солқилиги
 10. Ёғлиги
 11. Конституцияси
 12. Гул ўлчами
 13. Гул шакли
 14. Гулнинг очик томони
 15. Гул узунлиги
 16. Жун қоплами
 17. Жун қоплами ялтироклиги
 18. Пигментация
 19. Тола қуюқлиги

20. Гул мустаҳкамлиги
21. Гулларнинг жойлашиши
22. Расм аниқлиги
23. Тана иккинчи даражали кисмларининг гул билан қорэжасиш даражаси
24. Завод баҳоси 5, 4, 3
25. Қўзиларни 15-20 кунлигига баҳолаш
- а) Ривожланиши
- б) Семизлиги
- в) Пигментациясининг сақланиши
- г) Гулларнинг сақланиши
- д) Тола жуи коплами ялтироклигининг сақланиши
- е) Тола жуи коплами ялтироклигининг сақланиши
- ж) Курук тола мавжудлиги
- Курук тола мавжуд қўчқор қўзилар насл учун колдирилмайди.
- 3) Умумий баҳо 5, 4, 3

19 – МАШГУЛОТ

МАВЗУ: ҲАР ХИЛ БАРРА ТИПДАГИ ҚОРАҚЎЛ ҚЎЗИЛАРИНИНГ ТАСНИФИ. ҚОРАҚЎЛ ҚЎЗИЛАРГА ЭН СОЛИШ ТАРТИБИ.

Машгулотдан мақсад – Ҳар хил гул типдаги қоракўл қўзиларининг хусусиятларини тушунтириш, уларнинг қийматини кўрсатиш. Эи солиш ва тамгалаш тартибини ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмалли қўлланмалар – ҳар хил барра типдаги қоракўл қўзиларининг тулумлари, ҳар хил қоракўл гуруҳларига мансуб бўлган, бўялган қора терилар. Қоракўл қўзиларга эи солиш тасвирланган жадвал ва кўргазмалар. Қоракўл қўзиларни бонитировка қилиш тасвирланган альбом, слайдлар, диапозитивлар.

Машгулотни ўтказиш тартиби – сўраш, тушунтириш, ёздирини, мустақил ишлаш. Тушунтириш қоракўл терилар музейида олиб борилади.

Машгулотнинг мазмуни. Қаламигулларнинг типи ва шаклига қараб асл зот қорақўл кўзиларининг ҳаммаси (қора, кўк, сур кўзилар) бонитировка маҳалида қуйидаги барра типларга бўлинишини аниқ билиб олиш керак.

Гулларнинг шакллари ва турлари, уларнинг тери юзасида жойланиш тартибига қўра кўзилар қуйидаги тўрт барра типларга бўлинади:

1. Ярим доира қалами гул тип (жакет). Бу типга мансуб кўзилар терисида ярим доира қалами ва дона гуллар мавжудлиги билан тавсифланиди.

Қалами гуллар узун ва ўрта узунликда, гулларнинг кўриниши аниқ ва жун тола қоплами ўрта узунликда бўлади. Бундай типли кўзилар зотнинг етакчи тип ҳисобланади.

2. Қовурғасимон қалами гул тип. Терисидаги гуллар қовурғасимон шаклда бўлиб, ёл гуллар билан аралаш учрайди. Жун тола қоплами қисқа гуллари кўзининг дум томонига қараб ўралган бўлади.

3. Ясси қалами гул тип. Гуллари ясси қалами, қисман ёл гуллар бўлиши билан тавсифланади. Жун қопламининг пигментланиш даражаси ва ялтироқлиги кучли, кўзининг гуллари дум томонига қараб ўралган бўлади. Жун-тола қоплами бирмунча қисқа.

4. Ўсим кўл тип (кавказ). Бу хилдаги кўзиларни жун-тола қоплами узун бўлиб, гуллари ўсимқирағшлиги билан ажратиб туради. Гуллари кўзи терисида тартибсиз жойлашган бўш дона ва бошқа гуллардан иборат.

Баҳолаш очик қўраларда қўш нурлари бонитёрнинг орқа томонидан тушиб турадиган шароитда ўтказилади.

Баҳолаш пайтида ўстириш учун қолдирилган кўзиларнинг қулоқларига эн солиш орқали гул тип. Гул ўлчами, синфи, рангдор кўзиларда ранг ва туси ранг-баранглиги белгиланади. Эн солиш махсус иловада кўрсатилган тасвирлар асосида амалга оширилади.

Қорақўл кўзиларига қуйидаги тартибда барра тип учун (ясси, ўнг қулоқдан қовурғасимон чап қулоқ макет ва кавказ барра типлари учун эн солинмайди), синфи учун (ўнг қулоқга), гул ўлчами (қора кўзиларда чап қулоқга), ранг туси (кўк-қуқ, гулигаз, камбар чап қулоқга), ранг-баранглиги (кўк-қуқ, сур чап қулоқга) эн солинади.

**МАВЗУ: ҚОРА РАНГДАГИ СОҒ ЗОТЛИ ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАР
ТАЪРИФИ ВА ЭН СОЛИШ ТАРТИБИ. ЯРИМ ДОИРА ҚАЛАМИ ГУЛ
ТИПИДАГИ ҚЎЗИЛАР СИНФЛАРИНИНГ ТАЪРИФИ.**

Машгулотдан мақсад – Қора қоракўл қўзиларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш, ҳар хил синфларга мансуб ярим доира қалами гул типидagi қўзиларни таърифлаб бериш ва уларни таниб, ажратиб олишга талабаларни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмални қўлланмалар – қоракўл қўзиларнинг тулумлари, ярим доира қалами гул типидagi қоракўл терилари, Қора рангли қоракўл қўзиларни эн солиш схемаси, Қоракўл қўзиларни бопитировка қилиш журналлари (шакл №3к) ва альбомлар.

Машгулотни ўтказиш тартиби – сўраш, кўрсатиб берилadиган терилар мисолида тушунтириш, ёздириш.

Машгулотнинг мазмуни. Қора рангли қўзиларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш, эн солишни кўрсатиш сўнгра ярим доира қалами гул типидagi қўзилар синфларини ҳар хил синфларга мансуб қоракўл терилар мисолида кўрсатиб ўтиш керак. Шунингдек элита синф қўзилар билан 1 синф қўзилари ўртасидagi тафовутларни кўрсатиб ўтиш зарур. Катта гул ўлчамдagi 1 синф қўзиларни батафсил таърифлаб, катта гул ўлчамдagi 1 синф эркак қўзиларни нима учун наслчиликда фойдаланиш мақсадида қолдириб бўлмаслигини тушунтириш керак. Териси «Жакет москва» навига тўғри келadиган биринчи синф гул ўлчами ўрта бўлган қоракўл қўзиларни нима учун наслчиликда фойдаланишга қолдириб бўлмаслигини тушунтириб бериш зарур.

ЯРИМ ДОИРА ҚАЛАМИ ГУЛ ТИПИ.

Элита – ўрта гул. Сағриси ва орқа белида узун қалами гуллар, ёнбошларида ўрта узунликдagi, қорин қисмида қисқа қалами ва дона гуллар. Гулларнинг расми аниқ бир-бирига ёнбош-концентриқ (ёнисмон) жойлашган.

Гуллари мустаҳкам, жуи-тола қопламининг сифати аъло, ранги тим қора. Бош, корин ва оёқлари гуллар билан қорежаган, ривожи яхши, конституцияси мустаҳкам. Кузи териси «жакет I» навининг энг яхши қисмига мос.

I сифф ўрта гул. Сағриси ва орқа белида узун, ўрта узунликдаги ва қиска гуллар, ёнбошларида дона гулар ёки ўрта узунлигидаги қалами ва дона гуллар кузи танасининг ҳамма қисмини қоплаган. Бир оз ёл гуллар аралашган бўлишига йўл қўйилади. Гуллари мустаҳкам, расми ёнбош-концентрик ёки аралаш. Жуи тола қоплами ёки етарли эмас, ипаксимон ва ялтирок. Териси юпка, бир оз қалинлашган, зич ёки бироз бўшроқ. Бош, оёқларининг гуллар билан қорежасиши яхши ёки ўртача. Конституцияси мустаҳкам. Қўзи териси «жакет I» ва «Москва жакети» навларига мос.

I сифф майда гул. Сағриси ва орқа белида узун, ўрта узунликдаги ва қиска қалами гуллар, ёнбошларида қиска қалами гуллар баъзан қалами гуллар энсиз ёл гуллар билан аралашган ҳолда ҳам учраши мумкин. Гуллари мустаҳкам, расми ёнбош-концентрик ёки арчасимон жуи-тола қоплами қуюқ ипаксимон ва ялтирок. Териси зич, юпка. Бош оёқларининг гуллар билан қорежасиши яхши. Конституцияси мустаҳкам ёки нозиклашган.

Қўзи териси «кирпую» навиға мос.

I сифф қатта гул. Сағриси ва орқа белида узун ўрта узунликдаги, қалта қалами ва дона гуллар, ёнбошларида дона гуллар. Гуллари мустаҳкам, бироз бўшроқ. Жуи-тола қоплами қуюқ, ипаксимон ва ялтирок. Териси қалин ёки қалинлашган, зич ёки бўшроқ. Бош қорин ва оёқларининг гуллар билан қорежасиши яхши. Гуллар расми ёндош-концентрик ёки аралаш. Конституцияси қўполлашган ёки қўпол.

Қўзи териси «Жакет қалин» навиға мос.

ҚОРА РАНГЛИ ҚОРАҚЎЛ ҚЎЗИЛАРГА ЭН СО.ЛИШИ ТАРТИБИ.

Барра гул типлар	Синфи	Гул ўлчамлари		
		майда	ўрта	қатта

Ярим доира ка-лам гул типи (жакет)	Элита		8	
	I	8	8	8
Қовургасимо н калами гул ти-ши.	Элита		8	
	I		8	
Ясеп калами гул типи	Элита		8	
	I		8	
Ҳамма хил гул тишлари (ўсик гул) кавказ	II	8	8	8
Селекцияга яроқсиз			8	

Мустақил иш.

I-топширик. 10-15 бош кўзи ёки шунча терининг қайси барра типига киришини аниқлаб чикинг, гулларининг шакли ва турларига, терисининг қалин пишиқлигига, жунининг узунлиги, ипаксимонлиги ва ялтироқлигига алоҳида аҳамият беринг.

Буларни қуйидаги шаклга мувофиқ ёзинг.

-шакл.

Қоракўл тери барра типини аниқлаш.

Терининг рақами	Жингалагининг йирик-	Терининг пишик-лиги	Терининг каллиг-лиги	Ипакеймолиги	Ялтироклиги	Жуи толасининг узунлиги	Гулларнинг шакли ва тури			Гулларнинг мустах-	Жуи қоллами куюк-лиги	Жуининг аниқлиги	Барра тип
							Орқасидаги	Дум томонидаги	Ёнидаги				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

2-топширик. Ҳар хил барра типдаги синфлардаги қалами гул барра типдаги қўзиларга солинадиган энлар расмини куйида кўрсатилгандек чизинг.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

1. Қоракўл қўзилар қандай белгиларига қўра қоракўл барра типларига ажратилади?
2. Қалами, қовурга, ясси ва ўсик гулли барра типларга мансуб қўзилар қандай бўлишини тасвирлаб беринг.
3. Нима учун тўсик гулли (кавказ) типига мансуб қўзиларнинг қимматини наст ҳисобланади?
4. Қалами, қовурга ва ясси гулли типларга мансуб қўзиларнинг қиммати нимадан иборат?
5. Бонитировка пайтида қўзиларга нима сабабдан эн солиш зарурлигини тушунириб беринг.
6. Барра тип, синфи, жингалагининг йирик-майдалиги ҳар хил бўлган қўзиларга эн солиш тартибини тасвирлаб беринг ва чизиб кўрсатинг.

**Мавзу; Ясеи каламли типдаги кора рангли кўзилар
синфларининг таърифи**

Машгулоддан мақсад - ясеи типдаги барра хар хил синф коракўл кўзилари хусусиятларини тушунтириб бериш ва буларни таниб, ажратиб олишни урганиш. Ўқув кўргазмали кўлланмалар - барча навлардаги ясеи гул типли коракўл терилар йиғиндиси. коракўл кўзиларни бонтировка қилиш альбоми (шакл № 3-к).

Машгулоғ ўтказиш тартиби - сўраш, мисолга олинган териларни кўрсатиб туриб тушунтириб бериш (синфлар тавсифини талабалар кўлланмадан мустақил равишда кўчириб оладилар), коракўл терини тасвирлаб бериш юзасидан мустақил иш.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

Ярим доира каламли гул барра типига мансуб коракўл кўзиларга эн солишни чизинг.

Ярим доира каламли барра типига мансуб кўзилар синфларини (элита, 1 ва 2 синфларини алоҳида қилиб) тасвирлаб беринг.

Элита, 1 ва 2 синф кўзиларининг терилари қайси навларга тўғри келади ва уларнинг конституцияси қандай бўлиши керак?

Коракўл гул барра типига мансуб кўзиларининг қайсиларини наслчиликда фойдаланиш учун қолдириш мумкин?

Машгулоғнинг мазмуни. Аввало ясеи калами гул типига мансуб хар хил синфдаги кўзиларни тасвирлаб бериш ва бунинг хаммасини терилар мисолида албатта кўрсатиб ўтиш керак. Айни вақтда талабалар диққатини ясеи типдаги кўзиларининг умумий тафовутларига жалб қилиш лозим (жун копламининг қалин-сийраклигига, жингалакларининг йириклиги, жунининг қучли ипаксимон ва қучли ялтироклигига, терисининг тиниклиги ва қалинлигига ҳамда жуннинг узунлигига).

Бундай кўзиларнинг қайсилари маъқул ҳисобланишини, наслчиликда фойдаланиш учун қайсиларини қолдириш мумкинлигини батфеил тушунтириб беринг.

Элита ўрта гул. Сағриси ва орқа белида узун, ёнбошларида узун, ўрта узунликдаги яси қалами гуллар. Гулларни бақувват, жун-тола қопламнинг ипаксимонлиги ва ялтироклиги кучли ёки меъёрида. Гулларнинг расми ёндош-тугри. Териси зич, юпка. Бош ва оёқларида жун-тола қоплами мавжлар ҳосил қилган. Ривожланиши меъёрли, конституцияси мустаҳкам. Кўзи териси «яси юпка I» навининг энг яхши қисмига мос.

I синф-ўрта ва қатта гул. Сағриси ва ўрта ва орқа белида ва қиска яси қалам гуллар, ёнбошларида яси қаламгул ва яси ёл гуллар, кам микдорда силлик гуллар бўлиши ҳам йўл қўйилади. Гуллари бақувват, жун-тола қопламнинг ипаксимонлиги, ялтироклиги меъёрда ёки кучли. Расми аниқ, ёндош-тўғри. Териси юпка ёки бироз калинлашган. Бош ва оёқларининг жун тола қоплами унча аниқ бўлмаган мавжлар ҳосил қилган. Конституцияси мустаҳкам ёки нозиклашган. Кўзи териси "яси юпка ва калин I" навларига мос.

Мустақил иш учун топшириқлар.

Яси гуруҳга қирадиган ҳар хил налдаги 12 та қоракўл тери тасвирланиб, синфи аниқлансин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

Яси қалами гул типдаги қора рангли кўзиларни ажратиб турадиган хусусиятлари нималардан иборат?

Жингалақлари йирик кўзиларни элита синфига киритиш мумкинми?

Яси қоракўл типдаги кўзиларнинг жун қоплами нима билан ажралиб туради?

Ҳар хил кластарга мансуб яси тип кўзиларни тасвирлаб беринг.

22 - МАШГУЛОТ

Мавзу: Қовургасимон қалами гул типдаги қора рангли қўзилар синфларининг таърифи.

Машгулотдан мақсад қовургасимон қалами гул типга мансуб ҳар хил синфдаги қоракўл қўзилар хусусиятларини тушунтириб бериш ва талабаларни уларни теридан ажратиб, танлаб олишга ўргатиш.

Ўқув кўргазмалаи қўлланмалар - қовургасимон қалами гул типга мансуб қоракўл терилар йиғиндиси . Қоракўл қўзиларни бонитировка қилишга оид қўлланмалар. Қоракўл қўзиларни бинотировка қилиш альбомлари.

Машгулотни ўтказиш тартиби - сўраш, қоракўл териларни кўрсатиб туриб тушунтириб бериш, ёздириш (синфлар тавсифини талабалар қўлланмадан мустақил кўчириб олишади). Қоракўл терини тасвирлаш юзасида мустақил иш.

Сўраш учун саволлар?

Ясси қалами гул қўзиларга эн солиш, қизиб кўрсатинг

Ясси қалами гул қўзилар синфларини тасвирлаб бering.

Элита 1 ва 2 синф қўзиларининг териси қайси навларга тўғри келади ва уларнинг конституцияси қандай бўлиши керак?

Ясси қалами гул типдаги қандай қўзиларни наслчиликда фойдаланиш учун қолдирса бўлади?

Машгулотнинг мазмуни. Ҳар хил синфга мансуб қовургасимон қалами гул типли қўзиларни тасвирлаб чиқиш ва уларнинг ҳаммасини албатта терилар мисолида кўрсатиб бериш. Буларнинг қайси хиллари матлуб типлар эканлигини, қайсиларини наслчиликда фойдаланиш учун қолдириш мумкинлигини батафсил тушунтириб бериш. Жингилаклари йирик айрим қўзилар жун қопламанинг қалта тортган ва сифатсиз бўлишига қуруқ тоаларнинг учраб туришига аллоҳида эътибор бериш керак.

Шундан сўнг талабалар қовургасимон қалами гул типли қўзилар синфларининг таърифини мустақил кўчириб олишга киришади.

Ковургасимон қалами гүл тиши.

Элита-ўрта гүл. Бутун танаси бўйича узун ковурга қалами ёки узун ёл гуллар. Гуллари бақувват, расми аниқ ёндош-концентрик ёки ёндош-тўғри ҳамда арчасимон. Жун-тола қоплами қуюқ, ипаксимон, ялтироклиги кучли ёки меъёрда. Териси зич ва юпка. Бош ва оёқларининг гуллари билан қопланиши яхши. Ривожланиши яхши, конституцияси мустахкам. Кўзи териси "ковургасимон юпка" навининг энг яхши қисмига мос.

1 синф ўрта ёки қатта гүл. Сағриси ва орқа белида узун ва ўрта узунликдаги ковургасимон қалами гуллар ва узун ёл гуллар, ёнбошларида эса камрок силлик гуллар бўлиши йўл қўйилади. Гуллари мустахкам, расми ёндош-тўғри. Жун тола қоплами қуюқ, ипаксимонлиги меъёрида. Териси зич, юпка. Бош ва оёқларининг гул билан қорежасиши ўртача, конституцияси мустахкам ёки нозиклашган. Кўзи териси "ковургасимон юпка 1" ёки "ковургасимон қалин 1" навларига мос.

2 синф-ўрта ва майда гүл. Кўзининг сағриси ва орқа белида ўрта ва қатта узунликдаги ёл гул, ковурга қалами гул, ён қисмларида ёл гул ва ялтирок гуллар. Гуллар шишиқлиги (қалинлиги) ўрта, жун-тола қопламнинг зичлиги ўрта, ипаксимонлиги етарли эмас, ялтироклиги меъёрида ёки меъеридан паст. Гулларнинг расми етарли эмас. Жун-тола билан қорежаганлиги етарли эмас, конституцияси мустахкам, нозик ва дағал.

2 синф-қатта гүл. Кўзининг сағриси ва орқа белида ковурга қалами гул ва ёл гул ёки дона гул, ёл гул ва ялтирок гуллар, ёки кенг ёл гуллар. Гулларнинг шишиқлиги (қалинлиги) ўрта, жун-тола зичлиги ўрта, ипаксимонлиги етарли эмас, ялтироклиги ўрта ва етарли эмас. Гул расми ноаниқрок, териси пухта (пишиқ), жун билан қорежаганлиги етарли эмас. Конституцияси дағал.

2 синф. Гул ўлчамлари майда, ўрта, қатта. Терининг асосий қисмида ўрта узунликдаги ёки қиска ярим доира, дона, ковургасимон ясси қалами ва ёл гуллар. Қорин қисмида сифатсиз гуллар, расми ноаниқ. Жун-тола қоплами тигиз, ўсик, ипаксимонлиги ва ялтироклиги паст. Конституцияси

Кўзи териси "жакет 2" ковургасимон юпка" ва "калин", "ясси 2", "кавказ қалин ва юпка 1", "флера" навларига мос.

Селекция учун яроксиз. Терисининг сифати иккинчи синф талабаларига жавоб бермайдиган кўзилар.

Яроксиз (пучак) Барча 2 синф талабларига жавоб бермайдиган кўзилар: жун-толеси сийрак, курук, дагал, гулларнинг шакли халка, бурами, пўхат, бузук ва ола кўзилар.

Мустақил иш учун топшириқлар

Ковургасимон гуруҳга кирадиган ҳар хил навдаги 12 та коракў тери шаклга мувофиқ тасвирлаб берилсин (машгулот, жадвалга қаранг).

Мустақил ишни бажариш вақтида ўқитувчи шаклнинг тўғри тўлдириб, тўғри баҳо берилаётганини назорат қилиб боради, тегишли изох-тушунтиришларни бериб туради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

Ковургасимон калами гул типига мансуб кўзиларнинг бошқа коракўл типига кирадиган кўзилардан фарқи нимадан иборат?

Мағлуб тип деб ҳисобланадиган ковургасимон кўзиларни характерлаб беринг.

Элита кўзилари 1 синф кўзиларидан нима билан фарқ қилади?

Жингалаклари йирик кўзиларни элита ёки 1 синфга киритиш мумкинми?

Ковургасимон типга мансуб эркак кўзилар орасидан қайсыларини насадчиликда фойдаланиш учун колдириш мумкин?

23 – МАШГУЛОТ

Мавзу: Кўк қорақўл кўзиларнинг ранг туслари, ранг-баранглиги ва бонитировка қилиш хусусиятлари.

Машгулотдан мақсад - Кўк кўзиларни бонитировка қилиш хусусиятларини тушунтириб бериш, ранг-туслари ва ранг барангликларга ажратишга ўрганиш.

Ўқув кўргазмалари кўлланмалар - ҳар хил ранг-барангликдаги терилар, кўзиларнинг тулумлари, қорақўл кўзиларни бонитировка қилиш альбому ва шунга оид кўлланмалар (лайдлар, диопозитивлар).

Машгулотни ўтказиш тартиби - сўраш, қорақўл териларни кўрсатиб туриб тушунтириб бериш, ёздириб (ранг-туслари ва ранг-баранглигининг тафсирини, талабалар кўлланмадан мустақил ҳолда кўчириб олади). Кук қорақўл кўзиларнинг туслари ва ранг-баранглигини аниқлаш юзасидан мустақил иш.

Машгулотнинг мазмуни. Талабаларнинг диққатини аввало кук қорақўл кўзиларнинг тусига, рангининг бутун кўзи танаси бўйлаб бир текис тарқалганлиги ранг-баранглигига, типига ва синфига қараб тақлиқига жалб этиш керак. Кук қорақўл тери оқ ва қора жун тоғаларнинг аралашувидан ҳосил бўлади.

Кук рангли кўзилар тусларга гул типлари ва синфларга бўлинади. Кўзилар рангининг оч-тўқлиги бўйича учта тусга бўлинади: оч, ўрта ва тўқ. Ўрта-кук туслари кўзилар орасида хаворанг, қумушранг, марваридранг ва кўргоширанг, тўқ кук кўзилар орасида "оқ тушган" (седа), садафсимон ва қора-кук, оч кук кўзилар орасида пўлатиранг ва сутсимон каби туслар учрайди. Ховаринг, марваридранг қумушранг ва "оқ тушган" тусларга мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Оч кук кўзилар терисида оқ-жун тоғалари 70 фоиздан кўпроқни ташкил қилади.

Хаворанг кўзиларнинг жуи коплами оқ жуи толалари 55-65 фоизни, қолганларини қора толалар ташкил этади. Оқ толалар қораларга нисбатан 15 фоиз узунроқ бўлади.

Кумушранг кўзиларнинг жуи коплами 65-70 фоизгача оқ толалар бўлиб, улар қора толаларга нисбатан 20-25 фоиз узунроқ бўлади.

Марваридранг кўзиларнинг жуи коплами 55-65 фоиз оқ толалар бўлади. Оқ толалар қора толаларга нисбатан 40-50 фоизгача узунроқ бўлади. Бу ранг кўзилар танасида асосан дона гуллар бўлиши мумкин.

Қурғоширанг кўзиларнинг жуи копламида оқ ва қора толалар миқдори ва узунлиги тенг бўлади. Қора толаларнинг пигментланиш даражаси етарли бўлмай, ик толалар хира бўлади.

"Оқ тушган" (седа) рангдаги кўзиларнинг жуи копламида қора толалар 70-80 фоизни ташкил этиб, оқ толалар қора толаларга нисбатан 10-15 фоиз узунроқ бўлади.

Садафранг кўзиларнинг жуи копламида қора толалар 70-80 фоизни ташкил қилиб, оқ толаларга нисбатан 45-50 фоиз узунроқ бўлади.

Қора кук рангли кўзиларнинг жуи копламида қора толалар 80 фоиздан кўпроқ бўлиб ранги жуда ҳам нотекис бўлиши билан ажралиб туради.

Пўлати кўзиларнинг жуи коплами оқ ва қора толалар бир хил узунликда бўлиб, ялтироклигининг яхшилиги билан ажралиб туради. Оқ толалар 70-75 фоизни ташкил қилади.

Сут ранг кўзиларнинг жуи коплами оқ толалар қора толаларга нисбатан анча узун ва миқдор жиҳатдан 75 фоиз зиёдрокни ташкил этиб, кучсиз ялтирокликка эга бўлади.

Ранг-барангликда бевосита қоракўл терилари мисолида тасвирлаб берилсади, бунда ранги бўйича хил танлаб жуфтлаб олинган кук кўзилар наслининг биологик хусусиятларини ва кўзиларнинг кўпчилиги ирсий омиллар туйфайли тугилгандиган кейин ўлиб кетишини айтиб ўтиш керак. Шиллик пардалари кучли пигментланган кук кўзилар конституцияси жиҳатидан бирмунча бакуватт бўлади. Пигментацияси кучсиз кук кўзилар кўпича яшашга ноқобил бўлиб, ривожланишининг турли даврларида ўлиб кетади.

Бонтировка вақтида ХОА (РОЖ) усулини қўллаш билан ранги ўйича хил жуфтлашдан олинган кук кўзилар орасида бўладиган нобудгарчиликни камайтириш мумкин.

Тил ва танглай, кўз конъюктивалари, лаб ва тумшук шиллик пардалари, шунингдек туёқлар пигментининг ранги жихатидан олган бир мунча аниқ боғланиш борлиги маълум бўлади.

Пигменти йўқ кўзиларнинг шу жойларда қон томирларининг кўриниб туришидан оқ рангда бўлади, бундай кўзилар ёшлигида ўлиб кетади (типик альбинослар).

Кук кўзилар пигментация даражасидан ташқари танасининг тузилиши ва саломатлигининг аҳолига кўра ҳам таъланади. Альбинодлиги кўриниб турган ва шу белгиси бор деб гумон қилинган кўзиларнинг ҳаммаси териси учун суйиб юборилади.

Узун ва ўртача узун қалами гул жингалакларининг жуда ипақдек бўлиб, яхши ялтираб туриши наслчиликда фойдаланиш учун олиб қилинадиган кук кўзиларга қўйиладиган талабларнинг энг асосийсидир.

Кўк рангли кўзилар билан наслчилик ишларини олиб боришнинг асосий йўналиши - ранг текислиги яхши бўлган, мақсадга мувофиқ ранг-барангликдаги қўйларни кўпайтириш, гулларнинг тери юзасидаги расм аниқлиги ва жуи-тола қопламнинг сифатини яхшилаш, қуйлар ҳаётчанлигини, табиий серпуштлиги ва ирсий хусусиятларини оширишдир.

Мустақил иш учун топшириқлар

Кук териларнинг оқ ва қора жуи толаларнинг миқдори, бир-бирига нисбати, узунлиги, қора толаларнинг пигментация даражаси ва оқ толаларнинг оқлиги жихатидан тасвирлаш.

Терининг ранг-туси, ранг-баранглиги ва унинг бутун тери юзаси бўйлаб бир хил тақсимланганлигини аниқлаш

Хар қайси ранг теридан 12 тадан ҳаммаси бўлиб 36 та олиб, қўйидаги шакл бўйича тасвирланг.

№	Тери №	Жуннинг миқдори		Қора жун тодалар пигментацияси интенсивлиги.	Оқ жун-толала- рининг оқлиги.	Ранги	Накши	Накшанинг бир текислиги
		оқ	қора					

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

Кук кўзиларни бонитировка килишида қора кўзилар олинганда янада қандай қушимча белгилар аниқланади?

Кук кўзиларининг терилари ранг-туслари ва ранг-баранглигининг ҳосил бўлиши нимага боғлиқ?

Қандай ранг-баранглик ҳаммадан кўра энг қимматли деб ҳисобланади?

Бир хил рангли кўйлардан тутилган кук кўзиларининг биологик хусусияти нимадан иборат?

24 – М А Ш Ғ У Л О Т

Мавзу: Кўк рангли кўзиларга эн солиш тартиби.

Машғулотдан мақсад - асл зотли кук кўзиларни синфификациялаш хусусиятлари ва уларга эн солишни тушинтириш. Кук кўзиларнинг барра типини аниқлаш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар - ҳар бир ранг-барангликдаги терилар, кўзи тулумлари, кўзиларни синфификациялаш ва уларга эн солиш жадвали, слайдлар, диапозитивлар.

Машгулотни ўтказиш тартиби - сўраш, қоракўл териларни кўрсатиб тушунтириб бериш, ёздириш (кўзиларни синификациядан ва уларга эн солиш схемасини талабаларга мустақил ҳолда кўчириб оладилар).

Қоракўл кўзиларнинг рунг-тўси, нақшларининг ранг-барангглиги барра типини аниқлаш юзасидан мустақил иш.

Машгулотни ўтказиш тартиби талабаларнинг диққат эътиборини кук кўзилар ҳам, қора рангли кўзилар сингари ярим доира калами гул, қовургасимон калами гул, ясси калам гул, ўсик гул типларига бўлинишига жалб этиш зарур. Бунда талабаларнинг эътиборини асосан дастлабки уч (калами гул, қовургасимон гул, ясси гул) типларга қаратиб, тўртинчидан ўсик гул типини ҳамма хил гулларга киришига қаратиш лозим. Маълумки, кук Кузилар конституциясининг бўшлиги ва жуи-толаларининг узунроқ бўлиши жингалакларининг йирикроқ бўлиб чиқишига олиб келади. Бундай кўзилар терисининг жингалаклари камроқ жингалакланган (буралган), териси юпқароқ ва бўшроқ бўлади.

Кейин кук кўзиларга эн солиш хусусиятларини тушунтириш ва кук кўзиларни рангига қараб баҳолашнинг муҳимлигини тушунтириш лозим.

Кук кўзиларга эн солиш тасвири

Барра типларнинг турлари	Синфлар	Кук рангининг туслари		
		оч кук	ўрта кук	тўқ кук
Қалами гуллар (жакет)	Эл		Ҳаво ранг	
Қовургасимон ва ясси гулилар	Эл		Кумушсимон	
Ҳамма хил гуллар	I		Ҳаворанг	

Яроксиз (пучак)	II		Кумушсимон	
--------------------	----	--	------------	--

ҚОРАҚҮЛЧИЛИКДА ЁШ ҚЎЗИЛАРНИ ЎСТИРИШ, ОНАСИДАН АЖРАТИШ ВА ОТАРЛАР ТУЗИШ ТАРТИБИ

Машигулотдан мақсад - қўзиларни ўстириш ва онасидан ажратиш хуёусиятларини, қорақўл зот қўзилардан уларнинг жинси, наслчиликдаги киммати, ахволи ва ёшига қараб отарлар тузиш принципини ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмали қўлланмалар – қорақўл қўзилар бонитировкаси маълумотлари, бонитировка натижалари бўйича ёш қўзилар инвентаризациясининг якунловчи акти, кишлоқ хўжалиги учун истикболини

режалаш нормативлари спровочниги, кўйбоқар спровочниги, схемалар, плакатлар, слайдлар.

Машгулотни ўтказиш тартиби – машгулот аудиторияда ўтказилади. талаба кўзиларни ўстириш хусусиятлари ва онасидан ажратиш техникаси билан мустақил танишиб чиқади ва сўнгра топширикни бажаради. Ўқитувчи машгулотнинг боришини назорат қилиб туради ва зарур бўлган пайтда тегишли изоҳларни бериб боради.

Машгулотнинг мазмуни.

Қоракўлчиликда, асосан, кўзиларни онасига эмдириб боқиш усули қўлланилади. Шу муносабат билан кўзилар тутилганидан кейин онаси билан бирга бўлади. Кўзиларнинг онасидан биринчи марта оғиз сутини эмиши ката чўпон назорати остида ўтказилади, шу чўпоннинг ўзи кўйнинг сути бор – йўқлигини ҳам текшириб кўради.

Амалда баъзан кўзиларни бошқа она кўйларга эмдириш зарурияти туғилади. Бундай ҳолларда кўзиларни совликлар (кўзилари териси учун сўйилган) ёнига қўйиб қўйилади. Бунда уларни алоҳида катаклар ёки чуқурларга битта – биттадан жойлаштирилади ёки махсус установкаларда парвариш қилиб борилади. Кўзилар ҳаётининг дастлабки 30 – 45 куни мобайнида, асосан, онасининг сути билан озикланиб боради.

Кўзиларнинг яхши ўсиб, ривожланишини таъминлаш учун уларнинг ёшига қараб қуйидаги миқдорларда сакмонлар тузиш тавсия этилади (И.Я.Аверьянов, 1954);

3 кунликкача бўлган кўзилар 10 – 30 бош;

3 – 10 кунлик кўзилар 30 – 50 бош;

10 кунликдан катта кўзилар – 50 – 200 бош.

Ўстириш даврида кўзиларнинг онасини эмиши ва овқат ейишини синчиклаб кузатиб бориш зарур. Эмизикли совликларни тўлиқ рацион билан боқиб бориш кўзиларнинг яхши ўсиб – униб боришини таъминлайди.

Кўзиларни ёш сакмондан каттароқ сакмонга ўтказишда ҳар бир кўзининг ёшидан катъи назар организмнинг умумий ҳолати ва ривожланиш даражаси ҳисобга олинади. Сакмонларни «она - бола» га ажратиш жараёнида она кўйлар ва уларнинг кўзилари бор – йўқлиги доимо текшириб турилади.

Заиф кўзилар алоҳида сокмонга ажратилиб, яхши парваришланади ва боқилади. Бу совликларга яйлов озигига қўшимча қилиб концентратлар ёки сервитаминли пичан бериб турилади. Сакмондаги кўзилар парвариши сакмончиларга топширилади.

Сакмонларни ўтлатишда қуйидаги талабларни бажо келтириш зарур:

- Бир сакмондаги кўзиларнинг бошқа сакмондаги кўзилар билан аралашиб кетмаслигига;
- Кўзиларни йўлларда, хайдаладиган ерларда ва юмшук тупроқли яйловларда ўтлашига (кўзилар тупроқ ейди ва шундан кейин кўпича ўлиб қолади) йўл қўймасликлари;
- Кўзилар онасини топиб олиши учун сакмонни ҳар куни 2 – 6 мартадан (кўзилар ёшига қараб) тўпашлари;
- Кўзиларнинг зах ерда, айниқса ёмғирдан кейин ётишига йўл қўймасликлари (аке ҳолда, улар шамоллаб касал бўлиб қолиши мумкин);
- Кун ботиши билан кўзиларни хайдаб келиш (агар улар оналари билан бирга ўтлаб юрган бўлса) ва эрталаб уларни барвақт ўрнидан тургасмаслик;
- Бир ойли катта сакмонларни кечаси оналарни билан бирга ўтлатиш;
- Заиф кўзиларга ёки наслчиликда фойдаланиш учун мўлжаллаб қўйидаги энг қимматли кўзиларга 1,5 – 2 ойлигидан бошлаб яйлов ўтларига қўшимча равишда ҳар бир бош кўзига кунига 0,2 – 0,4 кг ҳисобидан (яйловларнинг ҳолатига қараб) концентратлар бериб туриш тавсия этилади.

Сакмонларни ўтлатиш учун тупроги тез қизийдиган, серкум ва совук шамолларни тўсувчи табиий ҳимояси бор жойлар танланади. Заиф кўзилар эса кўра атрофида қолдирилади. Улар қувватига кириб, тетиклашган сайин очик яйловларга хайдалади. Барча ёшдаги сакмонларни кўзилаётган жойдан очик яйловларга барвақт чиқариш кўзиларнинг яхши ўсиб – униб боришига ҳамиша ёрдам бериши тажрибада исботланган. Ўстиришга қолдириладиган ҳар 100 – 120 бош кўзига 45 кунга 1 та сакмончи ажратилади.

Қоракўлчилик хўжаликларида одатда кўзиларни 3,5 – 4,5 ойлигида онасидан ажратилади. Қоракўл кўзиси онасини эмадиган даврда тез ўсади ва тирик вазни вояга етган кўйлар вазинининг 60 – 65% ига етиб қолади. Масалан, яхши ривожланган кўзининг тирик вазни онасидан ажратиш маҳалида 28 – 32 кг, ўртача ривожланганиники 22 – 27 кг вас уст ривожланган кўзининг тирик вазни 15 – 21 кг бўлади. Жуда заиф, ривожланмай қолган кўзилар, шунингдек танасида бирор шикасти (чиккан, синган жойлари) бўлганлари онасидан ажратишда алоҳида ҳисобга олинади, аммо бажариладиган режа ҳисобига киритилмайди ва бу кўзилар маълум бир кондицияга етмагунча ёки батамом соғайиб кетмагунча улар учун чўпонларга кўшимча ҳақ тўланмайди.

Кўзилар ранги, жинси, наслчиликдаги ўрни, бара типини (маҳсулдорлик типини), синфини ҳамда жингалагининг йирик – майдалигига қараб ажратилади. Бу ҳақдаги маълумотлар кўзиларни онасидан ажратиш тўғрисидаги чқунловчи актга ёзиб қўйилади. Ёш кўзиларни қабул қилиб олишда манна шу акт асосий ҳужжат ҳисобланади. Ёш кўзилар онасидан бирин – кетин ажратиб борилади. Онасидан ажратишдан 10 – 15 кун аввал ёш кўзилар совликлардан алоҳида ўтлатилади, эрталаб эса уларни оналарининг ёнига қўйиб қўйилади. Кўзиларни онасидан ажратиш иши шу тарика ташкил этилганида кўзилар ўзича ўтлаб юришга ўрганади ва онасидан батамом ажратилганидан кейин ўзини яхши сезиб, организм ҳолатида айтарлиқ ўзгаришлар бўлмайди. Кўзилар ўргатилмасдан туриб, онасидан бирдан ажратиб қўйилса улар она сутидан маҳрум бўлиб фақат яйлов ўтлари билан озикланишга мажбур бўлади. Анна шундай кескин ўзгариш айрим ноҳужа ҳолисаларга сабаб бўлади, чунки кўзилар мустақил ҳаётининг дастлабки кунларида яхши ўтламайди, уларда молдалар алмашинуви бир қадар бўзилади, натижада ёш кўзилар ўсини ва ривожланишда орқада қолади. Кўзилар онасидан ажратилганидан кейин юкорида айтиб ўтилган ҳолисалар рўй бермаслиги учун ёш кўзилар отарларига 15 – 20 бош совлик қўйларни қўшиб қўйиш тавсия этилади. Зооветеринария талаблари бўйича кўзиларни онасидан ажратгандан кейин урғочиларни алоҳида тўқилар гуруҳсига, зотли эркек кўзиларни қўчқорчалар гуруҳсига ажратиб қўйиш керак. Ривожланмай қолган ва сурункасига касал бўлиб юрадиган заиф – кўзилар алоҳида гуруҳларга ажратилади.

Соғлом тўқлилар ранги, баррасининг тиши, жингалагининг йирик – майдалиги, синфи ҳамда бошқа бонитировка маълумотларига қараб алоҳида отарларга жамланади ва энг серўт яйловларда ўтлатилади.

Кўзиларни онасидан ажратиш ва улардан отарлар тузишда қуйидагиларни ҳисобга олмоқ зарур:

1. кўзиларни онасидан ажратиладиган жой ва муддатларни, булар хўжалик жойлашган экологик ҳудуд, яйлов – озика шароитлари ва йилнинг икким шароитларини;
2. кўзиларни онасидан ажратиш техникасини, яъни кўтонлар ёки ажратиб қўйилган жойлар, йўл бошловчи эчкилар, серкалар ва совликлардан фойдаланиш имкониятларини;
3. Отарлар сони, наслдор тўқлилар учун 600 – 620 бош, оддий пода тўқлилар учун 800 – 850 бош, зотли эркак кўзилар учун 300 – 350 бош, бошқа эркак кўзилар учун 750 – 800 бош ҳисобидан тузилади;
4. Отарларнинг дастлабки сифат таркиби (отарларнинг сифат таркиби бонитировка маълумотларига асосан тузилган. Яқинловчи инвентаризация актига қараб аниқланади);
5. Зарур бўладиган чўпонлар ва ёрдамчи ишчилар сонини.

Занф кўзилар отарини кишлокка яқин жойда, эски бедзорларга жойлаштириш, учун чучук сув билан таъминлаб тури шва ёш кўзилар суткасига 100 – 120 г дан ўсиб борадиган қилиб қўшимча озик бериб бориш керак. Қолган кўзилар сифатига қараб отарларга жамланади.

ЁШ КЎЗИЛАР ОТАРЛАРИНИ ТУЗИШ ТААРТИБИ.

НАСРЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА ОТАРЛАР ТУЗИШ.

Қора рангли қоракўл кўзилар қуйидагича алоҳида – алоҳида отарларга жамланади:

Барра тип и яримдоирасимон кўзилар:

- а) майда жингалакли элита ва I синф;
 - б) ўртача жингалакли элита ва I синф;
 - в) йирик жингалакли I синф;
- ўртача жингалакли II синфю

хар бир гурух чўйлари етишмайдиган бўлса, майда жингалакли ва ўртача жингалакли элита ҳамда I синф кўзиларни битта отарга кўшиш мумкин. Бундан ташқари I синф йирик жингалакли кўзиларни II синф ўртача жингалакли кўзиларга кўшиш мумкин.

2. Ясси барра типдаги кўзилар.

а) элита ва I синф;

б) II синф.

3. Қовургасимон барра типдаги кўзилар:

а) элита ва I синф;

б) ўртача жингалакли II синф;

в) йирик жингалакли II синф.

Хўжаликда ясси ва қовургасимон барра типдаги кўзилар сони етарли бўлмаган ҳолларда уларни кўйидаги тартибда кўшиб боқилади: ясси барра типдаги элита ва I синф кўзилари қовургасимон барра типдаги элита ва I синф кўзилари билан бирга боқилади; ясси барра типининг II синф кўзилари қовургасимон барра типининг II синф кўзилари билан бирга боқилади.

4. Жул қоплами ўсик бўладиган кавказ барра типдаги кўзилар:

а) Гул ўлчами ўртача II синф;

б) Гул ўлчами катта II синф;

в) Гул ўлчами майда II синф.

Жингалаклари бир хил ўлчамдаги кўйлар сони кам бўлганда уларни битта отарга кўшиш мумкин. Шу тарика тузилган отарлар доимий бўлиб ҳисобланади. Уларни кўйлар хўжалик ишлаб чиқаришида бўладиган вақтнинг бошидан охиригача чўпон бригадаларига топшириб кўйилади. Отарлар тузишнинг ана шундай усули кўй – кўзиларни соғлом ва яхши ривожланган килиб етиштиришда чўпонлар манфаатдорлигини оширади. Отарлар ҳар йили кузда кўшимча равишда кўздан кечириб чиқилади. Қасаллиги, ривожланиш даражаси, конституцияси жиҳатидан талабларга жавоб бермайдиган кўйлар бракка чиқарилади, отарлар ранги, баррасининг тип, синфи ва ёши бўйича тегишли бўлган хайвонлар билан тўлдирилади.

КЎК ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАР ОТАРЛАРИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ.

Кўк қўзилар отарларини тузишда терисининг ранг – тучи, нақши, синфи, барра типи (маҳсулдорлиги) ҳисобга олинади.

1. Ярим доирасимон барра тип қўзилар қуйидаги алоҳида отарларга жамланади:

а) ўртача кўк рангли, хаворанг, қумушсимон нақшли элита ва I синф қўзилар;

б) тўқ рангли, сафид ва салафеимон нақшли элита ва I синф қўзилар;

в) оч кўк рангли, пўлати нақшли I синф қўзилар;

г) барча ранг – тус ва нақшлардаги II синф, кавказ тип қўзилар ҳам шунга қўшилади.

2. Ковургасимон – ясси барра тип ёш қўзилар қуйидаги отарларга ажратилади:

а) ўртача кўк рангли, хаворанг, қумушсимон нақшли элита ва I синф қўзилар;

б) тўқ кўк рангли, сафид ва салафеимон нақшли элита ва I синф қўзилар;

в) барча ранг – тус ва нақшлардаги II синф қўзилар.

Қандай бўлмасин бирор барра типи, ранг – тус ва нақшдаги, синфдаги зотдор, қимматли хайвонлар сони кам бўлса, улар ўзига монанд келадиган қимматли, зотдор хайвонларга қўшилади; қиммати пастроғи эса қиммати пастрок қўйларга қўшиб боқилади.

СУР ҚЎЗИЛАР ОТАРЛАРИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ.

Барча сур қўзилар отарлари Бухоро сури бўйича ихтисослаштирилганда тилларанг, қумушранг, Сурхандарё сури бўйича ихтисослаштирилганда платинасимон, бронзасимон ва қаҳрабосимон; Қорақалпоқ сури бўйича ихтисослаштирилганида пўлати, ўрик гул, шамчирокгулнақшларга ажратилади. Барра типларини ҳисобга олиб туриб ҳар бир нақш бўйича қўзилар отарларга жамланади. Ҳар бир нақш ва барра типи доирасида қўзилар синфларга ажратилади. Битта нақш доирасидаги ёш қўзилар сони ка бўлса, ковургасимон барра типга мансуб I синф ёш қўзиларини ясси барра типга мансуб I синф ёш қўзилар билан бирлаштира бўлади. II синф ёш қўзиларини ҳам худди шу

принципга мувофиқ бирлаштириш мумкин. Ярим доирасимон ва ўсиқ барра типдаги II синф кўзилари ҳам бирлаштирилади.

ТОВАР ХЎЖАЛИКЛАРДА ЁШ КЎЗИЛАР ОТАРЛАРИНИ ТУЗИШ.

Товар хўжаликларидида тўқдилар ранг – туси, барра типи ва синфларига қараб ажратилади. Жакет, ясеи ва ковоургасимон типлар элита синфи кўзиларини жингалаклари ҳар хил катталиқда, ранг – туси ва накши ҳар хил бўлган I синф кўзиларини битта отарда асрашга руҳсат этилади (тўлдириб комплекшлаш). Жингалакларининг катталиғи ҳар хил бўлган II синф кўзиларини барра типи, ранг – туси ва накшини ҳисобга олиб туриб бирлаштиришга руҳсат этилади. Отарлар сифати жиҳатидан нечоғлиқ бир жинсли қилиб тузилса, саралаш ҳам шунча самарали бўлиб чиқади. Мана шу кўрсаткичлардан ташқари Наслчилик заводларида ҳайвонларнинг насл – насаби ҳисобга олинади, шу сабабли ёш кўзилар отарларини сара элита, оддий элитадан алоҳида тузиш тавсия этилади. Жуда дағал ёки жуда нозик конституцияли кўзилар синфидан катъи назар завод подасига қўшилмайди.

Наслчилик заводларида кўзилар отарларини тузишда, ушбу хўжалиқда ҳайвонлар линияси яратилаётган ёки линиялар бўйлаб урчиштириш ишлари олиб борилаётган бўлса, алоҳида зотдор қўчқорлардан тугтилган кўзиларни ҳисобга олиб бориш жуда муҳим.

Кўзиларнинг нормал ўсиб ривожланиши учун онасидан ажратилганидан кейин 10 – 12 ойлик бўлгунича уларни яхши боқиб бориш, тез – тез яйратиб туриш ниҳоятда зарур.

Кўзи отарлари учун яйлов ажратишда жой рельефи, тупроғининг тури ҳисобга олинishi керак. Қум барханлари бўлган ва бута, ўт ўсимликлар ўсиб турган баланд – паст жойлар улар учун ҳаммадан қулай келади (С.И.Кедрова, 1969). Мана шундай яйловларда майда ўтлар етарли миқдорда бўлади (читир, қорамашак, арпағон, сита, қуён жун ва бошқалар). Мана шундай жойларда кўзилар яхши ўтлабгина қолмай, балки яйраб сайир ҳам қилади. Бу уларнинг бақувват, чидамли ва маҳсулдор ҳайвонлар бўлиб етишишига ёрдам беради.

Кўзилар учун тахминий озик нормалари (Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти маълумотлари)

Ёши (ой)	Тирик вазни, кг	Озик бирлиги	Ҳазм бўладиган протеин, г	Туз, г	Са, г	Каротин, мг
4-6	23-30	0,95-1,5	140-155	6-10	6,0-7,0	7-10
6-8	31-34	1,05-1,15	145-160	6-10	6,3-7,3	7-10
8-10	34-39	1,15-1,25	150-165	6-10	6,6-7,3	8-13
10-12	41-46	1,20-1,40	155-180	6-10	6,8-7,8	9-13

Бундан ташқари мана шундай яйловларда киш иликрок бўлади. Ўт қоплами қалин бўлган яйловларда онасидан ажратилган кўзиларнинг вазни суткасига ўртача 150-200 г дан ортиб боради ва йил охирига бориб, уларнинг тирик вазни 38-40 кг га етади. Бу эрта туғилган қорақўл қўчқорчаларни уша йилнинг ўзидаёқ гўшга тоншириш мумкинлигини кўрсатади. Мана шу даврда ҳар бир кг қўшимча вази ҳисобига қилинган харажат энг кам бўлади. Бундай кўзилардан энг арзон ва юқори сифатли гўшт олиш мумкин.

Агар шу ёшда кўзилар озика билан яхши таъминланмай қолса, ноқулай ташқи шароитта бардош беролмай, заиф ва кам маҳсул бўлиб, кўпинча ўлиб кетади.

Ёш кўзиларни диққат билан парвариш қилиб бориш, уларни вақтида ўтлатиб, вақтида сугориб туриш ва дам олдириш керак. Кўзилар парваришининг маълум бир режимига жуда тез ўрганади. Улар олис масофаларга ҳайдаб борилганда тез чарчаб қолади, сувсизликка, сувнинг шўр бўлишига чидамсиз бўлади. Кўзилар онасидан ажратилгандан кейин сувдан, ўт, беда экилган жойларда ёки майин ўтли яйловларда ўтлатиладиган бўлса, у ҳолда кунига икки марта эрталаб ва кечқурун ҳайдаб келиб сугорилади. Бордию кўзилар ўти қовжираган яйловларда ўтлатиладиган бўлса, у ҳолда онасидан ажратилгандан кейин дастлабки 2 ой мобайнида уларни яйловларнинг ўзида сугориб туриш мақсадга мувофиқдир (яйловларга сув алтоцеситерналарда олиб келинади).

Совуқ тушиб колган кезларда кўзиларни эрталаб нахорга сугориш ярамайди. Улар ичкетар ва шамоллаш касалликларига учраб колиши мумкин. Юриб келиб, иссиқлаб турган кўзиларни ҳам сугориш ярамайди. Сугориш олдида улар дам олиши керак.

Тошширик

Фермада 14500 бош, шу жумладан 900 бош наслдор эркак кўзи, 1600 бош кам кимматли эркак кўзи, 670 бош сует ривожланган кўзи бор. Кўзиларнинг колган киеми тўклилар бўлиб, уларнинг 40% кўк, колгани қора ранглидир. Ранг – туси жиҳатидан олганда тўклиларнинг 40% жакет, 20% кавказ тинига киради, колганлари ковургасимон яеси тинга мансуб. Ёш кўзиларни 9-жадвалдагига мувофиқ отарларга жамлаш, уларнинг умумий сонини чўпонлардан неча киши зарур бўлишини ва заиф кўзилар учун 4 ойлик муддатга хар хил турдаги озикалардан канча кераклигини чикиш зарур (1 бош кўзига ўрта хисобда 150-200 г концентрданган озиқ ва 500 г ўт уни хисобида). Отарлар товар хўжаликлари принципага мувофиқ тузилади.

9-жадвал

кўзи отарларини тузиш режаси

Партиб	Отар рақами	Катта чўпоннинг	Кўзилар сони (бош)	Жинси	Ранги	Барра тили	Сифи	Қанча зарур бўлади					
								Чўпон	Ажратил	Концентрданган	Хашак	Эслатма	
Фирма бўйича жами													

Эслатма: Сифат кўрсаткичларини ўзгартириб тошшириклар-нинг бир неча вариантларини тузиш ва ўқувчиларнинг хар бир гуруҳига дифференцияланган тошшириклар бериш мумкин. Материалнинг яхши

ўзгартириб олиш учун топшириқларнинг бирини уйда ишлаб келиш топширилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қорақўл зот кўзилар қандай усули билан ўстирилади?
2. Етим кўзиларни қандай қилиб боқиб ўстириш мумкин?
3. Сакмонлар тузиш тартибини айтиб беринг?
4. Сакмончи қандай қоидаларга риоя қилиши керак?
5. Кўзилар қайси ёшда онасидан ажратилади ва бу ишни муваффақиятли ўтказиш қандай омилларга боғлиқ?
6. Наслчилик хўжалиқлари билан товар хўжалиқларида ёш кўзилардан отарлар тузиш принципини айтиб беринг.
7. кўзиларни онасидан ажратгандан кейин боқишнинг ўзига хос томонларини айтиб беринг.
8. Кўзиларни суғориш режимини тасвирлаб беринг.

Қорақўлчиликда наслчилик ҳисоби.

Машгулотдан мақсад – наслчилик ҳисоби бўйича формаларни тўлдириш тартибини ўрганиш.

Ўқув ва қўргазмалар – наслчилик ҳисоби учун қорақўлчиликда қўлланиладиган формалар.

Машгулот ўтказиш тартиби – сўраш, тушунтириб бери шва ҳисоб шакллари тўлдириш юзасидан мустақил иш.

Машгулотнинг мазмуни ва уни ўтказиш услуби. Қорақўлчиликда наслчилик ҳисоби кўйидаги формаларга мувофиқ олиб борилади:

1. Наслдор кўчкор қарточкаси (форма – 1-к);
2. Наслдор совлик қарточкаси (форма – 2-к);
3. Уруғлангиришни, совликларнинг кўзилашини ва қорақўл кўзиларни бонитировка қилишни ҳисобга олиш журнали (форма – 3-к);
4. Қорақўл кўзилар бонитировкаси натижалари тўғрисидаги акт (форма – 4-к);

5. Қоракўл тери, бара сифатини ҳисобга олишнинг якунловчи кайдномаъ (форма – 5-к);
6. Қоракўл кўйлар подасининг сифат таркиби тўғрисидаги кайдномаъ (форма – 6-к);
7. Йўлланма (накладная) (форма – 7-к);
8. Кўзилатишнинг бориши тўғрисида акт (форма – 8-к);
9. Қоракўл зот наслдор кўчкорлар ва совликларнинг завод китоби.

Наслчиликни ҳисобга олиб бориш тўғрисидаги ҳозир айтиб ўтилган формалар, давлат наслчилик китоблари Марказий статистика бошкармаси Билан келишилган ва ҳар бир республикада марказлаштирилган ҳолда нашр этиб борилади (буларнинг ҳаммасини талабаларга кўрсатиш зарур).

Наслдор кўчкорлар карточкаси текшириб кўрилган кўчкорларга ҳамда наслининг сифатини текшириб кўриш учун таилаб олинган ва суъий уруғлантиришда фойдаланиладиган кўчкорларга тўлдирилади. Наслчиликда фойдаланиш учун сотилиши керак бўлган кўчкорларга наслдорлик гувоҳномалари тузилади. Унга ёзиладиган ёзувлар бонитировка журнали, вояга етган хайвонларни бонитировка қилиш блокнот ива кайдномаларидан олинган маълумотларга асосланган бўлади.

Наслдор совликлар карточкалари наслчилик заводларида, наслчилик хўжаликларидан ва наслчилик фермаларида элита I синф кўзиларни туккан элита ва I синф совликларига тўлдирилади. Ёзиладиган материаллар бонитировка маълумотларидан, шунингдек қоракўл тери сифати кайдномаидан ҳамда вояга етган хайвонларни бонитировка қилиш кайдномаидан олинади.

Уруғлантириш, совликларнинг кўзилаши ва қоракўл кўзиларни бонитировка қилиш ҳисобга олиб бориладиган журналга наслдор совликлар, шунингдек қайси отарларда кўчкорлар насл сифати текшириб кўрилатган бўлса, ўша отардаги совликлар ёзилади.

Қоракўл кўзиларни бонитировка қилиш натижалари тўғрисида акт ҳар бир отарда кўйлар кўзилаб бўлганидан кейин ўстиришга қолдирилган кўзилар инвентаризацияси асосида тузилиб, бунда кўзиларнинг жинси, ранги, барра тип, синф ива жингалакларининг йирик-майдалиги кўрсатиб кўйилади.

Қорақўл тери барра сифатини ҳисобга олишнинг якуловчи кайдномаи ҳар бир хўжаликда қорақўл териларни қорақўлчилик заводларида саралаб, навларга ажратиш маълумотлари асосида тузилади.

Қорақўл қўйлар подасининг сифат таркиби тўғрисидаги кайдномаъ ҳар йили отарларни тузиш натижаларига қараб тузилади.

Йўлланма (накладная) қўзиларни ва териларни сўйиш пенктига бориш маҳалида бевосита отарларда тулдирилади.

Наслчилик заводлари ва наслчилик хўжаликларидagi наслдор қўчқорлар завод китобига наслдор қўчқорларнинг ҳаммаси, улардан ниса мақсадда фойдаланишдан катъи назар, ёзилади (1,5 ёшлигида бонитировка қилиш маълумотлари ва қўчқорлардан кейинчалик фойдаланилганда олинган материаллар асосида).

Поладаги наслдор совликлар учун завод китоби наслчилик заводларида юритилади, бу китобга барча завод типиди қўйлар ёзилади (элита ва I синф совликлари ҳамда индивидуал саралаш ўтказилаётган жойлардаги элита совликлари). Бу китобга совликларнинг нечтадан кўзи тўқкани ҳар йили ёзиб борилади.

Қўчқорлар билан совликлар биринчи марта завод китобларига тўғилганида ўтказилган бонитировкадан кейин ёзилади. Кейинчалик бу китобга қўйларнинг расми ёпиштирилади, улардан фойдаланиш натижалари ва маҳсулдорлиги тўғрисидаги маълумотлар ёзиб борилади. Ҳайвонларнинг бошқа хўжаликларга сотилгани ҳам китобда қайд қилиб қўйилади.

Ҳайвонлар Давлат наслчилик китоблари тўғрисидаги Низомга мувофиқ қорақўл қўйлар давлат наслчилик китобига ёзилади.

Қорақўл қўзиларни расмга олиш.

Наслчилик заводлари ва наслчилик хўжаликлариди насл учун қолдирилалгани эркак қўзиларни расмга олиш наслчилик ишларини ташкил этиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Қўзилар улар бонитировка қилинадиган куни, лекин қўни билан 5 кунлик бўлганда, яъни қорақўлнинг сифати ҳаммадан яхши бўлган пайтда расмга олинади.

Элита ва I синф эркак кўзиларни икки кўринишда расмга туширилади кўзининг орқа томонидан ва ён томонидан. Олинган 1-2 расмлар кўчкорнинг насл карточкасига ёпиштириб кўйилади.

Расм олишда кўзининг тўғри туришига, расм олинидиган фонга, жингалакларнинг шакли, терисининг ранги ва нақшнинг тасвири аниқ килиб чиқарилишига эътибор бериллади.

Расмда: хўжаликнинг номи, сурат олинган вақт, хайвоннинг индивидуал раками кўрсатиб кўйилган бўлиши керак (хайвоннинг индивидуал раками унинг олдига кўйиб кўйиладиган трафарет ёрдами билан ва ундаги ракамларни ўзгартириб туриши йўли билан кўрсатилади).

Расмга олинган хайвонлар махсус журналда қайд килиб бориллади. Кўйларни махсус фотограф ёки зоотехник-бонитёр суратга олади.

Расмга олиш учун бўладиган сарф-харажатлар наслчилик заводининг ишлаб чиқариш-молия режасида ҳар йили кўзда тутилади ва наслдор кўзилар таннари хисобига кўшилади.

Камида 9Х12 см кагталикдаги расм кўчкорчанин насл карточкасига ёки насл гувоҳномага албатта ёпиштириб кўйилиши шарт, чунки бу ҳужжат хисобланади. Талабага наслчилик ҳисоби шакллари тўлдириш юзасидан мустақил иш учун топширик бериллади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Қорақўлчиликда наслчилик ҳисобининг қандай шакллари қўлланилади?
2. Наслдор эркак кўзилар нима мақсадда ва қачон расмга олинади?
3. Тўғри расмга олиш учун қандай шарт – шaroитлари бўлиши зарур?

33-МАШҒУЛОТ

ПОДА ИЧИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН НАСЛЧИЛИК ИШИ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ

Машғулотдан мақсад: - қорақўл кўйлар подаси ичида олиб борилладиган селекция-наслчилик иши режасини тузиш ва у билан танишиш.

Ўқув ва кўргазмалар қўлланмалар –Оккапчигай ва “Оёк-қудук” наслчилик заводи ширкат ҳужалиги ва бошқа хўжалиқлар селекция-наслчилик

ишларининг режалари, ҳар хил категориядаги хўжаликлар учун кафедрада ишлаб чиқилган наслчилик иши режаларининг схемалари. Топшириқни бажариш учун керакли аниқ рақамлар.

Машгулотни ўтказиш услуби – машгулот аудиторияда ўтказилади, ўқувчилар наслчилик селекция иши режаларига қўйиладиган асосий талаблар ва қондалар билан мустақил танишадилар, давлат наслчилик заводлари ва товар хўжаликларидagi наслчилик-селекция иши режасини ўргандилар. Кафедрада тайёрланган аниқ рақам материалга қараб ўқитувчи раҳбарлиги остида соддалантирилган схема бўйича наслчилик иши режасини тузадилар. Бунда қуйидаги асосий масалалар кўзда тутилади:

1. Қўйларни жинси, ёши, кўрсаткичлари бўйича гуруҳлари ва барра типига қараб туёк сонини йиллар бўйича қўпайтириш истикболини режалаштириш;
2. Режа-топшириқларни бажариш юзасидан олиб бориладиган наслчилик ишининг вазифалари;
3. Наслчилик ишини ташкил этиш усуллари.

Топшириқни мураккаб ва ўзига хослигини ҳисобга олиб, уни уйда бажариш мумкин.

Машгулотнинг мазмуни - Наслчилик иши қоракўлчилик хўжаликларининг ҳаммасида олиб борилади. Бу иш режа асосида, узок давр (10-15 йил) мобайнида битта шахс раҳбарлиги остида бир йўналишида олиб бориладиганина самарали натижа бериши мумкин.

Наслчилик иши режаси бир йилга ёки бир неча йилга (3-5 йилга) тузилади.

Наслчилик-селекция иши режасини тузиш учун қуйидаги материал ва ҳужжатлар зарур:

1. Хўжалиқнинг ташкил этилиш тарихи ва ҳозирги аҳволи ҳақидаги материал ва ҳужжатлар;

2. Пода тузиш тарихи, пода билан олиб бориладиган иш ва унинг зотдорликка алоқадор натижалари тўғрисидаги материал ва ҳужжатлар;

3. Пода ўтмиш ва ҳозирги аҳволи, унинг ихтисослаштирилиши, олдиндаги вазиқалар, озика базаси тўғрисидаги материал ва ҳужжатлар;

4. Хўжаликда қоракўлчиликни бир йил давомида ёки беш йилликда ривожлантириш: подадаги кўйлар сони, пода таркиби, маҳсулдорлиги тўғрисидаги материал ва хужжатлар (режа);

5. Озика базасини яхшилаш истикболлари тўғрисидаги материал ва хужжатлар (режа).

Поданинг тарихига, унинг қай тариха ихтисослашгани, наслчилик ишининг даражаси, илгари режалар бўлган-бўлмаганлигига қараб режалар ва уларнинг схемаси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин.

Режанинг қуйидаги бўлимлари умумий ҳисобланади:

I. Хўжаликнинг иқлим ва яйлов-озика шароитлари таснифи.

II. Хўжаликни, подани тузиш тарихи, ўтмишдаги (ушбу режа тузилмасидан илгариги) наслчилик ишининг усуллари (босқичлари бўйича). Ўша вақтдаги пода, унинг маҳсулдорлиги тўғрисида таснифи барра типлари, кўйларнинг табиий пуштдорлиги, наслчилик материали, жуи, гўшт етиштириш.

III. Пода ва наслчилик ишининг ҳозирги аҳволи:

а) подадаги кўйлар сони, поданинг жинс ва ёш гуруҳларига қараб ажратиладиган структураси;

б) поданинг таркиби: хайвонларнинг ранги, маҳсулдорлиги, барра типлари, синфи, конституцияси, ривожланганлик даражаси;

в) етиштирилган қоракўл тери сифати, ранги, гуруҳси, нави;

г) наслчилик материали ва бошқаларни етиштириш;

д) наслчилик ишининг йўналиши, хўжаликнинг ихтисосланиши, таъсир доираси.

IV. Режа топшириқлари:

1. Подадаги кўйлар сони бўйича;

2. Пода таркибининг сифат кўрсаткичлари бўйича:

а) маҳсулдор типлари (барра типлари); б) синфи;

3. Мазкур хўжалик учун ва сотиш учун наслдор хайвонлар, қўчқорлар етиштириш бўйича;

4. Ишлаб чиқариладиган қоракўл терининг сифати ва аснавименти бўйича;

5. Режа топирикни бажариш бўйича олиб бориладиган наслчилик ишининг вазикалари;

а) танлаш ва жуфтлаш йўналиши;

б) муайян рангда жакет, яси ва ковургасмон тинда маҳсулот берадиган кўйларни урчитиш бўйича ихтисослаштириш;

в) режалаштирилган ассортиментда қорақўл тери ишлаб чиқариш.

6. Подада наслчилик ишини ташкил этишнинг усуллари:

а) урчитишга кўйилган мақбул тиндаги қорақўл кўйни тасвирлаб бериш:

Кўчкорнинг кўриниши – ранги, маҳсулдорлик тини (жакет, яси ва ковургасмон калами гуллилиги)ни тасвирлаш. Фотосуратларини кўрсатиб кўйиш. Кучайтирилиши, подага тарқатилиши ва унда мустаҳкамланиши керак бўлган энг муҳим афзалликлари, бартараф этилиши зарур бўлган камчиликларни тасвирлаш;

б) хайвонларни индивидуал кўрсаткичлари, келиб чиқиши, наслининг сифатига қараб танлаш усуллари, индивидуал, индивидуал-гурухли, линиялар бўйича, бир хил қилиб, ҳар хил қилиб саралаш, қон-қариндошларни саралаш усуллари;

в) фермалар, отарларни белгиланган ранг, тиндаги кўйлар урчитиладиган қилиб ихтисослаштириш;

г) бошқа подалардан кўчқорлар олиб келиш. Уларни олиб келиш зарурлигини асослаш, маъбанинг тўғри танлангани, олиб келидагина кўчқорлар сони ва улардан фойдаланиш;

д) механизациялаштирилган йирик бригадалар жорий этилиши муносабати билан наслчилик ишини ташкил этиш, ишлаб чиқариш кампаниялари, процесслари (кўйларни қочриш, қўзилатиш подалари, отарлар гуруҳларини тузиш)нинг хусусиятларини тасвирлаш;

е) наслчилик ҳисоби ва ҳисоботларни йўлга қўйиш;

ж) хайвонларни давлат наслчилик китобига қиритиш.

V. Озика базаси. Хўжаликдаги озика базасини мустаҳкамлаш:

а) яйловлардан рационал фойдаланиш усуллари жорий этиш, яйловни алмаштириш;

б) яйловларни яхшилаш ва унумдорлигини ошириш (саксовул, кейреук ва ёввойи ҳолда ўсадиган бошқа озикабон ўтларни экиш);

в) лалмикор ерларда сугориш усулини қўллаб, далада озика етиштириш.

VI. Озика воситаларидан рационал фойдаланиш:

а) озикаларни майдалаш, буглаш ва хоказо;

б) жинси, ёши, физиологик ҳолати ҳар хил ҳайвонлар учун тўла рационли донадор озикалар етиштириш.

VII. Қўйларни боқиш ва асраш режими. Наслдор ҳайвонлар, наслдор қўзиларни ўстириш, наслдор кўчкорларни асраш, қўйларни бинолар билан таъминлаш, сугориш.

VIII. Подани соғломлаштиришга доир даволаш-профилактика тадбирлари.

IX. Кадрлар билан ишлаш. Мутахассислар, чўпонлар ва бонитёрлар малакасини ошириш.

X. Режада кўрсатилган ҳар бир йил учун наслчилик ишининг календар режаси.

Товар ширкат хўжаликларида ва ширкат хужалиги фермаларининг кичикроқ подалари учун наслчилик иши режасини соддалаштирилган схемага мувофиқ тузиш тавсия этилади. Бундай режада қуйидаги бўлимлар кўзда тутилади:

1. Подани тузиш тарихи, унинг ўтмишдаги таснифиси, яйлов-озика шароитлари (қискача);

2. Ҳайвонларнинг жинси, ёши, типлари ва синфларига қараб ажратиладиган пода таркиби. Етиштириладиган қоракўл тери навлари;

3. Хўжалиkning, поданинг ихтисосланиши, наслчилик ишининг йўналиши;

4. Қўйларни жинси, ёши, сифат гуруҳлари, қоракўл терисининг сифатига қараб туёк сонини йиллар бўйича ўстиришни истикболни режалаштириш;

5. Наслчилик материали олинадиган манба, ундан хўжаликда фойдаланиш, наслчилик иши усуллари;

6. Озика базасини яхшилаш;

7. Календарь иш режаси.

Наслчилик иши режалари Бошкарма ёки Бош Бошкарма томонидан тасдиқланади. Уларнинг бажарилишини ҳам шу ташкилотларнинг ўзи назорат қилиб боради.

Тошширик

Кафедрада тайёрланган аниқ ракам материалига асосланиб, ўқитувчининг тошшириги бўйича наслчилик иши режасининг бир ёки бир нечта масалалари ишлаб чиқилсин.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Селекция-наслчилик иши режаси неча йилга ва қандай ҳўжалиқларда тузилади?
2. Наслчилик иши режасини тузиш учун қандай ҳужжат ва материаллар зарур бўлади?
3. Наслчилик иши режаси қандай масалаларни ёритиши керак?
4. “Пода ва наслчилик ишининг ҳозирги аҳволи” деган масалани ёритишда қандай кўрсаткичлар келтириб ўтилади?
5. “Режа тошшириқларини бажаришни таъминлаш юзасидан олиб бориладиган наслчилик ишининг вазифалари ва усуллари” деган масалани ёритишда қандай кўрсаткичлар келтириб ўтилади?
6. “Озика базасини яхшилаш” деганда нимани назарда тутилади?
7. Наслчилик ишининг ҳар йилга тузилган календарь режасида қандай масалалар кўриб чиқилади?
8. Наслчилик ишининг соддалариттирилган схема бўйича режаси қандай масалалар бўйича тузилади?
9. Наслчилик иши режасини ким тасдиқлаб, бажарилишини назорат қилиб боради.

**ҚЎЧҚОРЛАРНИ АПРОБАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ВА САРАЛАШ.
УЛАРНИ СОВЛИҚ ОТАРЛАРГА БИРКИТИШ.**

Машгулотдан мақсад: - Қўчқорларни апробациядан ўтказиш техникаси ва хусусиятларини ўрганиш, қочириш мавсумида қўчқорларни совликларга индивидуал ва ва гуруҳ тартибида биркитишнинг асосий талаблари билан танишиш..

Ўқув ва кўргазмални қўлланмалар – қўчқорларни совликларга индивидуал ва гуруҳ тартибида биркитиш қайдномалари. Қоракўлчилик хўжаликларидан бирортасининг қўчқорлари ва совлиқ қўйлари хақидаги маълумотлар (хайвонларнинг ёши, ранги, барра тип, синфларига қараб ҳисобланган сони). Қўчқорларни апробациядан ўтказилганлиги тўғрисида тузилган актлар шакллари.

Машгулотни ўтказиш услуби – машгулот қўчқорларни апробациядан ўтказиш техникаси ва хусусиятларини мустақил ўрганиш, қоракўлчилик хўжаликларидан бирининг материаллари бўйича қочириш мавсумида қўчқорларни совликларга индивидуал ва гуруҳ тартибида белгилаш талаблари билан танишиш аудиторияда ўтказилади, сўнгра талабалар тегишли топширикларни бажаришади. Ўқитувчи машгулотнинг боришини назорат қилиб туради ва зарур бўлганда тегишли изоҳ-тушуночалар бериб боради. Машгулот охирида бир ёки икки талабага бажарилган топшириқлар бўйича саволлар берилади.

Машгулотнинг мазмуни. Наслдорлиқнинг аъло сифатларига эга бўлган қўчқорлар подасини тузиш наслчилик ишида муваффақиятга эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Наслчилик заводларида қўчқорлар подаси ўша заводда туғилган эркак қўзиларни танлаб, саралаб олиш ва ўстириш билан тўлдириб борилади. Наслчилик ширкат хужалигиларида, наслчилик шаклларида қўчқорлар подаси қўчқорларни наслчилик заводларидан сотиб олиш ва ўзидаги эркак қўзиларни танлаб, саралаб олиш ҳамда ўстириш билан тўлдирилади. Товар хўжаликларида

кўчкорлар подаси наслчилик заводлари ва наслчилик ширкат хужалигиларидан кўчкорларни сотиб олиб келиш ҳисобига тўлдирилади.

Хўжаликда кўчкорлар подасини тўлдирish иши кочириш кампанияси бошланмасидан камида 2-2,5 ой илгари тугалланиши керак.

Пода таркибида кўчкорлар сони 1,5-2,5% дан ортмаслиги, жумладан “яхшиловчилар” ва “текширувчилар” улуши кам деганда 10% бўлиши лозим. Хўжаликлардаги кўчкорлар подаси ранги ва барра типи жиҳатидан ихтисослаштирилган энг яхши (кора, кўк, сур, гулигаз ва бошқа рангдаги) хайвонлар ҳисобига тўлдирилади. Ҳар хил ранг хайвонларни жуфтлаш йўли билан кўк рангли кўйларни урчитишга ихтисослаштирилган хўжаликларда кора ва кўк рангли кўчкорларнинг нисбати тахминан 1:1 га тенг бўлиши керак. Бир хил рангдаги хайвонларни жуфтлаш йўли билан кўк рангли кўйлар олинадиган хўжаликларда кўчкорларнинг ҳаммаси кўк рангли бўлиши керак. Сур кўйларни урчитишга ихтисослаштирилган хўжаликлар фақат мазкур зот типдаги сур кўчкорларга эга бўлиши шарт.

Қоракўл зот кўчкорлар кочириш кампанияси бошланишидан 2-2,5 ой илгари апробациядан ўтказилади. Мазкур хўжаликдаги кўчкорларнинг ҳаммаси апробациядан ўтказилиши керак. Бунда наслчилик хужжатлари ўрганилиб, кўчкорлар зоотехния ва ветеринария текширувидан ўтказилади ва текширув натижаларига қараб комиссия куйидагиларни аниқлаб беради.

а) хўжаликнинг зарур микдордаги кўчкорлар билан таъминланганлиги ва қайси кўчкорларнинг наслчиликда фойдаланишга, наслнинг сифати жиҳатидан текшириб кўришга кўйиш мумкинлигини, қайсилари алмаштирилиши ёки бракка чиқарилиши кераклигини;

б) насл олишга яроқли кўчкорлардан қайси бири мазкур хўжалик учун ортикча ва сотилиши кераклигини;

в) хўжаликнинг совликлари кочирадиган ва синовчи кўчкорлар билан қанчалик таъминланганлиги;

г) тегишли сондаги кўчкорларни хўжалик қайси муддатда алмаштириши ёки бошқасини сотиб олиши кераклигини.

Кўчкорлар апробацияси ҳар йили суғий уруғлантириш пунктларидан бирида ўтказилади. Вояга етган ва ремонт кўчкорларнинг ҳаммаси ранг-туси,

накши, барра типи, жингалакларининг катта-кичигидан кагъий назар апробациядан ўтказилиши керак. Қўчкорларни бош (катта) зоотехник, ветеринария врачлари ва тегишли хўжаликнинг тажрибакор чўпонларидан иборат комиссия апробациядан ўтказди. Комиссия ҳайъатидаги шахслар ва апробация ўтказиш муддатлари юқори ташкилот буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия сони хўжаликларнинг сонига қараб белгиланади. Бунда барча қўчкорларни зооветеринария текширувидан ўтказиш иши мўлжалланган муддатда тутатилиши кўзда тутилади. Комиссия иш бошлашдан аввал юқори ташкилот томонидан бериладиган қўй-йўриқлар, қўчкорларга қўйиладиган талаблар билан танишиб олади. Қўчкорларни апробациядан ўтказадиган комиссия ишни қўчкорларнинг зооветеринария ҳолатини таърифлаб берадиган ҳужжатлар ва зоотехника ҳисоботи маълумотларини текширишдан бошлайди. Қўчкорларнинг наслдорлик ва махсулдорлик кўрсаткичларини баҳолаш учун қуйидаги ҳужжат ва материаллардан фойдаланилади.

1. Наслчилик иши ва сунъий уруғлантириш станциялари, наслчилик хўжаликлари ва давлат наслчилик заводларида, ширкат ҳужалик ва ширкат ҳужалигиларнинг наслчилик фермаларида;

а) қўчкорларнинг индивидуал карточкалари (1-форма) ва наслдорлик гувоҳномаларидан;

б) қўчкорларни наслнинг сифатига қараб текшириш натижалари ва улардан кенг фойдаланилганда олинган натижалардан;

в) қўчкорларнинг муайян линияга мансублиги, хусусиятлари, типиклиги тўғрисидаги маълумотлардан;

г) қўчкорларнинг наслчиликдаги хизмати ва уларга қўйиладиган совликларнинг сифат сифати тўғрисидаги маълумотлардан;

д) хўжаликда олинган қўзилар (насл) сони (эркак ва урғочи қўзилар бўйича алоҳида-алоҳида), уларнинг наслчилик ва махсулдорлик сифатлари тўғрисидаги маълумотлардан.

2. Ширкат ҳужалиги ва ширкат ҳужаликларнинг товар фермаларида:

а) қўчкорларнинг наслдорлик гувоҳномалари ва индивидуал карточкалари (1-форма) дан;

б) кўчкорларнинг аждоллари, хусусиятлари ва типиклиги тўғрисидаги материаллардан;

в) совликлар подасининг зот ва синфи махсуддорлиги тўғрисидаги маълумотлардан;

г) кўчкорлардан фойдаланиш усуллари;

д) кўчкорлар наслининг махсуддорлик ва наслдорлик сифатлари тўғрисидаги материаллардан.

Хужжатлар текширилгандан кейин комиссия кўчкорларни якка-якка ҳолда зоотехника ва ветеринария текширувидан ўтказди, ёш кўчкорлар спермаси сифатини текшириб кўради, уларни сунъий вагинага ирғитишга ўргатади ва зарур бўлса, лаборатория текширувини (инфекцион касалликларни аниқлаш, қон анализи ва бошқаларни) уюштиради.

Комиссия аъзолари хўжалик мутахассислари билан биргаликда наслдор кўчкорларни боқиб, асраш ва улардан фойдаланиш шароитларини яхшилаш юзасидан тегишли таклифларни айтади. Наслдор кўчкорлардан фойдаланиш тўғрисидаги хулосани тайёрлашда комиссия хўжаликдаги совликлар ва аҳолининг қўлидаги шахсий қўйларни соф зотли, юқори гуруҳли кўчкорлар билан таъминлаш зарурлигидан келиб чиқиб керак. Насл олишда фойдаланишга мўлжалланган кўчкорлар режада кўрсатилган типига, хайвонларни урчиштиришнинг расм бўлган усуллари ва мазкур вилоятдаги хўжаликлар учун тасдиқланган селекция-наслчилик ишлари режасига жавоб берадиган бўлиши керак.

Қариндош хайвонларнинг тартибсиз урчиштиришга йўл қўймалик ва қонни янгилаб туриш мақсадида ширкат хужалик ва ширкат хужалигиларнинг подаларида фойдаланилаётган кўчкорлар сови маълум наслчилик репродуктор хўжаликларида, иложи бўлса наслчилик заводларидан олинган кўчкорлар билан вақт-вақтида тўлдириб турилади. Хўжаликлар ўртасида кўчкорлар айирбошлаб борилади.

Комиссия кўчкорлар давлат апробациясидан ўтказилганлиги тўғрисида ҳар бир хўжалик бўйича акт тузади (қуйида келтирилган намунага мувофиқ) ва уни тасдиқлашга топширади: хўжаликлар бўйича тузилган актни вилоят қорасўл бирлашмасининг бошлиғига, станциялар бўйича тузилган актларни эса

тегишли мансабдор шахсларга топширади. Кўчкорлар апробацияси тўғрисидаги комиссия ақтини тасдиклаган туман агросаноат бирлашмаси ёки бошқа ташкилот шу ақтнинг бир нуехасини хўжаликка, иккинчи нуехасини наслчилик ишлари ва чорва молларини сунъий уруғлантириш билан шуғулланадиган давлат станциясига юборди, кўчкорлар апробацияси тўғрисидаги йиғма ахборотини эса қоракўлчилик ширкат хужалигиларининг вилоят бошқармаига ёки вилоятларга бўлинмаган автоном ва иттифокчи республиканинг қишлоқ хўжалик министрлигига топширади (қуйида келтирилган намунага мувофиқ). Мана шу кейинги ташкилотлар апробация материалларига асосланиб туриб, хўжаликдаги кўчкорларнинг кўрсаткичларини яхшилашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга ошириб боради. Кўчкорларни давлат апробациясидан ўтказиш яқунлари тўғрисидаги ахборотни республика қоракўл саноати бирлашмасига ёки иттифокчи республика қишлоқ хўжалиги министрлигига топширади. Булар давлат апробацияси ўтказилганлиги тўғрисидаги йиғма ахборотни ва республикада қўйиладиган кўчкорларнинг сифатини яхшилаш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни ҳар йили Ўзбек қорқўли компаниясиги Қишлоқ ва сув хўжалик Вазирлигига топшириб туради.

АҚТ

“ _____ ” _____ 20 й.

дан иборат комиссия.

_____ Т _____

Республика, вилоят, тумандаги

Ширкат хужалик, фермер хужалиги хайвонларни сунъий уруғлантириш станцияси ва (бошқаларда) фойдаланиш учун кўчкорларни табиий ҳолда зоотехник ва ветеринария текширувидан ҳамда давлат апробациясидан ўтказали.

Бу комиссия қуйидагиларни аниқлайди:

1. Апробация кунига келиб хўжаликда ...(бош) кўчкор бўлган (16-жадвал);

2. Насл олинида фойдаланиш учун қуйидаги қўчқорлар танланди. (17-жадвал).

3. Сотилиши керак бўлган наслдор қўчқорлар (18-жадвал).

4. Бракка чиқарилиши керак бўлган қўчқорлар (19-жадвал).

5. Қўчқорлар сотиб олишга эҳтиёж.

6. Қўчқорларни давлат апробациясидан ўтказиш якунлари бўйича комиссиянинг хулосаси ва тактифлари.

Комиссиянинг раиси (имзо)

Комиссиянинг аъзолари (имзо)

..... (имзо)

..... (имзо)

..... (имзо)

..... (имзо)

Апробация тугаганидан кейин қўчқорлар сараланиб, белгилаб чиқилади, яъни қочирини мавсумида улардан фойдаланиш режаси олдиндан тузиб олинади. Улар хўжаликдаги селекция-наслчилик ишлари режасига мувофиқ белгилаб чиқилади, бунда қуйидаги асосий принципларга амал қилинади:

1. Совлик отарларига рангидан қатъий назар барра типлари бўйича қуйидаги схемага мувофиқ қўчқорлар танланади:

а) жакет гуруҳсига мансуб қоракўл тери етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларда барча совликларга фақат жакет барра типдаги қўчқорлар танланади;

б) кобургасимон гуруҳга мансуб қоракўл тери етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларда барча совликларга фақат кобургасимон барра типдаги қўчқорлар танланади;

в) яси гуруҳга мансуб қоракўл тери етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларда барча совликларга фақат яси барра типдаги қўчқорлар танланади;

г) кавказ барра тип қўйларнинг наслчиликда қиммати йўқ, бу гуруҳга мансуб қоракўл терилар эса номақбул бўлиб ҳисобланади, шу муносабат билан

бундай совликларга хўжаликнинг ихтисосига яраша фойдаланиладиган кўчкорлар қўйилади.

2. Жуфтлаштириш учун мўлжалланган кўчкорлар махсулдорлиги (синфи) жихатидан хамиша ўзларига танлаб бериладиган совлик қўйларга караганда юкорирак бўлиши керак.

3. Жингалаклари майда бўлган қора рангли совликларга хўжаликнинг ихтисосига караб майда ёки ўртача жингалакли кўчкорлар танланади. Жингалаклари ўрта ёки йирик бўлган совликларга эса жингалаклари ўрта кўчкорлар қўйилади.

4. Кўк рангли қоракўл тери етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларда қора ва кўк рангли қўйларни гетероген жуфтлаш усулидан ҳам (бунда кўк рангли кўчкорлар хаво ранг, кумушсимон, садаф ва сафид нақшли бўлиши керак. Улар ранги ва нақшлари жихатидан бир хил килиб сараланган кўк рангли қўйлардан тугилган бўлса янада яхши), кўк рангли қўйларни ранги ва нақши бўйича гомоген килиб жуфтлаш усулидан ҳам фойдаланилади (хаворанг X хаворанг, кумушсимон X кумушсимон, сафид X сафид, садафсимон X садафсимон).

5. Сур қоракўл терилар етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликларда сур ва қора рангли совлик отарларига зоти бўйича шу совликлар билан бир тип ва нақшдаги сур кўчкорлар танланади. Сурханларё ва Қоракалпоқ сур қўйларини урчитишда камбар рангли совликлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

6. Гулигаз ранг қоракўл тери олиш учун гулигаз ва камбар рангли совликларга гулигаз ва камбар рангли кўчкорлар қўйилади, яъни ранг жихатидан гомоген ва гетероген жуфтлаш усули қўлланилади.

7. Оқ қоракўл қўйларни урситишга ихтисослаштирилган хўжаликларда оқ ва қора рангли совликларга оқ рангли қоракўл кўчкорлар қўйилади.

8. Совликларнинг конституциясидан катъий назар, ҳамма холларда ҳам мустаҳкам конституцияли кўчкорлардан фойдаланилади, айрим холлардагина жингалаклари майдарок, нозикрок конституцияли кўчкорлардан фойдаланишга руҳсат этилмайди.

9. Кўк, гулигаз, оқ ва бошқа рангдаги совликларга сур рангли кўчкорларни қўйиш тавсия этилади.

10. Дурагай ва барра кўйлар подаларида соф зотли қорақўл қўчқорлардан юкорида баён килинган талабларни ҳисобга олиб туриб фойдаланилади.

Қўчқорларни саралашда ҳар бирини алохида-алохида индивидуал ҳар бир совлиққа ёки бир гуруҳ совлиқларга саралаб чикилади. Давлат наслчилик заводларининг подасида, линиялар яратиш бўйича иш олиб борилаётган ёки линияларни урчиштириш усули қўлланилаётган жойларда қўчқорлар совлиқ қўйга индивидуал равишда сараланади. Бошқа ҳамма ҳолларда бир хил хусусиятдаги совлиқлар гуруҳига асосий қўчқор ва резерв қўчқор сараланади. Бунда қўчқорга қанча нағрузка тушини аниқланади ва қуйидаги формага мувофиқ саралаш кайдномаси тўлдирилади.

16-жадвал

Зоти		Тегинли ранг ва қўчқорлар сони											Пушти рангларни Ослари		Шулардан			
		Кўслари				Сурлари									Элита		Биринчи сифф	
		Коралари	Оч кўслари	Ўртача кўслари	Тўқ кўслари	Бухоро сурни		Сурханларё сурни			Коракалшоқ сурни							
1																		
2					Тилла ранг-лиллари													
3					Кумушсимонлари													
4					Платинасимонлари (ок олтин)													
5						Қаҳрабо ранг-лиллари												
6																		
7																		
8																		
9																		
10																		
11																		
12																		
13																		
14																		
15																		
16																		
17																		

Насл олишда фойдаланиш учун қуйидаги кўчқорлар қўйилсин

Тартиб №	Инвентарь рақами	Ранги ва нақши	ГШК рақами	Қайси кўчқор насли	Туғилган вақти	Синфи, барра тури, жинслаганиниг йирик-майдалиги	Биринчи уруғлантириш натижалари бўйича уруғлантира олиш қобилияти		Наслнинг сифати бўйича баҳоси (бор, йўқ)	Баҳолаш натижаси
							Уруғлантирилган совмислар сони	Қўзилаганларининг проценти		
1										
2										
3										
4										
5										
6										
7										
8										
9										
10										
11										

Сотилиши керак бўлган наслдор кўчқорлар

Тартиб №	Ивентарь рақами	Ранги ва нақши	ГПК рақами	Қайси кўчқор насли	Тутилган вақти	Сиффи, барра тили, жингалагининг йирик- майдалиги	Аиробациядан ўтказилган вақти
1	2	3	4	5	6	7	8

Бракка чиқарилиши керак бўлган кўчқорлар

Тартиб №	Ивентарь рақами	Ранги ва нақши	ГПК рақами	Қайси кўчқор насли	Тутилган вақти	Сиффи, оварра тили, жингалагининг йирик-майдалиги	Бракка чиқариш муддати	Бракка чиқариш сабаби
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Қўчқорлар сотиб олишга эҳтиёж

Тартиб №	Зоти	Барра тип, синфи	Ранги, вақин жингалагининг йирик-майдалиги	Қўчқорлар сони	Насли	Эслатма

21-жадвал

20__ йилдаги қочирин мавсумида _____ хўжалигининг _____ фермаси _____ отари бўйича қўчқорларни индивидуал суратда совликларга белгилаш кайдноман

Қўчқорлар		Совликлар	
Инди-видуал номерлари	Асосий маълумотлар	Инди-видуал номерлари	Асосий маълумотлар

Ўн қулогда				
Чап қулогда				
Туғилган вақти				
Раңги, нақши				
Конституцияси				
Барра тиши, жингалағининг йирик-майдалиги				
Қайси кўчқор наслидан				
Совлиелар рақами				
Ўн қулогда				
Чап қулогда				
Туғилган йили				
Раңги, нақши				
Конституцияси				
Барра тиши, жингалағининг йирик-майдалиги				
Қайси кўчқор наслидан				
Совлик билан кўчқорнинг қон-қардошлиқ муносабати				
Кўчқорни ушбу совликка белгилаш учун асос				

20 ____ й. “ ____ ” _____

Селекционер-зоотехник _____

20 _____ йилдаги қочирин мавсумида _____ хўжалиқнинг
 _____ фермаси _____ отари бўйича қўчқорларни гуруҳ
 совликларга белгилаш кайдиноман

Қўчқорлар		совликлар	
Инди- видуал номерл ари	Асосий маълумотлар	Асосий маълумотлар	
Ўнг қулоғида	Барранинг тури, жингалағининг йирик- майдалиги Отаси Онаси	Яхшиловчи, текширилмаган, олдий Совликлар отарларининг номерлари	Ёши Рағи, нақши Конституцияси
Чан қулоғида			
Туғилган йили			
Рағи, нақши	Барранинг тури, жингалағининг йирик- майдалиги	Совликларга отар совликларидан тушмаган	Қўчқорни шу гуруҳ совликларга белгилаш учун асос
Конституцияси			
Барранинг тури, жингалағининг йирик- майдалиги			
Қўчқорга отар совликларидан тушмаган			

20 _____ й « _____ » _____

Селекционер-зоотехник _____

1-ТОПШИРИҚ

Хўжаликда қуйида кўрсатилган совликлар гуруҳи бор, сараланиб, уларга белгиланадиган кўчорлар ва тугиладиган кўзиларнинг хусусияти аниқлансин.

23-жадвал

Тартиб №	Совликлар кўрсаткичи			Саралаш тиши	Кўчорлар кўрсаткичи			
	Ранги ва нақши	Баррасининг тиши, синфи	Конституцияси		Ранги ва нақши	Баррасининг тиши, синфи, йирик-майдалини	Конституцияси	Яхшилловчи, олдий, текшириладиган
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	Кўк сара	Элита пишик						
2.	Оч кўк жак, хаворанг	Элита	Пишик					

23-жадвал

Тартиб №	Совликлар кўрсаткичи			Саралаш тиши	Кўчорлар кўрсаткичи			
	Ранги ва нақши	Баррасининг тиши, синфи	Конституцияси		Ранги ва нақши	Баррасининг тиши, синфи, йирик-	Конституцияси	Яхшилловчи, олдий, текшириладиган
1	2	3	4	5	6	7	8	9

3	Оч кўк жак, кумуш	Элита	Мустахкам					
4	Оч кўк жак, кумуш	1	Мустахкам					
5	Оч кўк жак, хаворанг	1	Мустахкам					
6	Тўк кўк жак, сафид	Элита	Мустахкам					
7	Тўк кўк жак.	1	Мустахкам					
8	Оч кўк жак.	1	Мустахкам					
9	Оч кўк яс.	Элита	Мустахкам					
10	Оч кўк яс.	1	Мустахкам					
11	Тўк кўк яс.	Эл ва 1	Мустахкам					
12	Оч кўк яс.	1+2	Мустахкам					
13	Оч кўк яс.	2	Мустахкам					
14	Оч кўк ков.	Эл. 1	Мустахкам					
15	Тўк кўк ков.	1,2	Мустахкам					
16	Оч кўк	1,2	Мустахкам					

	ков.								
17	Оч кўк ков.	2	Мустахкам						
18	Оч кўк жак.	2	Ҳар хил						
19	Тўк кўк жак, кав.	2	Ҳар хил						
20	Оч кўк жак, кав.	2	Ҳар хил						

23-жадвал

Кўчқорларни саралаш, белгилаш	Қуйидагича рангда туғилади деб тахмин қилинган кўзилар, %							Барраси қуйидагича бўлади деб тахмин қилинадиган кўзилар, %				
	Қоралари	Кўклар	Сурлар	Гулиғалари	Қамбарлари	Оқлари	Бошқа рангдигилари	Жакет	Ясси	Қовурғасмон	Кавказ	
10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	

Эслатма: Саралаш типини, яъни кўчқорларнинг қандай совликларга белгиланишига қараб, хўжаликнинг қай хилда ихтисосланишини ўқитувчи кўрсатиб беради. Бир рангли қилиб саралашда қандай тус ва нақидаги кўк кўзилардан қанчадан тутилиши мумкинлигини аниқлаш юзасидан талабаларга топширик беради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Кўчкорлар қайси пайтда апробациядан ўтказилади?
2. Кўчкорлар апробацияси қандай мақсадни кўзда тутади ва қим томонидан ўтказилади.
3. Наслчилик хўжаликлари ва товар хўжаликларида кўчкорларни апробациядан ўтказишда каслчиликка доир қандай ҳужжатлар ўрганиб чиқилади?
4. Апробация натижаларига қараб қайси пунктлар бўйича ва қандай ҳужжат тузилади?
5. Кўчкорларни қочиринишга саралаш иши, белгилаш қандай мақсадда, қачон ва қай тарихда ўтказилади?
6. Кўчкорларни саралаш, белгилашда қандай принципларга амал қилиш керак?

28-МАШГУЛОТ

КЎЧҚОРЛАРНИ НАСЛИНИНГ СИФАТИ БЎЙИЧА ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ.

Машгулотдан мақсад: - Ҳар хил кўчкорларни наслининг сифатига қараб текширишга қўйиш техникаси билан таништириш ва уларнинг ирсий хусусиятларига баҳо беришни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмалли қўлланмалар – қоракўл зот кўчкорларни саралаш ва наслининг сифатига қараб текшириш тўғрисида инструкция (Т 2000), кўчкорларни баҳолаш бўйича ишлаб чиқариш практикаси даврида талабалар томонидан ёзилган ва мазкур машгулот учун кафедрада махсус тузилган қайдномалар.

Машгулотни ўтказиш услуби – машгулот кўчкорларни текширишга қўйиш техникасини мустақил ўрганиш ва ирсий хусусиятларини баҳолаш қайдномалари бўйича аниқлаш йўли билан аудиторияда ўтказилади. Ўқитувчи кўчкорларни баҳолашнинг усулларини қисқача айтиб беради ва улардан ҳар бирининг афзалликлари билан камчиликларини кўрсатиб ўтади. Талабалар кўчкорларни баҳолаш қайдномаларини анализ қилиб, бир наслдор кўчқорнинг бошқасидан қандай афзаллиги борлиги тўғрисида хулоса чиқариб оладилар.

Машгулотнинг мазмуни. Кўчкорларнинг наслдорлик киммати асосий махсулотнинг таснифи, миқдори ва сифати билан белгиланади. Қоракўлчилик амалиётида уларнинг шу киммати фенотипини (бонитировка қилиш) ва генотипини баҳолаш билан аниқланади.

Кўчкорларнинг генотипини уларнинг насл-насабига (зоти-аждоди) ва наслининг сифатига қараб баҳоланади. Кўчкорларнинг ирсий сифатларини уларнинг насл-насаб шажарасига қараб баҳолаш кўчкорлар хусусий белгилари тўғрисида фақат тахминий тушунча беради ҳолос. Кўчкорларнинг насл кимматларини баҳолашнинг анча ишончли усули улардан олинадиган насл кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқишдир.

Бунинг учун улар мазкур хўжаликдаги селекция-наслчилик ишининг йўналишини, подалар хусусиятларини, иқлим ва озикага оид шарт-шароитлар ҳамда наслчилик ишининг навбатдаги вазифаларини ҳисобга олиб туриб ажратилади.

Ўз ёшига кўра нормал даражада ривожланмай қолган, эскетеръериди камчиликлари бўлган, конституцияси нозиклашган, жун қоплами потекис ва исйрак, гавдасидагина эмас, балки думининг ёғли қисмида ҳам дағал ва қурук жунлари бўлган кўчкорлар насл кўрсаткичлари бўйича текширишга қўйилмайди. Қорин, бош ва оёқларининг жун қоплами ҳам ҳисобга олинади (шу жойлар жун билан яхши қорежаган бўлиши керак).

Насл кўрсаткичларига қараб танлашга, олатда, 1,5 яшар кўчкорлар қўйилади, булар биринчи галда бонитировка пайтида шу мақсад учун қолдирилган элита ва I синф кўчкорлар, шунингдек наслчилик хўжаликлари – репродукторлар ҳамда заводлардан келтирилган элита ва I синф кўчкорлардан иборат бўлади.

Насл кўрсаткичига қараб текшириладиган кўчкорларнинг ҳаммаси сунъий вагинада ирғишга олдиндан ўргатилган ва уруғининг сифати текшириб кўрилган бўлиши керак.

2-ТОПШИРИҚ

Хўжаликда куйида кўрсатилган совликлар гуруҳси бор, саралаб белгиланадиган кўчкорлар билан туғиладиган қўзилар хусусиятини аниқлаш зарур.

Текшириб кўришга мўлжалланган кўчкорларнинг сони ҳар йили сунъий урулгантириш учун талаб этиладиган умумий кўчкорларнинг камида 30%ини ташкил этиши лозим

24-жадвал

Тартиб №	Совликлар			Саралаш тиши	Кўчкорлар			
	Ранги ва нақши	Баррасининг тиши, сифи	Конституцияси		Ранги ва нақши	Баррасининг тиши, сифи, йирик-	Конституцияси	Ямғиловчи, оддий, тасвиримаслиги
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Тил.р.сур	Сара.эл.	Мустаҳкам					
2	Кум.р.сур	Сара.эл	Мустаҳкам					
3	Тил.р.сур	Жак.эл	Мустаҳкам					
4	Кум.р.сур	Жак.эл	Мустаҳкам					
5	Тил.р.сур	Жак 1	Мустаҳкам					
6	Кум.р.сур	Жак 1	Мустаҳкам					
7	Кум.р.сур	Яе.эл	Мустаҳкам					
8	Тил.р.сур	Яе.эл	Мустаҳкам					
9	Тил.р.сур	Яе 1	Мустаҳкам					
10	Кум.р.сур	Яе 1	Мустаҳкам					
11	Тил.р.кум.р.сур	Яе 2	Мустаҳкам					
12	Тил.р.сур	Ков.эл.1	Мустаҳкам					
13	Кум.р.сур	Ков.эл.2	Мустаҳкам					
14	Кум.р.тил	Ков.2	Мустаҳкам					
15	Кум.р.тил.	Ков.2	Мустаҳкам					

	р.сур	жак						
16	Пушти	Элита	Мустахам					
17	Пушти	1 кл	Мустахам					
18	Пушти	2 кл	Мустахам					
19	Қамбар	1 кл	Мустахам					
20	Қамбар	2 кл	Мустахам					
Тил.р. (тилла ранг сур)								
Кум.р. (кумуш ранг)								

Кўчкор ранги, нақши, барра тили, синфи жиҳатидан бир хил ва тенг ёшли (кам деганда 2,5 яшар) совликларда текшириб кўрилади. Кўчкорларни насл сифатига караб текшириш иши уларни кейинчалик қайси совликлар гуруҳида фойдаланишига мўлжал қилинаётган бўлса, ўша совликлар гуруҳи устида ўтказилади.

24-жадвал

Кўчкорларни саралаб, белгилаш	Қуйидагича рангда туғилади деб тахмин қилинган кўзилар %							Барраси қуйидагича бўлади деб тахмин қилинган кўзилар %			
	Коралари	Кўёлари	Сурлари	Пуштиранглари	Қамбарлари	Оқлари	Бошқа ранг дагилари	Жакет	Ясси	Қовурғасмон	Кавказ
10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21

Эслатма: Саралаш типини, яъни кўчкорларнинг қандай совликларга белгиланишига қараб, ҳўжаликнинг қай хилда ихтисосланишини ўқитувчи кўрсатиб беради.

Совликлар отари кўрсаткичлари жиҳатидан бир хил бўлганида текширишга қўйилган битта кўчкорга ранг бўйича бир хил қилиб саралашда камида 100 бош, ҳар хил қилиб саралашда камида 150 бош совлик бириктилади.

Уруғлантирилган совликларни ҳар куни ҳисобга олиб, сонини жамлаб бориш билан ҳар бир кўчкорга белгиланган нағрузкаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиб турилади.

Насл кўрсаткичига қараб текшириладётган кўчкорларга ажратилган совликларнинг ҳаммаси қисқа муддатларда уруғлантирилиши ва бир хилда боқиб шароитларига қўйиб қўйилиши керак. Мана шу қўйлардан туғиладиган кўзиларни битта бонигёр бонитировка қилгани маъқул, бунинг учун кўзилатиш даврида совлик қўйларнинг отарлари бир-бирига яқин яйловларда жойлаштирилади.

Текшириладётган қора рангли кўчкорларни баҳолаш учун улардан туғилган кўзиларнинг қўйдаги кўрсаткичлари материал бўлиб хизмат қилади: тери-жун қопламнинг ҳоссалари, чунончи ҳаммаси жам бўлиб кўзиларнинг синфи, жингалақларининг йирик-майдалиги ва барра типини, қоракўл териларининг навларини белгилаб берадиган ҳоссалар.

Кўк рангли кўчкорлар ранги бўйича бир хил қилиб жуфтлашда ҳам, ҳар хил қилиб жуфтлашда ҳам текшириб қўрилади. Гомоген жуфтлашда кўк рангли кўзилар сони ҳам, қора рангли кўзилар сони ҳам селекция қилинадиган энг қимматли нақшлар бўйича, РОЖ усулига мувофиқ яшовчанлиги бўйича, қилган бошқа ҳамма ҳоссалари ва белгилари (барра типини, синфи, жунининг таснифини ва бошқалар) бўйича ҳисобга олинади.

Гетероген жуфтлашда эса текшириладётган кўк ва қора рангли кўчкорларга улардан олинган кўк рангли кўзиларнинг кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам, қора рангли кўзиларнинг кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам баҳо берилади, сур кўчкорларга эса сур ва қора рангли кўзилар ва терилар жиҳатидан баҳо берилади.

Айни вақтда жун копламининг ранги, нақши, ипаксимонлиги ва ялтироклиги нечоғлик ифодаланганига катта эътибор берилади. Наслининг кўпчилик қисми рўйроқ сур ва териси бир текис нақшли бўлиб туғиладиган кўчқорлар жуда қимматли бўлади.

Оқ рангли кўчқорларни текширишда терисининг асосий қисмида оласи бўлмаган, жуллари ўртача узун бўлгани ҳолда аниқ гул ҳосил қилинадиган, узун ва бир текис жингалаклари бўлган кўзилар сонига аҳамият берилади.

Гулигаз рангли кўчқорлар ҳам насл кўрсаткичига кўра худди кўк рангли кўчқорлар каби баҳоланади.

Кўчқорларни баҳолашда эътиборга олинган белгилар сони хўжаликлар (давлат наслчилик заводлари, наслчилик хўжаликлари, товар нодалари) олдига қўйилган вазифаларга ва улардаги наслчилик ишнинг даражасига қараб ўзгариши мумкин.

Текшириладиган кўчқорлардан қочирадиган совлисларнинг қулоқларида номерлари бўлиши керак. Улар шу номерларига қараб отар бўйича қочирини, кўзилаштириш ва кўзиларни бонитировка қилиш журналларига тартиб билан ёзиб чиқилади. Бир марта қуюқниш давомида совлик кўйини икки марта уруғлантириш керак бўлганида уни биринчи марта қайси кўчқорларнинг спермаси билан уруғлантирилган бўлса, иккинчи марта ҳам худди ўша кўчқор спермаси билан уруғлантирилади, лекин буни журналга такрор ёзилмайди.

Совлик кўйлар кўзилаганида янги туғилган ҳар бир кўзига фанера, клеёнкадан ясалган бирка оёқ қўйилади, бу биркага кўзининг жинси, туғилган вақти, онасининг рақами ёзиб қўйилган бўлади. Кўзилар амалда инструкцияга мувофиқ бонитировкадан ўтказилади, бонитировка маълумотларининг ҳаммаси журналга ёзиб борилади. Кўзининг эмбрионал ривожланиш муддати (кўй уруғлантирилган кундан кўзилаган кунгача ўтган давр) кўзининг отаси тайинли деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Бу давр 5 кун фарқ қилиши мумкин. Ўша кунлар тўғри келмайдиган бўлса, кўзининг отаси номаълум деб ҳисобланади ва бонитировка маълумотлари ҳисобга қўшилмайди. Сўйишга юбориладиган кўзиларга металл ёки бир бўлак клеёнкадан иборат бирка оёқлади, унга бригада рақами ва текшириладиган кўчқорнинг шартли рақами ёзилган бўлади. Биркалар кўзининг қулоқ терисига тикиб қўйилади, шунда терисининг

шилаётган маҳалда бирка сакланиб қоладиган бўлади. Қоракўл терилар сараланиб, навларга ажратилганидан кейин биркалар кесиб олинади ва гурухлари, навлари, ранглари ҳамда нақшларига қараб халтачаларга жойланади.

Ҳар бир кўчкор наслини бонитировкадан ўтказиш ва кўзилар терисининг сифатини ҳисобга олиш маълумотлари вариацион статистика усулларини қўлланиб, математик равишда ишлаб чиқилади ёки бирор хил кўрсаткичи бор кўзиларнинг умумий кўзилар сонига нисбатан процент миқдори ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари бир хилдаги совлиқлар гурухларида фойдаланилган барча кўчқорларнинг наслига оид ўртача кўрсаткичлари аниқлаб чиқилади. Айрим ҳолларда ҳар бир белгининг ўртача ифодаланганлик даражаси, яъни баллар ҳисобидаги сифати аниқланади, шу сифатини белгиловчи баллар кайдноманда ҳар бир белги тағига қўйиб чиқилади. Белгининг энг кўп ифодалангани – 10, ўртача ифодалангани – 6, кам ифодалангани – 3 деб баҳоланади. номақбул белгига 0 балл берилади. Баллар ҳисобида баҳо бериш ҳар бир белги бўйича ўртача баллни ва текшириладиган кўчқор наслининг барча белгилар бўйича йиғинди балларини ҳисоблаб чиқишга имкон беради, наслчилик ҳисоби маълумотларини машина билан ишлашни осонлаштиради.

25-жадвал

Кўчқорларнинг шахтли насабини Жакет тинидаги кўзилар, %	Кўзиларнинг сони								Кўчқорнинг ўртача панжи
	Шулардан элита кўзилар, %		Шулардан сифф кўзилар, %		Брак, %				
	М	“ранги”	М	“ранги”	М	“ранги”	М	“ранги”	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	62,0	1	12,0	2	50,0	1	1,0	1	1,25
2	55,0	3	10,0	3	40,0	3	3,0	3	3,0
3	60,0	2	20,0	1	42,0	2	2,0	2	1,75
4	54,0	4	5,0	4	38,0	4	4,0	4	4,0

Олинган маълумотлар кўчкорни наслининг сифатига қараб баҳолаш қайдномада ёзиб қўйилади (26,27-жадваллар). Кўчкорларни баҳолаш қайдномаи бешта қисмдан – кўчкор таснифиси, совликлар таснифиси, бонитировкадан ўтказилган кўзилар сифати, олинган қорақўл тери сифати, кўчкорни баҳолаш ва саралаш қисмларидан иборат. Хар бир қисми бўйича ҳисобга олинмаган белгилар сони хўжалиги наслчилик ишининг вазифаларига қараб ўзгариши мумкин. Препотент кўчкорларни аниқлаб олиш учун селекция қилинаётган энг қимматли белгилар (барра тип, нақши, жунининг узунлиги ва бошқалар) бўйича қўшимча тарзда ўзгарувчанлик коэффициентини (%) аниқланади.

Насл кўрсаткичлари текшириладиган кўчкорлар наслдорлик хусусиятлари жиҳатидан яхшиловчи кўчкорлар, оддий кўчкорлар ва ёмонлаштирувчи кўчкорлар категорияларига бўлинади.

Насл хусусиятлари текшириладиган кўчкорлар индивидуал тарзда баҳоланади, бунида ижобий ва салбий хусусиятларини: а) ўзаро; б) насл хусусиятлари текшириладиган кўчкорлар гуруҳининг ўртача кўрсаткичларига солиштириб; в) яхшиловчи кўчкорлар гуруҳининг ўртача кўрсаткичлари ёки ферма, хўжалик ўртача кўрсаткичларига солиштириб кўрилади.

Кўчкорлар кўрсаткичларини ўзаро солиштириб баҳолашда баҳо беришнинг “ранги”дан фойдаланиш қулай. “Ранг” деб кўчкорнинг кўрсаткич бўйича тутган ўринга (1, 2, 3, 4, ва ҳоказо) айтилади.

Кўрсаткичлар бўйича “ранглар” жамланади ва кўчкор учун ўртача “ранг” чиқарилади, шу билан бирга энг юқори ранг биринчи рангдир.

Жакет барра типдаги қора рангли кўчкорларни “ранглар” бўйича таққослаб баҳолашга мисол, (25-жадвал).

Шундай қилиб, 1 ва 3-кўчкорлар “ранги” бўйича ҳаммасидан яхши бўлиб чиқди. Кўчкорларнинг кўрсаткичларини ўртача кўрсаткичларга солиштириб кўриш йўли билан уларни баҳолашда маълум бир нақш, барра тип, сифдаги кўзиларнинг сони ферма ёки хўжаликнинг ўртача кўрсаткичларидан камида 10% ортик бўлиб чиққан кўчкорлар ҳаммадан яхши деб ҳисобланади, бундай кўчкорлар **яхшиловчи кўчқорлар** деб аталади, бордию, боягидек кўзиларнинг сони ферма ёки хўжаликнинг ўртача кўрсаткичларига тахминан тенг бўлса,

бундай кўчкорлар **оддий кўчкорлар** деб, кўзиларнинг сони ўртача кўрсаткичлардан кам бўлиб чиққан кўчкорлар **ёмонлаштирувчи кўчкорлар** деб аталади.

Масалан: ферма бўйича ўртача кўрсаткичлар қуйидагича – жакет типдаги кўзилар сони 5%, шулардан элита 6%, 1 синф 40%, брак 3%, 25-жадвалдаги маълумотларни таҳлил қилиб чиқиладиган бўлса, бу ҳолда №2 кўчкор оддий кўчкор, №1 ва №3 кўчкорлар яхшиловчи, №4 кўчкор эса ёмонлаштирувчи кўчкор деб ҳулоса чиқариш мумкин.

Кўчкорларни баҳолашнинг юқорида кўрсатиб ўтилган усуллари комплекс тарзда қўлланилади, улардан фақат биттасини қўллаш нотўғри ҳулосалар чиқаришга сабаб бўлиши мумкин.

Кўчкорларни текширишда олинган маълумотларни таҳлил қилиб чиқишда йиллик озика шароитлари эътиборга олинади.

Кўчкорлар маҳсулдорлиги бир хил бўлганида наслдорлик қимматидаги тафовутлари улардан кўпайган кўзиларнинг айрим белгиларини, яъни барра сифатлари шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган белгиларини бир-бирига солиштириб кўриш ва баҳолаш йўли билан аниқланади. Мана шундай белгилар жумласига қуйидагилар киради: ранг қуюқлиги, қоракўл терининг нақши ва унинг бир текислиги, жингалақларининг аниқлиги, бир текис тарқалганлиги, тола узунлиги ва нисбати, тола копламининг ипаксимонлиги, ялтироклиги, селекция қилинаётган бир типдаги барра кўрсаткичига эга бўлган кўзиларнинг сони.

Маълум типдаги кўзилар сони бир хил бўлиб чиқса, шуларнинг орасидаги энг қимматлиларнинг сони қўшимча равишда ҳисобга олинади: жакет типдаги кўзилар учун териси жакет 1 ва кирпук типга кирадиган кўзилар ковоургасимон ва ясси типдаги кўзилар учун ковоургасимон юпка, ясси, қоракўлча ва ҳоказо типдаги кўзилар ҳисобга олинади.

Кўчкорларни баҳолашда мазкур хўжаликдаги наслчилик ишнинг вазибалари, хўжаликнинг йўналиши, поданинг сифат таркиби ва қоракўл тери маҳсулотининг сифатини назарда тутиб иш кўриш зарур.

Жакет типга мансуб кўчкор наслида ковоургасимон типнинг энг яхши қисмига кирадиган кўзилар, ковоургасимон типга мансуб кўчкор наслида эса,

аксинча, жакет типининг энг яхши қисмига қирадиган кўзилар сони кўп бўлиб чиқса, у вақтда бу хайвонлар тегишли совлиқлар гуруҳларида ишлатилиши керак. Ҳар қандай барра типдаги кўйлар билан жуфтлаштирилганида ҳам етарлича юқори кўрсаткичларга эга бўлган насл бераверадиган кўчкорлар чиқиб қолиши мумкин. Мана шундай кўчкорлар ҳаммадан катта аҳамиятга эга бўлади.

Текшириладиган кўчкорлар орасида асосий кўрсаткичлар бўйича ўртача, аммо селекция қилинаётган муҳим белгилардан бирини айланимай, муқим қилиб наслдан-наслга ўтказиб борадиган хайвонлар учрайди. Уларнинг қимматли белги ва хоссаларини подада сақлаб қолиш ва кучайтириш мақсадида мана шундай кўчкорлардан махсус саралашда фойдаланиш мумкин.

Кўчкорларни наслга қараб баҳолашда биринчи марта ўтказилган текшириш узил-кесил бўлиб ҳисобланмайди. Мана шу кўчкорлардан кейинчалик фойдаланишда наслининг сифати кўзиларнинг синфи ҳамда қорақўл терисининг завод нави бўйича доимо ҳисобга олиб борилади. Кўчқорни наслининг сифатига қараб баҳолаш натижалари бўйича унинг наслчиликдаги тутган ўрни аниқланади ва қайси гуруҳ совлиқлар учун ва қандай нагрузка билан ундан фойдаланиш кераклиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

“Яхшиловчилар” гуруҳига қирадиган кўчкорлар икки категорияга бўлинади: биринчиси – энг яхши кўчкорлар, булардан 1000 бош ва ундан кўпроқ совлиқларни қочиришда фойдаланилади, иккинчиси – кўп деганда 400-500 бош совлиқ ҳисобидаги нагрузка билан ишлатиладиган яхшиловчи кўчкорлардир. “Оддий” кўчкорлардан кўйларни йўлда қочиришда фойдаланилади. Ёмонлаштирувчи кўчкорлардан наслчиликда фойдаланилмайди, улар товар подасига ўтказилади ёки бракка чиқарилади.

26-жадвал

20 __ йил _____ хўжаликдаги қорақўл зот кўчкорларни насл кўрсаткичларига қараб баҳолаш қайдномаи

№	Кўчкорлар	№	Совлиқлар	× =	Жумла-дан	Кўк нақш-
---	-----------	---	-----------	-----	-----------	-----------

таснифиси				5	таснифис- тикаси		8	ранги буйича			лари		
Индивидуал рақами	Ранги		Баррасининг типи, синфи		Баррасининг типи, синфи	Ранги		9	10	11	12	13	14
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

Сифатига берилган баллар

Давоми

Бухоро сури			Қорақалпоқ ва Сурхондарё сури			Рангининг ифодалангани			Баррасининг типи			
Нақши			Нақши			Аъло	Яхши	Қониқарли	Жакет			
15	16	17	18	19	20				21	22	23	Жами

Давоми

Снифи, %						Гули		Гул ўлчами			Толасининг узунлиги				
Ковургасимон			Яеси			Кавказ	Брак	Аниқ	Аниқмас	Узуи	Ўртача	Калта	Калта	Ўртача	Узуи
Жами	Элита	1 кл.	Жами	Элита	1 кл.										
27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42

Давоми

Инаксимонлиги			Ялттироклиги			Терисининг каллилиги			Жингалагининг йирис-майдалиги		
Кучли инаксимон	Нормал	Етишмайди	Кучли	Нормал	Етишмайди	Юпка	Калии торган	Калии	Йирик	Ўртача	Майда
43	44	45	46	47	48	49	50	51	52	53	54

Давоми

Қорақўл тери ва наслдор қўнлар сони	Жумладан 1 нав наслдор эркак қўнлар						Кавказ	Жами 3 нав	Бахоси ва белгилашни
	Жакет		Ковургасимон		Ясси				
	Жами	Жакет 1 ва кирпук 1	Жами	Юпкеси	Жами	Юпкеси			
55	56	57	58	59	60	61	62	63	64

Топширик. Қўчкорларнинг кўрсаткичларини бир-бирига, ўртача кўрсаткичларга солиштириш билан уларга насл сифатига қараб баҳола бериш. 29, 30, 31-жадвалларга мувофиқ наслчилик ишида улардан қандай фойдаланиш кераклиги тўғрисида тегишли хулосалар чиқариш зарур.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қўчкорларнинг наслдорлик қиммати қандай қилиб аниқланади?
2. Ёш қўчкорларнинг қанақалари ва қанчаси текширишга қўйилади?

3. Кўчкорлар қандай совликлар устида текшириб кўрилади?
4. Текшириладиган кўчкорларни баҳолаш учун қандай материалдан фойдаланилади?
5. Текшириладиган кўчкорлар насл сифатини ҳисобга олиш техникасини сўзлаб бering.

27-жадвал

_____ хўжаликтаги кўчкорларни 20_____ йилда насл кўрсаткичларига қараб баҳолаш қайдномаи

Тартиб №	Кўчкорлар кўрсаткичи			Совликлар кўрсаткичи		Ҳисобга олинган қўзилар	Рағги бўйича			Кўк			
	Индивидуал рақами	Баррасининг типини,	Рағги	Баррасининг типини,	сиффини		Рағги	Нақиллари					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	

Давоми

Бухоро сури			Қорақалпоқ ва Сурхондарё сури			Барра типини ва сиффини, %								
Нақиллари			Нақиллари			Жакет			Қовурғасимон			Ясеи		
						Жами	Элита	1 с/л.	Жами	Элита	1 с/л.	Жами	Элита	1 с/л.
14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28

Кавказ	Биринчи нав.лари жами, лона	Биринчи нав қоракўл терилар						Кавказ	3-навдагисининг жами	Баҳоси
		Жакет		Қовургасимон		Ясси				
		Жами	Жакет 1 ва кишук	Жами	Юпқалари	Жами	Юпқалари			
29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39

- Кўчкорларни наслининг сифатига қараб баҳолаш қайдномаларининг формасини тасвирлаб беринг.
- Кўчкорларни баҳолашда қандай усуллардан фойдаланилади?
- Наслининг сифати бўйича текшириб кўрилган кўчкорлардан қандай фойдаланилади?
- Кўчкор наслининг сифатига шу кўчкор билан жуфтлаштириладиган совликларнинг сифати, ёши, ем-хашак ва озика шароитлари таъсир қиладими?

28-жадвал

Кўчкорларнинг индивидуал раками	Кўчкорлар					Совликлар				Боинтиров- кадан ўтказилган кўзилар	Кўзиларнинг раги		
	Тутилган	Конститу	Барраси нинг	Қайси	Текшири	Совликл	Ёши	Конститу	Барраси		Қоралар	Рагдорлар	Озалари

Ўнг қулоғида	Чап қулоғида																	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16			

Давоми

Қўзилар																		
Баррасининг тиби						Жингалагининг синфи												
Ярим доира (жакет)	Жингалақлари	Ўсик жингалақли	кавказ	Ковургасимон	Ясси	Майда	Ўртача	Йирик	Элита	Жакет тип элита +1	Барраси буйича брак	Оласи буйича брак						
17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27								

Давоми

Қучли	инақсим	Қучли ва	номал	Деформа	иньялда	Ҳисобга	олинган	Барралар сифати, %	
								Қорақўл	Қорақўл навлари буйича
								гуруҳлари	

28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38
				Жакет	Кавказ	Қовурғасимон ясеи	Жакет 1+ кирпук калли жакет+ +москва, калли кавказ	Қовурғасимон юпка 1, ясеи 1	Барча учала қоракўл туруқларининг биринчи нав.лари, жакет 1, кирпук, жакет калли+москва+наелдор эркек кўзилар	Кўчкорининг баҳоси ва белгиланиши

29-жадвал

Хар хил ранг килиб саралашда кўк ва қора кўчкорларни насл
кўрсаткичига қараб текшириш қайдиноман

Хўжалик номи _____ 20 _____ йил

Кўчкор раками		Кўчкор ранги, баррасининг типи, синфи	Кўчкорининг ёши	Кўчкорининг категорияси (текширилатган яхшиловчи)	Совлиқлар таснифиси (ранги, барра тиби, конституцияси)	Жами олинган кўзилар	Ранги бўйича		
Уш қуллола	Чап қуллола						Кўклари	Қоралари	Қолганлари

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Давоми

Ўқ кўклар										
Ўртача кўклар										
Тўқ кўклар										
Жами нотекислари										
Хаворанг нақшлари										
Қуқуш рангли нақшлари										
Яримдоирасимон барра тип кўклар										
Элита ва барча биринчи синф кўклар										
Браклар										
Майда										
Ўртача										
Йирик										
Яримдоирасимон (жакет)										
Ғина нақшлари										
Ўсинирағалари (кавказ)										
Қоғурасимонлари										
ясиллари										
Элита ва барча биринчи синф кўклар										
Браклар										
11										
12										
13										
14										
15										
16										
17										
18										
19										
20										
21										
22										
23										
24										
25										
26										
27										
28										

Наслчиликда фойдаланишга қолдирилган эркак кўзилар													
Кўклари		Қоралари											
Жами	Жумладан элиталари	Жами	Жумладан элиталари	Жами кўк барралар	Жумладан I навлилари	Жами қора барралари	Жумладан I навлилари	Жумладан		Жами кавказ типдагилари	Жингалари деформацияланган жами	Кўчқорнинг умумий баҳоси ва белгиланиши	
								Жами I навлилар (жакет)	Жами I нав қовурғасimon ясилар				
29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	

29-МАШГУЛОТ

**ҚЎЙЛАРНИ ҚОЧИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
РЕЖАЛАШТИРИШ.**

Машгулотдан мақсад: -қочириш кампаниясига тайёргарлик кўриш техникаси билан танишиш, қўйларни қочиришни режалаштириш ва ташкил этишни ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмали қўллаималар – бирор қоракўлчилик хўжалигининг ишлаб чиқаришга оид материаллари ёки кафедрада ишлаб чиқилган дастлабки маълумотлар, қоракўл қўйларни суғий урулантириш ишнинг ташкил этишга оид тавсияномалар, слайдлар, фотосуратлар, плакатлар.

Машгулотни ўтказиш услуби – машгулот аудиторияда ўтказилади, талабалар кўйларни кочиришни ташкил этиш ва уни ўтказиш техникасини мустақил ўрганиб, аниқ материал (ракам)ни олади ва шу асосда ўқитувчи раҳбарлигида топирикни бажаради.

Машгулотнинг мазмуни. Қоракўл кўйларни кўпайтиришнинг асосий усули сунъий уруғлантиришдир, қисман кўйларни қўлда ва эркин кочириш усули ҳам қўлланилади. Кўйларни кочириш муддати яйлов озика ва иқлим шароитларига боғлиқ, бу хўжалиkning географик ўринга қараб ҳар хил бўлади. Кочириш кампанияси 30–45 кун давом этади.

Қоракўл кўйларни кочириш муддатларини танлаганда кўзилаш муддати яйловдаги ўт-ўланлар барқ уриб ривожланиб турадиган пайтга тўғри келадиган қилиб танланади. Ўрта Осиёнинг жанубий туманларида кочириш кампаниясини сентябрь ойининг охири декадасида, ўрта ҳудудсида октябрь ойининг биринчи декадасида, шимолий ҳудудсида октябрь ойининг иккинчи ярмида бошлаш зарур. Бу кампания одатдагидан кўра 20–25 кун илгарироқ бошланадиган бўлса, натижаларининг жуда яхши бўлиб чиқиши сўнгги йилларда қўлга киритилган тажрибалардан маълум бўлди. Қоракўл кўзилари 8–10 ойлигида жинсий жиҳатдан вояга етади, лекин уларни 18 ойлик бўлганидан кейин кочиришга кўйиш тавсия этилади.

Кўйларнинг қуюкканлигини ўз вақтида аниқлаб олгандагина сунъий уруғлантириш юқори самара беради. Совликларнинг қуюкканлигини қорнига 60x40 см катталиклдаги фартук тутиб қўйилган синовчи қўчқорлар ёки вазоэктомия қилиниб, маҳсуе белгилагичлар ўрнатилган қўчқорлар ажратиб беради. Битта синовчи қўчқорга 60–80 бош совлик тўғри келади.

Кўйларнинг уруғлантирувчанлигини оширишда бир қуюқишда икки қайта уруғлантириш тавсия этилади, шунинг ҳисобига уруғланувчанлик 5–10% ортади. (Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтининг маълумоти). Одатда кўйлар ўша қуни кечқурун ёки эртасига эрталаб биринчи навбатда такрор уруғлантирилади.

Кочириш даврида совликларни ортқича бесарамжонланишдан имкони борича эҳтиёт қилиш зарур, қочириш пунктларига кўйлар қочириш кампанияси бошланишидан 10–12 кун илгари олиб келинади.

Сунъий қочириш пунктига яйловларнинг катта-кичиклиги ва сугориш маъбалари бор-йўқлигига қараб 1500-2500 бош совлик бириктилади.

Уруғлантирилган қўйлар алоҳида гуруҳ қилиб ажратилади, кейинги кунларда уруғлантирилган қўйлар биринчи кун уруғлантирилганларга қўшиб борилади. 12-13 кундан кейин қўйларнинг уруғланган ва уруғланмаганлиги такрор текшириб кўрилади. Қочириш муддати тугаганидан кейин уруғланмаган қўйлар кам қолади, уларни (қочириш пункти ёнилагач) сурувга қўшилган қўчқорлар қочиради.

Уруғлантиришнинг самарадорлиги совликларнинг семизлик даражасига боғлиқ. Чунончи Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти тадқиқотларининг натижаларига қараганда, ўртадан юқори ва ўртача семизликдаги совликларнинг 6,4%, ўртачадан паст семизликдаги совликларнинг 33% сунъий уруғлантириш даврида мутлақо қуюқмайди, уруғланувчанлик ўртадан юқори ва ўртача семизликдаги совликлар гуруҳсида 67% ни, ўртадан паст семизликдаги совликлар гуруҳсида 44% ни ва орик совликлар гуруҳсида 34% ни ташкил этади. Шу муносабат билан қочириш кампаниясига 2-2,5 ой қолганида совликлар қўзиларидан ажратиб (бракка чиқариб) бўлинганидан кейин дарров қочиришга тайёрланади. Қўйлар ялписига ветеринария-профилактика эмлашларидан ўтказилади. Бу даврда қўйлар қамида 1,1-1,2 озик бирлиги ва 110-120 г миклориди хазм бўладиган протени олиб туриши керак. Ўртадан паст семизликдаги совликларни концентратлар билан қўшимча озиклантириб бориш учун алоҳида гуруҳга ажратиб қўйиш лозим.

Қочиришга тайёргарлик кўриш даврида қўчқорларни тўла қимматли озикалар билан боқиб бориш ҳам қилувчи аҳамиятга эга, чунки жинсий активлик организм функцияларининг кучайиши натижасидир. Шу сабабдан наслдор қўчқорларни қочириш кампаниясига 1,5-2 ой қолган вақтдан бошлаб унинг охиригача тўлиқ рацион асосида боқиб бориш устидан қатъий назорат ўрнатиш зарур.

Кўчкор раками		Нақши, конститутцияси сиффи, баррасининг тини	Совлиқлар таснифиси			Олинган жами кўзилар	Ранги буйича			
Ўнг кўлоғида	Чап кўлоғида		Отар раками	Жингалагининг йирик-майдалиш. сиффи.	Баррасининг тини		Сурлари	Коралари	Қамбарлари	Қолгалари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Давоми

Сур кўзилар кўрсаткичи										Қора кўзилар кўрсаткичи											
Нақши буйича			Ярим доирасимон жмингалаклари (жакет ва Ясси тип							Кучли ва нормал ялттирок типи		Ярим доирасимон (жакет типи)			Кавказ тип		Ковурасимон ясси тип		Элита ва I синфлар		Браклари
12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25								

Давоми

Барра маҳсулот кўраткичи						
Жами сур барралари	Жумладан 1- нав	Жами қора барралар	Жумладан 1- навлари	Жумладан жакет гуруҳ 1- нав	Жумладан қоургасимон гуруҳ 1-нави	Жами 1-нав сур ва қора кўзилад
26	27	28	29	30	31	32

Хўжаликлар шароитида қорақўл зот қўчқорларнинг тирик вазни 50-70 кг атрофида бўлади. Қўчқорларни Бутуниттифок қорақўлчилик илмий текшириш институти маълумотлари бўйича озиклантириб бориш нормалари 31-жадвалда келтирилган.

31-жадвал

Қорақўл зот қўчқорларга бир кеча-қундузга бериладиган озиқа нормалари (Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтининг маълумотлари)

Тирик вазни, кг	Озиқа бирлиги, кг	Ҳазм бўладиган протени, г	Кальций, г	Фосфор, г	Каротин, мг
50	1,75	207	8,9	6,1	23

60	1,85	217	9,5	6,6	27
70	1,95	225	10,0	7,2	31,5

Рациондаги озик моддалар миқдори озика бирлиги, хазм бўладиган протейн, кальций, фосфор ва каротин жиҳатидан бекамукўст, тобига келтирилган бўлиши керак. Хўжаликнинг қайси ҳудудда жойлашганига қараб кўчкорлар оптимал рационларининг структураси ўзгариши мумкин. Озикларни тайёрлашнинг мавжуд усулларидан (майдалаш, ун қилиб бериш ва бошқалардан) озикларни донадор ҳолга келтириш, гранулалаш ҳаммадан самаралидир. Донадор ҳолдаги озикаларни озик моддалар миқдори бўйича тобига келтириш осон, рационга ҳар хил қўшимчалар киритишда улар жуда қўл келади, кўчкорларга оптимал рационларни тузишда бунинг муҳим аҳамияти бор.

Кўчкорлардан тўғри фойдаланиш мақсадида уларнинг нағрузкасини қуйидагича белгилаш тавсия этилади: 1 категория яхшиловчи кўчкорлар учун – 1000-1200 бош совлик; 2 категория яхшиловчи кўчкорлар учун – 300-400 бош совлик; текширилаётган кўчкорлар учун 100-150 бош совлик, синовчи кўчкорлар учун – 60-70 бош совлик; қўлда ва эркин қочиринида фойдаланиладиган оддий кўчкорлар учун – 30-40 бош совлик.

Қоракўлчиликда қўйлар сунъий уруғлантириладиган стационар пунктлардан, қисмларга ажратиладиган йиғма ва кўчма пунктлардан фойдаланилади.

Ҳар бир сунъий уруғлантириш зарур асбоб-анжомлар комплекти билан, озикалар, хўжалик асбоб-ускуналари билан ва ҳар қайсисининг вазифаси аниқ белгилаб қўйилган малакали ходимлар билан таъминланган бўлиши керак (32-жадвал). Уруғлантирувчи техник ва унинг ёрдамчиси қисқа муддатли курсларда ҳар йили қайта аттестациядан ўтиб туриши лозим. Пункт ходимларининг тайёргарлигини, шунингдек, қўйларни сунъий уруғлантириш ишини ташкил этишни, назорат қилиб бориш ва шу иш юзасидан ҳисоб бериб туриш вазифасини хўжаликнинг наслчилик ишлари бўйича зоотехниги зиммасига юқлаб қўйиш зарур.

Она кўй карточкасини куйидаги формага мувофиқ тўлдириш тавсия этилади.

ОНА КЎЙ КАРТОЧКАСИ

Кулоғидаги раками: Ўнг кулоғида _____

Чап кулоғида _____

Ранги _____ баррасининг типи _____

Синфи, жингалагининг йирик-майдалиги _____

Дастрлабки уруғлантирилган кун

Кўчкор раками

Такрор уруғлантирилган кун

Кўчкор раками

Кичик (10x15 см) коғоз варақларига ёзилган шу карточкалар ҳар куни тўлдирилади, ҳар бир отар бўйича олиб борилади ва кочириш тугаганидан кейин уруғлантириш журналлари шулар асосида тўлдирилади, унда совликларнинг номерлари бирма-бир ёзиб борилади.

Наслдор кўчкорлардан фойдаланиш карточкаси ҳар куни куйидаги формага мувофиқ тўлдириб борилади.

Кўчкор (яхшиловчи, оддий, текшириладиган кўчкор) карточкаси

Кўчкорнинг кулоғидаги раками, ранги, синфи, барра типини _____

Ширкат хужалиғини № _____ фермасининг _____ сунъий уруғлантириш пункти

Иш вақти _____ дан _____ гача

Вақти	Уруғ микдори	Уруғ сифати	Уруғлантирилган совликлар сонини			Жами	Эслатма
			Биринчи марта	Иккинчи марта	Такрор		

Уруглантирувчи-техник

32-жадвал

**2100-2500 бош қўйга мўлжалланган сунъий уруглантириш пункти
ходимларининг вазифалари**

Ходимлар категорияси	Ходимлар сони	Бажарадиган ишлари
Уруглантирувчи- техник	1	Пунктдаги ишга раҳбарлик қилиш. Қуюккан совликларни аниқлаш устидан назорат олиб бориш. Қўйларни уруглантириш. Пунктдаги асбоб-ускуналарни ҳисобга олиб бориш ва тўғри сақлаш. Пунктга бир қитилган совликларни ўз вақтида уруглантиришни, ишларни сифатли қилиб ўтказишни, ветеринария-санитария қоидаларининг баҳо келтирилишини таъминлаш.
Техник ёрдамчиси	1	Қўчқорлардан уруғ олиш, уни баҳолаш. Қўчқорлар, жумладан синовчи қўчқорларни боқиб ва парвариш қилиш устидан назорат олиб бориш. Сперма текшириладиган лабораторияни санитария жиҳатидан яхши аҳволда сақлаш. Газ ва иссиқ сув бериб турадиган система ишни кузатиб бориш.
Ҳисобчи	1	Қўйларни уруглантириш журналлари, шунингдек белгиланган ҳисоб шаклларини тўлдириш. Қўйларга эн солиш, қулоқларидаги номерлари тушиб қолган бўлса, ўрнига бошқасини қўйиб қўйиш.

		биноларни йиғиштириш, тозалаб туриш.
Чўпон	1	Барча кўчкорларни суғориш, озиклантириш ва яйратиб, сайр килдириб туриш. Уруглантириш учун совликларни ажратиб бериш.
Ишчилар	2	Кўйларни олиб келиб туриш.

33-жадвал

Сунъий уруглантириш пункти иш кунининг тартиби

Ишнинг номи	Соат ва минутлар		
	Бошланиш	Тугаши	Муддати
Ишга тайёргарлик	6.30	7.00	0.30
Кўйларни уруглантириш	7.00	9.00	2.00
Танаффус	9.00	9.30	0.30
Кўйларни уруглантириш	9.30	11.30	2.00
Иш жойларини йиғиштириш	11.30	12.00	0.30
Тушлик танаффус	12.00	14.00	2.00
Хужжатларни расмийлаштириш	14.00	15.00	1.00
Кўйларни такрор уруглантириш	15.00	16.30	1.30
Иш еменасининг муддати			8.00

Кўйларни кочириш қандай бораётганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳар куни, яқунловчи маълумотлар эса ҳар беш кунда топириб турилади.

Сунъий уруглантириш пунктида кўйларни кочириш, кўзилатиш ва кўзиларни бонитировка қилиш журнали (бу журнал кўйларни кочириш тугалланганидан кейин тўлдирилади); кўчкорларни индивидуал ёки гуруҳ тарзида саралаб белгилаш қайдномалари; наслдор кўчкорлар ва синовчи кўчкорларнинг озик рационлари ҳамда уларни асраб боқиш тартиби; пункт ходимларининг вазифалари; пункт иш кунининг тартиби; кўйларни кочириш ишининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги кундалик маълумотлар, совлик

қўйларнинг карточкалари, қўчқорлардан фойдаланиш карточкалари, совлик қўйларни боқиш тартиби бўлиши керак.

Қочириш кампанияси тугаганидан кейин ҳар бир суъний уруғлантириш пункти бўйича қуйидаги формулага мувофиқ акт тузилади:

... ширкат хужалиғи фермасидаги. суъний уруғлантириш пунктининг иши тугагани тўғрисида.

Қочириш кампанияси бошланишидан олдин умуман хўжалик бўйича ёки айрим фермаларнинг ҳар бир отари бўйича қочиришни ўтказиш режаси тузилади.

Шундай режани тузиш ва тегишли ҳисоб-китобларни килиш учун қуйидагиларни билиш керак:

1. Қочириладиган совлик қўйлар отарларининг сони, ҳар бир отарда неча бош совлик борлигини, керак бўладиган қўчқорларнинг сони ва сифатини аниқлаш учун совликларнинг ранги, барра типи, синфи, жингалагининг йирик-майдалиғи бўйича тақсимланиши;
2. Қочириш бошланадиган ва тугалланадиган муддатларни;
3. Қочириш тури – суъний қочириш, қўлда ёки эркин қочириш турини;
4. Ҳар бир отарда совликларнинг қандай тартибда: индивидуал ёки гуруҳ тарзида танланиши, шунга қараб неча бош қўчқор кераклиғи ва қўчқорлар касал бўлиб қолса, уларни алмаштириш учун неча бош резерв қўчқорлар кераклиғи белгиланади;
5. Наслдор қўчқорлар ва синовчи қўчқорлар нағрузкаси нормаларни;
6. Қанча ва қандай асбоб-ускуналар, суъний уруғлантириш пунктлари, хўжалик жиҳозлари, химикатлар ва ишчи кучи кераклиғи;

АКТ

Иш бошланган вақт _____ иш тугаган вақт _____

Отар рақами								
Қочирини вақтидаги совликлар сони (бош)								
Совликлар ёши								
Раиси, барра тури, синфи, жингалагининг йирик-майдалиги								
Пунктда урулгантирилган жами совликлар (бош)								
Фойдаланилган кўчқорлар (бош)								
Кўчқорларнинг кулоқ рақами								
Урулганмай қолган совликлар (бош)								
Эркин қочиринга қўйилган кўчқорлар (бош)								
Қатта чўпон имзоси								

Сун.ур.пункти бўйича ҳаммаси

АКТ тузилган кун Бош зоотехник

Ферма бошқарувчиси

Ферма зоотехниги

Урулгантирувчи техник

7. Қўчириш ўтказилаётган маҳалда кўчқорларга бериш учун қанча озик захира туриши зарурлигини.

Қўйларни қочирини режасини хўжалиқнинг зоотехниги, ферма мудирлари ва қатта чўпонлар билан биргаликда ишлаб чиқади.

Топшириқ

Қўйчилик фермасидаги 16 та отарда 12 миң бош совлик бор, шу жумладан олти отари кўк (икки отари – ўрта кўк, жакет, элита, хаворанг ва кумушранг нақшли, бир отари – ўрта кўк, ясси типда, элита+1 синф; бир отари – ўрта кўк, коворгасимон типда, элита+1 синф; икки отари II кл) олти отари қора (икки отари – жакет типда, элита, жингалагининг йирик-майдалиги ўртача, икки отари – жакет I синф, икки отари – кавказ, жакет II синф (ва тўрт отари

сур) икки отари – жакет, элита кумушранг накшли, бир отари – жакет, I синф, кумушранг ва тилларанг накшли, бир отари – II синф. Жакет, Кавказ). 15 отардаги кўйлар сунъий уруғлантириш йўли билан ва бир отардаги кўйлар эркин қочирилади.

Хўжалик жакет барра типли гуруҳга мансуб қоракўл териларни етиштиришга ихтисослашган, унда ранглига кўра ҳар хил қора ва кўк, гуруҳвий жуфтлаш ва бир хил сур рангли жуфтлаш усули қўлланилади (яйлов холати коникарли).

15 отарда сунъий уруғлантириш ва биттасида эркин қочириш усули қўлланилади. Қочиришни 1 октябрда бошлаб, 30 кун давомида тугатиш зарур. Сунъий уруғлантириш тугаганидан кейин эркин қочириш қўлланилади. Текширишга 10 бош кўк, 10 бош қора ва 6 бош сур кўчкорларни кўйиш керак.

Қочиришни ташкил этиш ва ўтказиш режаси тузилсин. Бунда кўйларни икки қайта уруғлантиришни мўлжаллаб, наслдор кўчкорлар ва уларнинг ўрнини боса оладиган резерв кўчкорлардан, синовчи кўчкорлардан, эркин қочириш учун кўйиладиган кўчкорлардан неча бош керак бўлишини ҳисоблаб чиқиш зарур. Нечта хона, қанча ишчи кучи, асбоб-ускуна зарур бўлиши, уруғлантириш пунктига қанча нагрузка тушиши аниқлансин. Қочириш даврида кўчкорлар учур рацион тузилсин ва уларга қанча озика керак бўлиши аниқлансин (28 ва 29-жадвалларга мувофиқ).

34-жадвал

Қочиришни ташкил этиш ва ўтказиш режаси

Тартиб №	Қатта чўпон	Отар рақами	I-X да	Совлиқлари	Ранги, барра	Қанча кўчкор зарур			Жами
						Яхшиловчи текширилувчидан	Синовчилардан		

							Рағли, барра тиши, сифи	Сони	Рағли, барра тиши, Сони	Рағли, барра тиши, Сони		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Давоми

Ишчи кучи		Бишолар		Асбоб-ускуна			
Сунъий уруғл. пункти	Ёрдамчи ишчилар	Сунъий уруғлангириш	Қўтонлар, қошарлар	Сунъий уруғл. Пункти учуи	Хўжалик асбоблари	Химикатлар	Эслатма
14	15	16	17	18	19	20	21

35-жадвал

Қочириш даврида керак бўладиган озика миклори

Оғар	Қўчқорлар							
	Қ	Конц.	Озика	Қўк беда	Пичан	Сабзи	Тухум	Туз

		Бир кунга	Мавсумга										
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

Давоми

Синови кўчкорлар ва такрор кочиралган кўчкорлар											
Кўчкорлар	Конц.озика		Кўк беда		Пичан		Сабзи		Туз		Эслатма
	Бир кунга	Мавсумга	Бир кунга	Мавсумга	Бир кунга	Мавсумга	Бир кунга	Мавсумга	Бир кунга	Мавсумга	
15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26

Кочириш пунктлари бўйича

Ҳаммаси бўлиб: - конц. озика

- кўк беда
- пичан
- сабзи
- тухум
- туз керак бўлади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Кочириш муддатлари қай тарика аниқланади?
2. Қўйларни кочиришнинг муваффақияти нимага боғлиқ?

3. Пунктга неча бош қўй биркииб қўйилади?
4. Қўчорлар учун қандай нагрузка белгиланади?
5. Қўйлар сунтий уруглантириш пунктдаги хар бир ходимнинг вазифалари нимадан иборат?
6. Пунктда қандай кун тартибига риюя қилиниши керак?
7. Пунктга ҳисоб-китоб ва ҳисобот ишлари қандай формага мувофик олиб борилади?
8. Қочирини режаси қай тарика ва қандай кўрсаткичларга қараб тузилади?
9. Қочирини даврида қўчорларни озиклантириш ва боқиб бориш хусусиятлари нимадан иборатлигини айтиб бериш.

31-МАШГУЛОТ

ҚЎЙЛАРНИ ҚЎЗИЛАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Машгулотдан мақсад: - бугуз совликларни боқини хусусиятларини, қўйларни қўзилатиш ишини ташкил этиш ва ўтказини ўрганиш, қўзилатишнинг режалаштириш ва ташкил этишнинг ўрганиш.

Ўқув ва кўргазмалар қўлланмалар – ҳисоб ва ҳисобот шаклларининг бланкалари, кишлоқ хўжалиги бўйича нормативлар справочниги, қўйчилов справочниги, бирор қоракўлчилик хўжалигидан олиган ёки кафедранинг ўзида ишлаб чиқилган маълумотлар, фотосуръатлар, слайдлар.

Машгулотнинг ўтказини услуби – машгулот аудиторияда ўтказилади, қўйларни қўзилатиш ишини ташкил этишнинг ҳамда қўзилаган қўйларни боқини хусусиятларини талабалар мустабил ўрганиб, аниқ (рақам) материаллар оладилар ва қўйларни қўзилатишга тайёрлаш ҳамда бу ишни ўтказини режасини тузиб чиқадилар. Тошширикнинг мураккаблигини ҳисобга олиб уни қисман уйда бажариш мумкин.

Машгулотнинг мазмуни Қўйларни қўзилатиш қоракўлчиликда масъулиятли ва сермеҳнат жараёндир. 30-40 кун давомида деярли барча қўзилар туғилиб бўлади. Буларни сақлаб қолиш ва маълум шарт-шароитлар яратиш, тўғри ўстириб бориш барча чўпон ва мутахассислардан масъулият талаб қилади. Қўйлар одатда қўкларда – март-апрель ойларида қўзилайди.

Кўзилаш даврида ҳар қайси совликлар отари соғиладиган, кўзилари сўйилган – “мари”, бўғоз кўйлар ва ажратилиш давригача кўзиларини эмизиб турадиган совликлар гуруҳларига бўлинади. Ҳар қайси гуруҳдаги кўйлар сони мавсум давомида ўзгариб боради. Бўғоз кўйлар гуруҳи аста-секин камайиб, эмизикли кўйлар билан “мари” кўйлар гуруҳи кенгайиб боради. Кўзилатиш охирига келиб, ҳар хил ёшдаги сакмонлар ва “мари” қолади.

Кўйлар одатда эфемер ўтлар қалин ўсган, текис яйловларда қузатилади. Кўзилар ана шундай яйловларда ўтлатилганида тез тўйиб олади, текис жойдан чарчамай юради ва яхшироқ ривожланиб ўсиб боради.

Кўйлар кўзилатиладиган жойларда қошарлар, усти ёшиқ майдонча ва қўтонлар бўлиши керак. Кўзиларни бонитировкадан ўтказиш жойи алоҳида тайёрланади. Кўзилаш мавсуми бошланмасидан олдин чўпон бригадалари бўйича олинadиган кўзилар ҳисоб қилиб қўрилади. Бунда бўғоз кўйларнинг ёшига, орик-семизлигига қараб тахмин қилинади. Ҳомилани кўпайтирадиган стимуляторлар қўлланилмаган бўлса, ўрта ёшли ҳар юз бош совликдан 100-105, қари совликлардан 95-100, биринчи марта туғайётган кўзилардан 90-95 та кўзи олиш режалаштирилади. Олинadиган кўзиларнинг 55-60%и териси учун сўйишга мўлжалланади ва 40-45% и ўстиришга қолдирилади, булар асосан ургочи кўзилар, қорақўл терисининг сифати паст бўлиб, бракка чиқарилган эркак кўзилар ва наслдор эркак кўзилардан иборат бўлади. Ҳар бир отар бўйича, совликлар қай тариха саралангани ва кўрсаткичларига қараб, ўстиришга қолдириладиган ургочи кўзилар, наслдор эркак кўзилар, бракка чиқарилган эркак кўзиларнинг кўрсаткичларига доир аниқ рақамлар: олинadиган қорақўл терининг ранги ва сифати (биринчи нав териларнинг қанча чиқиши) аниқланади. Қанча миқдорда қўшимча маҳсулот – ичак-човоқ ва нимта ишлаб чиқарилиши белгиланади. Одатда сўйишга режалаштирилган кўзилар сонининг 80-85% и миқдорда ичак-човоқ ва нимта олиш режалаштирилади.

Кўзиларни тўлик рацион билан боқиб бориш ишини ташкил этиш учун ўстиришга қолдириладиган ҳар 100-125 бош кўзига (кўзилатиш муддатларига қараб) 45 кунга битта соқмончи ажратилади. Кўзиси бор ҳар бир совликка 1,2-1,5 м² ҳисобидан иссиқ қошарлар қўрилади. Бир отар (700-800 бош) совлик

учун олатда кўзиси бор 80-100 бош совлиққа мўлжаллаб несик кошар қуриш кифоя қилади. Буида асосан яйловга чиқарилмайдиган қушларда кичик ва ўрта ёшдаги сакмон боқилади, холос. Қўйлар олатда яйловда ва кечаси дам олиб ётадиган жойларида кўзилайди. Янги тугилган кўзиларнинг нобуд бўлиб кетишига ва бўғоз совлиқларнинг ётиб қолишига йўл қўймаслик учун кечалари ҳар 1,5-2 соат оралаб бўғоз совлиқларни кўздан кечириб, текшириб чиқиш керак. Қўзилар бошланишидан илгари чўпон бригадалари зарур дори-дармонлари бўлган аптечкалар, хўжалик асбоблари (белкураклар, фонуслар, умивальник, кўмир ва бошқалар), халатлар, фартуклар, бонитировкага ишлатиладиган нарсалар, (ёрликлар, кулокка қўйиладиган номерлар омбулар, тешик очкич асбоблар), ҳисобга олиш ва ҳисоб бериш шакллари (кўзилар журналилари, йўлланма-накладнойлар, кўзилатишнинг бориши тўғрисидаги маълумотлар), озикалар қўйларни яйловга чиқармасдан 10-15 кун боқиб туришга етадиган миқдорда қилиб олинган дағал озикалар ва ем билан таъминланган бўлиши керак.

Ҳар қайси гуруҳни боқиб кун тартиби алоҳида-алоҳида белгиланади (41, 42, 43-жадваллар).

41-жадвал

**Бўғоз қўйларни баҳорда боқиб бориш учун тахминий кун тартиби
(С.И.Кедрова маълумоти)**

Кўрсаткич	Вақти (соати)	Ҳаммаси бўлиб неча минут	Суткага нисбатан % ҳисобида
Ўтлатиш	6-10	240	16,6
Сугориш	10-11	60	4,1
Қундузги дам	11-16	300	20,8
Ўтлатиш	16-20	240	16,6
Тунги дам	20-6	600	41,9

Кичик ёшдаги сакмонлар ва бўғоз қўйлар гуруҳини тунда ўтлатилмайди. Катта ёшдаги сакмонларда қундузги дам олиш вақти узайиб боради. Бўғоз қўйлар чўпони кошар ёнида албатта тунда дам олиши керак. Қўзилар тунда

кўзилаб қолганида ёрдам бериш ва янги туғилган кўзиларга, айниқса ёмғир ёғиб, шамол бўлиб турган совук кечаларда қараб туриши зарур. Бўғоз қўйлар, асосан куннинг биринчи ярмида ва кундузги дам олиш соатидан кейин ўтлатилади, кичик ёшдаги сакмонлар эса кун ёришганидан бошлаб то қоронги тушгунча яйловда бўлади.

42-жадвал

Кичик ва ўрта ёшли сакмонларни баҳорда боқиб бориш учун тахминий кун тартиби (С.И.Кедрова)

Кўрсаткич	Вақти (соати)	Ҳаммаси бўлиб печа минут	Суткага нисбатан % ҳисобида
Ўтлатиш	6-10	240	16,6
Сугориш	10-11	60	4,1
Ўтлатиш	11-20	540	36,9
Тунги дам	20-6	600	43,6

43-жадвал

Катта ёшли сакмонни баҳорда боқиб бориш учун тахминий кун тартиби (С.И.Кедрова маълумоти)

Кўрсаткичлар	Апрель		Май	
	Минут	Суткасига нисбатан % ҳисобида	Минут	Суткасига нисбатан % ҳисобида
Ўтлатиш	770	53,5	843	58,4
Ўтлатиб, хайдаб бориш	80	5,5	-	-
Хайдаб бориш	110	7,6	52	3,7
Дам бериш	466	32,5	517	36,1
Сугориш	14	0,9	28	1,8

Тажрибали чўпонлар кўйларни кўзилатиш даврида эти орик бўғоз кўйлар билан хомиласи кўплиги учун олдиндан ажратиб кўйилган кўйларни алохида ўтлатади. Буларга доим кўшимча озика бериб турилади. Кўйларнинг ҳаммасига нетаганча фенотиазин-мис купороси аралаштирилган туз бериб борилади. Кўзилатиш даврида зоомухандислар ва ветеринария врачлари кўйларнинг ҳаммасини ҳар куни ёки икки кунда бир марта кўздан кечириб туришлари керак. Кўзиларни вақтида олиб кетиш ва сўйишга олиб бориш учун маҳсус усқуналанган автомашина ажратилади. Кўзилар маркашлатирилган усудда – фермада ёки хўжалиkning марказида сўйилади. Сўйиш пунктида терини тузлаш ва саклаш учун 2-3 хона, ичак-човоқ ва нимталар сакланадиган хона, омбор, хизматчилар хонаси, қоракўл терини қуритиш учун усти ёшиқ ва очик майдончалар, кўзиларни сўйиш ва қоракўл терини тозалаш учун керакли асбоб-усқуналар, сантехника узеллари, қоракўл терини тузлаш учун егеллажлар (80-100 дона қоракўл терига 1 погон метр ҳисобидан), қоракўл терини саралаш учун столлар, умивальниклар, ювадиган ва дезинфекция қиладиган молдалар, ўртача йирик тортилган туз (бир дона терига 800-1000 г ҳисобидан), ўраб-тутиш учун ишлатиладиган газлама, қоржом ва бошқалар бўлиши керак. Сўйиш пункти ходимларининг сони қуйидаги ҳисобга қараб белгиланади: сўйовчи (қунига 60 та сўяди), тери шилувчи (қунига 60 та терини шилиб олади), тузловчи (қунига 150-200 терини тузлайди), тозаловчи (тери қўлда тозаланадиган бўлса қунига 45-50 дона терини, машинада тозаланадиган бўлса 250-300 дона терини тозалайди). Ичак-човоқларни олиш, тозалаш ва қуритиш учун 1-2 ишчи, сўйиш пунктига мудир, хом ашё товаршуноси, қоракўл, ошпаз, 2-3 нафар ёрдамчи ишчи ажратилади.

Кўзиларни бонитировкадан ўтказишни ўз вақтида ташкил этиш учун бонитёрлар, ҳисобчилар олдиндан белгилаб қўйилади. Зарур бўлса улар транспорт билан таъминланади. Бонитёрлар, ҳисобчилар ва сўйиш пунктининг ходимлари ҳар йили қисқа муддатли маҳсус қуреларда ўқиб, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича мўлжалланган маълумотларни албатта бажаришлари керак.

Тошширик

Кўпчилик фермасидаги 16 та отарда 12 минг бош совлиқ, жумладан 6 отар кўк рангли совлиқлар (икки отари ўртача кўк жакет, элита типидagi совлиқлар, 1 отар ўртача кўк, ясси элита 1 синф тўқлилар, 1 отар-ўртача кўк, коворгасимон, элита 1 синф совлиқлар, 2 отар – барраси барча типларга мансуб бўлган 2 синф совлиқлар (шуларнинг бир отари қари она кўйлар-кишки брак); 6 отар қора рангли совлиқлар) 2 отари жингалақларининг йирик-майдалиги ўртача бўлган жакет типидagi элита совлиқлар, 2 отари жакет типидagi 1 синф совлиқлар, 2 отари кавказ жакет типидagi II синф совлиқлар, булардан 1 отари биринчи марта туғадиган ва иккинчиси қатта ёшдаги совлиқлар ва 4 отар сур совлиқлар бор (2 отари қумушсимои нақшли жакет типидagi элита совлиқлар, 1 отари тилларанг ва қумушранг нақшли жакет типидagi 1 синф совлиқлар, 1 отари жакет ва кавказ типларидаги II синф совлиқлар). Қора ва кўк рангли кўйлар гуруҳли, ҳар хил қилиб ва суррангли, бир хил қилиб сараланган, ҳомилани кўпайтирадиган стимуляторлар қўлланилган эмас. Барча кўйларнинг 20%ни ўртадан паст семизликда ва шунга кўра доимо кўшимча озика олиб туришга муҳтож. Кўйларнинг ҳаммасита 15 кунга етадиган қилиб кўшимча озика ажратилади (йилдада ўтлатиб бўлмайдиган қуларга мўлжаллаб).

Кўйида келтирилган формага мувофиқ (44-жадвал), маҳсулот олиш режасини тузиб, қанча озика, кўшимча ишчи кучи, мутахассис, асбоб-ускуна ва бошқалар керак бўлишини ҳисоблаб чиқиш зарур.

44-жадвал

20 ____ йили ____ вилоят ____ туманидаги
____ ширкат ҳужалгининг ____ фермасида

Кўйлар қўзилашига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишининг оператив
режаси

Тартиб №	Отар рақами	Йил/1.га	Синфи,	100 бош	Жами	Олинган қўзилардан											
						Ўстиришга қолдириладиганлари				Териси учун сўйиладиганлари (бош)							
						У	И	Т	Ж	Ж	Ж	Жумладан					

Бочигерлар	Хисобчилар	Тери тузлашга ишлатиладиган туз	Сўйиш пунктлари	Ангтекалар	Хўжалик асбоблари	Зоотехник асбоблар ва хисоб шакллари	
27	28	29	30	31	32	33	34

Эслатма: Озикаларга эҳтиёжни орик она қўйлар учун (бутун даврга) алохида ҳисоблар чикиш ва 15 кунга етадиган озика запас туришини мўлжаллаш зарур.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қўйларин қўзилатиш иши қачон ва қандай яйловларда ўтказилади?
2. Қўзилатиш даврида бўғоз қўйлар қандай гуруҳларга ажратилади ва уларни боқиб бориш учун қандай кун тартиби тавсия этилади?
3. Неча гуруҳ сақмонлар тузилади?
4. Қўзи ва қўшимча маҳсулот олиш режасини қандай қилиб белгиласа бўлади?
5. Қўзилатиш даврида нечта ва қандай хоналар зарур бўлади?
6. Қўзилатиш даврида чўпон бригадаларига нималар ва қанча озика ажратиб бериш зарур?
7. Сўйиш пунктида қимлар ва неча киши ишлайди.

ҚЎЙЛАР ЖУН ҚИРҚИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШГА ОИД ХИСОБ-КИТОБЛАР.

Машгулотдан мақсад: - қорақўл қўйлар жун қирқимиға тайёргарлик ва уни ўтказиш хусусиятларини тушунтириб бериш, жун қирқимини ўтказиш режалари тузишни ўргатиш.

Ўқув ва кўргазмалы қўлланмалар – ўқув-тажриба хўжалигининг қўйлари. Хисобға олиш ва хисобот бериш шаклларининг бланкалари, жун қирқиш пунктларига мўлжалланган технологик ускуна комплексларининг тасвири, қўйчивон справочниги, қорақўлчилик хўжаликларининг бирортасидан олинган маълумотлар ёки кафедранинг ўзидя ишлаб чиқилган дастлабки маълумотлар, плакатлар, фотесуратлар, слайдлар.

Машгулотни ўтказиш услуби – машгулот аудиторияда ўтказилади, талабалар жун қирқимини ташкил этиш, режалаштириш хусусиятларини шу ерда мустақил ўрганиб, аниқ рақам материални олишади ва жун қирқимини ўтказиш режасини тузиб чиқишади, кейин эса ўқув-тажриба хўжалигининг қўйчилик фермасида ёки практика вақтида жун қирқимини ўтказиш режасини тузишда шахсан иштирок этадилар. Бу топшириқнинг маълум даражада қийинлигини хисобға олиб, уни қиёман уйда бажариш мумкин.

Машгулотнинг мазмуни Зоомухандис жун қирқимини ўтказиш режаси ва графигини, шунингдек бу мавсумнинг технологик харитасини олдиндан ишлаб чиқиши керак. Жун қирқимини ўтказиш режаси отарларни жун қирқиладиган жойға олиб келиш тартиби ва муддатларидан ташқари бир қанча ишлаб чиқариш жараёларини ҳам ўз ичига олиши керак (бинолар, қўйлар, асбоб-ускуналарни тайёрлаш, жун қирқимини маълум муддатларда ўтказиш, қўйларни жунни олинганидан кейин ветеринария-профилактик ишловдан ўтказиш ва бошқаларни).

Мана шу ишлаб чиқариш жараёларининг ҳаммаси жун қирқимини режаси ва графигида ҳам, технологик харитасида ҳам аке этиши керак.

Вояға етган қорақўл қўйларнинг жунни йилига икки марта: қўкдамда ва кузда қирқилади. Ёш қорақўл қўйлар жунни кузда қирқилади (тутилган йилининг ўзидя), бунда олинадиган жун қўзи жунни дейилади. Мамлакатимизнинг барча хуудлари учун қўй жунини қирқишнинг маълум

муддатларини белгилаб бериш жуда кийин. Жун қирқимининг тахминий муддатлари маҳаллий шароитлар ва қўйларнинг ахволига қараб аниқлаштирилади. Бунда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим: баҳорги жун қирқими қунлар исиб, қўйлар жуни "тобига келган"да қирқилади. - қоракўл қўйларнинг жуни шу пайтга келиб, япоклана бошлайди, яъни жун қопламининг тери билан бирикканлиги бўшашади. Баҳорги жун қирқимининг хали иссиқ қунлар бошланмасдан туриб, вақтидан илгари ўтказиладиган бўлса, жуни олинган қўйларнинг хаво совиган маҳалда шамоллаб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Қирқимининг кечикиши жуннинг нобуд бўлишига олиб келади. Жуни олинмаган қўйлар иссиқ қунлар бошланиши билан яхши ўтламайди, улар жуда озиб кетади. Она қўйлар сути камайиб қолади, ўтган йили тутилган қўзилар эса ўсмай қолади.

Кузда қўйлар одатда қўзиларини сутдан ажратгандан кейин, тахминан 15-20 августдан бошлаб, 10-15 сентябргача жуни олинади. Хўжалиқнинг қайси ҳудудда жойлашгани, қўйларнинг қандай муддатда қўзилагани ва жун қопламининг ахволига қараб қузги жун қирқимининг муддати аниқлаб олинади. Шимолӣ туманларда, қузги совуқлар бирмунча эрта тушадиган бўлгани учун, қўйлар жунини эртароқ олишга киришилади, шунда киш тушгунча қўйлар жуни етарлича ўсиб қолади. Киш кечроқ тушадиган Жанубий туманларда қузги жун қирқими сентябрда ўтказилади. Қоракўл қўзилар жуни биринчи марта 5-6 ойлигида олинади, шунда улар жунининг сифати жуда яхши бўлади, қўзи жуни деб шунини айтилади. Айрим ҳолларда қўйлар жунини йилига бир марта олиш мумкин.

Қоракўл қўйлар (баҳорда, кузда) жунини қирқилган 1-2 кун олдин махсус ванна ёки мосламаларда тоза сувда чўмилиштирилади.

Хўжалиқлардаги жун қирқиб пунктларининг сони қўй подаларининг қатта-кичиклиги, ер массивларининг территориал жойлашуви ва қўйларнинг ахволига қараб белгиланади. Жун қирқадиган замонавий электр агрегатлар билан таъминланган қўпгина ширкат хужалиқ ва ширкат хужалиқларда 25-30 минг бош ва бундан кўра кўпроқ қўй жуни битта йириклаштирилган пунктда олинади.

Хар бир агрегатда 24-36-48 ва бундан кўра кўпрок машинка жойлаштирилган бўлади. Сўнгги йилларда йириклаштирилган пунктларда 2-3 та ЭСА-12 Г маркали агрегат ёки 24-36-48 ва бундан кўра кўпрок машинкага мўлжаллаб ишлаб чиқарилаётган жун олиш агрегатлари жойлаштирилган бўлади (КТО-24, КТО-48 маркали агрегатлар). Қўйлар жунини олиш учун мамлакатимизда ЭСА-1Д, ЭСА12 Г, ЭСА-12/200 ва АСТ-36 маркали агрегатлар, қўйлар жунини олиш ҳамда жунга бирламчи ишлов бериш учун эса КТО-24 ва КТО-48 маркали технологик ускуна комплекслари ишлаб чиқарилди. Жун қирқишнинг йириклаштирилган пунктларини ташкил этиш жун қирқувчилар учун қулай иш шароитлари яратишга, техник хизматни ва агрегатдан фойдаланишни анча яхшилашга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилашга, ходимлар сонини қисқартириш ва жун қирқимиغا сарфланадиган меҳнатни камайтиришга имкон беради. Қўйлар жунини механизмлар ёрдамида олишга мўлжалланган махсус бинолари бўлмаган хўжаликларда жун қирқиш агрегатлари шу мақсад учун яроқли биноларга ўрнатилади. Бунинг учун кошарлардан фойдаланилади.

Қўйлар жунини қирқиладиган бино етарлича кенг бўлиши керак. Бунда қўйларнинг жун қирқувчиларга яқин жойда туриши уларни жун қирқувчиларнинг иш жойига етказиб бериб туриш ишини анча енгиллаштиради. Жун қирқувчиларнинг қундузги ёруғликдан фойдаланиб ишлагани маъқул, чунки электр чирокдан фойдаланиш ишловчиларнинг кўзини толиктириб, ишини қийинлаштиради. Жун қирқиш пункти жойлашган бино мумкин қадар хўжалик ёки ферма марказида бўлиши керак, шунда қўйларни олишдан ҳайдаб келишга ҳожат қолмайди. Жун қирқиш пункти ёнида бўш яйловлар ва қўйларни сугориш учун сув бўлиши керак. Жун қирқиш агрегатлари жойлаштирилган асосий бинодан ташқари жунини олинмаган қўйларни ёгин-сочиндан пана қилиб туриш, жунини олиш олдида тургазиб қўйиш мумкин бўладиган хона ҳам бўлиши керак. Пунктда ошхона, шунингдек, жун қирқувчилар учун дўш бўлиши лозим. Бу бинолар жун қирқими бошланишдан 10 кун илгари ремонтдан чиқарилиб, тозаланган, дезинфекция қилинган ва поллари яхши қуритилган бўлиши лозим.

Пунктда зарур бўладиган ашё ва материаллар рўйхати:

1. Қўйлар жунини олиш учун бир қирқувчига 1,7-2,0 м ҳисобидан столлар (стеллажлар), уларнинг эни 1,2-1,4 м, баландлиги 0,4-0,6 м бўлади. Столлар ишлатилмайдиган хўжаликларда қирқувчилар учун тахминан худди шундай ҳисобдан тахта тўшамалар ўрнатилади. Қўйларни столлар ёки тўшамалар устида жунини қирқиш жунни ифлосланишдан сақлайди ва жун қирқувчилар ишини осонлаштиради.

2. Жунни синфларга ажратиш столлари – синфларга ажратувчи ҳар бир ишчи учун биттадан. Бу столнинг узунлиги 2,5 м, эни 1,5 м, баландлиги 0,7-0,8 м. Бундай столнинг юзига кўзи 2x2 см келадиган металл тўр тутилади, бу тўр ёғоч ромга ўрнатилган бўлади. Металл тўр ўрнига ёғоч рейкалардан ишланган панжара ўрнатиш мумкин.

3. Жун тортиладиган тарози билан жун тойи тортадиган тарози.

4. Жун жойланадиган (тойланадиган) материал. Бунинг қанча керак бўлиши жун миқдори, тури ва уни жойлаш усулига боғлиқ (жун прессланади ёки қўл билан босиб тойланади). Жун прессланадиган бўлса, ўров материали камрок сарфланади.

5. Жунни қўлда ўраб тойлашда тойларни осиб қўйиш учун аркон (60-80 м).

6. Тойларни тикиш учун каноп (10-12 кг).

7. Жун тойларини белгилаш учун суюлтирилган бўёқ (10-12 кг).

8. Тойларга тушириладиган трафаретлар ва ракамлар тўплами (1 комплект).

9. Жун қирқувчилар ва бу ишда банд бўлган бошқа ходимлар учун фарғуқлар, халатлар ёки комбинезонлар.

10. Умивальниклар, тоғоралар, совун, сочик (жун қирқимида банд бўлган ишчилар сонига яраша).

11. Том килиб ишлатиш учун кўчма шчитлар (30-40 дона) ва шунга етарли миқдорда козиқлар.

12. Темир белкурақлар, ёғоч курақлар, супурғилар ва бошқалар.

13. Ёнғинга қарши воситалар – сув тўлдирилган бочкалар, кумли яшиқ, чангақ, болта, челак ва бошқалар.

14. Жун қирқиш пункти ишининг натижалари кўрсатиб қўйиладиган тахта.

15. Медицина ва ветеринария аптечкалари.

Электр билан жун қирқадиган ускуна танланганида жуни қирқиладиган қўйларнинг ахволи, жинси ва ёши, улардан қанча жун олинishi ва қирқувчиларнинг малакаси ҳисобга олинади. Битта қирқувчи бир сменада одатда 60-70 бош, энг мохир қирқувчилар эса 100-120 бош қўй жунини олади.

КТО-24 ва КТО-48 маркали унификацияланган технологик ускуна комплекслари (булар 24 ва 48 иш жойига мўлжалланган) жун қирқиш пунктидаги ишларни компеке механизациялашга белгиланган. Шу комплекслар таркибига кирувчи учқуналар жун қирқиш процессларини жун қирқувчиларнинг иш жойидан жуни тортиладиган ва ҳисобга олинадиган жойга етказиб бериш ишларини механизациялашга имкон беради.

Комплексларнинг таркиби	КТО-24	КТО-48
ТШ-5 маркали жун транспортёри	-	1
ТШ-0,5А маркали жун транспортёри	1	-
Жунга мўлжалланган ПГШ-1 маркали гидравлик пресс	1	2
Жуни сифлаш учун СКШ-200 маркали стол	1	2
Бир дискли ТА-1 маркали чархлаш аппарати	1	3
ДАС-350 маркали супортли чархлаш аппарати	1	1
ВГ-10 маркали эшилувчан вал ва АОЛ-0, 12-2С маркали электр двигател ўрнатилган, қўйлар жунини олиш учун мўлжалланган машинка		
	24	48
Жун тортиладиган тарози	1	2
Жун тойлари тортиладиган тарози	1	1
Комплексларнинг асбоблари ва эҳтиёт қисмлари	1	1

Пунктда жун киркувчиларнинг нормал ишлаши учун тахминан куйидаги штатга эга бўлиш тавсия этилади:

	12-машинка (ЭСА-12 Г) га мўлжалланган пунктда	24 машинка (КТО-24) га мўлжалланган пунктда	48 машинка (КТО-48) га мўлжалланган пунктда
Жун киркиш пункти мудири	1	1	1
Электрик-агрегат бошлиғи	1	1	1
Киркувчилар	12	24	48
Созловчи – чархчи	1	2	4
Кўйларни етказиб бериб турувчи	2	4	8
Жунни ҳисобга олиб бориб берувчи	1	2	2
Жунни синфловчи	1	1	2
Синфловчи ёрдамчиси	1	1	2
Прессловчи – ўровчи	1	2	4
Маркировкаловчи- тарозибон	1	1	1
Ҳисобчи тарозибон	1	2	4
Жунни йиғиштирувчи	1	1	2
Ветеринария ходими	1	1	1
Жами:	25	43	80

Жун тойлари СНУ-05 маркали гарамлагич, “Пионер” маркали кран, тельфер ёки бошқа механизмлар билан автотранспортга ортиради. Бу комплеклар жун киркишга мослаштирилган ҳар қандай бинога (кўйхона, гараж, донхонага), об-хаво ва яйлов чорвачилиғи шароитлари қулай бўлганда эса тўғридан-тўғри бостирмага ҳам ўрнатилаверади.

Штатлар жадвали ва ходимлар сони маҳаллий шароитларга қараб ўзгариши мумкин. Масалан, наслчилик хўжаликларида наслчилик ишлари бўйича ҳисобчи, баъзида эса синфловчи ҳам қўшилади. Жун қирқувчилар жадал ишлайдиган бўлса, жунни олиб бориб берувчилар, қўйларни етказиб бериб турувчилар ва ёрдамчи ишчилар сони кўпайтирилиши мумкин.

Жун қирқувчилар иш вақтининг тизилигини ҳисобга олиб, пунктда шундай қун тартиби белгилаш зарурки, токи ишчилар маълум вақт оралатиб дам олиб турадиган бўлишсин.

Қун тартиби жун қирқими учун қанча вақт белгилангани, жун қирқувчиларнинг малакаси, қўйларнинг аҳволи ва бошқа шарт-шароитларга қараб тайинланади. Жун қирқими мавсумий иш эканлигини ҳисобга олиб туриб, иш қуни жун қирқувчи ходимлар, бошқа ишчилар ва ширкатт (қасаба союз) ташкилотининг розилиги билан аксари 8-10 соатгача узайтирилади. Бу – жун қирқувчиларнинг манфаатларига ҳилоф келмайди, чунки меҳнатга ишбай баҳоларда ҳақ тўланади. Қун тартиби ана шундай белгиланганида жун қирқувчилар қуннинг айни қизиб турганида ишламайди. Бундан ташқари иш ва дам олишни навбатлаб бориш одамларнинг иш қобилиятига яхши таъсир кўрсатади.

Малакали жун қирқувчиларгина қўйларнинг терисини кесмасдан жунини тоза ва яхшилаб олиши ҳамда жунни узилишдан сақлаб қолиши мумкин. Малакали жун қирқувчи ходим битта қўй жунини олишга 3-4 минут сарфласа, малакасиз ходим 15-20 минут сарфлайди. Жунни синфларга ажратувчилар одатда матлубот союзларининг тайёрлов кенторалари, жунни бирламчи ишлайдиган фабрикалар, илмий текшириш институтлари ёки олий ўқув юртлари қошидаги курсларда ўқитилади. Жун қирқими даврида малакали қирқувчилар ва уни синфларга ажратувчиларнинг ҳаммаси хўжаликдаги бошқа ишлардан озод этилиши ва жун қирқиниш пунктларида ихтисоси бўйича ишлатилиши керак.

Жуи киркимида иш кунининг тахминий тартиби

Иш бошланиши	Соат 7 да
Иш муддати	2 соат
Танаффус	30 минут
Иш бошланиши	Соат 9, 30 минут
Иш муддати	2 соат
Овкатланиш вақти	Соат 11,30 минут
Танаффус	2 соат
Иш бошланиши	Соат 2,30 минут
Иш муддати	2 соат
Танаффус	30 минут
Иш бошланиши	Соат 17 да
Иш муддати	2 соат
Ишнинг тугалланиши	Соат 19 да
Жами:	12 соат
Шундан иш вақти	- 8 соат
Дам олиш вақти	- 4 соат

45-жадвал

Қорақўл қўйларнинг баҳорги жуи киркимига тайёргарлик кўриш ва ушн ўтказиш режаси

Катта чўпон	Отар рақами	Қўйларнинг	Отардаги	Ўрта ҳисобда	Жуи олиш	Чўмилтири	Жуи	Жуи киркимига	Жуи киркила диган кун	Профилакти	Эслатма
-------------	-------------	------------	----------	--------------	----------	-----------	-----	---------------	-----------------------	------------	---------

										Бошлангани	Тугалгани	
												1. Жун киркими _____ кун ичида _____ дан _____ гача ўтказилади
												2. _____ жун олинади, _____ ок ва оч кук жун олинади

Жун киркимининг самарали ўтишида қўйлар жун қопламнинг ҳолати катта аҳамиятга эга. Қўйларнинг жун ифлосланмаган, тоза бўлса, терисига яқин қилиб, кўп зўр бермасдан текис олинади. Қўйларнинг жун чанг босган ёки ифлослаиб кетган бўлса, уни олиш кийинлашиб, жун киркувчиларнинг меҳнат унумдорлиги пасайиб кетади. Қўйларнинг оёқлари ёки хатто қорини ҳам парча-парча ифлос ва тезак босган бўлса, уларнинг жунини олиш жуда машаққатли бўлади. Қўйлар жунининг ҳар хил хас-чўплар, чакамиг-тикон, тирсак ва бошқа бегона ўсимликлар билан ифлослаиб кетгани ҳам жун киркимини кийинлаштиради. Чўпонлар бутун йил бўйи қўйлар жунини ифлос бўлиб кетишидан сақлаш чорасини кўриб боришлари керак. Бунинг учун қўйларни тўлиқ рацион билан боқиб бориш, яхши шароитларда асраш ва уларни тегишлича парвариш қилиб туриш керак.

Жун киркимини ўтказиш режасини тузишда хўжаликдаги қўйлар сонига, жун киркиш агрегатлари бор-йўқлигига, жун киркувчи ходимларнинг малакаси, шу ишни ўтказиш муддатларига қараб иш кўрилади. Қўйлар жун 10-12 иш кунни давомида олиб бўлинадиган бўлса, буни нормал деб ҳисоблаш керак. Хўжаликда 10 минг бош қўй ва 24 та машинкага мўлжалланган ЭСА-12Г маркали жун киркиш агрегати бўлса, у вақтда жун киркимини 12 иш кунни

давонида тугалаш учун жун киркувчи ҳар бир ходим кунда ўрта ҳисоб билан камида 35 тадан қўй жунини олиб борадиган бўлиши керак. Жун киркувчи ходимлар малакаси юкори бўлса, жун киркими тезроқ тугалланади. Қўйларнинг жойлаштирилганига қараб мазкур ҳўжаликда гарегатлар сонига яраша 24 та машинага мўлжалланган битта ёки иккита жун киркиш пункти ташкил этилиши мумкин. Ҳўжалик учун битта жун киркиш пункти ташкил этиш кўпроқ фойдалидир: бу – жун киркиш машиналаридан яхшироқ фойдаланиш, иш сифатини ошириш ва кўшимча сарф-харажатларни камайтиришга имкон беради. Қўйлар жунини олишда меҳнатга амалдаги таъриф ставкаларига мувофиқ ҳақ тўланади. Ишни бошлашдан аввал жун киркими режаси тузилиб, бунда қўйларни чўмилтириш, жунини олишга етказиб бериб туриш навбати ва жун киркимининг календарь муддатлари кўзда тутилади (45-жадвал). Қўйлар жунини киркишга киришишдан аввал пунктнинг ҳамма ходимлари ва чўпонлар билан хавфсизлик техникаси бўйича инструктаж ўтказиш зарур. Қўйларни етказиб бериб туриш навбатини ҳўжалик мутахассислари – зоомуҳандислар билан ветеринария ходимлари қўйлар саломатлигига ва жун қоқламнинг аҳволига қараб белгилайди. Йирик ширкат ҳужалиги ва ширкат ҳужаликларда биринчи галда камроқ кўмматли ҳисобланган 2-3 та отар қўй жунини олишга етказиб келинади, шунда жун киркувчилар машинага ўрганиб олади ва агрегатнинг барча камчиликлари бартараф этиладиган бўлади. Кейин бошқа отарларнинг қўйлари олиб келинади. Одатда жун нобудгарчилигига йўл қўймаслик учун биринчи навбатда кишда кўзилаган совлик қўйлар жунини олинади, сўнгра ўтган йили тутилган кўзилар, ахта кўчкорлар, кўчкорлар ва она қўйлар жунини олинади. Ранги ҳар хил бўлган қўйлар жунини бир-бирдан алоҳида қилиб олиш керак. Бир отарда ҳар хил рангли қўйлар боқиб келинган бўлса, жун киркишдан олдин уларни албатта гуруҳларга ажратиб қўйиш керак. Қўйлар жунини фақат қуруқлигида олинади, борди-ю улар хайдаб келинаётганда ёмғирда қолган бўлса, уларнинг қуришини кутиш керак. Қўйлар жун киркишдан 12-14 соат илгари озиклантирилиши керак, чунки қорни тўйиб кетган қўйлар жун киркимига яхши бардош бермай, кўпинча касал бўлиб қолади (ўлиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди). Она қўйларнинг жунини олишда уларни кўзиларидан ажратиб олинади. Кўзилари пункт ёнидаги қўйхона ёки

бошка бинода алоҳида қўйиб қўйилади. Жун қиркими катта ёшдаги сакмонлардан бошланади. Қўтир ва бошка юқумли касалликлар билан оғриган қўйлар жунини олиш, шунингдек, бундай жунни ўраб жойлаш, сақлаш ва жўнатиш ишларини амалдаги ветеринария қонунларига қаттиқ риоя қилинган ҳолда ўтказиш лозим. Қўйлар жунини олаётганда чўпон бригадалари жун қиркимининг сифатини кузатиб бориши, қўйлар териси чакаланса жароҳатларини дезинфекцияловчи моддалар билан ишлаши, қўй туёқларини калта қилиб олиб қўйиш керак.

Бригадир чўпон ўз отаридаги қўйлардан олинган жунни ўлчашда соф тола чиқишини лабораторияда аниқлаш учун жундан намуналар олишда ва контроль қиркимларни ўтказиб кўришда иштирок этади.

Қўйдан олинadиган ўртача жун микдорини аниқлаш учун контроль қирким ўтказилади. Қўйлар жунни қиркиб олинганидан кейин 10-12 кун ўтган профилактика мақсадида чўмилтирилади.

Топширик

Фермада баҳорги жун қиркими режасини тузинг. Бу фермада 18 миң бошқўй, жумладан 630 бош кўчкор, 1370 бош ахта кўчкор, 4 миң бош ўтган йили туғилган қўзи ва 12 миң бош совлик бор (жумладан 6 отар кўк, 6 отар қора ва 4 отар суррангли қўйлар). Қўйлар жун қиркимини 15 кун ичида тугаллаш керак.

Аввал тайёргарлик ишлари режасини ишлаб чиқинг. Бу режа қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Қўйларнинг жунни олинadиган биноларни тайёрлаб қўйиш (бу биноларнинг қаерда жойлашгани кўрсатилиб, тайёргарлик ишлари ва уларни бажариш муддатларини бирма-бир синаб чиқинг);
- Электромеханик йўл билан жун қиркадиган ускуналарни ўрнатиш (агрегат маркаси, ёрдамчи ускуналар, тараси ва бошқалар);
- Қўйларни жунини олишга тайёрлаш (чўмилтириш вақти, хайдаб келинадиган қуни ва йўли, жунини қирқиш олдидан турғизиб қўйиш);

- Жун киркувчи ходимларни тайёрлаш (жун киркувчи ва ёрдамчи ходимлар сони ҳисоблаб чикилади).

Кўйларнинг жунини киркимига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш режаси 45-жадвалда келтирилган формага мувофиқ тузилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Қоракўл кўйларнинг жунини қачон олинади?
2. Жун киркиш муддатлари нимага боғлиқ?
3. Кўйларни жунини олишга тайёрлаш техникаси қандай?
4. Кўйлар жунини қаерда ва қандай ускуналар ёрдамида олинади.
5. Жун киркими даврида қандай қун тартиби энг маъқул ҳисобланади?
6. Кўйлар жунини олишда неча нафар ходимлар зарур?
7. Кўйлар жунини олиш режаси формасини тасвирлаб бering.

